

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҲАКИМОВ Қ. М., МИРАКМАЛОВ М.Т.

ТОПОНИМИКА

(ДАРСЛИК)

ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ: “5140600-ГЕОГРАФИЯ”

ТОШКЕНТ
“ ”
2020

Ҳакимов Қ.М., Миракмалов М.Т. Топонимика: “5140600-География” бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун дарслик. Масъул мухаррир Гуломов П.Н.-Тошкент. “ ” 2020. 355 -б.

Китобда топонимика фанининг асосий таркибий қисмлари бўйича ҳозирги замон тушунчалари баён қилинган. Топонимиканинг фанлар тизимида тутган ўрни аниқ белгиланган, соҳага оид илмий изланишлар тарихи, фанинг фарқловчи хусусиятлари ва тадқиқот методлари аниқланган. Топонимларнинг мавжуд илмий классификацияси турлари таҳлил этилган, ҳамда турли топонимик ҳодиса ва жараёнларнинг ўрни тадқиқ қилинган. Китобда фанинг асосий назарий ва методологик жиҳатлари билан бирга республика ва вилоятлар топонимиясининг умумий шарҳи берилган.

Дарслик олий ўқув юртларнинг “5140600-География” бакалавриат таълим йўналиши талабаларига мўлжаллаб тайёрланди.

В учебнике даны современные представления по основным направлениям топонимики. Показано место топонимики в системе наук, история развития научной мысли в названной области, принципы и методы науки. Рассматриваются существующие схемы классификации топонимов, анализируется разнообразие топонимических фактов и явлений, их роль в современном мире. Наряду с ключевыми теоретико-методологическими составляющими курса, дается общий региональный топонимический обзор.

Учебник предназначено для студентов высших учебных заведений обучающие по специальностям «5140600-География».

The textbook represents modern notions of main trends in toponymy. The role of toponymy among other structure is shown that, the history of researches related to the field, the methods of research and special features of the subject were analyzed modern system of geographical place names were analyzed, the role of different toponymic events and processes were looked through. Moreover, the textbook includes information about general continental toponymy and the theory of toponymy and its methodological features were discussed as well.

The textbook is intended for undergraduate students of «Geography-5110500».

Ҳакимов Қ.М., Миракмалов М.Т.2020

© «», 2020

СҮЗ БОШИ

Ҳар бир фан тараққиёти давомида турли ривожланиш босқичларини босиб ўтади. Бунинг учун жамиятда зарурий шароит, талаб ва эҳтиёж пайдо бўлиши, мустаҳкам илмий пойдевор яратилиши шарт. Географик номларни ўрганадиган фан -топонимика ҳам барча ривожланиш босқичларни босиб ўтиб, алоҳида илмий йўналиш сифатида XX аср бошида шаклланди ва ўтган давр мобайнида илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга фанлар қаторидан ўрин эгаллади.

Топонимиканинг тадқиқот обьекти бўлган географик ном - серқирра борлиқ, ҳодиса ва воқеалар бўлиб, айрим ижтимоий ва гуманитар фанларнинг ҳам тадқиқот доирасига киради. Албатта, ҳар қайси фан ўзининг хусусияти ва моҳиятига кўра ва ҳар қандай тадқиқотчи ўз мутахассислигидан келиб чиқиб жой номини тадқиқ ва таҳлил қиласди.

Топонимика биринчи галда географиянинг амалий эҳтиёжлари таъсирида вужудга келган. Чунки, унинг ўрганиш обьекти бўлган топоним - географик муҳитнинг маҳсули сифатида, географик обьектларни бир-биридан фарқлаш учун хизмат қиласди. Бундан ташқари, географик номлар картанинг муҳим элементи ва ахборот манбаи сифатида географик муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини акс этиб, инсон ва географик обьект орасида боғловчи вазифасини ўтайди. Демак, жой номининг асосий вазифаси ва бош мақсади - маълум бир географик обьект ўрнини аниқ белгилашдан иборат.

Топонимика ижтимоий фан дейишга ҳам асос бор, чунки географик ном ҳам сўз ва у тил қонуниятларига бўйсунади. Шунинdek, жой номлари жамият тарихи билан ҳам чамбарчас боғлиқ, уларда муайян тарихий воқеа-ҳодисалар мужассам. Географик обьектларга қандай ном бериш, энг аввало жамиятнинг муайян босқичдаги эҳтиёжлари билан белгиланади. Бинобарин, ишонч билан айтиш мумкинки, агар топонимиканинг методологик асосини география ташкил қиласа, унда тарих - вақтдаги шартли белгиси, филология - ҳар иккисини лексик ифодасидир.

Шундай қилиб, мажмуали хусусиятга эга бўлган географик номлар ҳақидаги фан топонимика - ана шу учта давлат ва миллат номи билан аталадиган - география, тарих ва филология фанларнинг “симбиоз”идир. Топонимика ўтган асрнинг иккинчи яримидан бошлаб тез суръатлар билан ривожланди. Бунга албатта, фаннинг ички имкониятлари ва “чегаравий” фанлар билан уйғунлашиб, илмий-тадқиқот ишларини оқилона ташкил қилиши сабаб бўлган. Демак, турли фанларнинг ўзаро таъсири бу - қонуний жараён. Илмий-тадқиқот ишлари ҳам айнан, бир неча фанлар манфаатлари туташган жойда самарали ривожланмоқда. Географик номларни ўрганувчи топонимика - ана шундай фанлар сирасига киради.

Ҳар қандай географик ном - бу дунёни англаш маҳсули, унда муайян бир ҳудуддаги кишиларнинг кундалик ҳаёти, турмуш тарзи, маданияти, урфодатлари ўз ифодасини топган. Бинобарин, ижтимоий зарурат маҳсули бўлган номлар инсониятни географик муҳитдаги объектив ҳодисавоқеаларни қанчалик англаб олиш жараёнини ўзида акс этади. Бу жараён албатта, кишиларни ижтимоий ҳаёти, миллий ва маънавий қадриятлари, маҳаллий аҳолини этник таркиби, миграцияси, тил тарихи ҳамда уларни ўраб турган табиий-географик муҳит билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “... мамлакатимиз бой тарихи, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш учун зарур муҳит ва шарт-шароитларни яратишимииз керак. Ана шу вазифани ҳал этишда турли дарсликлар яратиш, уларни чоп этиш ва молиялаштиришда жиддий тўсиқлар бўлмаслиги лозим”.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда миллий қадриятларимизнинг муҳим қатламларидан бири бўлган жой номлари ва уни ўрганувчи топонимика фанига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунга охирги йилларда республика олий таълим муассисалари учун нашр қилинган битта дарслик (Қ.Ҳакимов. Топонимика. -Т., 2016. -368 б) ва иккита ўқув қўлланма (С.Қораев. Топонимика. -Т. 2006, -320 б.), (А.Низомов. Топонимика. -Т., 2012. -120 б) яққол мисол бўлади. Олий ўқув юртларнинг 5140600-География

мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган бакалавриат талабалари учун яратилган мазкур дарслик, йўналишнинг ўқув режаси ва фан дастурига мос ҳолда тайёрланди. Уни яратишда муаллиф сўнгги йилларда чоп қилинган ўқув адабиётларни танқидий-таҳлилий ўрганган ва улардан лозим даражада фойдаланган.

Дарслик мақсади - мавжуд географик, тарихий ва лингвистик маълумотлар негизида топонимика фани ҳақида илмий тушунча ҳосил қилиш. Дарслик вазифаси - топонимиканинг фанлар тизимидағи ўрнини белгилаш, топонимик тадқиқотлар тарихи ва методлари ҳақида билимларни шакллантириш, географик номларнинг турларига оид муаммоларни ўрганиш, талабаларни турли замонавий топонимик факт ва ҳодисалар билан яқиндан таништиришдан иборат.

Китобда топонимиканинг ҳозирги замон муаммоларига оид тушунчалар умумлаштирилган ва тизимли тадқиқ қилинган. Фаннинг назарий-методологик асослари билан бирга вилоятлар топонимиясига оид умумий тавсиф берилган. Дарсликнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, унинг таркибий қисмлари қуйидагича: биринчи бобда фаннинг назарий-методологик асослари таҳлил қилинган, иккинчи боб географик номларнинг турларига бағишиланган, учинчи бобда топонимиканинг амалий аҳамияти ёритилган, тўртинчи боб вилоятлар топонимиясининг худудий таҳлилига бағишиланган.

Муаллифлар қўлёзмани кўриб чиқишида ва уни нашрга тайёрлашда иштирок этган барча кишиларга, айниқса масъул муҳаррир г.ф.н., доцент Ғуломов П.Н. тақризчилар: г.ф.д., профессор А.Абдулқосимов г.ф.н., доцент Ҳ.Мирзаахмедовга китобни мазмуни ва таркибий қисмларини такомиллашувида берган қимматли маслаҳатлари учун миннатдорчилик билдиради.

I БОБ. ТОПОНИМИКАНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. КИРИШ

 **Режса:**

1. Топонимика фани, тадқиқот обьекти ва предмети
2. Фаннинг мақсади ва вазифалари, қисқача ривожланиши тарихи
3. Ўқув фанининг бошқа фанлар билан бөглиқтаги

 **Мавзунинг мақсади:** Топонимика фанининг тадқиқот обьекти, мақсади, вазифаси, фанлар тизимидағи ўрни ва асосий ривожланиши босқичлари ҳақида илмий асосланган маълумотлар берши.

 **Таянч ибора ва атамалар:** Топонимика, мажмуавий илмий йўналиши, географик ном, сўз туркуми, appellativ, атоқли от.

Топонимика фани, тадқиқот обьекти ва предмети: Ҳар қандай фаннинг назарий асослари такомиллашган сари, унинг обьекти, предмети, мақсади ва вазифалари ҳам аниқлашиб боради. Мажмуавий фан сифатида эътироф этилган топонимика (юонча, topos - жой, onyma - ном) географик номларнинг пайдо бўлиши, яратилиш қонуниятлари, шаклланиши ва ривожланиши, турлари, трансформацияси, худудий тафовутлари, миграцияси, ҳозирги ҳолати, маъно-мазмуни, талаффузи ва ёзилишини ўрганувчи мустақил фан ҳисобланади.

Мутахассислар топонимика ва топонимияни бир-биридан фарқлаш керак дейишади. Топонимия - деганда муайян худуддаги географик номларнинг йиғиндиси тушунилади. Демак, топонимия - топонимика фанининг ўрганиш обьекти бўлса, топоним унинг тадқиқот предметидир. Мажмуавийлик топонимиканинг табиатида мужассам, фан ривожланган сари унинг бу хусусияти яққолроқ намоён бўлади.

Топонимиканинг муҳим бир хусусияти, ижобий томони шундаки, туташ фанлар (лингвистика, тарих, география) ютуқлари ва усулларидан фойдаланиш имкониятига, синтез қилиш қобилиятига эга. Мажмуавий

ёндошув топонимикани фан сифатида жадал суръатлар билан ривожлантиради ва унинг илмий ва амалий аҳамияти янада оширади. Шу билан бирга, фаннинг ўрганиш обьекти бўлган топонимияга нисбатан турлича ёндошиш имконияти пайдо бўлади.

Топонимик тизимнинг бир бўлаги бўлган ном турлича кўринища бўлиши мумкин. Шу сабабдан, номлар мажмуасининг барча ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб таҳлил қилинганда тўғри ва самарали натижага эришиш мумкин. Демак, топонимик тизимдан ажратиб олинган алоҳида ном илмий таҳлил учун асос бўлолмайди. Шунинг учун, топонимик тадқиқотларда географик номни худуд топонимияси билан бирга тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Бошқача айтганда, топонимик тадқиқотларда кўпинча яхлит топонимик тизимга эътибор қаратиш керак бўлади, чунки, ном ҳеч қачон ягона, танҳо эмас, у ўша тизимдаги узун “занжир”нинг бир бўғини ҳисобланади.

Шу билан бирга, жой номларига такрорийлик хос, ном баъзан мураккаб тузилишга эга бўлса, гоҳо таркибий қисмларга бўлиниб такрорланади. Кўпинча номнинг семантикаси, талаффузи, лисоний тузилиши тўғри келади, аммо ҳамма вақт ҳам унинг барча аломатлари бирга келмайди. Бинобарин, жой номининг барча ўзига хос хусусиятлари инобатга олиб тадқиқ қилинса, таҳлил тўғри ва маҳсулдор бўлади. Бу ҳар қандай топонимик тизимга ва ҳар бир номнинг пайдо бўлиши ва маъно-мазмунини аниқлашга таалуқлидир.

Агар, топонимик тадқиқотларда тадқиқотчи ўз мутахассислигини устун қўйиб иш кўрадиган бўлса, унда кўзланган мақсадга эришиши қийин бўлади. Чунки, лингвист учун топонимия - бу фақат географик номлар рўйхати, тарихчи учун топонимия - бу тарихий ҳужжатлар ва солномалар қўрсатгичи, географ учун топонимия - бу географик картадаги номлар йиғиндисидир. Шунинг учун, муайян қонуниятлар асосида, маълум худудда тарихан шаклланган географик номлар мажмуи - топонимик ландшафт топонимика учун тўлақонли тадқиқот обьекти бўла олади.

Бинобарин, ҳар бир худуд, минтақанинг мавжуд топонимик мажмуаси, жой номлари турли нуқтаи-назардан таҳлил қилиниши керак: 1) номнинг географик аломатлари: тоғ, дарё, дашт, чўл, шаҳар, қишлоқ ва ҳоказо; 2) пайдо бўлиш вақти ва унга туртки бўлган сабаблар; 3) қайси тилга алоқадорлиги ва унинг лисоний хусусиятлари; 4) мазмуни ва этиологияси (юононча, ἔτύμον - ҳақиқат, сўзнинг асл маъноси ва λόγος - таълимот). 5) номнинг тузилиши, тил қонуниятлари ва имло қоидаларига тўғри келиши; 6) номнинг яратилган тилида ва бошқа тилларда илмий жиҳатдан тўғри ёзилиши; 7) номнинг тарқалиш худуди, ареали, миграция йўллари.

Шу масалага эътибор қаратган белорус топонимика мактабининг асосчиси В.А.Жучкевич шундай ёзган эди: “топонимик муаммоларни тор мутахассислик доирасида ҳал қилиш, ишга зарап келтиради ва унинг амалий аҳамиятини пасайтиради”. Бундан хуноса шуки, ҳар қандай топонимик тадқиқотлар аниқ жой билан боғланган ҳолда амалга оширилса, шунда ўрганилаётган худуд топонимиясининг ўзига хос шаклланиш хусусиятлари комплекс тарзда тадқиқ қилинади.

Топонимик ландшафт - географик ландшафт каби ўзига хос хусусиятларга эга бўлган яхлит худудий топонимиядир. Ландшафт (немисча, land - ер, shaft - манзара) - турли табиий географик комплексларни умумлаштирувчи тушунча, яъни табиат компонентларининг бир хиллиги билан ажралиб турадиган ва табиий чегараларга эга бўлган худуд. Топоник ландшафт тушунчасини топонимик тадқиқотларда яхлит худуднинг муайян қонуниятлар асосида шаклланган топонимиясига нисбатан қўллаш мумкин. В.А.Жучкевич топонимик ландшафт - бу географик ландшафтнинг сўз билан ифодаси деб таърифлаган.

Баъзан, топонимик ландшафт нимаси билан географик ландшафтдан фарқ қиласи деган савол пайдо бўлади?. Фарқи шундаки, географик ландшафт - ер қобигининг табиий тараққиёт давомида вужудга келган ва бошқа жойлардан фарқ қиласиган қисми бўлса, топонимик ландшафт - табиат ва жамият алоқадорлигини лисоний ифодаси дейиш мумкин. Яна ҳам

соддароқ қилиб айтганда, топонимик ландшафт - географик ландшафт ичида мавжуд бўлган ҳар қандай реал предмет ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатлар ҳақида қўшимча тасаввур ҳосил қилиш имкониятини беради.

Умуман олганда, топонимик ландшафт - топонимиканинг ўрганиш обьекти бўлиб, муайян қонуниятлар асосида, маълум ҳудудда тарихан шаклланган географик номлар йиғиндисидан иборат. Топонимик ландшафт - топонимикани фан сифатида ўрнини белгилашда асос бўлиб хизмат қиласди.

Фанининг мақсади ва вазифалари: Кишилар диққатини жалб қилган ҳар қандай географик обьект ижтимоий эҳтиёж туфайли номланган. Ном уларни бир-биридан фарқлаш учун керак бўлган. Шу сабабдан, тилдаги кўпгина сўзлар (турдош отлар) номларга (атоқли отга) айланган. Сўз билан буюмларни (китоб, стол, стул), мавжудодларни (одам, қуш, ўсимлик), тасаввурий тушунчаларни (қувонч, ғазаб, гўзаллик), сифат ва хусусиятларни (яхши, катта, чуқур) ифодалаш мумкин. Бу сўзларнинг ҳар бири аниқ бир предметга тегишли эмас, балки бутун бир ўхшаш предметларни белгилайди.

Улар турдош отлар, яъни, апеллятивлар (лотинча, аппеллативум - “атоқли отни акси”) ҳисобланади. Шу билан бирга, тилда шундай сўзлар ҳам борки, улар фақат битта предмет ёки обьектга тегишли ва сўз уни бошқалардан фарқ қилиши учун хизмат қиласди. Бундай сўз ёки сўзлар бирикмаси атоқли от деб аталади. Атоқли от - бирон географик обьектни бошқасидан фарқ қилиш учун хизмат қиласидиган сўз ёки сўзлар бирикмаси, яъни “оним”: Тошкент, Самарқанд, Мирзачўл, Фарғона ва ҳоказо.

Географик ном (юнонча, топос - “жой, макон”; онима - “ном”, исм) оддий атоқли от эмас, балки, унинг энг такомиллашган туридир. Кишилар диққатини тортган ҳар бир географик обьектнинг ўз номи бор, у жойни бирон хусусиятини ёки обьект билан боғлиқ тарихий воқеа-ҳодисаларни ўзида мужассам этган, оддий сўз билан жойнинг иттифоқидир. Бинобарин, жой номлари «ўлик» сўзлар эмас, балки замирида халқ ҳаёти, тарихи, тили ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб сирларни асрәётган маънавий хазина.

Топонимлар олами жуда хилма-хил ва қизиқарли. Инсон пайдо бўлганидан буён беҳисоб ва мураккаб номлар дунёсида яшайди. Кураи заминда ҳар хил давр ва тилга мансуб миллионлаб географик номларнинг уйғунылигини кўриш мумкин. Уларни ҳар куни радиодан эши тамиз, газетада ўқиймиз, телекранларда ва компьютер мониторларида кўрамиз. Хусусан, атлас ва географик карталарни номларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳаётда содир бўлган ёки бўлаётган кўплаб воқеа-ҳодисаларни жой номлари орқали англаб олиш мумкин.

Ҳ.Ҳасанов таъбири билан айтганда, номларнинг ўз тарихи, халқ, қабила, табиат, хўжалиқ, ҳодиса ва қашфиётга мансублиги бор. Агар номлар тарихи тилга кирса, тоғлар ва сувларнинг хосияти, ўсимлигу ҳайвонот турлари, савдо-сотик, қасб-ҳунар, хазиналар, жанглару эътиқодларимизнинг ҳаммаси аён бўлади. Демак, топонимлар кишилик жамияти ривожланишининг муҳим элементлардан бири, табиат, тарих, ҳаёт ва инсоният кўзгуси ҳисобланади. Шундай экан, ҳозирги жамиятни, замонавий цивилизацияни, халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги ҳар қандай алоқаларни географик номларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маданият ва илм-фаннынг ривожланиши, тобора авж олаётган халқаро алоқалар географик номларни борган сари кўпроқ қўллашни тақозо қилмоқда.

Маълум бир худуддаги жой номлари йигиндиси шу худудда яшовчи халқларнинг асрлар давомида, номлар яратишдаги ижод маҳсулни ҳисобланади. Шу боис, дунёда қанча ном борлигини ҳеч ким аниқ билмайди. Тахминий ҳисобларга кўра, бутун ер шарида ярим миллиардан ортиқ географик ном бор. Ҳолбуки, улар қаторига сой, жилға, булоқ, қудук, жар, қир, маҳалла, гузар, кўча каби микротопонимлар кирмайди. Агар, ер юзидағи барча катта-кичик жой номларини ҳисобга олиш имкони бўлганда, сонсаноқсиз рақам ҳосил бўлар эди.

Географик номлар - бу мамлакат, шаҳар ёки бирон бир табиий обьект билан танишишда унинг ташриф ёрлиғи вазифасини бажаради. Демак, жой номининг яратилиши сабабларини англаш, уларни шаклланиши,


ривожланиши, яшовчанлиги, ўзгариши, адреслик функцияси, ахборот (информация) ташиши ва қандай маъно касб этишини аниқлаш зарурияти пайдо бўлади. Юқорида қайд қилгандек, ушбу масалаларни аниқлаш билан махсус фан ҳисобланган топонимика шуғулланади. Шу билан бирга, жой номлари илмий, сиёсий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга молик эканлиги туфайли, бир қатор бошқа фанлар учун ҳам ўрганиш обьекти ҳисобланади.

Топонимиканинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги: Топонимика интеграл илмий йўналиш, мажмуавий фан. У география, филология (лингвистика) ва тарих каби фанларнинг манфаатлари туташган жойда пайдо бўлиб, уларни мужассамлаштириб ривожланмоқда. Бу ҳолат топонимиканинг эгаллаган мавқеи ва фанлар тизимидағи ўрни ҳақида турлича қарашларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Ҳар ҳолда шуниси аниқки, ҳар қандай салмоқли топонимик манбалар ҳар учала фаннинг тадқиқот обьекти ҳисобланади. Шуниси дикқатга сазоворки, ҳар бир тадқиқотчи тадқиқот обьектини ўзининг мутахассислиги нуқтаи назардан ўрганади.

Географик картада келтирилган бой ва хилма-хил ахборотлар орасида номлар алоҳида ўрин тутиши ҳамда жой номининг адреслик функцияси тил - факти ва тарих - ҳодисасидан кўра муҳимроқ эканлигини ҳеч бир мутахassis инкор қилмайди. Бунга, ном муҳим ижтимоий-сиёсий функцияни бажариши, ҳамда ер юзасидаги барча географик обьектлар учун ориентир (мўлжал) вазифасини бажариши сабаб бўлган.

Мазкур фикрни тасдиқлаб таниқли топонимист олим Т.Нафасов шундай ёзган: «...қадимий география фани бағрида пайдо бўлган янги йўналишлардан бири топонимикадир. Топонимия билан азал-азалдан географлар, география фани шуғулланиб келган. Сўнгра бу соҳа билан тарихшунослар, археологлар қизиқиб, номнинг тарихий воқеа-ҳодисалар билан боғлиқлиги, уларнинг маъноси, қайси тилга мансублиги каби масалаларни тадқиқ қилишди. Энг сўнгидага топонимия тилшуносликнинг тадқиқот обьектига айланди».

Топонимиканинг география, тарих ва филология фанлари манфаатлари туташган жойда пайдо бўлганлиги, унинг мажмуавий фан эканлигини куйидаги чизмада ҳам кўриш мумкин. 1-жадвал.



Тўғри, узоқ вақтлар топонимикани географик фан, география илмига хос илмий йўналиш деган қараш ҳукмрон мавқеда бўлган. Бу албатта, ўзига хос объектив ва субъектив сабаблар билан боғлиқ. Жой номи ер шарининг маълум нуқтасида жойлашган географик объектнинг маҳсус ёрлиғидир. Дастрлаб, уларни аҳоли яшаш масканлари ва турли ландшафт компонентларининг номи сифатида географлар тадқиқ қилишган. Шунинг учун филолог номшунос олим Т.Нафасов, “география топонимиканинг дебочаси ва дояси деган хулосани баён қилган.

Топонимларнинг адреслик функцияси нақадар муҳимлигини рус топонимисти В.А.Никонов аниқ таърифлаган: «Бир лаҳзага фараз қиласилик, ер юзидаги барча географик номлар ўчириб ташланди. Шаҳарлар, қишлоқлар, дарёлар, денгизлар, тоғлар, давлатлар, кўчалар ҳаммаси номсиз.

Натижада, транспорт изидан чиққан, одамлар қаерга юришини, юкларни қаерга туширишни, тез ёрдам машинаси қаерга боришини билмайди, жаҳон хўжалиги инқирозга, инсоният эса ибтидоий жамоа даврига тушиб қолиш хавфи пайдо бўлган, бунинг ҳаммаси кичкина бир географик ном туфайли».

Топонимиканинг фанлар тизимидағи ўрнини аниқлаш мақсадида, рус олимлари Рябчиков А.М. (1959), Колесник С.В. (1961) ва ўзбек олими Назаров И.К. (2013) география фанлари классификациясини яратиб, топонимикага ҳам улар қаторидан жой ажратишган. Бунинг асосий сабаби шуки, жой номларида кўпинча географик мухитнинг хусусиятлари - рельеф шакллари, сув объектлари, ўсимлик ва ҳайвонот номлари акс этган бўлади. Шу билан бирга, улар ҳар қандай лисоний ва тарихий топонимик тадқиқотлар фақат муайян географик ҳудудда амалга ошириш мумкинлигини ҳисобга олиб, шу холосага келишган.

Топонимик тадқиқотлар билан шуғулланишни ният қилган ҳар бир мутахассис, энг аввало географик терминларни ўрганмоғи зарур. Чунки, халқ кўпинча табиий мухитда содир бўладиган ҳар қандай воқеа- ҳодисаларни географик терминлар ёрдамида ифода этади. Географик терминларни ўрганиш учун, албатта, географиядан яхши хабардор бўлиши керак. Муҳтасар айтганда, географияни яхши билмасдан туриб топонимика билан шуғулланиш ишончли натижалар бермайди.

Географик номлар ҳар доим ҳам бирон тарихий шароит тақозоси билан дунёга келади ва жуда узоқ вақт сақланиб қолиши боис, тарих фани учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳар бир номнинг ўз тарихи бор, унда муайян тарихий воқеа-ҳодисалар мужассам. Шундай экан, ҳар бир ном ихчам бир тарих ва улар аниқ бир тарихий воқеъалар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Ишонч билан айтиш мумкинки, топонимияда аҳоли миграцияси, урушлар, этник алоқалар ўз аксини топган ва ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос топонимик қатламлари мавжуд.

Тарихчи олим А.Набиев топонимиканинг тутган ўрнига ўз муносибатини билдириб шундай ёзган эди: "... демак, топонимика

ўлкашуносликнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Ҳозирги вақтга келиб, ўлкашунослик бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишлари билан бир қаторда унинг ажралмас қисми бўлган топонимика ҳам аста- секин ижтимоий фанлар қаторида ривожланиб бормоқда”. Рус тарихчи олим А.И.Попов “Топонимика - тарихий фан” номли асар ёзганганлиги ҳам маълум. Тўғри, топонимика тарих фани билан ҳам узвий боғлиқ, аммо тарих фанлари тизимиға кирмайди.

Топонимика тилшунослик (лингвистика) фани билан ҳам узвий боғлиқ. Чунки, топоним - бу сўз, атоқли от, лингвистик категория, тил маҳсули, шу боис тил қонуниятларига бўйсўнади ва филологлар томонидан ўрганилади. Номлар тилдаги муаяйн қатламнинг тарихи, шаклланиши, ривожланишини ўзида акс этади. Рус олими Э.М.Мурзаев топонимикани фанлар тизимидағи ўрнига баҳо бериб, бу масалада олимлар орасида зиддиятли фикрлар мавжудлиги ва у ҳозирга қадар узил-кесил ҳал бўлмаганлигини таъкидлаган.

Ҳ.Хасанов ҳам бу масалада ўз муносабатини билдириб: «Топонимика аслида географиянинг бир тармоғи бўлиб, тилшунослик фанига ҳам, тарих фанига ҳам узвий боғланган. топонимикани тилшунослик ёки тарих фанининг бир тармоғи десак хато бўлмайди. Ҳар бир фан соҳиби топонимик тадқиқотларда ўз мутахассислигини устун қўяди», деб ёзган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб хулоса шуки, ҳеч бир фан топонимик тадқиқотларда “монополия”га эга бўлмаслиги лозим. Топонимикага лингвистик, тарихий ва географик тадқиқот методларидан самарали фойдаланадиган мажмуавий фан сифатида қараш керак. Бир сўз билан айтганда, топонимика - мустақил “чегаравий” фан. У алоҳида илмий йўналиш сифатида география, тилшунослик ва тарих фанларининг имкониятларидан тўғри фойдаланса катта ютуқларга эришиши мумкин.

Савол ва топонимиқлар:

1. Фаннинг тадқиқот объекти ва предмети ҳамда мақсад ва вазифалари ҳақида гапириб беринг.
3. Топонимиканинг фанлар тизимидағи ўрнини аниқ белгиланг.

4. Илмий топонимиканинг пайдо бўлишига сабаб бўлган асосий омилларни изоҳланг.

 **Тест топшириқлари:**

1. Топонимика “интеграл” ва “чегаравий” фан деган тушунча қандай маънога эга?

- A. Филология, тарих, этнология фанлари симбиози
- B. География, филология, тарих фанлари чегарасида пайдо бўлган
- C. Тарих, фалсафа, иқтисодиёт фанлари мажмуаси
- D. Биология, фалсафа ва тарих фанлари қиррасида пайдо бўлган

2. Топонимика сўзи қайси тил маҳсули?

- A. Араб
- B. Лотин
- C. Грек
- D. Форс

3. Топонимия нима?

- A. Маълум ҳудуддаги жой номлари йигиндиси
- B. Жой номларини ўрганадиган фан
- C. Аҳоли турар жойлари
- D. Номаълум ном

4. “Топонимика қадимий география бағрида пайдо бўлган” деган хуроса кимга тегишили?

- A. Т.Эназаров
- B. С.Қораев
- C. Т.Нафасов
- D. М.Миракмалов

5. Ойконим бу ...

- A. Аҳоли манзилгоҳлари номи
- B. Шаҳар ичидаги объектлар номи
- C. Анъанавий ном
- D. Горлар номи

1.2. ТОПОНИМИКА ВА ГЕОГРАФИК ТЕРМИНШУНОСЛИК

Режа:

1. Топонимика ва географик терминшуносликнинг боғлиқлиги. Географияни ўрганишдаги аҳамияти.
2. Махсус топонимик атамалар. Макро, мезо ва микротопонимлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Топонимларнинг географик терминларга ўтиши сабаблари.

 **Мавзунинг мақсади:** Топонимика ва географик терминшунослик, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва географияни ўрганишдаги аҳамияти, махсус топонимик атамалар ҳамда макро, мезо ва микротопонимлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида илмий тушунчалар ҳосил қилишидан иборат.

 **Таянч ибора ва атамалар:** географик термин, географик метод, топонимик атама, ҳалқ топонимикаси, макро, мезо ва микро топоним.

Топонимика ва географик терминшуносликнинг боғлиқлиги:

Географик терминлар турли давр олимларини ўзига жалб қилган ва ушбу соҳага оид дастлабки асарлар тахминан минг йил олдин пайдо бўлган. Абу Райхон Беруний (Х аср), Маҳмуд Кошғарий (Х1 аср) Захириддин Бобур (ХV аср) каби олимлар ўз асарларида географик терминларидан фойдаланиб, уларнинг маъно-мазмунини изоҳлашган. Улар орасида Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону лугатит-турк” асарини терминшуносликка оид энг яхлит ва мукаммал тарихий ёзма манба дейиш мумкин. Терминшунос олим М.Миракмаловнинг ёзишича, “Девону лугатит-турк” китоби географик терминшунослик соҳасида энг муҳим илмий манба ҳисобланади. Энг муҳими китобдаги айрим географик терминлар ҳозирги вақтда ҳам кенг қўлланилади.

Кейинги даврларда географик терминлар мутахассислар томонидан махсус тадқиқ қилинди. Россияда Л.С.Берг, Э.М.Мурзаев, А.П.Дульзон, Қозогистонда - Г.К.Конкашпаев, Озарбайжонда - Р.Юзбашев, Қирғизистонда - Р.Умурзоқов, Туркманистанда - М.Гельдиҳанов, Ўзбекистонда - Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, Т.Нафасов, М.Миракмалов, Тожикистанда - А.З.Розенфельд каби топонимист олимлар географик терминлар билан алоҳида шуғулланишган.

Масалан, М.Миракмалов халқ табиий географик терминларини, Қ.Хуррамов эса Жанубий Ўзбекистон рельефини билдирувчи ўзбек халқ географик терминларини маҳсус тадқиқ этишган.

Топонимика фани учун географик терминларни ўрганиш жуда муҳим чунки, уларда ҳудуд билан боғлиқ бўлган кўплаб маълумотлар мужассам. Шу билан бирга, топонимлар таркибида терминлар ниҳоятда кўп учрайди ва улар географик объектнинг турини ифодалайди. Эътиборли томони шуки, географик термин ва географик объект орасидаги мавжуд генетик алоқа топонимияда ўз аксини топган. Бинобарин, жой номи ва географик термин ўртасидаги алоқадорлик топонимиканинг универсал қонунияти ҳисобланади.

Жой номларининг этиологиясини аниқлашда географик термин билимдон қўлида ҳаммабоп калитга ўхшайди. Географик термин ёрдамида ҳар қандай содда ва мураккаб номлар семантикаси ва ундаги мавжуд ахборотни аниқлаш мумкин. Географик терминларни илмий асосда чукур ўрганган рус олими Э.М.Мурзаев, топонимик тадқиқотларда географик терминларнинг ўрни нақадар муҳимлигига эътибор қаратиб, шундай ёзган эди: “ҳар қандай топонимик тадқиқотлар географик терминларни ўрганишдан бошланмоғи керак”.

Географик номлар таркибида учрайдиган топонимик терминлар ифодаланган объектни билдирувчи сўзлар (турдош отлар)дан ташкил топган. Уларни айрим илмий адабиётларда топонимик индикатор деб ҳам аташади. Кўпинча, топонимик терминлар (жар, сой, булок, тепа, қудуқ ва бошқ.) жой номларининг асосини ташкил этади ва географик объектнинг турини билдиради. Топонимик термин - турдош от, географик ном эса атоқли отdir.

Географик терминлар ёрдамида воқеа-ходисаларнинг сабаб ва оқибатларини тез ва аниқ илғаб олиш мумкин, чунки терминларда уларнинг ихчам тавсифи мужассам. Терминлар умумий истеъмол сўзлардан аниқ бир маънени ифода этиши, эмоционаллик хусусиятга эга эмаслиги каби белгилар билан фарқланади. Улар қисқа, ихчам, аниқ маъноли, жарангдор, талаффузда

осонлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу сабабдан, географик терминлар кўп қўлланилади ва узоқ муддат сақланиб қолади.

Анъянавий география ва топонимиканинг ўзаро боғлиқлиги бир неча йўналишда кўзга ташланади. Биринчидан, география учун номнинг энг муҳим вазифаси географик объектнинг жойлашган ўринни аниқ белгилашдан иборат. Масалан, Мўйноқ номини тилга олганда - Амударёнинг қуи оқимида жойлашган шаҳар тушунилади. Шу билан бирга, географик номлар ҳар қандай картанинг муҳим элементи, карта эса, Н.Н.Баранский таъбири билан айтганда, "географиянинг алфа ва омегаси" дир. Бинобарин, географияда номнинг аниқ жой билан боғлиқлиги ва манзил белгиловчи хусусияти муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, топонимика ва география жой номларини географик асосларини изоҳлашда муштарак қарашга эга, чунки топонимлар кўпинча географик муҳитнинг хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади. Бошқача айтганда, жой номларида худуднинг табиий-географик хусусиятлари ўз аксини топган. Аникроғи, табиий-географик омиллар ёрдамида шаклланган топонимлар таркибида географик ландшафтнинг турли компонентлари (рельеф, иқлим, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами) асос вазифасини бажарган.

Учинчидан, география таълимида ҳам топонимика салмоқли ҳисса кўшиши мумкин. Маълумки, география таълимида карта муҳим ўрин эгаллайди. Кўпинча, ўқувчилар картадаги нотаниш ва маъно-мазмунни номаълум номларни эслаб қолища қийналади. Натижада, талабалар картадаги номларни эсдан чиқаришади ва уларда худудий тасаввур шаклланмай қолиши мумкин. Шу сабабдан, кўзлаган мақсадга эришиш учун, таълим жараёни қуйидагича кечиши керак: ном - унинг пайдо бўлиши - маъноси - худуд билан боғлиқлиги - эслаб қолиши. География таълимида ўқувчилар фақат шу йўл билан картанинг муҳим элементи бўлган ном ва у билан боғлиқ маълумотларни яхши ўзлаштирилишлари мумкин.

Тўртинчидан, географлар географик тадқиқотларда жой номларидан илмий маълумотлар базаси сифатида фойдаланишади. Топонимик маълумотлар ёрдамида қадимги ландшафт турларини қайта тиклаш, тарихий йўлларни аниқлаш, ҳудуднинг ўзлаштириш жараёни ва хўжалик юритиш тизими, аҳоли пунктларнинг шаклланиши, аҳолининг этник таркиби ва уларнинг этногенези каби кўплаб муаммоларни тадқиқ қилиш имконияти пайдо бўлади.

Умуман олганда, топонимика география фанлари тизимида оралиқ мақеини эгалаллайди ва унинг ютуқларидан барча география фанлари фойдаланишлари мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, географик эҳтиёж туфайли пайдо бўлган топонимика - табиий ва иқтисодий-ижтимоий география фанлари билан узвий алоқадорликда тез ривожланаётган фандир.

Махсус топонимик атамалар: Топонимикада ҳам бошқа фанлардаги каби махсус топонимик атамалар мавжуд. Уларни яхши ўзлаштириш эса, фан сир-асрорларини билиб олишни осонлаштиради Махсус топонимик атамаларга айрим мисоллар алифбо кетма-кетлигига келтирилди:

Антропоним - (юонча, антропос - «одам») - атоқли отнинг бир тури. Антропонимика - антропонимларни ўрганувчи соҳа. Одамнинг исми, фамилияси, тахаллуси, лақаби. Масалан, Навои, Вашингтон, Сафар ота, Ҳайитқул тепа.

Атоқли от - бирон обьектни бошқа обьектлардан фарқ қилиш учун хизмат қиласиган сўз ёки сўзлар бирикмаси, “оним”. Масалан, Мирзачўл, Қизилқум, Фарғона, Қили ва бошқалар.

Географик обьектлар - ернинг ҳозирда ёки ўтмишда мавжуд бўлган ҳамда муайян ўрнашган жойи билан тавсифланадиган, келиб чиқиши табиий ёки сунъий бўлган яхлит ва нисбатан барқарор ҳосиллари. Улар жумласига: маъмурий-ҳудудий бирликлар (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар); аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар); транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси обьектлари (темир йўл

станциялари, автостанциялар, метрополитен станциялари, вокзаллар, аэропортлар, портлар, пристанлар, күприклар, разъездлар, йўллар, каналлар, сув омборлари, тўғонлар, дамбалар); табиий объектлар (дарёлар, кўллар, музликлар, текисликлар, тоғлар, тоғ тизмалари, ғорлар, чўллар, водийлар, даралар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ёнбағирлар, фойдали қазилмалар конлари) ва бошқа шу каби объектлар киради;

Географик термин - географик объектнинг турини билдирадиган сўзлар географик терминлар ҳисобланади. Масалан, адир, қир, кўл, чўл, тоғ, қудук, сой, текислик ва бошқалар. Географик терминлар турдош отлар бўлганида географик номдан кейин кичик ҳарфлар билан алоҳида ёзилади. Кўпроқ шеваларда ишлатиладиган терминлар маҳаллий географик терминлар ёки халқ географик терминлари дейилади.

Гибрид ном - икки ва ундан ортиқ тилларнинг лексик ва морфологик унсурларидан таркиб топган номлар. Масалан, Тошкамар, Кўкгумбаз, Хайробод, Янгикент ва бошқалар.

Гидроним - (юононча, гидро - сув, оним – ном, исм) - топонимнинг бир тури. Табиий ёки инсон тамонидан бунёд этилган ҳар қандай сув объектлари - океанлар, денгизлар, дарёлар, каналлар, сув омборлари, сойлар, қудуқлар ва бошқалар. Масалан, Атлантика, Байкал, Санзор, Сирдарё, Айдаркўл, Тузкон.

Калка- номлар айнан таржима қилинган, маъноси бир бўлсада икки тилда икки хил аталадиган номлар. Қорасув - Сиёҳоб, Қизилсув - Сурхоб.

Ойконим - (юононча, ойкос - уй, турар жой, макон) - топоним тури, аҳоли яшайдиган ҳар қандай жойнинг қишлоқ, овул, шаҳарча, шаҳарнинг номи. Масалан, Тошкент, Нукус, Жиззах, Зомин, Маржонбулоқ.

Ороним - (юононча, орос - «тоғ») - тоғлар, қирлар, тепаликлар, довонлар, даралар ва бошқа бир қатор орографик объектларнинг номи. Масалан, Анд, Ҳимолай, Алп, Помир, Олой.

Топоним - (юононча, топос - жой, макон, онима- ном, исм.) - ҳар қандай географик объектнинг атоқли оти, номи. Масалан, гидроним, ойконим, урбоним, агрооним.

Транскрипция - (лотинча, трансриптио - «кўчириб ёзиш») - бошқа тилдаги географик номлар (фонемалар)ни ўз тилидаги графемалар (ҳарфлар) билан ифодалаш, ёзиш. Транскрипция деганда сўзларни ва матнларни уларнинг талаффузини ҳисобга олган ҳолда муайян ёзув воситалари ёрдамида ёзиш, ифодалаш усули тушунилади.

Формант - (лотинча, форманс - «ҳосил қилувчи») - сўз ясидиган, лекин, мустақил ишлатилмайдиган унсур. Топонимлар таркибида айниқса кўп учрайди. Масалан, кент- Нушкент, Янгикент; лоқ - Тошлоқ, Қумлоқ ва бошқалар.

Этноним - (юончча, этнос - «халқ», оним - «исм, ном») - уруғ, қабила, элат, халқ, миллат ва бошқа хил этник уюшмалар номи. Уруғ, қабила, халқ номи ўзи тамонидан танланган ёки ўзгалар тамонидан берилган бўлиши мумкин. Масалан, барлос, найман, қипчоқ, жалойир, лақай ва бошқалар.

Этимон - (юончча, этимон - «хақиқат, сўзнинг асл маъноси») - муайян номнинг татқиқотчилар аниқлаган дастлабки шакли, маъноси.

Хақиқий топоним - бу карта, маълумотномаларга тушган, аслида микротопонимлардан келиб чиқсан табиий ва сунъий обьектларнинг якка номи. Улар ҳар хил халқ ва турли тиллар маҳсулидир, жуда кўп ишлатилади ва ўзи жойлашган ҳудуддан бошқа жойларда ҳам маълумдир.

Топонимика фанига оид маҳсус атамалар, таянч сўз ва иборалар билан, дарсликнинг глоссарий қисмида тўлароқ танишингиз мумкин.

Топонимларнинг географик терминларга ўтиши: Топонимларни географик терминларга ўтиш жараёни қуйидаги ҳолат билан белгиланади: баъзи географик обьектлар алоҳида кўзга ташланадиган белгиларга эга бўлганлиги боис, уларнинг атоқли отлари типологик хусусият касб этади ва турдош от сифатида қўлланилади. Бундай ҳолатни қуйидаги мисоллар ёрдамида изоҳласа бўлади. Масалан, географияда дельта - дарёнинг қуйилиш жойида сувда оқиб келган жинсларнинг чўкиб тўпланишидан ҳосил бўлган текислик. Дельтада дарё суви панжага ўхшаб йўналган кўпдан-кўп тармоқларга бўлинниб оқади.

Қадимда Нил дарёси келиб қуйиладиган жой икки тармоққа (ҳозирда Думёт ва Рашид деб аталади) бўлиниб, унинг шакли юонон алфавитидаги дельта - Δ ҳарфига ўхшаш ҳолатни касб этганлиги боис дельта деб номланган. Кейинчалик дарёларнинг шаклан ўхшаш қуйилиш жойларига нисбатан ҳам ушбу географик термин кўлланилган.

Географларга яхши маълум бўлган карст ҳодисаси, яъни сувда яхши эрийдиган тоғ жинслари (оҳактош, бўр, доломит, гипс, тузлар) ни ер ости сувлари эритиб олиб кетиши натижасида рўй берадиган жараённинг номи, Болқон яrim оролидаги асосан оҳактошлардан иборат бўлган Карст платоси номи билан боғлиқ. Гейзер сўзининг (исландча гейзир - отилмоқ, ер ости бўшлиқ ва ёриқлардан вақт - вақти билан иссиқ сув ва буғ отилиб туриши) географик термин сифатида пайдо бўлишида Исландиядаги Гейзер деб аталувчи иссиқ булоқ номи сабаб бўлган.

Бир-биридан унча узоқ бўлмаган ва одатда бир бутун деб ҳисобланадиган ороллар тўдасига нисбатан умумгеографик термини бўлган архипелаг (юононча, архи - “дастлабки”, пелаго - “очиқ денгиз”) - сўзи кўлланилади. Мутахассисларнинг ёзишича, илк ўрта асрларда Эгей денгизи Архипелаг деб номланган. Маълумки, бу денгиз ороллар ва ороллар тўдасининг кўплиги билан ажralиб турди. Дастлаб ҳар қандай оролларга бой денгиз архипелаг дейилган. Кейинчалик эса бу географик термин ороллар тўдасига нисбатан кўлланилган. Бир архипелагга кирадиган ороллар пайдо бўлиши, геологик тузилиши, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси жиҳатидан ўхшаш бўлади.

Одатда нишаблиги кичик бўлган текисликларда вужудга келган дарёларнинг эгри-буғри, илонизи шаклидаги ўзанига нисбатан меандр термини қўлланилади. Меандр сўзи - Кичик Осиё яrim оролида илонизи ўзанли Мендерес дарёси номидан олинган. Топонимларнинг географик терминларга ўтиши кам учрайдиган ҳолат бўлса ҳам уларни топонимикада муайян ўрни бор.

Мутахассислар топонимларни ўзи ифодалаётган географик объектларнинг катта-кичиклигига қараб қуйидаги гурухларга бўлишган: макро, мезо ва микротопонимлар. Аммо, ҳозиргача олимлар томонидан улар орасидаги чегара аниқланмаган ва қандай географик объектларни макро, мезо ва микротопонимлар қаторига киритиш тўғрисида ҳам аниқ бир тўхтамга келишмаган. Соҳага оид мавжуд камчиликларни бартараф қилиш учун, қўшимча илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш зарур бўлади.

Макротопонимлар: Макротопонимлар (юнонча, macros - катта, йирик маъноларини билдиради) - маълум ва машҳур бўлган табиий географик объектнинг атоқли оти, материклар, қитъалар, океанлар, энг катта текисликлар, тоғлар, табиий географик ўлкалар номи. Масалан, Атлантика, Европа, Турон, Америка, Осиё, Олой, Помир. Уларга кўпинча олимлар, сайёҳлар томонидан ном берилади ва расмийлаштирилади. Макротопонимлар баъзида ерли аҳолига кўп ҳам маълум бўлмаслиги мумкин, чунки, бир жойда муқим яшайдиган кишилар кўпинча теварак-атрофдаги микротопонимлардан фойдаланишади.

Мезотопонимлар: Таниқли олим М.Миракмалов - мезотопонимларга ўртacha катталикдаги объектлар: шаҳарчалар, қишлоқлар, йирик сойлар ва маҳаллий масштабдаги объектларни киритган. Мезотопонимлар - географик номларнинг бошқа турларига нисбатан камроқ бўлиши мумкин. Улар ҳозиргача мутахассислар томонидан кам ўрганилган ва алоҳида илмий-тадқиқот обьекти бўлган эмас. Шунинг учун, улар ҳақида етарли маълумот тўпланмаган ва топонимикани алоҳида йўналиши сифатида эътироф этилмайди.

Микротопонимлар: Микротопонимлар (юнонча, micros - кичик) – кичик географик обьектларнинг умумий номи. Уларни топонимиканинг алоҳида йўналиши сифатида эътироф этилган микротопонимика ўрганади. Микротопонимларнинг йиғиндиси микротопонимия дейилади. Ҳозиргача мутахассислар орасида қандай географик обьект микротопоним дейилади, деган саволга узил-кесил жавоб йўқ. Чунки, олимлар томонидан ҳозиргача

микротопонимларнинг ўзига хос хусусиятлари илмий жиҳатдан тадқиқ қилинмаган. Шунинг учун, баъзи олимлар географик объектнинг ҳажмига ва катта-кичилгига қараб, уларни микротопоним дейишган. Бундан ташқари, “микро-“ сўзи ҳам объектнинг кичик эканлигига ишорадир.

Топонимика фанининг назарий масалалари билан шуғулланган рус олими В.А.Никоновнинг ёзишича, микротопонимларга - йўл, қудук, кўприк, сой, жар, дала, майдон, аҳоли пунктларининг айрим таркибий қисмлари, каби кичик географик объектлар киради. Аммо айрим тадқиқотчилар номи тилга олинган барча объектларни микротопоним деб ҳисоблашмайди. Масалан, рус олимаси А.В.Суперанская, кўчалар номини микротопонимлар қаторига кўшмаган. Олиманинг фикрича, катта шаҳарларда кўчани узунлиги ва унда яшайдиган одамларнинг сони айрим аҳоли пунктлардан кўплигини ҳисобга олган ҳолда уларни топонимлар қаторига қўшиш керак.

Таникли топонимист олим Суюн Қораев фикрича, микротопоним – теварак атрофда яшайдиган бир груп кишиларгагина маълум бўлган қудуқлар, жарлар, қўрғонтепалар, томорқалар, боғлар, кўприклар, қўтонлар каби кичик объектларнинг атоқли отларидир. Олимнинг фикрича, макро ва микротопонимлар орасида аниқ бир чегара йўқ.

Микротопонимлар қаторига турли хил кичик географик объектлар - сув манбалари, рельеф элементлари, аҳоли пунктларнинг айрим қисмлари, ўсимликлар қопламининг номларини киритиш мумкин. Микротопонимлар орасида шахсларнинг исм-шарифлари, тахаллуслари билан боғлиқ номлар жуда кўп. Уларнинг кўпчилиги замон ўзгариши билан ўзгариб кетади ёки янги номлар билан алмаштирилади.

Микротопонимларни қўйидаги турларга ажратса бўлади: а) микрооронимлар - рельеф элементлари (тепа, жар, пастлик, дара ва бошқалар), б) микрогидронимлар - кичик табиий ва сунъий сув манбалари (жилға, сой, қудук, булоқ ва хоказо), в) микрофитонимлар - ўсимлик қопламининг хусусиятлари билан боғлиқ номлар (дала, боғ, ўтлоқ, пичанзор ва бошқалар),

г) микроийконимлар - аҳоли пунктларнинг айрим таркибий қисмларининг номи (гузар, майдон, кўча ва ҳоказо).

Умуман олганда, микротопоним - муайян ҳудудда маълум бўлган кичик географик объектларнинг атоқли отлари. Масалан, булоқлар, кўпиклар, жарликлар, қудуклар, боғлар ва бошқалар. Микротопонимлар учун омонатлик, ўзгарувчанлик, ҳаракатчанлик хос, ҳамда улар нафақат географик тушунча балки, маънавий тушунча ҳамдир. Микротопонимлар одатда оғзаки нутқда қўлланилади, камдан-кам ёзув маълумотларида ишлатилиди.

Тилнинг ўзгариши билан микротопонимлар ҳам ўзгаради. Уларнинг кўпчилиги юқолиб кетиши ёки қайта номланиши ҳам мумкин. Микротопонимлар кўпинча маълум ҳудудда яшовчилар орасида учратилади ва уни якка шахс ҳам яратиши мумкин. Микротопонимия - бир тил факти ва бир халқнинг ижод маҳсулидир. Шундай қилиб, ҳозиргача фанда микротопонимларнинг топонимик синф сифатида аниқ мезонлари ишлаб чиқилмаган. Таъкидлаш жоизки, микротопонимлар кам ўрганилганлиги боис, ҳозирча уларнинг яққол кўзга ташланадиган ўзига хос хусусиятларини аниқлашнинг имконияти йўқ.

Микротопонимлар - географик номларнинг энг катта қисмини ташкил қиласа ҳам, улар ҳақида етарли маълумотлар тўпланмаган ва ўрганилмаган. Микротопонимларни ўрганишнинг муҳимлиги шундаки, уларни тадқиқ қилиш жараёнида тарих ва лингвистика фанларига оид саволларга ҳам жавоб топиш мумкин бўлади. Эндиликда бажарабадиган энг муҳим вазифалардан бири амалда қўлланилаётган микротопонимлар ва маҳаллий халқ географик терминларини кечиктирмасдан ёзиб олиш керак. Уларнинг этимологияси ва ҳудудий тарқалиш ареаллари, пайдо бўлишига асос бўлган табиий ва ижтимоий-иктисодий омилларни илмий асосда тадқиқ қилиш зарур.

Савол ва топшириқлар:

1. Топонимика ва географик терминшуносликнинг ўзаро боғлиқлигини мисоллар ёрдамида кўрсатиб беринг.

2. Махсус топонимик атамаларнинг айримларини изоҳлаб, улар қандай вазифаларни бажаршишини тушунтиринг.

3. Микротопонимларнинг фарқловчи хусусиятлари нималардан иборат?

 **Тест топшириқлари:**

1. Жой номи ва географик термин ўртасидаги алоқадорлик ҳисобланади.

- A. лингвистиканинг универсал қонунияти
- B. географиянинг универсал қонунияти
- C. топонимиканинг универсал қонунияти
- D. тарихни универсал қонунияти

2. Топонимларнинг географик терминларга ўтиши учрайдиган ҳолат.

- A. кўп
- B. кам
- C. тез-тез
- D. учрамайдиган ҳолат

3. Икки ва ундан ортиқ тилларнинг лексик ва морфологик унсурларидан таркиб топган жой номлари.

- A. Мураккаб ном
- B. Содда ном
- C. Гибрид ном
- D. Сохта ном

4. Рус географ олими Н.Н.Баранский таъбири билан айтганда, “географиянинг алфа ва омегаси” бу

- A. географик ном
- B. географик карта
- C. географик объект
- D. географик термин

5. Микротопонимларга ... хос. Тмӯгри жавобни қўйиб белгиланг.

- A. ўзгарувчанлик
- B. тургунлик
- C. ўрганилганлик
- D. яшовчанлик

1.3. ТОПОНИМИКАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Режса:

1. Қадимги дунё ва ўрта асрлар олимлари асарларида топонимик маълумотлар.
2. Илмий топонимиканни фан сифатида пайдо бўлиши ва ривожланиши
3. Ўзбекистонда топонимиканинг ҳозирги аҳволи, топонимик тадқиқотлар, топонимларни географик жиҳатдан тадқиқ этилиши

 **Мавзунинг мақсади:** Топонимика фанинг асосий ривожланиши босқичлари, илмий топонимиканни фан сифатида пайдо бўлиши ва ўзбек олимларининг мазкур фан ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида илмий асосланган маълумотлар бериши.

 **Таянч ибора ва атамалар:** appellative, atoқли от, топоним, топонимия, топонимик маълумот, илмий топонимика

Топонимика илмий йўналиш сифатида асосан кейинги даврларда шаклланган бўлса ҳам, аммо унинг ўрганиш обьекти бўлган жой номлари жуда қадимий даврларда пайдо бўлган. Уларнинг сони шу қадар кўпки, ҳаммасини ўрганишнинг асло иложи йўқ. Айтишадики, ном қанча кўхна бўлса, унинг этимологиясини аниқлаш шунча қийин. Шунинг учун, ҳамма номлардан маъно қидириб, мазмuni англашилмаган номларни ўзгартириш минглаб йилларнинг маҳсули бўлган маънавий ёдгорлик илдизига болта уриш демакдир.

Жой номларини халқ маълум бир ҳудудда ва замонда яратган, уларга ҳудудийлик ва тарихийлик хос. Жой номи замирида яширин маънени аниқлаш учун, ном яралган давр ва ҳудуд тарихини пухта ўрганмоқ керак, ном учун асос бўлган табиий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, лисоний омилларни аниқлаш лозим. Фақат шундагина номнинг мағзи, асл маъноси, тарихи тўғри аниқланади.

Маълумки, кундалик ҳаётни жой номларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар бир инсон муқаддас она юртига бўлган меҳрини бир бўлаги сифатида, албаттa ўз маҳалласи, қишлоғи ва шахрининг номи нега шундай аталган,

нима маъно унда яширин, бу ном унга қачон ва кимлар тамонидан берилганлиги билан қизиқиб, аниқлик киритишни хоҳлайди.

Жамиятнинг тез суръатлар билан ривожланиши ва халқлар ҳамда мамлакатлар ўртасидаги ҳар қандай алоқаларни географик номларсиз тасаввур қилиб бўлмаслиги бу йўналишдаги тадқиқотлар кўламини кенгайтириш лозимлигини кўрсатмоқда. Хусусан, мустақилликдан кейин республикада амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар ва тобора авж олаётган халқаро алоқалар жой номлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни тадқиқ қилишни долзарб масалага айлантирди. Географик номлар қўп қиррали ва хилма-хил ахборот манбаи бўлиши билан бирга, кишилик жамияти учун зарур ва муҳим бўлган ижтимоий-сиёсий вазифани, яъни адреслик функциясини ҳам бажаради.

Бинобарин, ижтимоий эҳтиёж маҳсули бўлган жой номлари орасида ойконимлар алоҳида мақомга эга, чунки улар ҳар қандай аҳоли пунктларнинг номи сифатида тарихий манбаларда қўпроқ қайд этилган. Ибтидоий даврдан бошлаб одамлар теварак-атрофни кузатиб географик обьектларни бирбиридан фарқлаш мақсадида уларга ном берганлар. Объектларнинг табиий хусусиятларини ифодалайдиган географик номлар жамиятнинг дастлабки босқичида қўпроқ бўлган, кейинчалик эса табиатга жамиятнинг таъсирини кучайиши оқибатида улар аста-секин камайиб борган.

Дастлаб табиий обьектларга зарурият юзасидан оддий, содда ва тасодифий номлар берилган бўлса, кейинчалик ижтимоий онг ривожланган сари тушунчалар сони ортиб географик номлар ҳам мураккаблашиб борган. Кишилик жамиятининг ривожланиши ва кундалик эҳтиёжларнинг ортиб бориши янги ҳудудларни ва табиатнинг таркибий қисмларини ўзлаштиришга олиб келган, бу эса ўз навбатида жой номларининг кўпайишига сабаб бўлган. Топонимлар аниқ бир тарихий шароитда пайдо бўлганлиги сабабли табиат ва жамиятда бўлаётган ўзгаришлар уларга таъсир қиласдан қолмайди, тарихий давр, тил ва халқларнинг алмасиши географик муҳитнинг ўзгаришига олиб келиши аниқ.

Жой номлари табиат ва жамият алоқадорлиги масаласини ўрганувчи география учун ҳам қўпгина маълумотлар беради, чунки халқ турмуш тарзининг турли тамонлари географик номларда ўз аксини топган. Масалан, ойконимларда мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти акс этган, улар ёрдамида аҳолининг қадимий хўжалик юритиш шакллари, ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқлари, қазиб олинган фойдали қазилма жойлари, ўтмишдаги карвон йўллари, ривожланган хунармандчилик турлари, халқларнинг тарқалиш ареали каби масалаларга ойдинлик киритиш мумкин.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тарихий манбаларда топонимиянинг бошқа таркибий қисмларига қараганда аҳоли пунктлари номлари кўпроқ қайд этилган, уларда минтаقا табиатининг хусусиятлари, жамият ҳаётида асрлар давомида рўй берган тарихий, ижтимоий ва сиёсий ҳодиса ва воқеалар, аҳолининг касб-хунарлари номлари, аҳоли пунктига асос солган кишининг исми, унда қандай қавм вакиллари яшагани ёки яшаётгани ўз аксини топган.

Қадимги дунё ва ўрта асрлар: Географик номлар ва уларнинг маъно мазмунига қизиқиши кишилик жамиятининг дастлабки босқичларида пайдо бўлган. Шу боис, инсоният тарихи қанчалик қадимий бўлса, географик номлар ҳам шунча қадимийdir. Кишилар дастлаб ҳар қандай географик объектни оддий турдош отлар - терминлар билан аташган, яъни, сув, тоғ, кўл, тепа, жар ва ҳоказо. Кейинчалик жамиятнинг ривожланиши билан жой номлари ҳам қатъйлашиб борган, яъни, турдош отларни атоқли отга, топонимга айланишига сабаб бўлган. Масалан, қадимги туркий халқлар катта дарёни - ўкуз, эдил, жайхун деб аташган. Катта дарё маъносини англатувчи бу сўзлар кейинчалик дарё номига айланган.

Маълумки, ҳар қандай фан амалиёт талаблари асосида пайдо бўлади ва ривожланади. Топонимика биринчи галда географиянинг амалий эҳтиёжлари таъсирида вужудга келди. Дастлабки сайёҳлар ўзлари кашф этган ерларга ном бердилар, узок ўлкалар ва шаҳарларнинг номларини ҳаммага маълум

қилишди. Илк бор географик номларни тўплаб ўрганганлар ҳам географлар бўлган.

Топонимларни изоҳлаш, таснифлашга бағишлиланган дастлабки ҳаракатларни қадимги миср, юонон, хитой, ҳинд, форс, Византия ва Рим тарихчи ва географлари асарларида ҳамда бошқа ёзма манбаларида учратиш мумкин. Антик дунёда эса тарихий - географик асарлар яратиш билан бирга географик номларни изоҳлаш анъанаси пайдо бўлган. Аммо, бу даврда топонимларнинг этиологияси турлича шарҳланган. Кўпинча, жой номларининг келиб чиқиши қандайdir афсонавий сюжетлар билан боғлаган. Шу билан бирга, географик номлар баъзан тўғри талқин қилинган, унда кўпинча объектнинг реал аломатлари, географик ўрни ва ҳоказо инобатга олинган.

Қадимги ва дастлабки маълумотларни Герадотни «Тарих», Страбонни «География», Арриан, Плутарх, Квант Курций Руф каби қадимги дунё олимлари асарларида учратиш мумкин. Масалан, Герадот ўз асарларида мамлакатлар, шаҳарлар, денгизлар, дарёлар номларининг маъносини тушунтириб беришга ҳаракат қилган. Антик дунё муаллифлари географик номларни, киши исмларини мавжуд бўлган номлаш қонуниятларни ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқламасдан асосан этиологик жиҳатдан изоҳлашган. Натижада, топонимик маълумотлар гарчи қизиқарли бўлса ҳам, аммо, илмий асосга эга бўлмаган.

Топонимик ахборотни ишончли манба сифатида, илк бор милодий И асрда испан антик олими Помпоний Мела ўзининг «Хорография» асарида илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга ҳаракат қилган. Замонавий топонимикани ўрта асрларда яшаб ижод қилган Ўрта Осиёлик олимларнинг хизматларисиз тасаввур қилиш қийин. Ўша даврда Ўрта Осиёда ёзилган тарих, география, тилишуносликка оид асарларда топонимикага оид маълумотларни кўплаб топиш мумкин. Масалан, 982-983 йилларда, форс-тожик тилида, номаълум муаллиф томонидан ёзилган «Ҳудуд ул-олам» тарихий-географик асарида Мовароуннаҳр вилоятлари, шаҳарлари, тоғлари, дарёлари ва уларнинг

номлари, айниқса, ҳудуднинг қадимий топонимијаси ҳақида талайгина маълумотлар топиш мумкин.

Асарнинг тўла номи “Китоб ҳудуд ул-олам мин ал-машриқ ила-л-мағриб” (“Оламнинг машриқдан мағрибгача бўлган чегаралари ҳақида китоб”) бўлиб, фанда қисқача “Ҳудуд ул- олам” шаклида танилган. Китоб бир нусхадан иборат ва уни 1892 йили Абулфазл Гулпайгоний Самарқанддаги китоб дўконидан топган. У орқали китоб рус шарқшуноси А.Г.Туманский қўлига тушиб, Санкт-Петербургга олиб кетилган. Асар ҳақида дастлаб А.Гулпайгоний, сўнгра А.Г.Туманский илм аҳлига ахборот беришган. Китобда ўша даврда маълум бўлган вилоятлар ва подшоҳликлар, уларда яшовчи қавмлар уларнинг урф-одатлари, расм-русумлари ҳамда хар бир шаҳарнинг табиий-географик шароити таърифланган. Масалан, Сўғд ва Уструшона шарқий эллар орасида энг обод жой, у ерда оқар сувлар кўп, иқлими баҳаво, одамлари меҳмондўст ва хушмуомала деб таъриф берилган.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистондаги жой номларига оид ёзма маълумотларни Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиғ», А.Берунийнинг «Қонуний Масъудий», «Ҳиндистон», «Сайдана», М.Наршахийнинг «Тарихи Бухоро», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» каби асарларда учратиш мумкин. Чунончи, Абу Райхон Беруний жой номларига изоҳ бериб шундай ёзган: «...аммо, аксари мамлакатларнинг номлари ҳозирги вақтдаги номларидан фарқ қиласи. Ҳусусан, тили бошқа бўлган қабилалар бирон жойни эгаллаганларида номлар тез-тез ўзгариб туради. Бошқа халқ маҳаллий номларни бузиб талаффуз этади... Номларнинг маъносини бошқа тилга таржима қилганда ёки талаффузини осонлаштирадиган товушлар билан ёзганда номлар ўзгариб кетади. Кўпинча араблар чет эл номларини, арабчалаштириб, шундай ўзгартирадилар ва бузиб айтадилар».

Туркий халқлар, жумладан ўзбеклар этнографияси ва этник тарихини ўрганишда Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит-турк» номли асари алоҳида ўрин эгаллайди. Китобда айрим шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг лингвистик ва этник таркиби, ижтимоий тузумига оид қисқа таърифи,

этнотопонимикаси ва айрим қабила ҳамда уруғларнинг жойланиши тўғрисида ноёб маълумотлар келтирилган. «Девону луғатит-турк»ни айни вақтда қимматли топонимик асар ҳам дейиш мумкин. Чунки, унда топонимларнинг этимологияси, семантикаси, грамматик хусусиятлари, қадимги этнонимлар, антропонимлар, ўсимлик ва ҳайвонот номларига доир қизиқарли маълумотларни топиш мумкин.

С.Қораев маълумотларига кўра, асарда жами 160 дан ортиқ топоним тилга олинган. Ҳ.Ҳасанов эса китобни қимматли географик манба ҳисоблаб у тўғрисида алоҳида асар ёзган. “Девон”да кўпгина географик терминлар берилганки, бу терминлар ҳозирги вақтда ҳам кенг қўлланилади. Ариқ, арт (орт), ботиқ, булут, ел, жар, кечик, кун, кўк (осмон), муз, сув, тоғ, тун, туман, унгур, қайир, қор, қудук, қум, қишиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, географик номларни илмий асосда талқин қилишни Шарқ ўрта аср олимлари ишларида кузатиш мумкин.

XIII аср географик маълумотларини тўплаб ўн жилдлик «Муъжам ал-булдон» (Мамлакатлар лугати) номли географик луғатни тузган олим Ёқут Ҳамавийдир. Рус шарқшунос олими В.В.Бартолднинг ёзишича, Ёқут Ҳамавий ўша даврдаги бир қатор мусулмон давлатларига саёҳат қилиб, уларнинг шаҳар ва қишлоқлари ҳақида кўп маълумотлар ёзиб қолдирган. А.Л.Хромов эса Ёқут Ҳамавийни Ўрта Осиё ва Шарқ мусулмон давлатларининг биринчи топонимисти деб таърифлаган.

Ёқут Ҳамавийнинг географик номларни шарҳлашда қўллаган усули ҳозирги топонимикада жой номларини топоформантлар асосида изоҳлаш усулига жуда ўхшайди. Олим топонимлар таркибида бир хил унсурларнинг такрорланишини биринчи бўлиб пайқаган. Масалан, шаҳар ва қишлоқ номлари таркибида келадиган «обод» унсурини, форс-тожик тилида аҳоли пункти маъносини билдиради деб ёзган. «Обод» - унсури ҳозирда ҳам географик номлар таркибида кенг қўлланилади. Бугунги кунда “обод” сўзи нафақат аҳоли пункти маъносида қўлланилади балки, баъзи отларга ёки

айрим сифатларга қўшилиб жой номини ясайдиган, ободонлаштирилган, ўзлаштирилган, гуллаб-яшнаган маъносидаги сўз ҳамdir.

Ўрта Осиё топонимиясига оид маълумотларни Абурайҳон Беруний, Рашидиддин, Шарофиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофизи Абрў, Ҳофиз Таниш Бухорий, Абулғозий Баҳодирхон, Абу Тоҳирхўжа, Аҳмад Дониш каби алломалар асарларидан топиш мумкин. Мутахассислар фикрича, X-XII асрлар Мовароуннаҳр топонимиясининг катта қисмини исломгача бўлган даврдан мерос қолган шарқий эроний (сўғд, бохтар, хоразмий) тилларга хос топонимлар ташкил қилган. Кейинги давр Мовароуннаҳр топонимиясининг шаклланиш жараёни туркий қатламнинг кучайиши, натижада шарқий эроний топонимик қатламнинг сиқиб чиқариши билан боғлиқ.

Ўрта Осиё қадимий туркий топонимиясини тадқиқ этган Ш.Камоллидиновнинг маълумотларига кўра, келиб чиқиши туркий бўлган номлар Ўрта Осиё ҳудудида қадимдан мавжуд бўлган ва улар илк ўрта асрларда минтақадаги жой номларининг катта қисмини ташкил қилган бўлса, ҳозирда Ўрта Осиё топонимиясининг асосий қисми туркий топонимлардан иборат. Илк ўрта асрларда туркий топонимлар, сон жиҳатдан шарқий эроний тилларга хос номлардан кейин иккинчи ўринда турган, аммо ўрта асрлардан бошлаб туркий қатламнинг кучайиши натижасида улар Ўрта Осиё топонимиясининг энг бақувват қатламига айланган.

Қадимий қўлёзмалар билан бир қаторда тарихий-географик асарлар ҳам топонимиканинг муҳим манбаларидан ҳисобланади. Ана шундай, Ўрта Осиёда ёзилган мемуар асарларнинг дурдонаси ҳисобланган «Бобурнома»да ҳам кўпгина жой номларига доир қимматбаҳо маълумотлар мавжуд. Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг кўрган, қузатган бой илмий далиллари асосида чиқарган хулосаларини «Бобурнома» асарига жамлаган.

Ҳ.Ҳасановнинг таъкидлашича, «Бобурнома»да мингга яқин географик ном тилга олинган. Китобда келтирилган, Ўрта Осиёга доир номларнинг кўпчилиги ҳамон ўша даврдаги каби ёзилади ва талаффуз этилади.

«Бобурнома»даги географик номларнинг аксариятини ҳозирги ўзбек ва тожик тилида изоҳлаш мумкин. Бир қанча топонимларнинг этимологиясини Бобурнинг ўзи тушунтириб ўтган. «Бобурнома»да географик атамалар шу қадар кўпки, уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам мавжуд, бир қанчалалири фақат географик номлар таркибида қолган, баъзи бирлари бутунлай истеъмолдан чиқиб кетган.

Ўрта асрларда топонимик қонуниятларни аниқлаш усууллари кашф этилмаганлиги боис, топонимларнинг маъно хусусиятлари кўпинча фарзияларга асосланган ҳолда изоҳланган. Қадимий ва ўрта асрлар манбаларида қайд қилинган топонимлар, географик терминлар, ўсимлик ва ҳайвонот номлари, этнонимлар, антропонимлар географик жиҳатдан тўлароқ ўрганилиши керак.

Илмий топонимикани пайдо бўлиши: Жой номларини ўрганадиган таълимотни илмий фан сифатида пайдо бўлиши кўп жиҳатдан фаннинг амалий эҳтиёжи билан боғлиқ. XVIII-XIX аср олимлари илк бор обьектларни ўрганиш, тавсифлаш, картага тушириш жараёнида географик обьект билан бирга номларини ҳам тадқиқ қилишган. Географик номларни пайдо бўлиши, қайси тилга мансублиги, шаклланиши, англатган маъноси, ривожланиши тарихини илмий асосда ўрганиш, хусусан уларни классификациялаш XVIII асрнинг иккинчи яримидан бошланган. Шу даврдан бошлаб, жой номларига муҳим илмий географик маълумотлар манбай сифатида қаралган.

Ер юзининг маълум ҳудуди, қисмини тасвирлашда унинг номи, қайси тилга тегишли ва қандай маъно касб этишни аниқлаш муҳим ҳисобланган ва географлар томонидан шу мақсадда қўплаб топонимик тадқиқотлар амалга оширилган. А.Гумболд, Ҳ.Вамбери, Ж.Тоннеле, Н.Надеждин, А.Востоков, А.Кастрен, П.Семёнов-Тян-Шанский каби олимлар илмий топонимика ривожига катта ҳисса қўшганлар. Масалан, академик А.Востоков 1812 йили ёзган “Этимология ҳаваскорларига машқ” номли мақоласида географик номларни олд ва охирги қўшимчаларининг ўхшашлигига қараб бир неча гурухга бўлган ва бу ҳол тасодифий эмас, деган холосага келган.

Тушиниши қийин бўлган бу қўшимчалар ҳозирги илмий тилда топоформантлар деб аталади. Соҳа мутахассислари А.Востоковнинг хизматларини инобатга олиб, уни топонимик илмий тадқиқотларда кўлланиладиган формантлар (лотинча, форманс - ҳосил қилувчи) усули асосчиси деб эътироф этишади.

XIX асрда тилшунослик, тарих, география, картография каби фанларнинг амалий эҳтиёжидан келиб чиқиб топонимикага қизиқиш янада кучайди. Т.Нафасовнинг ёзишича, XIX аср ўрталари, охири ва XX аср бошларида топонимик тадқиқотлар мазмунан бойиди, сон ва савия жиҳатдан кенгайди. Топонимикага бағищланган маҳсус асарлар пайдо бўлди, географик номларни ўрганадиган комиссиялар ва жамиятлар ташкил этилди. Масалан, Ғарбий Европа, жумладан, Франсия, Англия, Германия, Полшада барча топонимик ишларни мувофиқлаштирувчи топонимик жамият ёки гурухлар пайдо бўлди. АҚШ да 1890 йили географик номлар бюроси, 1923 йилда эса топонимик жамият ташкил қилинди.

Россияда ҳам 1847 йили Рус география жамияти қошида географик терминологиянини ўрганиш комиссияси ташкил этилди ва у топонимикага катта аҳамият берди. Комиссия таркибида қатнашган А.Дал, Н.Надеждин каби олимлар ёрдамида тўрт мингдан ортиқ географик терминлардан иборат луғат тузилган. Рус олими Н.Надеждиннинг топонимикага бағищланган илмий ишлари диққатга сазовор. У топонимикани халқ ҳаёти, турмуши, дунёқараши билан боғлиқ эканлиги, жамият тарихидаги муҳим воқеа-ходисалар жой номларида акс этишига катта эътибор берган. “Топонимия - ер тили, ер - инсоният тарихи географик номлар билан ёзилган китобдир” деган таъриф айнан унга тегишли.

Кейинги икки аср давомида ёзилган тарихий, лингвистик ва хусусан географик асарлардан Ўрта Осиё ва Ўзбекистон топонимиясига оид кўплаб маълумотлар топиш мумкин. Масалан, венгрялик олим А.Вамбери Ўрта Осиёга маҳфий саёҳат қилиб, тарихий топонимикага оид “Марказий

Осиёнинг географик номлари” китобини ёзган. Асарнинг луғат қисмida 600 га яқин географик ном ва атамаларга алифбо тартибида таъриф берилган.

Ўзбекистоннинг тарихий географияси, хусусан, топонимиясини ўрганишда XIX асрда ижод қилган рус олимлари орасида В.Вяткинни алоҳида ўрни бор. Олимнинг Самарқанд ва Тошкент вилоятларига бағишлиланган ва вақф хужжатлари асосида ёзилган асарларида жой номларнинг келиб чиқиши ҳакида қизиқарли маълумотлар топиш мумкин. Умуман, олимнинг асарлари топономик тадқиқотларда, айниқса, жой номларининг этимологиясини аниқлашда муҳим аҳамият эга.

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин Н.Хаников, Н.Ситняковский, Л.Соболев, Д.Лагофет, А.Хорошхин каби олимлар турли экспедициялар таркибида Ўрта Осиёга келиб маҳаллий халқларнинг тили, тарихи, этнографиясини ўрганишган. Улар ёзган асарларда Ўрта Осиё жой номларининг этимологиясига оид турли тарихий-лингвистик фикрлар билдирилган. XIX аср охири ва XX асрнинг бошларидағи Ўрта Осиё топонимиясини ўрганишда, академик В.Бартолд асарлари алоҳида ўрин тутади. В.Бартолд гарчи топонимикага бағишлилаб алоҳида асар ёзмаган бўлса ҳам, аммо, унинг асарларини ўрганмасдан туриб Ўрта Осиё топонимикаси билан шуғулланиб бўлмайди.

Олим асарларининг топонимика учун қиммати шундаки, у рус ва Гарбий Европа тилларидаги адабиётларни араб, форс ҳамда туркий тиллардаги асарлар билан таққослаб танқидий ўрганди. В.Бартолд асарларида араб ва форс манбаларида қайд қилинган юзлаб жой номларининг этимологияси шарҳланган ва арна, ариқ, ёб, диз, ғар, кент, рустоқ, ҳисор, қалъа, қўрғон каби кўплаб географик терминлар илмий жиҳатдан изоҳланган.

XVIII асрнинг иккинчи яримидан, то XX асрнинг биринчи яримигача топонимик тадқиқотлар мазмунан бойиди, сони кўпайди, сифат ва савия жиҳатдан анча ошди. Зарурий маълумотлар тўпланиб, топонимикага бағишлиланган бир қанча асарлар яратилди. Уларда географик объектларнинг

номлаш қонуниятларини айрим жиҳатлари аниқланиб илмий топонимик тадқиқотларга асос солинди.

ХХ асрнинг 50-чи йилларидан бошлаб топонимик тадқиқотлар кенг қулоч ёзди. Топонимик маълумотларни тўплаш ва тадқиқ қилиш соҳасида жиддий ишлар бошланди. Географик номлар бўйича маҳкамалар, топонимик комиссиялар тузилди ҳамда уларни ўрганишга катта аҳамият берилди. Ўша даврда топонимик тадқиқотлар учта асосий йўналишда олиб борилди.

1. Фаннинг назарий масалалари ва тадқиқотлар методлари;
2. Минтақалар топонимиясига оид илмий тадқиқотлар;
3. Макроминтақалар ва хорижий мамлакатлар топонимикаси.

Маълумки, топонимиканинг назарий масалаларини ҳал қилмасдан туриб топонимик тадқиқотлар билан шуғулланиш анча қийин масала. Шу сабабдан, топонимист олимлар, айрим минтақалар топонимияси билан шуғулланишдан ташқари, географик объектларнинг номлаш қонуниятларини тадқиқ этиш, ва географик номларнинг классификациясини яратиш каби масалаларга ҳам катта эътибор қаратишган.

Топонимиканинг илмий фан сифатида шаклланишида рус олимларининг хизматлари катта. Бу соҳада А.Дулзон, А.Матвеев, А.Попов, А.Суперанская, В.Торопов, С.Толстов, Е.Поспелов, О.Трубачев, Р.Агеева каби олимларнинг асарлари маълум ва машҳур. Улар орасида географ олим Э.Мурзаевнинг хизматлари алоҳида диққатга сазовор. Олим яrim асрдан кўпроқ вақт давомида географик номларни ўрганди. Ўрта Осиё топонимларининг келиб чиқиши, транскрипцияси, хусусан, маҳаллий географик терминлари ҳақида кўплаб қимматли асарлар, монографиялар, луғатлар, илмий мақолалар ёзди. Э.Мурзаев кўп йиллик илмий фаолияти давомида топонимиканинг назарий масалалари билан бирга, географик терминларга алоҳида аҳамият берди.

Олимнинг топонимика соҳасидаги асарларидан энг салмоқлилари ҳалқ географик терминларига бағишлиланган. Бу борадаги сўнгги ва энг йирик

асари, 1999 йилда Москвада чоп этилган икки жилдли “Словарь народных географических терминов” китобидир. Олимнинг таъкидлашича, ҳар қандай топонимик тадқиқотни географик терминларни ўрганишдан бошлаш керак, чунки топонимик терминлар номларнинг этимологиясини аниқлашда универсал калит ҳисобланади.

Э.М.Мурзаевнинг соф топонимик ишлари ҳам кам эмас. Унинг “Очерки топонимики” номли асари олимнинг жой номларини ўрганиш соҳасидаги кўп йиллик меҳнати самарасидир. Мазкур китобда, географик номларни ижтимоий ҳодиса эканлиги, жамиятнинг эҳтиёжи билан боғлиқлигини таъкидлаб, у шундай ёзган: «газета ўқиганда ҳам, радио тинглаганда ҳам воқеа ва ҳодисаларни кўпинча географик номларга боғлаб ўқиб оламиз. Ҳозирги замон жамиятини географик номларсиз тасаввур этолмаймиз».

Собиқ Иттифокда топонимикани фан сифатида шаклланишига В.А.Никонов катта ҳисса қўшган. Олим географик номларни тарих тақозоси билан пайдо бўладиган ижтимоий ҳодиса эканлигини алоҳида таъкидлайди. В.А.Никонов ном географик объектнинг хусусиятидан келиб чиқади, деган фикрни ғалат ва топонимика учун жуда хавфли деб ҳисблайди. Олимнинг ёзишича, географик объектга ном танлашда унинг ўзига хос хусусиятлари асос бўлиши мумкин, аммо, ана шу аломатни, белгини танлаш фақат жамият манфаатлари билан боғлик. Фикрини исботи сифатида, дарёни Қорадарё ёки Оқдарё деб номланиши дарё учун муҳим эмас, у қандай аталишидан қатъий назар ўз вазифасини бажараверади, аксинча, ном танлашда жамият манфаатлари устунлик қиласи, деб ёзган. Ҳозирда, мутахассислар томонидан эътироф этилган топонимик қонуниятлар ҳам, илк бор ана шу олим томонидан аниқланиб фанга киритилган.

Шу нарса эътиборга сазоворки, В.А.Никонов географик объектларга берилган номлар ҳақида фикр билдириб, уни номлаган халқ йўқ бўлиб кетса ҳам, аммо, жой номи узоқ муддат ҳаттоки, бир неча минг йилгача, асл ҳолида ёки шакли ва талаффузи ўзгариб, мавхумлашиб сақланиб қолиши

мумкинлигини алоҳида таъкидлаган. Масалан, В.А.Никонов томонидан келтирилган бир ривоят бу фикрни исботидир. Олимнинг ёзишича, конкистадорлар Жанубий Америкадаги Ориноко дарёси бўйида яшайдиган маҳаллий ҳинду қабиласини қириб юборишади, аммо, улар томонидан хонакилашган тўти қушлар узоқ муддат маҳаллий ҳинду қабиласи тилида сайраган.

Мустакил давлатлар ҳамдўстлиги таркибидаги бошқа мамлакатларда ҳам топонимикага катта аҳамият бериб келинади. Географ олимлардан белоруслик В.Жучкевич бу соҳада анча ишлар қилган. Унинг «Умумий топонимика» номли ўқув қўлланмаси бир неча бор нашр этилган. Украиналик олим Ю.Карпенко регионал топонимияни мукаммал ўрганишидан ташқари топонимика назарияси ва методологиясининг умумий масалаларига алоҳида аҳамият берган. Олимнинг фикрича, реал ҳаётда номнинг туғилишига туртки бўлган сабабни аниқлаш топонимика учун ниҳоятда муҳимдир.

Марказий Осиё давлатлари олимларидан Тожикистанда, Яғноб топонимларини мукаммал ўрганган А.Хромов, Помир микротопонимларини тадқиқ қилишда Р.Додихудоев, А.Розенфельд асарларининг аҳамияти катта. Қозоғистонда жой номларини ҳам лингвистик, ҳам географик нуқтаи назардан тадқиқ этишда катта ютуқлар қўлга киритилган. Республикада топонимларини хусусан, маҳаллий географик терминларини ўрганишда Г.Конкашпаевнинг хизматларини алоҳида қайд қилиш керак. Қозоғистонлик А.Абдураҳманов, В.Попова, Т.Жанузсақов, Е.Қўйчибоев каби олимларининг илмий ишларида топонимиканинг умумий масалалари билан бир қаторда жой номларининг этимологиясига катта ўрин берилган.

Туркманистанда топонимиканинг ривожланиши академик С.Атаниёзов номи билан боғлиқ. Олим фаннинг методологик масалаларини ёритиш билан бирга, тадқиқотларида кўпроқ этнонимларнинг келиб чиқишига эътибор қаратган. Туркман географик терминларини йиғиши ва изоҳлаш билан М.Гелдиҳанов шуғулланган. Қирғизистон топонимикасининг ютуқлари

географлардан С.Умурзоқов, тилшунослардан Қ.Қонқабоев, Д.Исаев номлари билан боғлиқ. Озарбайжонлик олимлар ҳам топонимика соҳасида анча жиддий тадқиқотлар олиб боришган. Масалан, республика жой номлари ва маҳаллий географик терминларини йиғиши ҳамда ўрганиши бўйича Р.Юзбашев, С.Муллазода, А.Алиев, топонимиканинг назарий масалаларини тадқиқ қилишда Т.Ахмедовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак.

Ўтган XX аср давомида хорижий мамлакатларда ҳам топонимик тадқиқотлар тез суръатлар билан ривожланди. Натижада, бир қатор мамлакатларда топонимик мактаблар пайдо бўлди. Ер шарининг турли минтақалари географик номларининг ўрганишда Ж.Стюарт, Н.Холмер, М.Баррил (АҚШ); А.Доза, (Франсия); Г.Крае, М.Фесмер (Германия); Э.Экуолл, А.Смит, А.Рум, С.Меттюз (Буюк Британия); А.Профоуз, В.Шмилауэр (Чехия); В.Ташицкий, Й.Сташевский (Полша); В.Георгиев (Болгария); Л.Киш (Венгрия), Г.Драгу (Руминия); М.Олсон (Швеция); Ж.Армстронг (Канада); А.Кардозу (Бразилия) каби олимларнинг хизматлари катта.

Ўзбекистонда топонимика фанининг ривожланиши: Ўзбек олимларидан биринчи бўлиб Ҳ.Ҳасанов топонимикага мурожаат қилган. Олим жой номларига бағищланган бир қатор илмий мақола ва китоблар ёзган. Унинг «Географик номлар имлоси» (1962), «Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар» (1964), «Ўрта Осиё жой номлари тарихидан» (1965), «Ер тили» (1977), «Географик номлар сири» (1985) каби асарларида Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон топонимиасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида муҳим фикрлар, холосалар баён этилган. Ўзбек «Магеллани» деб эътироф этилган олим жой номларининг транскрипцияси, этимологияси, тарихи, топонимларнинг асосини ташкил этувчи географик терминларга жуда катта эътибор берган.

Топонимика фанига бутун умрини бағищлаган олимлардан яна бири Суюн Қораевдир. Олимнинг илмий фаолиятида маҳаллий географик терминлар алоҳида ўрин эгаллайди. С.Қораев жой номлари таркибида

учрайдиган 120 дан ортиқ географик терминларни атрофлича изоҳлаган. Уларнинг кўпчилиги шу вақтгача географик адабиётларда, ҳатто изоҳли луғатда ҳам учрамайдиган, илмий муомалага киритилмаган чинакам маҳаллий халқ терминлари ҳисобланади.

Географик терминлар ва жой номларини ўрганиш соҳасида самарали меҳнат қилган географ олимлардан яна бири П.Ғуломовдир. Олим томонидан “Географиядан қисқача русча-ўзбекча атамалар ва тушунчалар луғати” (1993), “Жуғрофий атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати” (1994), “Топонимика ва географик атамашунослик” (2005) каби ўкув қўлланмалар нашр этилган. П.Ғуломов илмий ишларида жой номлари ва атамаларнинг тўғри ёзилиши, уларнинг таржимаси, илмий ва ўкув адабиётларга киритилиши ҳамда топонимик саводхонлик масалаларига жиддий эътибор қаратган.

Сўнги йилларда Қ.Сейтниязов (1998), Коракалпоғистон ўнг соҳил шимолий туманлари топонимияси ва Қ.Ҳакимов (2010) томонидан Жиззах вилояти топонимияси ўрганилди. Бажарилган ишларда географик объектларни номлаш қонуниятлари, жой номларини шаклланишида минтақанинг иқтисодий-ижтимоий географик хусусиятлари, топонимларни ўзбек ва қорақалпоқ тилларда тўғри ёзилишига эътибор қаратилган. Шу билан бирга, янги географик объектларни номлаш бўйича тавсиялар ва топонимлар турларига оид турли карталар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон топонимиясини лингвистик аспектда ўрганиш ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида бошланган. Тилшунос топонимист олимлардан Э.Бегматов, З.Дўсимов, Т.Нафасов, Т.Эназаров, Н.Улуқов, Н.Охуновлар республика топонимиясининг яратилиш қонуниятлари, лексик-семантик хусусиятлари, уларнинг тузилиши, таснифлаш масалаларини тадқиқ қилишда катта ҳисса қўшганлар. Ўзбекистонда топонимика фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган олимлардан бири Т.Нафасов, республикада биринчи бўлиб топонимикадан номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Халқ табиий географик терминлари, уларнинг пайдо бўлиши, шаклланиш хусусиятлари, тарқалиш ареаллари, манбалари, илмий ва ўқув адабиётларга киритиш тамойиллари каби масалалар М.Мирақмалов томонидан ўрганилган. Кейинчалик ҳудудий топонимика соҳасида бир қатор илмий-татқиқот ишлари бажарилди. Масалан, Т.Нафасов - Қашқадарё топонимиясини, Ш.Қодирова - Тошкент микротопонимларини, З.Дўсимов - Хоразм, Я.Хўжамбердиев - Сурхондарё, Т.Рахматов - Самарқанд, С.Губаева ва Н.Охунов - Фарғона водийси, А.Зокиров - Жиззах, К.Абдимуратов - Қорақалпоғистон республикаси, С.Наимов - Бухоро вилояти топонимиясини тадқиқ қилган.

Охирги йилларда бажарилган минтақавий топономик тадқиқотларнинг аксарияти географик номларининг диалектик, семантиқ, грамматик ва лингвогеографик хусусиятларига бағищланган. Умуман олганда, жой номларининг минтақавий хусусиятларини тадқиқ этиш орқали ҳар бир ҳудуд топонимиясининг умумий ва хусусий жиҳатлари аниqlаниб, уларнинг Ўзбекистон топонимиясида тутган ўрни белгиланади.

☼ Савол ва топшириқлар:

1. Қадимги дунё ва ўрта асрлардаги топонимик маълумотлар ҳақида реферат тайёрланг.
2. Топонимикани фан сифатида ривожланишида Ўрта Осиёлик олимларнинг хизматлари нимадан иборат?
3. Илмий топонимиканинг пайдо бўлишига сабаб бўлган асосий омилларни изоҳланг.

☼ Тест топшириқлари:

1. XIII аср географик маълумотларини тўплаб ўн жилдлик «Муъжам ал-булдон» (Мамлакатлар лугати) номли географик лугатни тузган олим ким?
 - A. Истаҳрий
 - B. Кайковус
 - C. Ёқум Ҳамавий
 - D. Абдураззоқ Самарқандий

2. Эратосфен грекларга маълум бўлган худудларни қандай атаган?

- A. Клима
- B. Ойкумена
- C. Скифена
- D. Период

3. Муаллифи номаълум бўлган “Худуд ул-олам” асари қачон, қаердан топилган ва ҳозир қайси шаҳарда сақланмоқда?

- A. 1912 йилда Бухорода топилган, ҳозир Лондонда.
- B. 1715 йилда Хивада топилган, ҳозир Тошкентда.
- C. 1892 йилда Самарқандада топилган, ҳозир Санкт-Питербургда.
- D. 1970 йилда Жиззахда топилган, ҳозир Москвада.

4. А.Хромов ибораси билан айтганда, Ўрта Осиёning биринчи топонимисти бу... . Нуқталар ўрнига тўғри жавобни кўйиб белгиланг.

- A. Ҳ.Ҳасанов
- B. М.Кошгари
- C. Ибн Ҳавқал
- D. Ё.Ҳамавий

5. “Ер - инсоният тарихи географик номлар билан ёзилган китобдир” деган ибора кимга тегишили?

- A. Э.Мурзаев
- B. Н.Надеждин
- C. Ҳ.Ҳасанов
- D. С.Қораев

1.4. ТОПОНИМИК ТАДҚИҚОТЛАР

 **Режса:**

1. Топонимиканинг тадқиқот методлари ҳақида умумий тушунча.
2. Топонимика фанининг илмий-тадқиқот методлари таҳлили.
3. Дала шароитида географик номларни ўрганишини афзаликлари

 **Мавзунинг мақсади:** Топонимика фанининг илмий-тадқиқот методлари ва уларни қўллаш имкониятлари ҳақида илмий тушунчаларни шакллантиришидан иборат.

 **Таянч ибора ва атамалар:** географик метод, топоформант, топонимик “юк”, географик объект, умумий ва хусусий ном.

Топонимиканинг тадқиқот методлари: Топонимик тизимни бир бўлаги бўлган ном турлича кўринишда бўлиши мумкин. Шу сабабдан, номлар мажмуасининг барча ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб таҳлил қилинганда тўғри ва самарали натижага эришиш мумкин. Демак, ҳар қандай географик объект номининг маъно-мазмунини аниқлаш учун, уни ҳар томонлама ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Ҳ.Хасанов бу масалага эътибор қаратиб: «ҳар бир жой номининг бамисоли икки томони бор сирти ва ичи. Сиртдан қараганда ҳар бир ном атоқли от бўлиб кўринади. Африка, Гренландия, Хитой, Миср, Париж сингариларнинг жой номи эканлиги ҳар кимга ҳам аён. Аммо, номнинг ички томони ҳам борки, уни кўриш учун «рентген»га солиш лозим; бу ном қаерда, нега шундай аталган, қайси тилдан олинган? Жой номининг бу ички хусусиятини ҳар ким билавермайди, у фақат тадқиқотчига муяссар бўлади», деб ёзган эди.

Бошқача айтганда, топонимик тадқиқотларда кўпинча яхлит манбаларга эътибор қаратиш керак, чунки, географик номларга тақрорийлик хос, улар баъзан тўла гоҳо агар мураккаб ном бўлса таркибий қисмларга бўлиниб тақрорланади. Кўпинча номнинг семантикаси, талаффузи, лисоний тузилиши тўғри келиши мумкин, баъзан номнинг ҳамма аломатлари биргалиқда тақрорланади. Ном ҳеч қачон ягона, танҳо эмас, у топонимик

тизимдаги узун занжирнинг бир бўғини ҳисобланади. Бинобарин, агар барча географик номларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб тадқиқ қилинса, таҳлил тўғри ва маҳсулдор бўлади. Бу ҳар қандай топонимик тизимга ва ҳар бир географик номнинг пайдо бўлиши ва маъно-мазмунини аниқлашга таалуқлидир.

Демак, ҳар бир ҳудуд, минтақанинг мавжуд топонимик мажмуаси, жой номлари турли нуқтаи-назардан таҳлил қилиниши керак: 1) номнинг географик алломатлари: тоғ, дарё, дашт, чўл, шаҳар, қишлоқ ва ҳоказо; 2) пайдо бўлиш вақти ва унга туртки бўлган сабаблар; 3) қайси тилга алоқадорлиги ва унинг лисоний хусусиятлари; 4) мазмуни ва этиологияси (юононча, ἔτύμον - ҳақиқат, сўзнинг асл маъноси ва λογος - таълимот). 5) номнинг тузилиши, тил қонуниятлари ва имло қоидаларига тўғри келиши; 6) топонимнинг яратилган тилида ва бошқа тилларда илмий жиҳатдан тўғри ёзилиши; 7) тарқалиш ҳудуди, ареали, миграция йўллари.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, топонимнинг асл маъносини аниқлаш учун битта методдан фойдаланиш яхши самара бермаслиги мумкин. Шу сабабдан, топонимистнинг асосий вазифаси - фаннинг турли топонимик тадқиқот методларидан фойдаланиб ҳақиқий илмий натижани қўлга киритишдан иборат. Яна шуни ҳам унитмаслик керакки, топонимик тизимдан ажратиб олинган алоҳида ном илмий таҳлил учун асос бўлолмайди. Аксинча, топонимик тадқиқотларда географик номни ҳудуд топонимияси билан бирга тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Умуман олганда, топонимист олимларнинг сайъ-ҳаракати билан топонимика фанининг тадқиқот методлари шаклланди. Улар, биргаликда жой номининг асл маъносини соҳтасидан ажратиш имконини беради. Аммо, мавжуд методларнинг қайси бири энг муҳимлигини айтиш қийин, чунки уларнинг ҳар бири географик номга турлича ёндошиш имконини беради ва топонимнинг мазмун ва моҳиятини аниқлашда алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирда, мутахассислар томонидан илмий-тадқиқот ишларида қўлланилаётган топонимик тадқиқот методлари қуидагилардан иборат:

Географик метод: Топонимик тадқиқотларда ушбу метод топонимик терминларни қўлланишига асосланган. Географик номлар таркибида учрайдиган топонимик терминлар ифодаланган объектни билдирувчи сўзлар (турдош отлар)дан ташкил топган. Уларни айрим илмий адабиётларда топонимик индикатор деб ҳам атashади. Кўпинча, топонимик терминлар (жар, сой, булоқ, тепа, қудук ва бошқ.) жой номларининг асосини ташкил этади ва географик объектнинг турини билдиради.

Топонимик термин - турдош от, географик ном эса атоқли отdir. Топонимик терминларни ўзи ифодалаётган объектларга қараб (геоморфологик, гидрологик, литологик, этнонимик, ойкономик ва бошқ.) аниқлаш мумкин. Географик ном ва термин ўртасидаги алоқадорлик топонимиканинг универсал қонунияти ҳисобланади. Халқ термини ва географик объект орасидаги мавжуд генетик алоқа топонимияда ўз аксини топган.

Картографик метод: Нисбатан мураккаб бўлган картографик метод сўнгги вақтда топонимик тадқиқотларда кенг қўлланилмоқда. Унинг бошқа усуллардан фарқи ва афзалиги шундаки, номларнинг ўрганилганлик даражаси, табиий, ижтимоий, иқтисодий ҳодиса ва объектлар билан алоқадорлиги, такрорийлиги ва зичлигини майдон бирлигига аниқ кўрсатиш имконини беради. Топонимик маълумотларни аниқлаш турли картографик манбалардан фойдалинишни талаб қиласи. Турли даврдаги карталар ёрдамида табиий ҳодиса ва жараёнларни ривожланиш босқичларини топонимия маълумотлари асосида кузатиш ва аниқлаш мумкин.

Топонимик карталар тузиш, улардан фойдаланиш, умуман картографик методнинг имкониятларини рус олими Е.М.Поспелов илмий жиҳатдан ҳар томонлама ўрганган. Картографик метод топонимиистдан ўрганилган умумий маълумотлардан аниқ хulosа чиқаришни талаб қиласи. Шу сабабдан, картадаги маълумотлар матнга нисбатан яққол ва аниқ кўзга ташланади ҳамда топонимик ҳодиса ва қонуниятларни тушиниш имкониятини беради.

Е.М.Поспелов ушбу метод ёрдамида топонимик қўшимчаларнинг ҳудуд бўйлаб тарқалиши, минтаقا топонимиаси таркибидаги мавжуд тилларнинг ареаллари, номларнинг майдон бирлиги бўйича зичлиги ва такрорланишини аниқ мисолларда кўрсатиб берган. Топонимик «юки» бўлган карталарни тузиш ва улардан самарали фойдаланиш учун топонимларнинг электрон базасини яратиш, замонавий ахборот ва ГИС - технологияларни қўллаш яхши натижа беради.

Тарихий метод: Тарихий таҳлил методидан фойдаланиб топонимни пайдо бўлган даври, унинг эволюцияси ва трансформацияси ҳамда янги географик номнинг пайдо бўлишига асос бўлган ижтимоий муҳитни аниқлаш мумкин. Шу сабабдан, ҳар қандай топонимик фактни тадқиқ ва таҳлил қилишда, аниқ тарихий воқеликни ҳисобга олиб иш кўриш, улардан самарали фойдаланиш яхши натижа беради. Кўпинча географик номларнинг семантикаси ўзига хос хусусиятларга эга, улар узок тарихий давр давомида шаклланган бўлиб, инсоннинг табиатга бўлган муносабатини ифода этади.

Ном доимо ижтимоий эҳтиёж туфайли пайдо бўлганлиги боис, ҳаттоқи, табиий-географик терминлар ҳам топонимида географик объектнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини белгилайди. Ҳар бир географик ном бу тил орқали ифодаланган ихчам тарих, унинг асоси муайян тарихий даврда яратилган. Тарихий усул ёрдамида тадқиқотчи жой номининг географик алломатларига яна ҳам жиддий эътибор бериши мумкин.

Топонимик тадқиқотларда тарихий усулни қўллаш тарафдори бўлган А.И.Попов ўзининг асарларида аниқ тарихий шароит ва тарихий манбалардан хабардор бўлмасдан туриб, географик номнинг келиб чиқиши ҳақида тўғри фикр билдириш мумкин эмаслигини бир неча бор таъкидлаган. Чунки, топонимлар аниқ бир тарихий шароитда пайдо бўлади ва келиб чиқиши жамият ҳаёти, ҳудудда яшаётган ёки қачонлардир яшаган халқлар тили билан чамбарчас боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди.

Мутахассисларнинг аниқлашича, ҳар бир тарихий давр географик номларнинг муайян қатламини ҳосил қилган ва уларда ўша даврнинг ўзига

хос «изи» мавжуд. Бошқача айтганда, ҳар бир тарихий давр ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини ўша даврнинг географик номларида ҳам кўриш мумкин. Шу сабабдан, номнинг асл маъносини аниқлашда уни тарихий пайдо бўлган даври билан бирга ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаш жоизки, тарихий маълумотлар ҳар доим ҳам номлашнинг тарихий жараёнини кузатиш ва тиклаш имконини бермайди. Шу сабабдан, кўпинча топонимик маълумотларни тарихий воқеа ҳодисаларни аниқлашда қўшимча илмий манба сифатида фойдаланиш яхши натижা беради.

Лингвистик метод: Географик номларнинг ҳудудий тадқиқ этиш ва формантларга бўлиб ўрганишда олимлар томонидан лингвистик усуллар (етимологияси, топоформантлар асосида, грамматик тузилиши) кенг қўлланилади. Номларнинг лисоний таркиби, сўз ва қўшимчалари, уларнинг маънолари ва бирикуви, номланишга асос бўлган ижтимоий-лисоний омиллар ўша давр воқелиги билан баҳоланиши, изоҳланиши ва тадқиқ қилиниши лозим.

Маълумки, ҳар бир тилда топоним ясовчи ўзига хос воситалар мавжуд, яъни, муайян суффикслар (аффикслар) ва сўзлар жой номи яратишга ихтисослашган бўлади. Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тили негизида пайдо бўлган топонимлар таркибида қўплик қўшимчалари унча кенг тарқалмаган. Жой номлари таркибидаги қўплик қўшимчаларга -лар (Араблар, Беклар), -он (Оҳангарон, Сўзангарон), -от (Боғот, Ҳирот) каби аффикслар мисол бўлиши мумкин.

Мутахассисларнинг ёзишича, йирик ва муҳим аҳамиятга эга бўлган географик обьектларнинг номлари тил ҳодисаси сифатида турғун қолиб, узоқ даврлар яшайди, тилдан тилга ўтиб асрлар давомида сақланиб қолади. Шу сабабдан, бундай узоқ ўтмишда яралган номларни, ном таркибидаги сўз ва қўшимчаларни тилнинг ҳозирги ҳолати билан талқин қилиш мумкин эмас.

Географик номларнинг асл маъноси ва мазмунини аниқлашда энг қадимий ва ҳозирда ҳам топонимика фани учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этиологик (юононча, étymon - ҳақиқат, сўзнинг асл маъноси ва λογος -

таълимот) методни қўллаш яхши самара беради. Шунинг учун, узоқ йиллар давомида ушбу метод топонимик тадқиқотларда кенг қўлланилган ва ҳозир ҳам у бошқа методлар орасида муҳимлиги билан ажралиб туради.

Бизнингча, ном билан боғлиқ бўлган географик маълумотлар ва тарихий воқеаликга таянмасдан туриб, номнинг асл маъноси ҳақида хulosа чиқариш этимологик усулни ишончсиз ва баҳсталаб қилиб қўяди. Айниқса, субстрат топонимларни тадқиқ қилишда фақат этимологик усулга таяниш чалкашликларга олиб келиши мумкин. Бинобарин, реал ҳаётда номнинг пайдо бўлишида туртки бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий-тарихий ва географик асосни эътиборга олган ҳолда, унинг этиологияси аниқланса яхши бўлади.

Ҳудудий топонимияни топоформантлар ёрдамида, яъни номлар таркибида тез-тез такрорланадиган олд ёки охирги қўшимчаларнинг ўхшашилигига қараб ҳам тадқиқ қилиш мумкин. Топонимлашув жараёнида топоформантлар топоасосларга қўшилиб янги ном ясади. Топонимларни формантлар ёрдамида ўрганиш кейинги чорак асрда катта аҳамият касб этди. Бу усулнинг кўпгина тарафдорлари уни жуда муҳим ва ишончли деб ҳисоблашади. Номлардаги элементларнинг такрорланиши кўпинча уларнинг бир типга хос эканлигидан далолат беради. Аммо, шуни унитмаслик керакки, номнинг пайдо бўлишида асос бўлиб хизмат қилган барча омилларни аниқламасдан, уларни формантларга ажратиш ҳар доим ҳам яхши натижа бермайди.

Кўпчилик тадқиқотчилар фикрича, номни формантларга қараб таҳлил этишининг қулайлиги шундан иборатки, топонимлар таркибида тез-тез такрорланадиган қўшимчалар уларнинг шаклланиши, этник дахлдорлиги, тарқалиш ареали, кўчма топонимлар ҳақида аниқ маълумот беради. Чунончи, Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда сермаҳсул бўлган *-истон* қўшимчаси ана шундай формантлардан бири ҳисобланади. Бу унсур мамлакат, ўлка номини ясади ёки бирон нарсанинг кўп эканлигини билдиради. Ўзбекистон, Гулистон, Регистон ва ҳоказо.

Статистик метод: Топонимик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган маълумотларни қайта ишлашда статистик усулдан фойдаланиб яхши натижаларга эришиш мумкин. Бу усул ёрдамида маълум худуддаги географик номларнинг сонини аниқлаш, уларни бошқа худуддаги номлар билан таққослаш, келиб чиқиши, қайси тилга мансублигини фоиз нисбатларини ўрганиш имконияти мавжуд. Статистик маълумотлар тадқиқотчини минтаقا топонимлари ҳақидаги тасаввурини конкретлаштиради ва аниқ хulosса чиқаришига кўмаклашади. Топонимикага оид картографик маълумотларни таҳлил этишда статистик методни қўллаш яхши самара беради.

Баъзан, объектнинг номланишига асос бўлган географик, тарихий ва лисоний сабабларни бевосита жойида аниқлаш керак бўлади. Айрим вақтда, анча мураккаб топонимик муаммони ечимини топиш учун, географик, тарихий ва лисоний ахборотлар камлик қилиши мумкин. Бундай ҳолларда, қўшимча ҳолда дала маълумотларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки, топонимик экспедициялар ёрдамида ташкил этилган дала тадқиқотлари бевосита объект билан жойида танишиш, ном ва географик терминларнинг моҳиятини аниқлаш ва тўғри хulosса чиқариш имконини беради.

Дала шароитида жой номларини ўрганаётган мутахассис айнан битта жой номи билан шуғулланмасдан, мақсадли равишда бир қанча топонимларнинг келиб чиқиши, этимологиясини жойнинг табиий-географик шароити билан таққослаши, номнинг тарихи билан яқиндан танишиб, тўғри илмий хulosалар чиқариш имкониятига эга бўлади. Хусусан, этномимларни тадқиқ этишда дала маълумотларидан фойдаланиш яхши натижа беради.

Тадқиқотчи ушбу жараёнда жой билан яхши танишади, номлашда асос бўлган табиий-географик шароитни ўрганади ва номнинг ҳақиқий маъносини аниқлаш мақсадида уларни таққослайди. Бу ишда маҳаллий аҳоли орасидан географик объект ҳақида мукаммал маълумот ва тушунчага эга бўлган билимдон кишиларни жалб қилиш ҳам ижобий натижа беради. Шу сабабдан, билимдонларни танлашга жиддий эътибор қаратиш лозим, уларни сони бир

нечта бўлгани маъқул, чунки тўпланган маълумотларни бир-бирига қиёсий таққослаш имкони пайдо бўлади.

Дала шароитида ишлаётган мутахассис таклиф қилинган ҳар қандай маълумотга бефарқ бўлмаслиги лозим, аксинча уларни танқидий ўрганиб, якуний хulosани ўзи чиқариши шарт. Шу билан бирга топонимик тадқиқотларда қуйидаги қўшимча манбалардан фойдаланиш мумкин: а) маҳаллий дала маълумотлар ёрдамида номларни географик объектларнинг хусусиятларига мос келиши ва уларнинг транскрипциясини аниқласа бўлади; б) маҳаллий ёзма маълумотлар, уларга солномалар, вақф ҳужжатлари (ёрлиқлар), турли карталар, юридик ва архив ҳужжатлари, маълумотномалар ва бошқалар киради. Улар ёрдамида топонимларнинг яшовчанлиги, ахборот ташиши, ўзгаришларга дучор бўлиши, номлашда туртки бўлган ижтимоий эҳтиёжни белгилаш каби масалалар ойдинлашади.

Хулоса қилиб айтганда, топонимик тадқиқотларда аниқ илмий натижага эришиш учун таҳлил ва синтезнинг барча тадқиқот методларидан, жумладан, энг қулай ва самарали усулларидан тўғри фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

 **Савол ва топшириқлар:**

1. Топонимиканинг тадқиқот методлари ҳақида қисқача маълумот тўплаб, уни изоҳланг.
2. Этимология методининг афзаликлари ва камчиликларини ўзаро таққосланг.
3. Топонимик тадқиқотларда картографик методнинг қандай афзаликлари мавжуд?

 **Тест топшириқлари:**

1. Топонимик тадқиқотларда статистик методнинг афзаликлари қайси бандда тўғри кўрсатилган?
 - A. Минтақа топонимлари ҳақидаги тасаввурни конкретлашитиради.
 - B. Картографик маълумотларни таҳлил этишида яхши самара беради ва аниқ хulosса чиқаришга кўмаклашади.
 - C. Номларни фоиз нисбатларини чиқаришга ёрдам беради
 - D. Барча жавоблар тўғри.

2. Топонимик тадқиқотларда картографик методни кенг қўллаган олимни аниқлааб белгиланг.

A. Е.Поспелов

B. Ҳ.Ҳасанов

C. А.Попов

D. С.Қораев

3. Топонимик тадқиқотларда жой номларини топоформантлар ёрдамида ўрганишида яхши самара беради?

A. лингвистик метод

B. статистик метод.

C. картографик метод

D. географик метод

4. Мутахассисларнинг ёзишича, топонимик тадқиқотларда номнинг асл маъносини аниқлаш учун методдан фойдаланиш яхши самара бермайди.

A. иккита

B. учта

C. битта

D. тўртта

5. Жой номларнинг асл маъносини аниқлашда энг қадимий ва ҳозирда ҳам топонимика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган методни белгиланг.

A. географик метод

B. дала кузатувлари

C. этимологик метод

D. картографик метод

1.5. ГЕОГРАФИК ТЕРМИНЛАР

Режса:

1. Географик терминларга қўйилган талаблар ва уларнинг манбалари
2. Миллий, маҳаллий, байналмиллал терминлар ҳақида тушиунча
3. Географик ва топонимик терминлар ва уларнинг турлари

 **Мавзунинг мақсади:** Географик терминларга қўйилган талаблар, уларнинг манбалари, миллий, маҳаллий, байналмиллал терминлар ҳамда географик ва топонимик терминларнинг турлари ҳақида илмий тушиунчалар ҳосил қилишдан иборат.

 **Таянч ибора ва атамалар:** термин, миллий, байналмиллал, маҳаллий терминлар, термин турлари, атама.

Топонимика фан сифатида ривожланишида мукаммал ўрганилган ва илмий асосланган географик терминларнинг аҳамияти бениҳоят катта. Географик терминлар анча катта ахборот (информацион) салоҳиятга эга. Шунинг учун, тилшунослар ҳам, географлар ва тарихчилар ҳам, улар билан қизиқишиди. Илмий адабиётларда термин (лотинча, terminus - чегара, ҳад) – сўзига билим ёки фаолиятнинг маҳсус соҳасига доир тушунчани аниқ ва барқарор ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмаси деб таъриф берилган.

Ҳозирги кунда термин сўзи билан бир қаторда “атама”, “истилоҳ” сўzlари ҳам айни маънода қўлланмоқда. Аслида атама сўзининг маъноси кенгрок, у термин билан бирга географик номни ҳам ўз ичига олади. Тарихий матнларда термин ўрнига кўпинча истилоҳ сўзи қўлланмоқда. Терминларнинг аниқлиги, мукаммаллиги фаннинг ривожланишини маълум жиҳатдан белгилаб беради

П.Ғуломовнинг ёзишича, термин - турдош от, исм, ном - атоқли от ва уларнинг ҳар иккиси ҳам атамадир. Географияда атамалар икки тур отларга бўлинади: географик термин ва географик ном. Географик терминлар куйидаги талабларга мос келиши керак:

1. Географик терминлар илмий ва этимологик жиҳатдан тўғри ёзилиши ва талаффуз қилиш керак. Бунга география фаннинг номини мисол қилиб

келтириш мумкин. Баъзан фан номи жуғрофия деб талаффуз қилинади. Фан номининг қайси шакли илмий жиҳатдан тўғри - география ёки жуғрофия? География - сўзи грекча, “гео” - ер, “графо” - тасвирлайман. Жўғрофия - география сўзининг бузилган шакли, ўзбек тилига араб ва инглиз тиллари орқали ўтган ва ҳеч қандай маъно касб этмайди.

2. Географик терминлар тушунарли, талаффузда осон, ихчам, тугал маъноли бўлиши керак. Мустақилликнинг дастлабки йилларида арабча мадор, баҳр, уммон, жўғрофион каби тушуниши ва талаффузи қийин бўлган нотаниш географик терминлар таклиф қилинди. Уларни кўпчилик қабул қилмади ва истеъмолдан чиқиб кетди. Ҳозирда, улар ўрнига барчага тушунарли бўлган параллел, тропик, денгиз, океан каби географик терминлар қўлланилмоқда.

3. Географик терминларга кўйилган энг муҳим талаблардан яна бири, терминлар давлат (ўзбек) тили қоидаларига тўла мос бўлиши керак.

4. Терминлар тил лугат бойлиги бўлиб, тил ривожланган сари эскирган терминлар муомаладан чиқиб кетиши мумкин. Улар ўрнига тилнинг сўз захирасидан янги терминлар кириб келади. Демак, географик терминларнинг қисман янгиланиб туриши доимий жараён ҳисобланади.

М.Миракмалов ёзишича, янги географик терминларни истеъмолга киритиш учун қуидаги манбалар мавжуд:

1. Ўзбек агадий тилининг сўз луғавий бойлиги, яъни луғатлар, бадиий ва илмий адабиётлар ва ҳоказо. Миллий терминлар бирор миллатнинг адабий тилида ва илмий адабиётларида барқарор ўрин олган ҳамда мазкур миллат вакилларининг кўпчилиги тушунадиган терминлар. Ўзбек миллий географик терминларига тоғ, текислик, дара, кўл, сой, дара, водий, жар, чўққи, ғор, сел, булут, ёмғир, қор, кўчки, довон ва бошқалар мисол бўлади.

2. Шева ва лаҳжалар сўз захираси. Уларни маҳаллий терминлар дейиши мумкин, чунки, фақат маълум ҳудудда тарқалган ва ўша шева ва лаҳжага хос бўлганлиги боис, ареали чекланган ва бошқа минтақада яшовчи аҳоли тушунмаслиги мумкин. Масалан, Хоразм шевасидаги ёп, арна, ҳарик, солма,

ёрма терминлари, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари тоғли худудларида *газа, адoқ, ховар* каби терминлар учрайди. Уларнинг фаъат бир қисми илмий географик адабиётларга киритилган.

Маълумотларга бой бўлган маҳаллий географик терминлар кўп асрлар давомида мутахассислар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Маҳаллий географик терминларнинг пайдо бўлишида ҳалқнинг хўжалик фаолияти, тарихи, моддий маданиятининг хусусиятлари ҳамда воҳанинг табиий муҳити ва географик шароити алоҳида аҳамиятга эга. Энг муҳими, маҳаллий шева ва лаҳжаларда ҳали илмий географик адабиётларга киритиш керак бўлган кўплаб маҳаллий терминлар мавжуд.

3. Бошқа тиллардан таржима қилиш йўли билан пайдо бўлган янги терминлар: Уларга қалашма муз, қирғоқ бўйи, дарё боши, қуяр жойи, сув сарфи, оқим, қора совуқ, сувайриғич каби терминларни киритиш мумкин. Агар маҳаллий шева ва лаҳжаларда таржима терминларнинг ўрнини босувчи сўзлар бўлса, яхиси уларни термин сифатида қабул қилиш ва илмий муомалага киритиш мақсадга мувофиқ.

4. Бошқа ҳалқлар тилидан ўзлашган ва кўпчилик тилларда бир хил кўлланадиган терминлар. Уларни кўпинча байналмиллал терминлар дейишади. Бунга фан номи география, лёсс, гейзер, вулкан, кварц, дельта, артезиан, циклон, антициклон, кристалл, фён, конденсация, ядро каби терминлар яққол мисол бўлади. Хорижий мамлакатлар билан тобора ривожланиб бораётган ҳалқаро муносабатлар янги байналмиллал терминларни кириб келишига қулай шароит яратади.

Ҳалқ табиий географик терминларни маҳсус тадқиқ этган географ олим М.Миракмалов топонимик терминларни алоҳида гуруҳларга ажратиб кўрсатган. Олимнинг ёзишича, жой номлари таркибида қатнашиб, улар ифодалаган объектни билдирувчи сўзлар (турдош отлар) топонимик терминлар (топотерминлар) деб аталади. Улар жой номлари таркибида бир неча кўринишда учрайди:

- а) Топонимик термин қўшимча сўзларсиз жой номига айланган.
(Камар, Лойқа, Тўқай, Кўтал ...).
- б) Топонимик термин қўшимчалар билан топоним ҳосил қилган.
(Тангили, Сойлиқ, Тошкесган, Дамариқ ...).
- в) Топонимик терминлар жуфт ҳолда географик номга айланган.
(Жарбулоқ, Жартепа, Айдаркўл, Арнасой ...).
- г) Топонимик терминлар топонимлар таркибида (Жумабозор,
Элликқалъа, Султонравот ...).

Топонимик терминлар барча тилларда такрорланади. Бу ҳақда Ҳ.Ҳасанов шундай ёзган: «Борди-ю ўнтача асосий тилни биладиган киши картадаги номларни шу тилларга таржима қилиб ўқиса, аксари шаҳар, тоғ, дарё ва кўлларнинг номлари деярли бир маънода эканини кўриб ҳафсаласи пир бўлар эди». Масалан, дарё, сув - жайхун, об, ганга, река, мисси, риоҳэ, йоки ... Тоғ - жабал, кўх, шань, монтана, съерра, монте, вальд ... ва ҳоказо.

Таниқли олим М.Миракмалов топонимик терминларни ўзи ифодалаётган объектларга қараб қуйидагича гуруҳлаштирган:

1. Геоморфологик топотерминлар (ағба, бел, дўнг, ёзи, жар, кўтал, орт, қир, ошув, дара, танги, бараз ва бошқалар).
2. Литологик топотерминлар (тош, қум, шағал, олтин, кумуш, нефт, газ, кўмир ва бошқалар).
3. Гидрологик топотерминлар (арна, ариқ, булоқ, дарё, ёп, ком, қудук, ҳовуз ва бошқалар).
4. Флористик ва фаунистик топотерминлар (бодом, тол, терак, тут, жийда, қайрағоч, олма, ўриқ, лайлак, каптар, туя, бўри, ғазол, жайра ва бошқалар).
5. Ойконимик топотерминлар (кат, овул, қишлоқ, деха, маҳалла, гузар, кўча ва бошқалар).
6. Этнонимик топотерминлар (қипчоқ, найман, қўнғирот, қирқ, юз, минг, қангли, араб, тожик, қирғиз, қозоқ ва бошқалар).

7. Турли топотерминлар (объектнинг хусусиятларини ифодаловчи терминлар: томони, ўрни, жойи, ҳажми, ранги ва бошқалар).


Маълумки, географик терминларни йиғиш ва тартибга солиш анча мاشаққатли иш, лекин уларни ўрганмаслик мумкин эмас. Шунинг учун, республика ҳудудидаги маҳаллий географик терминларни аниқлаш, уларни таснифлаш, луғатини тузиш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. М.Миракмалов ўзбек халқ (маҳаллий) географик терминларнинг бир неча манбаларини ҳам алоҳида ажратиб кўрсатган. Қадимги қўлёзмалар, тарихий-бадиий асарлар, халқ оғзаки ижоди, урф-одатлар шулар жумласидандир. Географик терминларнинг яна бир манбаи-илмий адабиётлар ҳисобланади. Э.Мурзаев (1959, 1984), Ҳ.Ҳасанов (1964), С.Қораев, П.Ғуломов ва Р.Рахимбеков (1979), Мирортиқ Мирабдулла ўғли (1992), П.Ғуломов (1994) ларнинг изоҳли луғатлари чоп этилган.

Мутахассисларнинг аниқлашича, хинд-европа тилларидағига қараганда туркий тилларда кўпчилик топонимлар маҳаллий географик терминлар иштирокида пайдо бўлган. Буни туркий халқларнинг яшаш тарзи бевосита уларни ўраб турган табиат билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги билан изоҳлашган. Баъзи ҳолларда эса қўшимча сўзларсиз ҳам маҳаллий географик терминлар топоним ҳосил қилган. Масалан, Жиззах вилояти ҳудудида камар, довул, оғар, лойқа, қайирма, қўриқ, бўз, тўқай, кўтал каби маҳаллий географик терминлар аҳоли пунктлари номлари шаклида ҳам учрайди. Бундай географик терминлар таркибидаги олд ёки орқа қўшимчаси (сифат, сон, аффикс) топонимиканинг тежалиш қонуниятига кўра тушиб қолган.

Аслида географик термин (тоғ, чўл, қўл, қишлоқ ва ҳоказо) ҳали географик ном эмас, балки турдош от бўлиб, муайян умумий ёки хусусий географик тушунчани билдиради. Бироқ ҳар қандай географик термин атоқли отга, яъни географик номга айланишини унитмаслик керак. Географик термин кўпинча жой номининг асосий мазмунини белгилайди, жумладан Бешбулоқ, Учтепа, Сарикамар, Чортанги, Оқбулоқ, Кўктепа, Тошкамар каби жой номлари бунга яққол мисол бўлади.

Кудук, чўққи, ариқ, тоғ, қум каби терминлардан иборат топоним учрайдиган бўлса, бундай топонимни изоҳлашда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Чунки, у географик объект номининг қисқарган шакли ёки узоқ асрлар давомида талаффуз қилиш натижасида бутунлай ўзгариб, бошқа бир маънени касб этган ном бўлиши мумкин.

Жадвалда республика ҳудудида ойконимлар ҳосил қилувчи асосий географик терминлар кўрсатилган.



Топонимлар таркибида адир, ариқ, бел, булоқ, довон, жар, кўл, тоғ, чўл, қум каби ҳаммага маълум терминлар билан биргаликда айrim ҳудудларга хос

бўлган арна, бўктар, газа, жўна, заяк, зов, камар, санглоқ, супа, танги, тарма, туз, чағат, чем, оғар каби ҳозиргача сақланиб келаётган терминлар ҳам мавжуд. Ўзбекистон топонимияси таркибида бел, бўз, дара, даҳана, довон, гум, погут, сайҳон, тал, тошлоқ, чақир, чим, қўриқ, қайирма, қир, қашқа, қоя, қия, ғор, реза каби маҳаллий географик терминлар иштироқида кўплаб жой номлари қайд қилинган.

Кўп ҳолларда маҳаллий терминлар географик объект, табиий ходиса ва жараёнлар ҳақида аниқ маълумот беради. Ҳар қандай географик термин ҳалқ томонидан яратилади, бинобарин, у ҳалқ мулкидир. Улар орасида маълум ҳудудда тарқалган ва ҳозирги кунда ҳалқ оғзаки нутқида қўлланиб келаётган маҳаллий географик терминларни ўқув ва илмий адабиётларга киритиш, қўллаш ҳамда оммавийлаштириш ниҳоят муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

Ҳалқ табиий географик терминларни маҳсус тадқиқ этган М.Миракмалов ёзишича, маҳаллий географик терминларни илмий ва ўқув адабиётига киритиш учун қуидаги тамойилларга амал қилиш лозим:

1. Татбиқ этилаётган терминнинг илмий ва ўқув адабиётида қўлланилишини текшириш тамойили. Текшириш учун асосан олий ва ўрта мактаб дарсликлари, қўлланмалар, турли географик луғатлар, топонимик луғатлар, илмий ишлар атрофлича кўриб чиқилади.

2. Татбиқ этилажак терминни эълон қилиш ва изоҳлаш. Тадқиқотчи татбиқ этилаётган терминни, аввало маҳсус семинарларда, илмий конференцияларда, матбуотда ва турли анжуманларда маъруза қилиш ва илмий мақола эълон қилиши мумкин. Бунинг учун терминнинг изоҳини, моҳиятини тўла асослаб бериши лозим.

3. Татбиқ этилаётган термин илмий жиҳатдан тўғри, қисқа, ихчам, ҳамма учун тушунарли, ўзбек тили қоидаларига мос бўлиши ҳамда терминларни танлаш тамойилларига тўла жавоб бериши керак.

4. Татбиқ этилаётган терминни оммавийлаштириш, маҳаллий терминлари луғатларини нашр этиш. Бунинг учун маҳаллий терминларни

олий ва ўрта мактаб дарсликларида, илмий тадқиқот ишларида, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг қўлланилишига эришиш лозим.

Умуман олганда, географик терминлар қўпчилик дунё мамлакатлари топонимиясининг асосини ташкил этади. Улар реал объектларнинг хусусиятини белгилайди ва географик номларнинг этимологиясини аниқлашда калит вазифасини бажаради. Маҳаллий терминларнинг илмий географик адабиётларга ўтиши доимий жараён бўлиб, улар географик терминларнинг асосий манбай ҳисобланади.

Савол ва топшириқлар:

1. Топонимика ва географик терминшунослик деганда нимани тушунасиз?
2. Топонимик терминларни ўзи ифодалаётган объектларга қараб қандай гуруҳларга ажратиши мумкин?
3. Халқ географик терминларнинг илмий ва ўқув адабиётларга киритилиши тамоийлларига таъриф беринг.

Тест топшириқлари:

1. Топонимик терминлар бу....
 - A. Барча жой номлари
 - B. Жой номлари ҳосил қилувчи терминлар
 - C. Жой рельефига мос терминлар
 - D. Жой номлари таркибида қатнашиб объект турини билдирадиган терминлар
2. Муайян ҳудудда тарқалган ва номлашда қўлланиладиган терминлар бу.....
 - A. Маҳаллий географик терминлар
 - B. Байнамиллал терминлар
 - C. Халқ географик терминлар
 - D. Табиий географик терминлар
3. Байнамиллал терминлар қаторини белгиланг.
 - A. лёсс, гейзер, вулкан, кварц, дельта
 - B. бел, бўз, дара, даҳана, довон
 - C. камар, довул, огар, лойқа, қайирма

Д. жабал, күх, шань, монтана, сьерра

4. Ойкономик топотерминлар қаторини аниқланг.

- A. дүңг, ёзи, жар, күттал*
- B. арна, ёп, ком, қудук*
- C. кат, деҳа, маҳалла, гузар*
- D. қипчоқ, найман, қўнғирот, қирқ*

5. Жанубий Ўзбекистон рельефини билдирувчи ўзбек халқ географик терминларни маҳсус тадқиқ қилган олим ким?

- A. С.Қораев*
- B. Т.Нафасов*
- C. М.Миракмалов*
- D. Қ.Хуррамов*

II БОБ. ГЕОГРАФИК НОМЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

2.1. ТОПОНИМИК СИНФ (КЛАСС) ЛАР, УЛАРНИНГ ТАВСИФИ ВА ТУРЛАРГА АЖРАТИШ МЕЗОНЛАРИ

 **Режа:**

- 1.** Топонимик синф (класс) лар, уларнинг таснифи ва турларга ажратиши мезонлари.
- 2.** Географик номларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши хусусиятларига кўра турлари.
- 3.** Метафорик, кўчма (мигрант) номлар, ва детопонимизация

 **Мавзунинг мақсади:** Топонимларнинг классификацияси, турларга ажратиши мезонлари, уларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши хусусиятларига кўра турлари ва айрим тур номларининг илмий изоҳи аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиб беришдан иборат.

 **Таянч ибора ва атамалар:** классификация, мезон, турларга ажратиши, метафора, мигрант номлар, детопонимизация.

Ҳар қандай классификация кўпинча анча мураккаб ва баҳсталаб масала. Топонимлар классификацияси ҳам бундан мустасно эмас, чунки географик номлар турли-туман, ажойиб ва ғаройиб, уларни турларга ажратиши, ҳар бир номни тил қоидалари нуқтаи назардан, тарихий шаклланиши ва семантикасига қараб таҳлил қилиш анча мураккаб масала ҳисобланади. Мутахассислар, географик номларнинг турли хил классификациясини таклиф қилишган бўлса ҳам, аммо бу масалада ягона ва муштарак қараш мавжуд эмас. Бинобарин, ҳозирга қадар топонимларнинг содда, универсал ва мантиқан тўғри илмий классификацияси ишлаб чиқилмаган.

Э.М.Мурзаев бу масалага эътибор қаратиб шундай ёзади: «Ҳар қандай давлат ёки ҳудудий бирликлар мураккаб, кўп қатlamли тирик ва ўзгарувчан топонимия тизимиға эга бўлганлиги боис, барча талабларга жавоб берадиган, ягона географик номлар классификациясини яратиш анча қийин ва ҳаттоқи имкони йўқ масала». Топонимларнинг универсал классификациясини яратиш

учун чукур илмий изланишлар кераклигини В.П.Семенов-Тян-Шанский, А.М.Селишев, А.В.Суперанская, В.А.Никонов, В.А.Жучкевич каби олимлар ҳам таъкидлашган.

Географик номларнинг илмий ҳаммабоп классификациясини яратишнинг муракқаблигини топонимикани интеграл фан эканлиги, лингвистика, тарих ва география фанларининг манфаатлари туташган жойда пайдо бўлганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ҳозиргача ҳар бир тадқиқотчи ўз олдига қўйган мақсади ва тадқиқот йўналишидан келиб чиқиб бу масалага ёндошганлиги боис, мавжуд классификациялар баъзан, тилшунос топономистларни қаноатлантируса, тарихчи ва географлар уни маъқуллашмаган ёки аксинча, географ топономистларга маъқул бўлса ҳам тилшунос ва тарихчиларни қаноатлантирумаган ва ҳоказо.

Жой номларини классификациялаш ўз тарихига эга. Олимлар илк бор XIX асрда жой номларини турли морфологик гурӯҳ ва семантик типларга бўлиб, илмий жиҳатдан классификациялашга ҳаракат қилганлар. В.П.Семенов-Тян-Шанский (1924), Л.Л.Гумецкая (1932), А.М.Селишев (1939), В.Ташицкий (1946), Э.М.Мурзаев (1979), А.В.Суперанская (1985) каби олимлар номларнинг турлича классификациясини таклиф қилишган. Масалан, таниқли рус олими В.П.Семенов-Тян-Шанский (1924) жой номларини қуидаги гурӯҳларга бўлган: кишилар исми, фамилияси ва лақаби; диний байрамлар; тарихий воқеа-ҳодисалар; этнонимлар; воқеа ва кишилар шарафига; жойнинг географик хусусиятлари асосида пайдо бўлган номлар.

Мутахассислар топонимларни классификациялашда турли хил омилларни (лисоний, тарихий, географик, ижтимоий) асос қилиб олишган. Уларнинг ҳар бири ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Таклиф этилган классификациялар орасида Э.М.Мурзаевнинг (1979) топонимларни объект номларига қараб (оронимлар, гидронимлар, фитонимлар, зоонимлар, ойконимлар) классификациялаш усули энг оддий ва қиёсан мақбул ҳисобланади.

Ўзбекистон топонимист олимлари томонидан ҳам географик номларни классификациялашга оид бир қатор илмий ишлар амалга оширилган. Хусусан, Ҳ.Ҳасановни хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим. Олим илк бор топонимларни турларга ажратишда ҳар бир номни биринчи навбатда тил қоидалари нуқтаи назаридан ва шаклланиш босқичларига кўра таҳлил қилиш ўринли бўлур эди, деган фикрни баён қилган.

Ҳ.Ҳасанов топонимларни бунёдга келишига қараб, шартли равища куйидаги турларга бўлиб кўрсатган: Жойнинг ҳолати, хосияти, ер юзаси ва иқлимига боғлиқ номлар; Гидронимлар; Ўсимлик ва ҳайвонларга боғлиқ номлар; Фойдали қазилмаларга боғлиқ номлар; Ҳунар-касбдан ва маъмуриятдан олинган номлар; Халқ, қабила ва уруғларга боғлиқ номлар; Шахсларнинг исм-фамилияларига қўйилган номлар; Афсонавий ва диний номлар; Ғаройиб номлар; Янги замон номлари;

Кейинги вақтда П.Ғуломов топонимлар классификациясининг икки босқичли тизимини таклиф қилди. Таниқли олим дастлаб топонимларни учта иирик гурухга (жойнинг табиий хусусиятларига боғлиқ ҳолда пайдо бўлган номлар; ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган номлар; афсонавий ва ғаройиб номлар) бўлиб, кейин уларнинг ҳар бирини алоҳида турларга ажратган.

1. Жойнинг табиий хусусиятларига боғлиқ ҳолда пайдо бўлган номлар гурухини саккизта (жойнинг географик ўрни билан боғлиқ номлар; жойнинг ўзига хос хусусиятига боғлиқ номлар; жойнинг рельефига боғлиқ номлар; жойнинг иқлими, метеорологик элементларига боғлиқ номлар; сув билан боғлиқ номлар; ўсимликлар, уларнинг турлари билан боғлиқ номлар; ҳайвонларга боғлиқ жой номлари; фойдали қазилмаларга боғлиқ ҳосил бўлган номлар) алоҳида турга ажратган;

2. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган топонимлар. Улар турли халқлар, элатлар, уруғлар, уларнинг ривожланиши, босиб ўтган йўллари, сиёсий тузуми, тарихи, шуғулланган касб-хунарлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади ва ўзида шундай воқеа-

ходисаларни акс этади. П.Гуломов уларни олтита (касб-хунар ва маъмуриятдан олинган номлар; тарихий номлар ёки мамлакат тарихида рўй берган воқеа-ходисалар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган номлар; халқ, қабила, уруғларлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган номлар; кишиларнинг исм-фамилияси, тахаллуси билан боғлиқ номлар; диний номлар; замонавий номлар) алоҳида турга ажратиб кўрсатган.

3. Афсонавий ва гаройиб номлар. Уларни келиб чиқишига қараб иккита (афсонавий номлар; гаройиб номлар) алоҳида турга ажратган. Айрим мутахассислар фикрича, П.Гуломов томонидан таклиф қилган географик номлар классификацияси анча мураккаб ва соҳага оид барча муаммолар ўз ечимини топмаган.

Географ олимлар (Э.М.Мурзаев, Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев) томонидан таклиф қилинган классификациялар топонимика учун анча қулайлиги ва мукаммаллиги билан эътиборга молик. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб Ўзбекистонда номларни лингвистик аспектда ўрганиш бошланди, уларни тил хусусиятларига қараб, классификациялашга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, Ш.Қодирова «Тошкент микротопонимиясининг номланиш принципларига доир» (1966), З.Дўсимов «Топонимлар таснифи масаласига доир» (1978), Н.Охунов «Ўзбекистон топонимияси» (2005), Т.Эназаров «Ўзбек номшунослиги» (2015) каби асарларида бу масала қисман ўрганилган.

Хусусан, З.Дўсимов «Топонимлар таснифи масаласига доир» номли мақоласида топонимларни асосан икки йўналишда, лексик-семантик ва грамматик тузилишига кўра классификациялашни энг қулай ва мақсадга мувофиқ деб ёзган. Жой номлари морфологик хусусиятлари, қайси тилга мансублиги, этимологияси, семантикасига қараб ҳам классификацияланган. Масалан, семантик классификация қуйидагича кўринишга эга: табиий-географик омиллар асосида шаклланган топонимлар, антропотопонимлар, этнотопонимлар, моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ топонимлар, савдо-

транспорт ва диний эътиқодлар билан боғлиқ топонимлар. Сўнгги йилларда тадқиқотчилар классификациянинг шу турига кўпроқ эътибор беришяпти.

Таклиф қилинган барча классификацияларни ижобий жиҳатлари билан бирга, таркибий қисмларида муайян даражада зиддиятли ва баҳсталаб томонлари ҳам бор. Шу сабабдан, уларнинг ҳеч биттаси тугаллиги ва тўлалиги билан бошқаларга мезон бўлолмайди. Таниқли топонимист олим В.А.Жучкевич ёзишича, идеал шаклидаги ҳаммабоп классификация учта асосий талабга жавоб бериши керак: нимага ва қандай тарзда географик объект номланмоқда; қайси тилда ва қандай воситалар ёрдамида, нима учун номланмоқда; ном қандай маънога эга.

Ҳаммабоп классификацияни яратиш учун қўйилган талаблар билан танишиб, топонимика интеграл фан эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. Чунки, учта асосий талабнинг биринчисига, -география, иккинчисига, -лингвистика, учинчисига, -топонимиканинг ўзи жавоб бериши керак бўлади. Бундан кейин, асосий вазифа топонимиканинг мустақил мажмуавий фан сифатида соҳага оид яратилган илмий тамойиллар тизимидан келиб чиқиб, масалага ёндошиш зарур бўлади. Фақат шунда, топонимларнинг ягона ва ҳаммабоп илмий классификациясини яратилиши яқин келажак иши бўлиши мумкин.

Кўчма (мигрант) топонимлар: Топонимикада жой номининг қўчиши кенг тарқалган лисоний ва нолисоний ҳодиса саналади. Географик номларнинг қўчиб ўтиш ҳодисаси қадимий даврларда ҳам бўлган, ҳозирги даврда ҳам давом этмоқда. Шу сабабдан, номларни қўчишини доимий топонимик жараён деб қараш керак. Ҳ.Ҳасанов кўчма номлар ҳақида гапириб қизиқарли мисол келтирган. Олимнинг ёзишича: «Андижон ёнидаги Қашқарқишлоқ қўчиб келган қашқарликлар ўрнашган жой маъносида. Шуниси ҳам маълумки, биз қашқарлик деб умуман уйғурларни айтамиз, Синъцзяннинг энг тарихий шаҳри Қашғар бўлганидан шу ном машхур бўлиб кетган. Шу билан бирга уйғурлар ҳам ўзбекларни, асосан Фарғона водийсидан қўчиб борган кишиларни, «анжанлик» деб атаганлар».

Жиззах чўлини ўзлаштириш учун вилоятнинг тоғли худудларида жойлашган айрим кичик қишлоқлар аҳолиси бутунлай чўлга кўчирилган. Кўчма қилинган қишлоқларда муқим аҳоли қолмаганлиги боис, кўпинча этник гурухни англатган эски номи, янги ташкил этилган аҳоли пунктига берилган. Бу эса миintaқанинг чўл худудларида ҳам Тароқли, Аришли, Турк, Қангли каби этноийконимларни кўчма номлар сифатида пайдо бўлишига сабаб бўлган. Н.Охунов ёзишича, «бир обьектдан бошқа обьектга бориб ўрнашиб қолган аҳолининг янги жойи уларнинг аввалги жой номи билан атала бошланади. Натижада, бир обьект номи иккинчи обьект учун ҳам ном бўлиб қолади, унинг атамаси сифатида ишлатила бошланади».

Ўтган асрнинг 60-70 чи йилларда Жиззах чўлининг жадал ўзлаштириши натижасида, янги қишлоқ хўжалиги корхоналари билан бирга замонавий аҳоли пунктлари барпо этилди. Республиkanинг турли бурчакларидан кўчиб келган чўлкуварлар, уларга ўzlари билан бирга олиб келган номларини беришган. Бу эса, вилоят ҳудудида Андижон, Хоразм, Самарқанд, Фарғона каби қадимий кўчма номлар пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Баъзан тасодиф туфайли ўзаро ўхшаш номлар пайдо бўлади. Масалан, Озарбайжондаги Куба шаҳри билан Кариб дengизидаги Куба ороллари ёки Белорус ва Франциядаги Брест шаҳарларининг номлари орасида ҳеч қандай ўзаро боғлиқлик йўқ. Баъзан, ўхшаш номларнинг пайдо бўлишида халқларнинг ассимиляцияси ҳам муҳим рол ўйнаган. Ўзга тилли халқлар бегона номларда ўзларига таниш ва ўхшаш номларни кўрган.

Юқорида қайд қилинган номларнинг тасодифий ва ассимилятив ўхшашигидан ташқари яна бир қатор бошқа ҳолатларда ҳам ном кўчиш ҳодисасини кўриш мумкин. Ҳақиқий кўчма номлар нафақат топонимика учун, балки тарих, география, этнография, лингвистика фанлари учун ҳам қимматли илмий маълумотлар беради. Улар ёрдамида ўтмиш даврларда аҳолининг ички ва ташқи силжиши ва кўчиши, ўзаро мулоқотлари, яшаб ўтган худудларини аниқлаш мумкин.

В.А.Никоновнинг ёзишича, «адаш» номларни пайдо бўлишининг иккита асосий сабаби бор: биринчиси - аҳоли миграцияси натижасида эски номлар тўғридан-тўғри янги ҳудудларга кўчирилган, иккинчиси - ҳудудлар табиий шароитининг ўзаро ўхшашлиги параллел номларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлган. Масалан, Европадаги Швейцария номини Осиё, Америка, Австралиядаги хушманзара ландшафтлар тарқалган ҳудудларда кўриш мумкин. Топонимияда ҳар икки жараённи ҳам кузатиш мумкин, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос устунликлари бор.

Кўчиб келганлар янги жойларига ўzlари билан бирга номларни ҳам «кўчириб» келишган. Америка қитъаси кашф этилгандан кейин, европаликлар билан бирга Европа топонимияси ҳам «кўчиб» ўтди. Масалан, АҚШ да 12 та Париж, 10 та Варшава, 8 та Москва номли аҳоли пунктлари бор. Америка географияси - Европа географиясининг такрорий курси деган хулоса бехуда айтилмаган. Мигрант топонимлар - аҳоли миграциясининг бевосита хужжатлар билан тасдиқланган асосий гувоҳлари ҳисобланади.

Австралияда Буюк Британия шаҳарларининг «эгизаклари» кўп: Уэльс, Ньюкасл, Кардифф ва бошқалар. Янги Зеландияга кўчиб келган британияликлар маҳаллий дарёлардан бирини В.Шекспир шарафига, у соҳилида туғилиб ўсган дарё номи билан Эйвон деб аташган. Ҳозирда шу дарё соҳилида жойлашган Крайстчерч (бу ҳам кўчма ном) шаҳрининг кўчалари ҳам машҳур ёзувчининг асарларидағи қаҳрамонлар (Жульєтта, Ромео, Қирол Лир, Макбет) номи билан аталган.

Лотин Америкасида Испаниядан «кўчиб» ўтган Севилья, Валенсия, Кордова, Барселона, Картахена каби номларни учратиш мумкин. Масалан, қитъалараро кўчма номга ҳозирги Картахена (аслида Янги Карфаген) шаҳрининг номи типик мисол бўлади. Гап шундаки, милоддан аввалги 825 йилда, Африка шимолида пайдо бўлган қадимги Карфаген шаҳар - давлатнинг номи, араблар босқини даврида Пиренея ярим оролига, кейинчалик эса испан коллонизаторлари билан Лотин Америкага (Колумбия)

«кўчиб» ўтган. Мигрант номнинг асрлар давомида уч қитъани босиб ўтганлиги аниқланган.

Венесуэлла давлатининг номи Венеция шаҳри номидан олинган бўлиб, кичик Венеция маъносини беради. Мазкур ном XV асрнинг охирларида испанлар томонидан берилган. Улар Жанубий Америка қирғоғида уйлари свойларда қурилган хушманзарали аҳоли пунктини учратиб, Венецияга ўхшатишган ва шу номни беришган. Кейинчалик бутун мамлакат шу ном билан танилган. Кўчма номларнинг асосий қисмини шаҳар ва қишлоқ номлари, яъни ойконимлар ташкил этади.

Табиий-географик обьектлар кўпинча, ўзларининг қадимий номларини сақлаб қолганлар. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, кўчма номлар дунёning кўпчилик мамлакатлари топонимияси таркибида учрайди. Географик номларнинг кўчишига - кишиларнинг ватанидан хотира сақлаши, ўхшаш табиий шароитларни мавжудлиги, обьектнинг географик ўрни, инсонларни хўжалик фаолияти асосий сабаб бўлган.

Атоқли отни турдош отга айланиши (детопонимизация): Маълумки, ҳар қандай тилнинг сўз захираси бир қанча манбалар ҳисобига бойиб боради. Ана шундай манбалар қаторига географик обьектларнинг номларини ҳам киритиш мумкин. Агар, «улар билан тил, топиб муомала қилинса», қанчадан-қанча қадимий сўзларни тиклаш мумкин. Турдош отларни географик номга айланиши - топонимиканинг умумий қонунияти саналади. Шу билан бирга баъзан топонимларини аксинча, турдош отга айланиш ҳодисаси ҳам учрайди.

Э.М.Мурзаев бу жараённи географик номларнинг «иккинчи ҳаёти» деб атаган. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, топонимлар турдош отга айланиб, маълум маънода ўзининг топонимик асосидан узоқлашади. Географик номлари асосида яралган янги сўзлар Э.М.Мурзаев, Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, Т.Нафасов каби олимлар томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Турдош отларга айланган сўзларга асос бўлиб хизмат қилган географик номлар эпотопонимлар (юонча, ἐπώνυμος - «ном берувчи») деб аталади.

Эпотопонимлар барча тилларда бор, шу жумладан ўзбек тилида ҳам бу ҳодиса кенг тарқалган. Кўпинча улар бир тилдан иккинчи тилга кўчиб, интернационаллашиб кетган. Масалан, X.Ҳасановнинг ёзишича, болонъя, жерси, бостон, крепдешин, паплиндан тикилган кийимларни кийган киши «география»ни кийганлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Ҳолбуки, Балонъя ва Паплин - Италиядаги шаҳарлар, Жерси - Франция шимолидаги орол, Бостон - АҚШ даги шаҳар, крепдешин - «Хитой матоси» (креп - «мато», шин - Чин, Хитой) ни англатади.

Топонимлардан ном олган вулкан (Тиррен денгизидаги Вулкано ороли номидан), кофе (Африкадаги Каффа ўлкаси номидан), олимпиада (Грециядаги энг баланд Олимп тоғи номидан), роман (Рим шаҳри номидан), тамаки (русча табак Кубадаги Табага водийси номидан келиб чиқсан), панама (бош кийим - Панама давлати номидан), каби сўзларнинг яралишида ҳам аслида топонимлар асос бўлган.

Ғарбий Европадаги Альп тоғлари номидан альпинизм, альпинист, альп ўтлоқлари, альп бурмаланиши, альпид каби сўзлар олинган. Бир қатор мамлакатларнинг пул бирлиги ҳам шу қонуният маҳсулидир. Чунончи, Афғонистон пул бирлиги - афғони (Афғонистон давлати номидан), Тожикистон пул бирлиги - сомоний (Сомонийлар давлати номидан). Энг сўнги мисол Европа Иттифоқи пул бирлиги - евро.

Ўзбек тилида жой номларига боғлиқ равишда вужудга келган сўзлар жуда кўп. Чунончи, маккажўхори, қўқон жўхори, ҳисори қўй, ангори эчки, қоракўл қўйи, шибирғони узуми (Афғонистондаги Шибирғон вилояти), қурама гуручи, шотут (шом тути, Суриянинг қадимги номи Шом), балх тути, жилон жийда (Эрондаги Ғilon вилояти), кишиши (Эронга қарашли Кешм ороли номидан), чуст дўппи, банорас тўни, дока (Дакка шаҳри номидан), тивит, (Тибет сўзидан), ироқи дўппи, ироқи совун (Ироқ номидан) ва ҳоказо.

Умуман олганда, эпотопонимлар ва улар асосида пайдо бўлган сўзлар тилнинг лугавий бойлигига айланиб, янгича кўринишда жамиятнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласди. Халқнинг маҳаллий

шеваларида жой номларидан ҳосил бўлган жуда кўп сўзлар бор, уларни тўплаш, изоҳлаш, илмий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим вазифа саналади.

Кўчма маъноли (метафорик) номлар: Халқ географик обьектларнинг энг нозик ва аниқ белгиларини илғаб олиб ундан мажозий ном беришда фойдаланади. Шу сабабдан, мажозий номлар топонимияда кўп учрайди ва бу семантик сўз ясаш усулларидан бири ҳисобланади. Мажозий номларни илмий топонимик адабиётларда метафорик (метафора, грекча мәтәфора - «сиљиш, ўхшатиш»), топонимлар деб аташади. Метафора сўзи ўхшатишни назарда тутади ва у бир обьектни бошқа бир географик обьект билан ҳақиқатан ёки зоҳиран ҳамда шакли ва ташқи кўринишини ўхшашилигига қараб географик обьектларга ном беришда қўлланиладиган усулдир. Масалан Туютош, Одамтош, Арратош, Қўйтош ва ҳоказо.

Адабиётда метафора усули сўз ёки иборани ўхшатишга асослаб кўчма маънода ишлатилади. Айтиш жоизки, илмий адабиётларда истиора сўзи ҳам шу маънода қўлланилган. Истиора - арабча, “қарз олиш” маъносидаги сўз. Бу усул жонли тил ва бадиий адабиётларда кенг қўлланиладиган тасвир воситаси саналади. Чунончи, тош юрак, метин ирода, хум калла ва ҳоказо. Номловчи обьектни аталишига асосий туртки бўлган белгини (шакли, ташқи кўриниши), тасаввурида бошқа нарсалар таққослаб, ўхшаш бўлган жиҳатларини инобатга олиб унга ўхшатма ном танлайди.

Халқ табиий географик терминларини маҳсус ўргангандан М.Миракмалов халқ оғзаки нутқида ишлатиладиган айрим географик терминлар инсон танаси аъзолари билан аталишини ўрганиб метафорик номларга қизиқарли мисоллар келтирган:

№	Термин	Географик маъноси
1.	Бармоқ	Тик қоя, эол иши натижасида ҳосил бўлган устунча
2.	Бел	Довон, ошув, кўтал
3.	Бош	Дарёнинг бошланиш қисми, тоғ чўққиси
4.	Бурун	Қуруқликнинг сувга туртиб чиққан учи

5.	Бўйин	Куруқликлар, тоғларни (рельефнинг мусбат шаклларини) туташтириб турувчи камбар жой
6.	Бўғиз	Денгизларни, кўлларни ва уларнинг қисмларини туташтириб турувчи камбар сув худуди, акватория
7.	Киндик	Табиий-худудий бирликларнинг ўрта, марказий қисми
8.	Кўз	Булоқ чиққан жой
9.	Оёқ	Этак, қуай қисм, одоқ
10.	Оғиз	Дарёning қуайлиш жойи (кўрфаз), тоғ дарасининг энг тор жойи
11.	Тил	Кўрфаз, (кўлтиқ), бўйин
12.	Тирсак	Дарёning бурилиш жойи
13.	Тумшук	Тоғ, тепалик ва оролнинг бурни, уч томони
14.	Қовоқ	Дарё ва кўлларнинг баланд қирғоғи, жарлик, баланд терраса
15.	Қош	Узун чўзилган тепалик, марза, баланд қирғоқ, ўрмон чети
16.	Қулоқ	Ариқнинг тармоқланган жойи
17.	Қўл	Тоғ ёнбағридаги тепаликлар, тоғчеккасидаги дўнглар, тоғ тепасидан этагигача тўғри тушган дўнг, водийнинг ўртасидан тепасигача бўлган йўл, дарё ирмоғи

Ўзбекистоннинг қадимги гидротехник иншоотлари географиясини ўргангандан А.Низомов Хоразм вилоятидаги мажозий номга эга бўлган Киндиксой ҳақида шундай маълумотларни келтирган: “Дарҳақиқат Тахтакўпирдан шарқ томон автомобил йўли бўйлаб Киндиксой деб аталган кенг куруқ ўзан чўзилиб кетади. Маҳаллий аҳолининг ҳикоя қилишича, охирги юз йил давомида Амударё икки марта уриб кетиб, Довқара пасттекислигини сув босган ва ҳар гал сув Киндиксойдан оққан. Маҳаллий аҳоли Киндиксойдан кичик - кичик каналлар қазиб ўтказиб, дехқончилик билан шуғулланган. Киндиксойда сув камайганда тўғонлар қуриб сувни каналларга чиқаришган”. Маҳаллий халқ томонидан куруқ ўзанни Киндиксой

деб аталиши, уни дарёning бошқа қадимий ўзанларига нисбатан марказда жойлашганлигидан далолат беради.

Маълумки, ҳайвонларнинг танаси ҳам метафорик номлар ясашда кенг кўлланилган. Масалан, ўтмишда қўплаб мажозий номларга сабаб бўлган ҳайвонлардан бири туядир. Фан-техника ўта тараққий этган ҳозирги замонда тужуғининг жисмоний кучи, сувсизликка ва жазирамага ўта чидамлилиги ва ташқи қиёфаси билан ҳар қанча эътиборга молик бўлмасин, бу жонивор номи замонавий топонимлар ясаш «танловида» иштирок эта олмаслиги аниқ, аммо ўтмишда доно ҳалқ нафақат ташқи кўриниши ғалати, балки ички тузилиши ҳам жумбоқли бўлган туядан кўпгина ўхшатма номлар ясаган.

Дастлабки тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда республика ҳудудида тужуғининг сўзи эллиқдан ортиқ топоним таркибида учрайди. Масалан, Туябоши, Туябўғиз, Туятортар, Туяошув, Туяйлов, Туяқорин, Туяқуйруқ, Туяқудук, Туядала, Туячи, Туябулоқ, Туябўйноқ ва ҳоказо. Туя беназир улов бўлиши баробарида гавда тузилишининг ғалатилиги билан ҳам кишилар эътиборни тортган. Туячи сўзининг луғавий маъноси сарбон, туякаш, тужуғининг бошлиғи эканлигини ҳамма билади, аммо туяқудукнинг суви тужуғининг тортиб чиқарилишини, кўтарма ариққа сув берадиган улкан чиғирнинг тужуғинига ёрдамида ҳаракатга келтирилишининг туттортар деб аталишини ҳамма ҳам билмаслиги мумкин.

Туяошув - эшак тугул тужуғининг ҳам ошиб кета оладиган ясси тоғ довони; туябўғиз - даранинг бўғиз сингари тор жойи ёки дарёning тужуғизига - бўйнига ўхшаб оқадиган жойи; туятош - баланд тош, юксак тош, узокдан тужуғинида бўлиб кўринадиган баланд тошли жой, ёки туядан ҳам йирик якка тош-қоя; туяшоти - ёлғизоёқ йўли бўлган катта баландлик, чўққи; туябўйин - бўйин узунасига чўзилган қирсимон баландлик, ўртасида қирраси бўлиб, икки томони қия тушган чўзиқ дўнглик, ёки дарё суви тужуғинига ўхшаб иланг - биланг бўлиб оқадиган жой; туямўйин - тоғ, дарё, қумлик жойларнинг тор қисми - йўлаги, тужуғинига ўхшаш эгри жой; туябўйноқ -XI - аср туркий тилида бўйноқ - тоғ бўйни, бўйин сингари чўзиқ қирсимон

баландлик, қирнинг бир кўриниши; тұяқуруқ - пояси түяни думини эслатадиган ўсимлик; тұятовон - түяниң төвөніңа ўхшаб ерда ёйилиб ўсадиган ўт; эканлигига ишорадир.

Метафорик номларни бошқа тилларда ҳам қўплаб топилади. Масалан, рус тилидаги рог термини ёрдамида ушбу қонуниятни ҳаммабоп (универсал) эканлигини кузатиш мумкин. Славян тилларда бу термин «ўткир чўққи, чўққи, жар, бўғоз» маъносига эга. Немис ва инглизча -horn, хитой тилидаги -цзяо, вьетнам тилидаги -khau сўзлари ҳам шу маъноларда қўлланилади. Ушбу термин асосида Таганрог (Россия), Рогачев (Белорус), Кривой Рог (Украина), Альпдаги Финсерархорн ва Маттерхорн, Кордильерадаги Бигхорн, Горн бўғози (Жанубий Американинг жанубий нуқтаси), Кхауфай тоғи (Вьетнам) каби географик номлар пайдо бўлган.

Жонли тилдан олинган метафорик географик номлар - Туркияда Тавр тоғлари - “буқа”, Альпдаги Юнгфрау - “ёш келинчак”, Патагония - “узун оёқ, жун оёқ”, Магеллан ҳамроҳлари маҳаллий ҳиндулар узун оёқларига жун ўраганларни кўргани учун шундай атаган. Бахмал, Ғаллаорол топонимлари ҳам метафорик номларга мисол бўлади.

Метафорик номларни пайдо бўлиши биринчидан, кишиларни табиий объектларга муносабатининг умумбашарий характерга эга эканлиги билан белгиланса, иккинчидан инсон тана аъзолари номи тилда қўп қўлланадиган сўзлар ҳисобланади. Табиат ҳодисалари ва объектлари инсоният ҳаётида катта рол ўйнаганлиги боис, улар қиёслаган ва ўхшатган. Метафорик номлар таржима қилинмайди, талаффузи қандай бўлса шундай ёзилади. Улар ёрдамида сўзларни термин ва топонимларга айланиши имкониятини яққол кўриш мумкин.

Ўрнини (манзил) билдирувчи номлар: Географик номлар орасида келиб чиқиши билан географик объектнинг ўрнини, худудий жойлашувини белгиловчи номлар гурухи мавжуд. Уларни кўпинча, ориентирловчи ёки манзилни аниқ кўрсатувчи топонимлар деб аташади. Бундай номлар географик объектнинг жойлашган ўрнига нисбатан кўпинча ўзига хос

жуфтлик ҳосил қылган. Масалан, Янги Зеландиядаги Шимолий ва Жанубий ороллар; Туркия ва Греция оралиғида жойлашган Шимолий ва Жанубий Спорада ороллари; Хитайдаги Пекин («шымолий пойтахт») ва Нанкин («жанубий пойтахт») шаҳарлари; Япониядаги Токио («шарқий пойтахт») ва Киото («ғарбий пойтахт»); АҚШ даги штатлар: Шимолий ва Жанубий Каролина; Шимолий ва Жанубий Дакота; Виржиния ва Ғарбий Виржиния; Шимолий, Жанубий ва Шарқий Хитой деңгизлари ва ҳоказо.

Географик хариталарда Триполи шаҳри иккита, уларни бир-биридан фарқлаш учун араблар, Ливия пойтахти ҳисобланган Триполи шаҳрини Трабулус-ал-Ғарб («Ғарбий Триполи»), Лубондаги Триполи шаҳрини эса - Трабулус-ал-Шарқ («Шарқий Триполи») деб аташади. Манзил белгиловчи хусусиятга эга бўлган номлар қаторига Пиренея ярим оролини ғарби қисмида жойлашган Трафалгар бурни номини ҳам киритиш мумкин. Трафалгар аслида арабча, Тараф-ал-Ғарб - «ғарбий тараф» сўзидан олинган.

Монтевидео - Жанубий Америкадаги Уругвай давлатининг пойтахти. Шаҳарни бу ном билан аталишини қизиқарли тарихи бор. Гап шундаки, ўрта асрларда испан картографлари томонидан, янги кашф қилинган ерлардаги тоғлар кўпинча, рим рақамлари билан белгиланган. 1520 йили Ла-Плата қўлтиғида сайёҳ Ф.Магеллан томонидан аниқланган тоғ номи харитага MONTE VI DE О шаклида ёзилган. Португалча, monte - “тоғ”, VI - лотинча олти рақами, de - қўшимча, О - испан тилидаги oriente («шарқ») ёки occidente («ғарб») сўзининг қисқартирган шакли. Демак, ном дастлаб «олтинчи тоғ шарқдан (ёки ғарбдан)» деган маънони ифодалаган.

Европа, Африка ва Осиё қитъалари туташган ҳудудда жойлашган Ўрта деңгизи номида унинг географик ўрни аниқ акс этган. Юнонлар, деңгизни қитъалар оралиғида жойлашганлиги ва ориентир вазифасини бажарганлигини инобатга олиб уни Mediterrano - “ўрта деңгиз” деб аташган. Илк ўрта асрлардан буён деңгиз шу ном билан маълум. +адимий шарқ манбаларида деңгизни Шом деңгизи, Рум деңгизи, Мағриб деңгизи деб ҳам аташган.

Эквадор давлатининг номи ҳам, уни экватор, яъни кураи заминни икки - шимолий ва жанубий ярим шарга ажратадиган айланма чизик ўтадиган худудда жойлашганлигидан далолат беради. Мамлакат худудининг шимолидан экватор чизиги кесиб ўтганлиги боис, 1830 йилда пайдо бўлган бу мустақил давлатга Эквадор номини беришган.

Қозогистон ва Қирғизистон харитасида кунгай ва терскай каби географик объектни жойлашган ўрнини белгиловчи оронимик терминларни учратиш мумкин. Кунгай Олатов - офтобга рўпара, қуёш нури кўп тушадиган, жанубга қараган - кунгай тоғлар, Терскай Олатов - офтоб тушмайдиган ёки қуёш нури кам тушадиган, қуёшга тескари - терскай тоғлар.

Маълумки, кўп халқлар ўз ватанлари, ерларини дунё марказига қиёслашган. Масалан, қадимги инклар империяси ва уни пойтахтининг номи ҳам худди шу йўл билан пайдо бўлган. Улар мамлакатни Тиуантисую - «дунё тўрт томони давлати», пойтахтни эса - Куско, яъни «киндик», аникроғи дунёни маркази деб аташган. Шундай анъана, хитойлар учун ҳам хос бўлган. Улар қадим замонлардан буён ўз давлатларини Чжунго - «Ўртадаги мамлакат» деб аташади.

Тинч океанининг жануби-шарқида Пасха ороли бор. Оролни 1722 йили голландлик денгизчи Я.Роггевен пасха куни кашф қилган ва христианлар байрами шарафига унга Пасха ороли деб ном берган. Қадимда оролни тубжой аҳолиси ўз ерларини Те-пито-но-те-Хенуа - «Ер киндиги» ёки Матаки-те-Ранги - «самони кўрувчи кўз» деб аташган. Улар дунёning энг катта океанининг чексиз сувлари орасида бир парча ерларини шундай тасаввур қилишган.

Баъзи тадқиқотчилар Рус топонимини ҳам манзил, ҳудуд белгиловчи деб хисоблашади. Рус сўзи дастлаб жанубда, Қора денгиз соҳилларида яшаган турли кўчманчи халқлар орасида пайдо бўлган деб тахмин қилишади. Академик О.Н.Трубачев, бу тахминий фикрни исботлаш мақсадида шундай ёзган: “айрим халқларда ҳозиргacha, ғарбни оқ, ёруғ деб аташ одати мавжуд (ғарбга қуёш нури кўпроқ тушади деб ҳисоблашган).

Милодий биринчи минг йилликнинг охиридан бошлаб шарқдан ғарбга томон дашт орқали буюк кўчиш вақтида кўчманчи халқлар учун +ора дengizning shimolij ҳудудлари ғарб ҳисобланган. Maҳallij қабилалар ўзаро мулоқотда бу ҳудудларни Oқ соҳил, Oқ соҳилли ҳудуд ёки Ros деб аташган. Ҳозирги вақтда мавҳумлашиб қолган, Rus - “oқ томон”, маъносидаги сўз ҳам айнан, шу даврларда пайдо бўлган дейиш мумкин”.

Maъlumki, oқ, қора сўзларининг ареали топонимияда анча кенг, барча тип жой номларида учрайди. Oқ сўзи туркий топонимларда фақат биринчи унсур (компонент) бўлиб келади. Сўзниг жой номлари таркибидаги ўрни уни яқин ўтмишда яратилганини эмас, балки уларни анча қадимий туркий номлар эканлигидан далолат беради. Туркий топонимларни ўрганишда таркибида oқ, қора, қизил, сариқ, кўк каби сўзларнинг маъно хусусиятларини ўрганиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Oқ, қора, кўк, сариқ, қизил каби сўзлар ҳар доим ҳам ранг маъносини билдирамаслигини академик A.H.Кононов, қозоқ топонимисти E.Койчубаев тадқиқ қилишган. Бу фикр X.Ҳасанов, Г.Конкашпаев, Т.Нафасов, С.Қораев каби олимлар томонидан ривожлантирилган. Қайд қилиш жоизки, ўзбек тилида ҳам бу сўзлар ёрдамида ясалган топонимлар кўп.

Тарихий манбаларни гувоҳ беришича, ранг орқали манзилни билдирувчи номлар қадимда кўп халқларда кенг қўлланилган. Бу ҳодисани Қизил ва Қора дengizlar nomi misolida ҳам кузатиш мумкин. +адимиј Месопотамия аҳолиси учун, Ҳинд океанининг барча ғарбий қисми жануб саналган. Уларда дунё томонларини белгилаш тамойилларига биноан, қизил ранг жанубни англатган. Шу сабабдан, антик дунё муаллифлари ҳозирги +изил dengizni Эритрея ёки mare Rubrum (лотин ва юонон тилида) - “қизил дengiz” деб аташган. Қора dengizning энг қадимги номларидан бири Ахшаена - қадимиј эроний тилда «қора» маъносини ифодалаган. Қадимги юононлар ҳам бу dengizni pontos Melos - Қора (shimolij) dengiz деб бежиз аташмаган.

Арабистон ярим оролида яшаган қадимий аҳолини ҳам дунё тамонларини белгилашда ўзига хос анъаналари бўлган. Уларда томонларни аниқлаш шарқдан бошланган ва у олд томон ҳисобланган. Шунинг учун, Макка шаҳридаги мусулмонлар учун муқаддас бўлган Каъба тоши ёнида шарққа қараган кишини орқа томони табиийки гарб, ўнг томони жануб, чап томони эса шимол ҳисобланган. Яман, Шом, Машриқ, Мағриб каби географик номлар ҳам шу йўсинда пайдо бўлган. Яман сўзи - «ўнг», аш-Шом - «чап» томон маъносида қўлланилган.

Қадимий Хиндистонда ҳам араблар каби томонларни аниқлашда шарқни асос қилиб олинган ва шундан келиб чиқиб томонларни аниқлаш тизими қўлланилган. Бунга географик обьект номи сифатида ясси тоғликлар номи бўлган Декан сўзини мисол қилиш мумкин. Декан - сўзи қадимий санскрит тилида, Дакшина-Пантх - «ўнг томонга (жанубга) йўл» деган маънони англатган, яъни шарққа қараб турган ҳолатда, жануб ўнг томон бўлади.

Океания топонимияси таркибидаги номларда ҳам мўлжални аниқ белгилаш, ориентир олиш каби хусусиятлар мужассам. Чунки, ҳамма томонни океаннинг чексиз сувлари эгаллаган ҳудудда, кичик бир оролни топиш анча мушкил вазифа. Маълумки, аксарият ҳолларда аҳоли масканларига ном ўзгалар томонидан берилган ва аҳоли масканини яратувчи билан номловчи жамоа муносабати бу жараёнда муҳим омил саналган. Бу номшуносликни муҳим қонуниятлардан биридир.

Масалан, Тонга ва Фиджи архипелаги номлари, ана шундай икки ўзаро алоқадор, манзил белгиловчи топонимлар ҳисобланади. Фиджиликлар тилида тонга сўзи «гарб, гарбий шамол» маъносини билдирган. Топоним шамол йўналишини кўрсатган ва денгизчи - фиджиликлар, Тонга архипелагига маҳаллий шамолдан фойдаланиб кемаларда сузib боришган. Фиджи сўзи эса аксинча, Тонга архипелагида яшовчи маҳаллий аҳоли тилида - «шарқ, шарқий шамол» деган маънода қўлланилган. Тонгалик денгизчилар қўшни

Фиджи оролларига бориш учун, шарқдан эсадиган маҳаллий шамоллардан фойдаланишган.

Бир гурух топонимлар борки, улар географик объектни чекка худудларда жойлашганлигини кўрсатади. Масалан, Ғарбий Сибирни шимолий қисмида жойлашган Ямал ярим ороли, ненец тилида - «ернинг чети, ернинг чеккаси» деган маъноларни билдиради. Пиренея ярим оролининг чекка шимоли-ғарбий соҳилида жойлашган бурун Финистерре (лотинча, finis - «чекка, охири» ва terra - «ер») деб аталган. Шунга ўхшаш ном, Африка материгига энг шарқий нуқта ҳисобланган - Хафун (арабча, Рас-Хафун - «чекка бурун»), ҳамда Корнуолл ярим оролининг жануби-ғарбидаги бурунга ҳам - Лендс-Энд - «ернинг чеккаси» деган номлар берилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, аксарият дунё қитъалари номлари асосида ҳам уларнинг ҳудудий жойлашувини белгиловчи маъно мужассам. Географик объектнинг ҳудудий жойлашуви, ўрнини инъикос этувчи топонимлар ер юзида кенг тарқалган. Уларнинг кўпчилиги яхши таниш ва анча қадимдан қўлланилиб келинади.

Савол ва топшириқлар:

1. Географик номларнинг ҳаммабон классификацияси нима учун ҳозиргача яратилмаган?
2. Мажозий (метафорик) номлар қандай сабабларга кўра пайдо бўлади. Уларни изоҳланг.
3. Кўчма (мигрант) топонимларнинг пайдо бўлиши сабабларини аниқланг ва картасини тузинг.

Тест топшириқлари:

1. Топонимларни объект номларига қараб классификациялаши усулини таклиф қилган олим ким?

A. Ҳ.Ҳасанов

B. П.Гуломов

C. Э.Мурзаев

D. С.Қораев

2. Күчма маъноли (метафорик) номлар қаторини белгиланг.

- A. Европа, Африка
- B. Токио, Киото
- C. Тавр, Патагония
- D. Кунгай Олатов, Терскай Олатов

3. Күчма (мигрант) топонимларни пайдо бўлиши жараён.

- A. Доимий
- B. Вақтингачалик
- C. Номаълум
- D. Келишилган

4. Детопонимизация ҳодисаси нима?

- A. Турдош отни атоқли отга айланиши
- B. Атоқли отни турдош отга айланиши
- C. Турдош отни турдош отга айланиши
- D. Атоқли отни атоқли отга айланиши

5. Ўрнини (манзил) билдирувчи номларни белгиланг.

- A. Душанбе, Бишкек
- B. Янги Зеландия, Гренландия
- C. Туркия, Греция
- D. Тонга, Фиджи

2.2. ТАБИЙ-ГЕОГРАФИК ОМИЛЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН ТОПОНИМЛАР (оронимлар, фитонимлар, зоонимлар ва гидронимлар)

 **Режса:**

1. Табиий-географик омиллар асосида шаклланган номлар ҳақида умумий тушунча
2. Оронимлар ва уларнинг фарқловчи хусусиятлари
3. Фитотопонимлар, зоотопонимлар ва гидронимлар

 **Мавзунинг мақсади:** Табиий-географик омиллар асосида шаклланган топонимларга хос умумий қонуниятлар, уларнинг турлари ва номланини хусусиятларининг мазмун-моҳияти ҳақида илмий тушунча бериш.

 **Таянч ибора ва атамалар:** Ороним, гидроним, иқлим ва об-ҳаво хусусиятлари билан боғлиқ топонимлар, фитотопоним, зоотопоним.

Кўп асрлар давомида табиат ҳодиса ва жараёнларини кузатган халқ табиат ландшафтлари ва уларнинг компонентларини жой номларида аниқ акс этишга ҳаракат қилган. Шу сабабдан, табиат ҳодисаларини акс этувчи топонимлар - ер юзида кенг тарқалган. Улар орасида рельеф шакллари ва элементлари (**оронимлар** - тоғлар, чўққилар, тепалиқ, плато, дўнглик, водий, дара, жарлик, пастлик, пастекислик, қумликлар ва ҳоказо), иқлим ва сув объектлари (**гидронимлар** - океан, денгиз, кўл, дарё, сой, жилға, булоқ, сув омбори, канал, қудук ва ҳоказо), барча ўсимликлар (**фитотопонимлар** - ҳар қандай ўсимликлар тури билан боғлиқ номлар), ҳамда ҳайвонот олами (**зоотопонимлар** - ҳар қандай ҳайвонот олами турлари билан боғлиқ) номлар кўпчиликни ташкил этади. Бу катта тўртта гурӯҳ деярли барча географик объектларнинг номларини қамраб олади.

Оронимлар: (юнонча, орос - «тоғ») - тоғлар, тепаликлар, сойликлар, қирлар, даралар, жарликлар ва бошқа орографик объектларнинг номлари. Бу тур номлар рельеф шакли ва элементларининг ўзига хос хусусиятларини ифода этади. Мутахассисларнинг фикрича, топонимларнинг бошқа турларига нисбатан оронимлар кам ўрганилган. Оронимик объектларнинг номлари анча турғун ва узоқ муддат ўз номларини сақлаб қолиши билан фарқ қиласди.

Вақт ўтиши билан географик объект релефи ўзгариши мумкин, бироқ ўша рельефни ифода қилган ном сақланиб қолаверади. Масалан, жар ёки тепа маъносини билдирган географик номларнинг айримлари ҳозирги вақтда ўша жой рельеф хусусиятини айнан англатмаслиги мумкин. Шуни ҳам таъкидлаш

жоизки, барча географик объектларда бўлгани каби оронимик объектларнинг номлари орасида ҳам семантикаси тиниқ бўлмаган номлар кам эмас. Бу эса қўшимча топонимик тадқиқотларни талаб қиласди.

Ўзбекистонда қадимги туркий тилларда фаол қўлланиб, ҳозирда истеъмолдан чиқиб кетган «-ёзи», «-ёр» каби рельеф шаклини билдирувчи сўзлардан юзага келган жой номлари учрайди. Ҳозирда чўл, дашт, текислик маъносидаги ёзи сўзи фаол муомалада бўлмаса ҳам, лекин топонимлар таркибида сақланиб қолган - Оқёзи, Ёзёвон, Қизилёзи, Сариёзи ва ҳоказо. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида қайд қилинган «-ёр» сўзи қадимий туркий тилда жар маъносини ифодалаган. Бу сўз Фарғона водийси жой номлари таркибида кўп учрайди. Куйганёр, Ёрбоши, Ёрқишлоқ, Кесканёр ва ҳоказо.

Оронимик обьект ҳисобланадиган тоғ буюклик, мангулик рамзи. Инсон паноҳ, егулик истаб доимо тоққа интилган. Инсониятнинг яримидан кўпи тоғ этакларида ва тоғ олди текисликларда яшайди. Тоғларнинг аталиш қонуниятларидан бири шуки, тоғли аҳоли ён-атрофдаги айрим чўққи, қоя, ёнбағир, зовларнинг номларини яхши билганлари ҳолда тоғ сўзи ўрнига кўпроқ тош терминини ишлатади. Масалан, Айритош, Қоратош, Оқтош деганда чўққи, айрим қоя ёки катта тоғнинг бир бўлаги тушунилади.

Баъзан, одам ва унинг бирорта тана аъзосига ўхшашлигига кўра аталган оронимик обьектларни ҳам учратиш мумкин. Одамтош, Келинчактош, Куёвтош, Кампиртош каби топонимлар шулар сирасига киради. Оронимик номлар орасида рельеф шаклларини билдирадиган кўпгина оронимик терминларни ҳам учратиш мумкин. Оронимик терминлар барча тилларда такрорланса ҳам, улар ҳақида илмий адабиётларда яхлит маълумотлар кам учрайди.

Кўпчилик оронимик обьектлари номлари таркибида “-тоғ”, “-тов” каби терминлар бор, баъзан тош, довон, кўтал терминлари ҳам қўшилади. Оронимик обьектларга нисбатан қўлланилган кўҳ, жабал, шан, маунт, берг, монтана, кордилера, серра, монте, лер, мта каби сўзлар ҳам тоғ маъносини

билдиради. Масалан, Кордилера, Серра-Мадре, Килиманджаро ва ҳоказо. Туркий халқлар яшайдиган ҳудудларда тоғ сўзи турлича талаффуз қилинади. Туркманистанда -доғ (дағ), Ўзбекистонда -тоғ (тов), Қозоғистонда -тау (тоу), Қирғизистонда -тоў (тоо), ва ҳоказо.

Т.Нафасов фикрича, ҳозирги “-қиз” компонентли топонимларни ҳам оронимик объектлар номлари қаторига қўшиш мумкин. Қирққиз, Учқиз, Қизтепа ва ҳоказо. Жой номлари таркибидаги “-қиз” сўзи қадимги туркий “-қуз” сўзининг ўзгарган шаклидир. Маҳмуд Қошғарий тоғ сўзининг эпитети сифатида қўлланувчи бу сўзга бир неча ўринда изоҳ берган. Масалан, айрим ҳудудларда қуз сўзи ёлғиз баландлик, кичик чўққи, тоғ ёнбағирларидаги қоясимон дўнгликларга нисбатан ҳам қўлланилган.

Оронимик объектлар орасида Оқтоғ, Қоратоғ каби номлар кенг тарқалган. Оронимлар таркибида оқ ва қора сўзлари кам ҳолатда ранг маъносини билдиради. Оқтоғ - қорли тоғ, баланд тоғ. Қоратоғ - паст тоғ, қорсиз тоғ, қоронғу тоғ. Ҳ.Ҳасановнинг ёзишича, Қирғизистон ва Қозоғистон ҳудудида аксар тоғлар Олатов (буюк, катта, қорли тоғ) деб аталади. Мутахассислар уларни бир-биридан картада фарқ қилиш учун турли сўзлар қўшганлар. Кунгай Олатови (офтобга рўпара, қуёш тушадиган), Терской Олатови (қуёш тушмайдиган), Орқаили Олатови (Или - дарё ва водий номи), Талас Олатови (Талас - дарё ва водий номи) ва ҳоказо.

Оронимларга хос хусусиятлардан бири шуки, маҳаллий аҳоли тоғларни бошдан - оёқ яхлит битта ном билан эмас, балки ҳар ерда ҳар хил атайди. Фақат илмий адабиётлар орқалигина тоғларнинг умумий номини билиб олиш мумкин. Масалан, географик карталарда тоғ Нурота деб аталса ҳам, аммо турли қисмлари маҳаллий аҳоли томонидан турлича - Эгарбеллитоғ, Балиқлитоғ, Тўнғизлитоғ, Писталитоғ каби номлар билан аталади.

Баъзан, оронимик терминларни ойконимлар таркибида ҳам кўриш мумкин. Ойконимлар таркибида кўпинча адир, бел, жар, камар, тепа, кўтал, тош, тоғ, қир, қум каби индикатор терминлар учрайди. Масалан, Жиззах вилояти Бахмал туманида Жамонжар деган ороийконим бор. Қишлоқ хавфли

жарлик ёнида жойлашганлиги сабабли желовчи маҳаллий халқ унга Жамонжар деб ном беришган. Бундай хосиятсиз номлар соя-салқин илинжида юрган кишиларни огоҳлантириб туради: Ёмонтов, Ёмонжар, Ёмонқум каби объектлардан яхшилик кутиб бўлмайди. Жумладан, Ёмонқумда одам шамол пайтида қум остида қолиб кетиши мумкин, Ёмонжарнинг ён бағри ўпирилиб инсонларни босиб қолиши ҳеч гап эмас.

Оронимик терминлар орасида тош сўзи алоҳида ўрин тутади. Тош сўзи нафақат қаттиқ тоғ жинслариниг умумий номи, балки шу билан бирга «тоғ», «алоҳида қоя», «чўққи» маъносини ҳам англатади. Масалан, тоғли худудларда Оқтош, Қоратош каби номлар бир неча марта такрорланиши шундан дарак беради. Оронимлар таркибида объект хусусиятини ифодалайдиган метафорик-мажозий номлар ҳам кўп - Букритоғ, Етимтоғ, Семистепа, Туятош, Қўйтош ва ҳоказо. Қадимдан тоғларни кишилар исми билан аташ Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда расм бўлган эмас. Бироқ, киши исмларидан ном олган микрооронимик объектларни учратиш мумкин.

Ўзбекистонда оронимик объектларни номлашда баъзан, азизавлиёларни қадамжойлари сифатида бобо, ота сўzlари ҳам қўшилган. Мўғуллар кўпинча тоғлар номига боддо - «муқаддас», «илоҳий» сўзини қўшиб талаффуз қилишади: Богдо-Ула, Ихе-Богдо, Бага-Богдо ва ҳоказо. Ҳаётининг асосий қисми текисликда ўтадиган мўғулларда тоғларга сифиниш одати бўлган. Улар хусусан, бегоналар олдида тоғ номини баланд овозда талаффуз қилишмаган, оила аъзолари ва чорваларига қарғиши тегади, деб қўрқишган.

Сўғдлар тоғларни буюк мўъжиза сифатида улуғлаб, уларда илоҳий куч борлигини эътироф этиб, тоғ этагидан тош олиб, унинг энг баланд жойига олиб бориб қалаб қўйишишган. Ҳосил бўлган тош уюмлари сўғд тилида - “сүғч” дейилган ва довондан ўтадиган жойда у белги вазифасини бажарган. Японияни рамзи саналган Фудзияма тоғи номининг пайдо бўлиши ҳам анча қизиқ. Олимлар уни турлича шарҳлаган бўлсалар ҳам, аммо топонимга асос бўлган яма сўзини япон тилида «тоғ» маъноси борлигини барча

мутахассислар таъкидлашган. Фудзияма - «улуғ тоғ», «абадий тоғ», «оловли тоғ» каби маъноларга эга.

Тоғ жинслари ва фойдали қазилмалар асосида пайдо бўлган жой номлари ҳам кўп: Кумушкон, Олтингонг, Газли, Қўрғошинкон, Тузкон ва ҳоказо. Топонимлар ёрдамида фойдали қазилма конлари ҳам аниқланган. Масалан, Туркманистондаги Гугурттоғ номи бу жойда олtingугуртнинг табиий конлари борлигидан дарак беради. Ҳ.Ҳасановнинг ёзишича, Ўрта Осиёдаги йирик конларнинг аксарияти улар топилмасдан анча илгариёқ отабоболарга маълум бўлган. Олтой ва Алдан номларига асосланиб, шу ерлардан олтин қидириб топганлар. Жезқазған номи шу жойда мис борлигини айтиб берди.

Вулканлар ва бошқа эндоген геологик жараёнлар ҳам дунё топонимиясида ўз аксини топган. Масалан, Попокатепетл - ацтеклар тилида «тутинли тоғ», Везувий - Италиянинг қадимги халқларидан бирининг (осклар) тилида «тутун», «пар», Кракатау - Ява ороли аҳолиси тилида «овоз чиқарувчи», Этна - қадимий юонон тилида «оловли», Пичинча - кечуа хиндулари тилида - “қайнаб турувчи тоғ” каби маъноларга эга.

Фитотопонимлар: Ўсимликлар инсониятнинг асосий озуқа манбаи бўлиши билан бирга, улар баъзан, табиий мўлжал сифатида дунёning турли минтақалари топонимиясида ўз аксини топган. Шу сабабдан, ўсимликлар билан боғлик жой номларини мамлакатимиз топонимияси таркибида учрайди. Фитотопонимлар (юононча, фитос-«ўсимлик») ёрдамида ўсимликлар формацияларининг тарқалиш ареаллари, маълум худуддаги ўсимликлар дунёсининг муҳим хусусиятлари, уларнинг турлари ҳақида маълумот тўплаш мумкин.

Флористик топонимларнинг пайдо бўлишида ўсимликларни ўзига хослиги билан бирга, уларнинг умумий хусусиятлари ҳам муҳим аҳамият касб этган. Ўтмишда инсон ҳаёти ва фаолияти ўсимлик дунёси билан кўпроқ боғлик бўлганлиги боис бу турдаги номлар анча қадимий ҳисобланади. Масалан, Маҳмуд Кошгарий «Девону луғатит турк» асарида, бир қатор

ўсимликларни изоҳлашдан ташқари, улар номи билан боғлиқ топонимларни ҳам келтирган: Ар-ар дарахти - қора арча. Қашқарда бу номдаги иккита қишлоқ бор деб ёзган.

«Бобурнома»да ҳам бевосита ўсимликлар олами билан алоқадор бўлган бир қатор жой номлари таърифланган: Жийдалик, Кандибодом, Олмалиқ, Бодомчашма, Богичинор, Боғибинафша ва бошқалар. Ўсимликлар кишилар ҳаётида муҳим аҳамият касб этганлиги туфайли, инсониятнинг моддий тарихи, ижтимоий ҳаёти ва хўжалик фаолиятида муҳим рол ўйнаган. Табиийки, улар инсон учун хом ашё манбаи, чорвага мўл-қўл озуқа базаси бўлиб хизмат қилган. Хусусан, кўчманчи чорвачилик шароитида, чорва моллари учун озуқа манбаи бўлган ўсимлик турлари кишилар учун мўлжал вазифасини бажарган.

Умуман олганда, гидронимларга нисбатан жой номлари таркибида фитонимлар кам учрайди. Чунки, инсон ҳаёти давомида доимо сувга яқин жойдан ўзига макон танлаган ва яшаш манзилини номлашда ҳам кўпроқ сув объектлари номини танлаган. Фитотопонимлар ўсимлик турларини маълум ҳудудда кўп ёки камлигидан ҳам дарак беради. Ўсимлик кўп эканлигини билдирувчи топонимлар таркибида “тўп”, “қатор”, “минг” каби сон ва миқдорни билдирувчи қўшимча сўзлар учрайди. Масалан, Тўптол, Қатортол, Мингчинор ва бошқалар. Таркибида “-ли”, “-зор”, “-лик” сингари қўшимчалари мавжуд номлар ҳам ушбу ўсимлик турини бошқа ҳудудларга кўра кўпроқ эканлигини билдиради. Чунончи, Бодомзор, Жийдали, Теракзор, Шилвили ва ҳоказо.

Ўсимлик сонини чекланганлиги, камлигини ёки аниқ миқдорини билдирувчи жой номлари таркибида “якка”, “қўш”, “чор” каби қўшимчалар бўлиши мумкин. Яккачинор, Қўштут, Учтол, Чорчинор ва бошқалар. Баъзан ҳеч қандай қўшимчасиз ҳам фитонимлар топонимларга айланган. Сада, Чинор, Арча, Қайрағоч ва ҳоказо. Географик номга асос бўлган ўсимлик турини ўша ҳудудда миқдорини камлиги, аммо кўзга тез ташланадиган, характерли белги сифатида алоҳида ажралиб туради.

Фитотопоним уни ифода этган ўсимлик туридан кўра узокроқ, яшапи мумкин. Натижада ўсимлик тури йўқ бўлиб кетган тақдирда ҳам, жой номи уни бир вақтлар ушбу худудда кўп тарқалганлигидан дарак бериб туради. Флористик номлар таркибида ёввойи (ажриқ, бодом, дўлана, лола, шилви, бетага, жингил, қамиш ва ҳоказо) ва маданий (пахта, анжир, беда, арпа, олма, узум, терак, тол, тут, писта ва ҳоказо) ўсимликлар номлари кўпроқ учрайди.

Жиззах чўлини ўзлаштириши муносабати билан ташкил этилган янги туманлар топонимияси таркибида Пахтазор, Боғзор, Узумзор, Олмазор каби жой номлари пайдо бўлган. Мазкур номларни фитоийконимлар таркибига киритиш мантиқан хато бўлмаса ҳам, аммо уларни кишиларни моддий ишлаб чиқариш фаолиятини акс этадиган жой номлари қаторига киритса тўғрироқ бўлади. Янги аҳоли масканларига берилган бу каби номлар ўша даврнинг ижтимоий эҳтиёж маҳсули бўлиб, халқнинг дехқончилик маданияти билан боғлиқ орзу истакларини ном сифатида мўхрлаган.

Мутахассислар фикрича, тарихан ёввойи ўсимликлар номи билан аҳоли пункти номланган бўлса, у ҳақиқий фитоийконим бўлади. Масалан, Саримсоқли - қишлоқни бундай номланишига Нурота тоғларида ўсадиган ёввойи саримсоқ пиёзи сабаб бўлган. Ўтмишда қишлоқ атрофидаги тоғларда пиёзни бу тури кенг тарқалган ва маҳаллий халқ уни истеъмол қилганлиги сабабли, у кишилар диққатини тортган.

Дунё топонимиясида ҳам ўсимлик турларига нисбат берилиб аталган номлар кўп. Қараанда - “қора акация”, Бангкок - “ёввойи олча”, Дакар - “юлғун”, Ява - “жавдар”, Лиепая - “липа”, Алмати - “олмали” ва ҳоказо. Мадейра - Африканинг шимоли-ғарбидаги ороллар номи. Ороллар номининг пайдо бўлиш тарихи XV асрга бориб тақалади. 1420 йили Португалия тахт вориси Энрике, қимматбаҳо ёғоч берадиган аждаҳо дарахти ўсадиган оролларни топиш мақсадида экспедиция ташкил этади. Нотаниш оролларга етиб келган экспедиция аъзолари, қалин ўрмонлар билан қопланган оролларни кўриб уни Мадейра (испанча, мадеро - «ўрмон») деб аташади.

Манила - “нилзор”, Филиппин давлатининг пойтахти. Нила дарахтининг бошқа номи индиго, ундан кўк бўёқ олинади. Ҳ.Ҳасановнинг ёзишича, Руминиядаги бир қишлоқнинг номи Киросая, яъни “Олча қишлоғи”. Бу ерда чақалоқ туғилиши билан олча дарахти ўтқазиш расм бўлганки, натижада қишлоқ олчазорга айланган.

Мутахассислар, жой номи ўзи ифодалаган обьектга нисбатан узоқроқ яшайди дейишиади. Шу сабабдан, флористик номлар ёрдамида ҳозирда юқолиб кетган, аммо қадимда муайян ҳудудда кенг тарқалган ўсимлик турлари, уларнинг тарқалиш ареалларини башорат қилиш мумкин. Ўрта Осиё халқлари қадимдан шифобахш ва доривор ўсимликларни аниқлаб улардан халқ табобатида кенг фойдаланишган. Бу ҳолат, доривор ва зиравор (зира, кавар, сўғон, исириқ ва бошқалар) ўсимликлар тарқалган ҳудудларда, улар билан боғлиқ жой номлари қўпайишига сабаб бўлган.

Худди шундай, боғдорчилик ва деҳқончилик ривожланган воҳаларда қўпроқ мевали дарахtlар ва экинларнинг номларини топонимлар шаклида учрайди. Бошқача айтганда, фитотопонимлар қўпинча, топоним - индикатор вазифасини бажаради. Фитотопонимларнинг шаклланишида флористик топотерминларни ҳам алоҳида ўрни бор. Улар топонимлар таркибида иштирок этиб, жой номларини аталишида ўсимлик олами турларини ифода этади. М.Миракмалов тадқиқотларига кўра, жийда (Жийдали), тол (Қатортол), тут (Яkkатут), қайрағоч (Бешқайрағоч), олма (Олмазор), чинор (Мингчинор), терак (Қўштерак), ўрик (Ўрикли), бодом (Бодомзор) каби ўсимликлар жой номлари таркибида топотерминлар сифатида қўп учрайди.

Зоотопонимлар: Географик номнинг келиб чиқиши, агар ҳайвонот олами билан боғлиқ бўлса зоотопоним (юононча, зоо - ҳайвон) деб аталади. Жой номлари таркибида, зоотопонимлар унча қўп эмас ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳам турлича. Зоотопонимлар ёрдамида ҳайвонот оламининг муайян турларини тарқалиш ареалларини аниқ белгилаб олиш мумкин. Улар сон жиҳатдан фитотопонимлардан кам бўлса ҳам, аммо қўплаб мамлакатлар топонимияси таркибида учрайди. Масалан, Ўзбекистон топонимиясида

ҳайвонот олами намояндалари билан боғлиқ жой номларнинг салмоғи 1-2 фоиздан ошмайди.

Зоотопонимлар таркибида бўри, лайлак, жайра, қоплон, тулки, бедана, айик, қулон, бургут, кантар каби ҳайвонларнинг номлари кўп учрайди. Улар чиндан ҳам бирон ҳайвон тури номи билан аталганини тўла ишонч билан аниқлаш қийин, чунки ҳар қандай ҳайвон номи бошқа кўчма маънода қўлланган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Жайрахона қишлоғига кўчма маънода шундай ном берилганми ёки ҳақиқатдан ҳам жайралар ин қурган жой бўлганлигини аниқлаш осон эмас.

Баъзан, ҳайвон тури обьектни номлашга асос бўлса, бошқа вақтда ном мажозий маънода қўлланилган бўлиши ҳам мумкин. Таниқли олим С.Қораев зоотопонимни қандай қилиб аниқлаш мумкинлиги ҳақида шундай ёзган: «Агар жой номи қандайдир ҳайвонни номи билан боғлиқ бўлса, унда топонимдан кейин -ли, -лик, -хона каби қўшимчалар, агар этноним бўлса ҳайвон номи ҳеч қандай қўшимчасиз ёки кўпликни билдирувчи -лар қўшимчаси билан ифодаланган бўлади».

Иқлим ўзгариши ва инсон хўжалик фаолияти таъсири оқибатида, айrim ҳайвонот турлари камайиб ёки умуман йўқ бўлиб кетган. Уларнинг тарқалиш ареалларини аниқлаш ва қайта тиклаш муҳим ҳисобланади. Бундай ҳолларда топонимика ёрдамга келиши мумкин. Масалан, озарбайжонлик олим Р.М.Юзбашев жой номлари ёрдамида жайронларни тарқалиш ареалларини аниқлаган. Жайронли, Жайронкўл, Жайрон булоги каби номлар жайронни ўтмишда республика худудида анча кенг тарқалганлигидан гувоҳлик беради.

Шимолий Америкадаги бир қатор дарё номлари ушбу ҳудудда яшаган ҳайвонлар номлари билан аталган: Деер - буғу, Буффало - бизон, Элк - лос, Гризли - айик, Расоон - енот, Раббит - қуён ва ҳоқазо. Шимолий Каролина штатидаги Аллигаторлар дарёси, тимсоҳларнинг ушбу тури яшайдиган энг шимолий чегара ҳисобланади. Норвегия денгизидаги Фарер ороллари номи норвег тилида фар - «қўй», ёй -«ороллар» маъносини беради. VIII асрда тарки дунё қилиб ушбу оролларга қочиб келган ирланд монахлари ўзлари билан

бирга бир неча бош қўй келтиришган, қўйлар кейинчалик кўпайган. IX асрда бу ерларга бостириб келган норманлар беҳисоб қўйларни кўриб оролларни шу ном билан аташган.

Дунё океанидаги бир қанча ороллар ҳайвонот олами намояндалари номлари билан аталади: Азор - “қирғий”, Галапогос - “тошбақа, Канар - “ит”, Кайман - тимсоҳ, Самоа - “мао қуши жойи. Галапагос оролларига илк бор қадам қўйган европаликлар, кўп сонли йирик денгиз тошбақаларини кўриб ҳайрон қолишган. Архипелагга бу ном 1574 йили фламанд картографи А.Ортелий томонидан берилган. Галапагос ороллари Ч.Дарвин саёҳати ва унинг «Турларнинг пайдо бўлиши» номли китоби нашр этилгандан кейин яна ҳам машҳур бўлган.

Канар оролларининг номини ҳам ўзига хос пайдо бўлиш тарихи бор. Дастрраб оролларга италянлар ва португаллар келишган. Оролларда сайёҳлардан қолган итлар кўпайиб ёввойилашган. 1402 йили оролларни қайта кашф қилган испанлар итлар овозини эшитиб, унга Испас Канариас (“итлар ороллари”). Лотин тилида канис - «ит», испанча, кан - «ит») деб ном беришган.

Испан сайёҳлари диққатини йиртқич итлардан ташқари, оролларда яшайдиган кичик жуссали, чиройли, ёқимли овозли сайроқи қуш ҳам ўзига тортган. Улар ватанига қайтгач ғаройиб ороллар ҳақида гапириб беришган. Кўпчилик ишонмаган бўлса ҳам, аммо маҳаллий савдогарлардан бири Канар оролларига боришга аҳд қилган. Таниш капитани орқали оролларга борган ишбилиармон ватанига кўплаб сайроқи қушларни олиб қайтган ва ғаройиб сайроқи қушларни сотиб тез орада бойиб кетган. Европа - канарейка қуши билан шу тарзда танишган.

Босфор - Қора дengиздан Ўрта ер дengизига ўтиладиган бўғоз. Қадимда Босфор (юононча, - буқа), бўғозидан сузуб ўтадиган кемаларнинг эгалари бож ҳақини қорамол билан тўлаган. Дубай - Бирлашган Араб Амирликларидағи амирлик ва шаҳарнинг номи «чигиртка» деган маънени англаради. Юкатан

ярим оролининг номи - майя ҳиндулари тилида Улумит-Кис-ел-Этел-Зет - яъни, «хўроз ва буғулар мамлакати».

Уганда давлатининг пойтахти Кампала шаҳри номига антилопа маъносидаги импала (луганда тилидан) сўзи асос бўлган. Байкал қўлининг ўртасидаги ороллардан тўрттаси Тушкани деб аталади. Маҳаллий аҳоли тушкан деб, қуённи айтади. Дарҳақиқат, бу оролларда қуёнлар кўп тарқалган. Австралиянинг жанубий қирғоғида Кенгуру номли орол бор. Номидан пайқаш мумкинки, оролда шу номли ҳайвон кўп. 1802 йили инглиз тадқиқотчisi М.Флиндерс оролни кашф қилганда кенгурунинг кўплигини кўриб оролга шундай ном берган.

Машҳур денгизчи Ж.Кук маҳаллий халқ билан қилган мулоқотларининг бирида нотаниш ҳайвонни кўриб йўлбошчидан унинг номини сўрайди. Абориген гангару - «мен тушунмадим» деб жавоб беради. Ж.Кук халтали ва сакраб юрувчи ғаройиб ҳайвонни шундай номланса керак, деб кундалигида «кенгуру», деб ёзган. Жеймс Кук сўзларини абориген тушунмаган бўлса ҳам, кенгуру ўз номига эга бўлган.

Топонимлар ёрдамида ер юзидаги турли минтақаларнинг ҳозирги зоогеографиясини ҳам ўрганиш мумкин. Балиқлиқўл, Чумчуқорол, Тўнғизлитоғ, Бўрихона каби географик номлар, ушбу ҳудудда маълум бир ҳайвон турининг кўплигидан дарак беради. Айрим ҳолларда, ҳайвон номи жой номи таркибида кўчма маънога эга бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабдан, ҳар бир фаунистик номни алоҳида тадқиқ ва таҳлил қилиш керак. Масалан, туркий оронимлар орасида Бўзайғир, Қораайғир, Оқбайтал каби ер юзаси рельефига алоқадор бўлмаган номлар ҳам учрайди.

Этимологияси равшандек кўринадиган бу номлар, аслида изоҳи анча мураккаб бўлган топонимлар сирасига киради. Қозоқ топонимисти Г.К.Конкашпаев уларни таҳлил қилиб, айғир сўзини географик номлар таркибида келганда «катта», «баланд» маъносига эга, деган хulosага келган. Нурота тоғларининг шимолий этагида жойлашган Балиқлитоғнинг энг баланд нуқтасини Бўзайғир деб аталаши замирида ҳам шу маъно

ифодаланган бўлса ажаб эмас. Умуман олганда зоотопонимлар ҳайвонот оламининг реал табиий хусусиятларини ифода этади.

Гидронимлар: Ҳар қандай сув объектлари - океанлар, денгизлар, кўуллар, дарёлар, каналлар, сув омборлари, сойлар, жилғалар, қудуқлар ва ҳоказо гидронимлар (юонча, ҳидро-«сув») дейилади. Мутахассислар ҳисобкитобига кўра, барча географик объектлар орасида сув билан боғлиқ бўлганлари кўпчиликни ташкил қиласди. Номсиз сув объектлари кам, аксинча битта қўл ёки дарё бир неча номга эга бўлиши ҳам мумкин.

Битта дарё оқими давомида турли ҳудудларда турлича аталиши мумкин. Масалан, Амударё унинг икки ирмоғи бўлган Панж ва Вахш дарёларининг қўшилиши натижасида пайдо бўлади. Бундай кўпномлик тасодифий ҳол эмас, балки муайян қонуниятларга асосланган. Дарё йўналиши давомида турли халқларни яшави унинг турлича номланишига сабаб бўлади. Чунончи, Нил дарёси бошланиш қисмидаги тоғли ҳудудда Баҳр-ал-Жабал («тоғ дарёси»), деб номланади. Буюк дарё соҳилларида яшаган турли этник гурух вакиллари дарёни ўз тилларида турлича номлашган: араблар - ал -Баҳр, коптлар - Еаро, бугандар тилида Кипра, барин тилида Ткуцири ва ҳоказо. Шуниси диққатга сазоворки, бу номлар мазмани жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган «катта сув», «буюк дарё» каби маъноларни англатади.

Гидронимлар жуда кам ўзгаради, демак энг қадимий номлардир. Э.М.Мурзаевнинг ёзишича: «гидронимлар вақт эрозиясига кам дучор бўлади. Шу сабабдан, уларни қадимиш шакли ва мазмунини тиклаш анча қийин». Сув объектлари инсон ҳаётида қадим замонлардан буён катта ижтимоий, иқтисодий аҳамият касб этганлиги боис, дунё аҳолисининг кўп қисми сув объектлари бўйида, соҳилида ёки унга яқин масофада яшайди.

Юқорида таъкидлагандек, инсониятга қадим замонлардан буён маълум бўлган йирик сув объектларининг номи кўпинча сув, катта сув, дарё, кўл каби маъноларни ифодалайди. Бу ҳақида Ҳ.Ҳасанов қўйидагича ёзади: «Борди-ю ўнтача асосий тилни биладиган киши картадаги номларни шу

тилларга таржима қилиб ўқиса, аксари шаҳар, тоғ, дарё ва кўлларнинг номлари деярли бир маънода эканини кўриб ҳафсаласи пир бўлар эди».

Река, сипи, рио, ривер, штат, хе, ёки, жайхун, об, ганга, сзян каби турли тилларга мансуб бўлган сўзлар замирида - дарё, сув маъноси мужассам. Масалан, Америка қитъасидаги Миссисипи маҳаллий ҳиндулар тилида «улуг дарё» маъносини беради. Африкадаги Нигер дарёси (берберлар тилида негирен - «дарё») маҳаллий халқлар тилида, бошланишида Джолиба («катта дарё»), ўрта ва қуи оқимида Куара, Квара («дарё»), Исса-Бари («буюк дарё»), Маё («дарё») деб аталади.

Хитойдаги Янцзи дарёси ҳам турли қисмларида бир неча номга эга. Тибетда Муруй-Ус (ус - «дарё»), хитойча Сзиншацзян, Янцзицзян (сзян - «дарё»). Испан тилида дарё маъносини ифодаловчи рио сўзи Америкада кўпгина сув объектлари номларига асос бўлиб хизмат қилган. Масалан, Рио-Гранде («катта дарё»), Рио-Колорадо («қизил дарё»), Рио-Соладо («шўр дарё») ва ҳоказо.

Жаҳоннинг йирик сув ҳавзалари номи таркибида кўл («катта сув») сўзи мавжуд. Масалан, Няса, Чад, Мичиган каби кўллар номи ҳам шу маънога эга. Финляндия кўллар мамлакати ҳисобланади. Уларнинг аксарияти номлари таркибида ярви - «кўл» сўзи мавжуд (Инарияви, Оулуярви, Кемиярви ва ҳоказо). Бу хусусият туркий гидронимлар учун ҳам хос. Иссиқкўл, Коракўл, Яшилкўл, Олакўл ва бошқалар. Бир қатор кўлларни катталиги боис, маҳаллий халқ денгиз деб атаган. Масалан, Каспий денгизи, Орол денгизи, Байкални эвенклар Ламу - «денгиз», Муғалистоннинг энг катта кўли Хубсугулни баъзан, Далай - «денгиз», деб аташади. Айрим ҳолларда йирик сув омборларини ҳам халқ денгиз дейди. Чорвоқ сув омбори - Тошкент денгизи, Қайроқум сув омбори - Тожик денгизи ва ҳоказо.

Гидрообъектлар номларини пайдо бўлишида турли хил омиллар сабаб бўлган. Улар қандай сабабларга кўра яратилганлигини аниқлаш ва номланиш тамойилларини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Сув объектларнинг

қандай ва қайси типдаги номлар билан аталғанлиги, яни семантикасига күра қуидаги гурухларга бўлиш мумкин:

1. Киши исмлари асосида вужудга келган гидронимлар. Кўпинча бундай сув объектарининг (арик, қудук, булоқ, канал ва бошқ.) бунёд этилишига (қазилишига) раҳбарлик қилган шахслар номи билан аталган. Чунончи, Назарбойқудук, Омонбулоқ, Мирзабулоқ, Тошбекариқ ва бошқалар.

2. Ўсимлик ва ҳайвонлар номлари асосида пайдо бўлган гидрообъектлар, яни сув объектарининг номланишида муайян бир ўсимлик ёки ҳайвон номлари асос қилиб олинган гидронимлар. Масалан, Ўриклисой, Тераклисой, Кўйбулоқ, Илонлисой ва бошқалар.

3. Ер қатламининг устки тузилиши, тупроқнинг таркибиغا кўра номланган гидрообъектлар. Бундай гидронимлар таркибида қум, тош, жар каби сўзларини кўп учратиш мумкин. Масалан, Санзор, Даштариқ, Ёнбулоқ, Гумсой, Қумариқ ва бошқалар. Арнабулоқ - тоғ этаклари ва адирликларда арна - сел, табиий ёғин сувлари ерни ювиб, ўйиб кетишидан ҳосил бўлган жарсимон ўйик.

4. Сувнинг ранг хусусиятига қараб номланган гидрообъектлар. Бундай номларда оқ, қора, кўк, қизил каби сўзлар кўп учрайди. Чунончи, Оқбулоқ, Қорасой, Яшилкўл, Кўкбулоқ, Қизилқудук ва бошқалар. Гидрообъектлар номлари таркибида кўлланган ранглар турли маънони ифодалаши мумкин. Масалан, доимо оқиб турадиган, тоғдан, музликлардан келадиган қор сувлари билан тўйинган, ўз табиий ўзанида оқадиган, ёзда қуримайдиган, ранги оқиши тусда бўлган, ичишга яроқли сувга нисбатан оқ сўзи ишлатилган - оқсув, оқсой. Тоғ этакларида, водийларда сизот сувларидан тўйинадиган, тиниқ қорамтири тусда, табиий ўзанида оқмайдиган, канал қазиб оқизилган сувларга нисбатан эса қора сўзи қўлланилган - қорасув, қорасой.

5. Сувнинг ҳарорати, ҳиди ва маза-таъмига қараб номланган гидрообъектлар. Бундай объектларни номлашда кўпинча совуқ, иссик, сассиқ, аччиқ, ширин, шўр каби сўзлардан фойдаланилган. Масалан,

Иссиқкүл, Совуқбулоқ, Жилибулоқ (жили-илиқ маъносида), Музбулоқ, Шўрқудук, Шўрбулоқ, Сассиқбулоқ ва бошқалар.

6. Миқдори, ҳажми, шакл тузилиши, пайдо бўлган вақтига қараб номланган гидрообъектлар. Бундай номлар сув миқдори, сон-саноғи ва ҳажмини белгилашга қаратилган. Кўпинча икки, беш, олти, қирқ, юз, минг, гала, қўш, тўда сўзларидан фоидаланиб гидронимлар ясалган. Чунончи, Бешбулоқ, Учариқ, Олтиариқ, Узунқудук, Кичиксой, Каттасой, Товоқсой, Янгиариқ, Эскиҳовуз ва бошқалар.

7. Аҳоли пунктлари номлари билан аталадиган гидрообъектлар. Республика ҳудудида ойкогидронимлар асосан тоғли туманларда кўпроқ учрайди ва кўпинча сув объектларининг турини билдиради. Масалан, Савруксой, Пишағарсой, Зоминсой, Ухумсой, Андагинсой ва бошқалар.

8. Уруғ, қабила, қавм, тўп этник гуруҳ номлари билан аталган сув объектларини - этногидронимлар дейишади. Мисол, Наймансой, Қипчоқариқ, Жалойирсой, Бойқўнғирсой ва ҳоказо. Этнонимлар гидронимларга ўтганда ном таркибида ҳеч қандай ўзгариш рўй бермайди. Этногидронимлар қадимдан ушбу ҳудудда қайси этник гуруҳ вакиллари яшаганлигидан дарак беради.

Айрим гидрообъектларнинг номланишига сувнинг секин дамланиб оқиши (Дамариқ), ёки тез, шариллаб (Шариллоқ) оқиши ҳам асос бўлиб хизмат қилган. Маълумки, дарё ҳар доим бир ўзандан оқмайди, муайян вақтдан кейин, ўзанини ўзгартириб туради. Мутахассисларнинг аниқлашича, Айдар - Арнасой кўллар тизимининг ҳозирги ўрни, кайнозой эрасининг тўртламчи даври охирларида Сирдарёning ўзани бўлган. Шу сабабдан, Айдаркўлнинг иккинчи номи сифатида баъзан Қолган Сир бирикма - ном ишлатилади.

Гидронимлар аҳоли тураг жойларига ном бўлиб ўтганида улар ўртасида маъно ва вазифа жиҳатидан баъзи бир айрмаликлар юз беради. Бунда икки ҳолатни инобатга олиш керак. Биринчидан, сув объекти ҳозирда мавжуд бўлса, у ҳолда бу ном гидроним сифатида тилда кенг қўлланилади,

унинг ахоли пунктини ифодалаши иккинчи даражали бўлиб қолади. Шунда, Қайнарбулоқ, Ойдинбулоқ деганда дарҳол булоқ номи тушунилади. Иккинчидан, ном таркибидаги сув объекти ҳозирда мавжуд бўлмаса, вақт ўтиши билан, унинг ойконимик вазифаси биринчи ўринга чиқади. Бундай ҳолатларда номнинг гидронимик маъноси эмас, ойконимик маъноси яшашни давом этади.

 **Савол ва топшириқлар:**

1. Оронимларнинг бошқа географик объектлар номларига қарагандা анча турғулуги сабабини изоҳланг?
2. Гидронимлар семантикасига кўра қандай гуруҳларга бўлинади?
3. Флористик топотерминлар жой номлари таркибида қандай вазифани бажаршишини мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.
4. Зоотопонимларни фарқлашнинг қийинлигини сабаби нима?

 **Тест топшириқлари**

1. Маҳаллий ҳиндулар тилида «совук», «қии» маъносини ифодалайдиган давлат номи.
 - A. Перу
 - B. Ямайка
 - C. Чили
 - D. Мексика

2. Дарёни араблар - ал -Бахр, коптлар - Еаро, буганда тилида Кипра, бари тилида Ткуцири ва ҳоказо. Гап қайси дарё номи ҳакида бормоқда?

- A. Иордан
- B. Дажла
- C. Шат ал-Араб
- D. Нил

3. Дараҳт номи билан бөглиқ бўлган давлат номини белгиланг.

- A. Швейсария
- B. Бразилия
- C. Малайзия
- D. Иордания

4. Ўзбекистон топонимияси таркибида зоотопонимлар салмоги неча фоизни ташкил қиласди?

- A. 5-6 фоиздан ошмайди.
- B. 3-4 фоиздан ошмайди.
- C. 1-2 фоиздан ошмайди.
- D. 11-12 фоиздан ошмайди.

5. Мажозий номга эга оронимик объектлар қаторини белгиланг.

- A. Туятош, Fўбдинтоғ
- B. Писталитоғ, Куйганёр
- C. Кўйтош, Кўргонтепа
- D. Букритоғ, Семизтепа

2.3. ЭТНОТОПОНИМЛАР ВА АНТРОПОТОПОНИМЛАР

Режса:

1. Ўзбекистон этнотопонимларининг шаклланиши қонуниятлари
2. Антропотопонимлар ҳақида умумий тушунча
3. Ўзбекистон антропотопонимларининг ҳудудий тафовутлари

 **Мавзунинг мақсади:** Этнотопоним ва антропотопонимлар, уларнинг пайдо бўлиши тарихи, ўрганилиши ҳолати, фарқловчи хусусиятлари ҳамда республика этнотопоним ва антропотопонимлари ҳақида билим ва кўникумалар ҳосил қилишидан иборат.

 **Таянч атамалар ва иборалар:** этноним, этнотопоним, тарқалии ареаллари, этник белги, антропотопоним, мемориал ва мафкуравий номлар.

Этнотопонимлар: Қадимий карталарга эътибор бериб қаралса, асосий топонимик юкни қабила ва халқлар номлари, яъни этнонимлар ташкил этади. Буни боиси шуки, кишилик жамиятининг дастлабки босқичларидан буён аҳолининг этник таркиби ҳудудни белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилган. Этник белги билан номлашда ижтимоий воқелик бош меъёр, мезон вазифасини ўтаган. Масалан, Суғдиёна, Бактрия, Иберия, Парфия каби номларни эслаш кифоя, чунки уларнинг барчасида этник ном мужассам.

Чунки, халқнинг энг ибтидоий этномаданий белгиси ва энг муҳим қадриятларидан бири унинг номи бўлган. Бошқача айтганда, ҳар қандай этник бирлик қадимда ҳудудий, иқтисодий, лисоний ва келиб чиқиши жиҳатидан насл-насабидан ташқари, махсус номга эга бўлиши шарт бўлган. Шунинг учун, муайян шароитда табиий-тарихий тараққиёт жараёнда вужудга келган этник бирликнинг номи улар яшайдиган ҳудудга ҳам ном бўлиб ўтган.

Ҳар қандай этник бирликни номи этноним (юонча, этнос - “халқ”, оним - “ном”) деб аталади. Жуда кўп жой номлари этнонимлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Этнонимлардан ном олган ҳар қандай географик обьект этнотопоним дейилади. Этнотопонимларнинг аксарият қисми ойконимлар, улар ҳар қандай минтаقا аҳолисининг тарихий шаклланиши, тараққиёти, халқларнинг қадимий муносабати, интеграцияси ва миграциясини

кўрсатувчи муҳим манба ҳисобланади. Сув бўйлари, дехқончилик ва чорвачилик учун қулай жойларда, йирик аҳоли пунктларида, турли этник гуруҳ вакиллари аралаш ёки ёнма-ён яшаган жойларда этнотопонимлар зичроқ тарқалган. Баъзан, йўқолиб кетган халқлар ва тилларни тарқалиш худудларини аниқлашда этнотопонимик маълумотлар қўл келади.

Этнонимлар жуда қадимий сўзлар, улар ёрдамида халқлар этногенезини ўрганиш мумкин. Масалан, Хоразм этнографиясини ўрганган С.П.Толстов бу ҳақда шундай маълумот ёзиб қолдирган: “Авестода ёзишича, жамият асосини уруғ ташкил қилган. Уруғлар “вис” деб аталган. У маълум бир қишлоқ аҳолисидан ташкил топган бўлиб, қишлоқнинг ўзи ҳам “вис” деб юритилган. Бу сўзнинг кейинги даврлардаги шакли “диз” дир. Бир неча уруғ бирлашиб зантуни ташкил қилган. Ниҳоят қабилалар иттифоқи ёки вилоят даху ёки дахю деб юритилган”.

Жой номларида акс этган этнонимларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўпинча қабила ёки уруғ номи, баъзан уларнинг атрофдаги аҳолидан этнографик жиҳатлари билан фарқи этнонимнинг топонимга айланишига сабаб бўлган. Номлашни ўзига хос қоидаларидан бири шуки, аксарият ҳолларда аҳоли масканларига ном ўзгалар томонидан берилган. Аҳоли масканини яратувчи билан номловчи жамоа муносабати бу жараёнда муҳим омил саналган.

В.А.Никонов ёзишича, этнотопонимлар этник гуруҳ яхлит яшайдиган худудда эмас, балки унинг чекка қисмида, яъни бошқа бир этник бирлик билан чегарадош худудларда пайдо бўлган. Масалан, қўнғирот ёки қанғлилар яхлит яшаган худудларда қўнғирот, қанғли каби топонимлар учрамайди. Шу нарса муҳимки, бошқа этник бирликлар миқдорий кўпчиликни ташкил қилган худудларда эмас, озчиликни ташкил қилган худудларда этник белги номланиш учун мезон, асос, белги вазифасини ўтаган.

Этноним ва топоним орасида узвий боғлиқлик мавжудлигини С.С.Губаева ўз илмий ишларида Фарғона водийси мисолида кўрсатиб берган. Олиманинг ёзишича, ўтмишда аҳолиси кўчманчи ёки яrim ўтроқ ҳаёт

кечирган ҳудудлардаги жой номларида этнонимлар сони кўп, аксинча аҳолиси қадимдан ўтроқ бўлган ҳудудлардаги жой номларида этнотопонимлар кам. Бу қонуниятни, кўчманчи ёки яrim ўтроқ тарзда ҳаёт кечирган аҳолини ҳудудий тарқалишида этник мансублик муҳим рол ўйнаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Этнотопонимлар - тарихан фаол категория саналади. Бу турдаги географик номларга ҳудудийлик, такрорийлик хос ва у тарихий - географик сабаблар, яъни этносни тарқалиши, этник алоқалар ҳамда хўжалик фаолиятини хусусиятлари билан боғлиқ. Номнинг такрорийлиги ном асосидаги сўзнинг бошқа ижтимоий, этник, руҳий, фалсафий хусусияти борлигини кўрсатади. Номшуносликнинг асосий қонуниятларидан бири такрорийлик. Унинг тури ҳам хилма-хил. Асосий сабаби ҳалқ тафаккуридаги умумийлик, табиат ҳодисаларини бир хил идрок қилинишидир. Инсон тафаккуридаги, маънавиятидаги бу ҳолат жой номларига кўчган.

Этнотопонимларнинг маълум ҳудудда қайта такрорланишига этник гуруҳ вакилларини ижтимоий ҳаёт тарзи ҳам таъсир кўрсатган. Бошқача айтганда, бир жойда ёки бир-бирига яқин масофаларда айнан бир этнотопонимнинг такрорланиши тасодифий ҳол эмас. Гап шундаки, яrim ўтроқ ва кўчманчи тарзда ҳаёт кечирган аҳолининг ўтроқ ҳаётга ўтишида муайян тафовутлар бўлган. Шу сабабдан, айрим ҳудудлар топонимияси таркибида битта этник бирлик номи этнотопоним сифатида бир неча бор такрорланади. Мутахассислар битта этнотопонимнинг бир неча бор такрорланишини этник гуруҳ вакиллари бутун уруғи билан эмас, балки нисбатан кичикроқ бўлакларга бўлинниб ўтроқликка ўтганлиги сабаб бўлган дейишади.

Этнонимларнинг жой номлари шаклида қайта-қайта такрорланишида ижтимоий воқелик ҳам муҳим рол ўйнаган. С.Қораев маълумотларига кўра республика топонимияси таркибида айрончи, аргин, ачамайли, бағанали, бешбола, бурқут, галаботир, кенагас, тама, минг, митан, ойтамғали, уяс, кутчи каби этнонимлар шаҳар ва қишлоқлар номлари таркибида 5 дан 10

мартагача; болғали, болта, баҳрин, қанғли, қиёт, қирқ, миришкор, мўғул каби этнонимлар 11-20 мартагача; бешкапа, дўрмон, жалойир, қўнғирот, манғит каби этнонимлар 21-30 мартагача; қипчоқ, сарой этнонимлари 31-40 мартагача такрорланади.

Хоразм топонимиясини тадқиқ қилган З.Дўсимовни ёзишича, Хоразм этнотопнимларининг характерли хусусиятларидан бири шуки, айрим этник номлар бир неча ҳатто ўнлаб этнотопоним сифатида учрайди. Бу факт мазкур худудда уруғ-қабилага бўлиниш, уруғчилик хусусияти узоқ давом этганигидан далолат беради. Этнотопонимлар Шимолий Хоразмда жуда сермаҳсул. Уруғ-қабила номи билан аталувчи топонимларининг кўплаб такрорланиши бу ердаги халқларнинг кейин кўчиб келганлигини кўрсатади. Этнотопонимлар Жанубий Хоразмда шимолга нисбатан анча барқарордир. Жанубда этнотопонимлар деярли учрамайди. Масалан, Нукус этнотопоними Шимолий Хоразмда ўн икки марта, жанубда эса атиги бир марта учрайди.

Хоразм этнотопонимларининг диққатга сазовор жойи шундаки, улар республикадаги аксарият минтақалардаги каби кичик аҳоли масканларини номини эмас, балки анча катта шаҳарлар (Қўнғирот, Манғит, Қипчоқ, Нукус) номини ташкил этади. Буни Хива хонлигига уруғчилик бошқа худудларга нисбатан кучлироқ бўлганлиги ва ҳар қайси уруғ ўтроқликка ўтганда ўзини яхлит туркум деб ҳис қилганлиги ҳамда майда қишлоқларга сочилиб кетмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шаҳар ва қишлоқлар номини ташкил этган этнотопонимларга қараб қадимда ушбу худудда қандай этник гуруҳлар истиқомат қилганлигини bemalol башорат қилиш мумкин. Чунончи, Нукус, Қарлук, Боёвут, Олот, Дўрмон, Қурама каби машхур номлар ҳам этнонимлар асосида пайдо бўлган. Маълумки, ҳар бир этнонимнинг ўзига хос келиб чиқиши тарихи бор. Уларни билмасдан туриб Ўзбекистон топонимикаси билан шуғулланиш анча қийин, чунки уруғ, қабила номлари ҳам муайян маънони англатади. Масалан, уруғ номларини билмаган киши Болғали, Ўроқли, Ойтамғали каби этнонимларни

«-ли» аффиксли топонимларга киритиши мумкин. Қирқ, юз, минг қабилалари номлари топонимлар таркибида келганда сонни билдирмайди.

Ўзбекистон этнотопонимлари орасида жониворлар, хусусан, уй ҳайвонлари номи билан аталган этнонимлар энг қадимийдир, чунки одамлар биринчи бўлиб ана шу ҳайвонларни хонакилаштирган. Қадимда уругларнинг муқаддас ҳайвонлари (тотеми) бўлган. Мажусийлар давридан қолган тотемистик қараш инсониятнинг табиатга, табиий ҳодисаларга, турли мавжудотларга муносабати мажмуи саналади.

Кўпгина этнонимлар уруғ - аймоқ тамғаси номи билан аталган. Ҳар бир уруғнинг ўз тамғаси бўлган. Тамғалар дехқончилик билан шуғулланувчи аҳоли ўртасида эмас, чорвадор аҳоли учун муҳим белги вазифасини ўтаган. Чорвачилик билан шуғулланган ҳар бир этник гуруҳнинг ўз тамғаси бўлган. Тамғалар шакли, тузилиши, тасвири, англатган ижтимоий мазмуни ва моҳияти билан бир-биридан фарқланган. Тамға рамзий нишон, белги вазифасини ўтаган. Асосан чорвадорлар бошқалардан фарқ қилиши учун ўзларига тегишли чорвани турли шаклда тамғалаб қўйишган.

Жиззах вилояти топонимиясини ўрганганд А.Зокировнинг ёзишича, вилоят ҳудудидаги этнотопонимлар таркибида учрайдиган тароқли, чўмичли, қирғили, болғали каби уруғларнинг тамғалари шаклан ана шу уй-рўзғор анжомларига ўхшаш бўлган. Булардан ташқари, киши исмлари, жой номларидан келиб чиқкан, касб-хунар номи, жамиятдаги ижтимоий мавқеси, уруғ-аждодларни лақаби билан боғлиқ этнонимлар ҳам мавжуд.

Дунё картасига эътибор билан қарасангиз кўплаб этнотопонимларга кўзингиз тушади. Чунки, кўпчилик мамлакатларнинг номлари халқ номидан олинган, халқ номига “-ия”, “-истон” қўшимчалари қўшилиб, мамлакат номи ҳосил қилинган. Бу ҳодиса давлатларни номлашда асосий қонуниятлардан бири саналади. Масалан, албан - Албания, португал - Португалия, румин - Руминия, болгар - Болгария, турк - Турция, туркман - Туркманистон, қирғиз - Қирғизистон, татар - Татаристон, тожик - Тожикистон ва ҳоказо.

Этнонимлар негизида пайдо бўлган давлатлар номини барча қитъаларда учратиш мумкин. Хусусан, қадимий давлатлари билан машхур бўлган Евросиёда бундай номлар кўплаб топилади. Европада - Белгия, Болгария, Греция, Италия, Руминия, Швеция; Осиёда - Бангладеш, Лаос, Таиланд, Муғулистан, Туркия; Африкада - Ботсвана, Бурунди, Мавритания, Малави каби давлатлар номига этнонимлар асос бўлган.

Биргина давлатлар номи эмас, балки этнонимлардан асос бўлган бошқа географик обьектлар номлари ҳам кўп учрайди, Масалан, Малик чўли (малик - уруғи номи), Бараба дашти (бараба - уруғи номи), Париж (паризи - қабила номи), Эри, Гурон кўллари (ҳиндуда қабилалари номи), Аппалачи тоғлари (аппалачи - ҳиндуда қабиласи), Дакота, Юта, Айова, Делавер, Оклахома каби штатлар номлари ҳам ҳиндуда қабилалари номлари билан боғлик.

Этнонимлар топонимлар таркибида узоқ муддат сақланиб қолса ҳам, аммо вакт ўтиши билан, улар тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, этнонимлар таркибидаги «одам, инсон, кишилар» каби маъноларни англатадиган сўзлар энг қадимги этнонимлар ҳисобланади. Этнотопонимларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши узоқ ва мураккаб тарихий жараён бўлиб, турли-туман ижтимоий, тарихий, лингвистик омиллар билан боғлик. Аҳолининг этник таркиби, уларнинг қайси уруғ, қабила, халқ, миллатга мансублигини ифодаловчи географик номлар ҳар қандай худудий топонимия орасида катта бир гурӯхни ташкил этади.

Ҳозирги кунда, халқнинг этник гурӯхларга тақсимлаш фақат илмий-тадқиқот ишлари ва тарихий қизиқишлиар билан боғлик бўлиб қолди. Шунинг учун, тобора унитилиб бораётган этнонимларни тўплаш, таҳлил ва тадқиқ қилиш, этнонимларнинг худудий жойлашуви сабаблари, тарқалиш ареали, этномим ва топонимнинг ўзаро алоқадорлиги, этнонимлар картасини яратиш каби муаммолар соҳа тадқиқотчилари олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Антропотопонимлар: Антропоним оддий сўз эмас, балки ўз қонуниятларига эга бўлган алоҳида сўзлар қатламиdir. Баъзан, турли сабабларга кўра кишилар номи географик объект номига айланади. Топонимикада ҳар қандай антропонимдан ном олган географик объект номи антропотопоним дейилади. Шу сабабдан, бир қатор географик объектлар номларига антропонимлар (юонча, антропос-“одам”), яъни кишиларни исми, фамилияси, лақаби, тахаллуси, нисбаси ва шахсни аташликнинг турли усууллари асос бўлиб хизмат қилган.

Антропотопонимларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, улар жой номларини бошқа турларига қараганда анча бекарор ҳисобланади. Баъзан уларни тузилиши ва семантикаси ҳам ўзгаради, кўпчилик ҳолларда географик объектни йўқолиши антропотопонимларни истеъмолдан чиқишига сабаб бўлади. Антропонимларнинг жой номига айланиш жараёни турли омиллар таъсирида кечади. Бу аввало икки тизимнинг бир-бири билан яқин муносабати ва уларнинг ўзаро характерли хусусиятлари билан боғлик. Чунки, антропонимлар ҳам худди топонимлар сингари индивидуаллашади, кишини, маълум бир шахсни этник белгиси, миллий хусусиятлари, урфодатлари, ижтимоий-сиёсий қарашларини ўзида ифода этади.

Шу сабабли, ҳам улар орасидаги ўзаро муносабат жуда қадимдан бошланган. Кўплаб киши номларининг жой номига ёки аксинча жой номларининг киши номларига айланиши худди шу омиллар билан боғлик. Антропонимлар топонимга айланиб, барча географик номлар каби ўзининг энг муҳим вазифаси бўлган объектни фарқловчи, бошқалардан ажратувчи, яъни адреслик функциясини бажаради.

Таниқли олим З.Дўсимовнинг ёзишича, антропонимларнинг топонимга айланишида шахс ва объект муносабати муҳим рол ўйнайди. Аввало бирор худуддаги кишилар ёки шахснинг жамиятда тутган ўрни муҳим белги бўлиб хизмат қиласи. Бу белгилар турлича ифодаланиши мумкин, кишиларнинг касби, машғулоти, мансаби, этник таалуқлилиги, лақаби каби қатор индивидуал турларда акс этади.

Дарҳақиқат кўпгина ижтимоий терминларнинг, лақабларнинг ва баъзи этонимларнинг топонимга айланнишида антропонимлар муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бу хилдаги белгиларнинг кўпчилиги ўз-ўзидан жой номига айланмайди. Улар даставвал киши номи билан бирга қўлланилади. Вақт ўтиши билан турли омиллар асосида жой номига ўтади. Масалан, Турдиқулнинг чорбоғи, Қурбон оталиқнинг ери, Хўжамурод юзбошининг овули ва ҳоказо.

Киши исмларининг ойконимларга ўтиши хусусий мулкчилик, янги ерларни ўзлаштириш, янги қўргонлар қуриш каби ижтимоий воқелик билан боғлиқ. Ю.Аҳмадалиевнинг ёзишича, антропотопонимларнинг вужудга келиши жамиятда синфлар пайдо бўлиши, қулдорлик тузумини шаклланиши каби ижтимоий воқелик билан боғлиқ. Хусусий мулкчиликка асосланган феодализм даврига келиб ҳудуднинг асосий фарқловчи белгиси сифатида унинг кимга қарашли эканлиги нисбат қилиб олинган. Натижада катта ҳудудлар, қишлоқ ва маҳаллаларга йирик феодаллар, уруғ ва жамоа бошлиқлари, маҳаллий ҳукмдорлар номи берилган.

Антропотопоним кўпинча ном учун асос бўлган шахснинг тарихда эгаллаган мавқеини эслатиб туради. Масалан, Искандар (русча, Александр) дунёни забт қилиш мақсадида, босиб олган ҳудудларида Искандария (Александрия) номи билан бир неча шаҳарга асос солган. Ўрта ер денгизи соҳилидаги порт шаҳар Искандария шулардан биридир. Қолганлари аста секинлик билан ўз номини ўзгартирган. Милоддан олдин Ўрта Осиёни забт этган Искандар, ғалабаси шарафига Александрия Эсхата (Чекка Искандария) шаҳрини барпо этган. Қадимий шаҳарнинг харобалари ҳозирги Хўжанд шаҳри атрофида топилган.

Бошқа мисол, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм вилоятларида Чигатой деган қишлоқлар бор. Чигатой (1242 йилда вафот этган) - Чингизхоннинг иккинчи ўғли. Чингизхон ҳаётлигига ёқ забт этган ерларини ўғилларига мулк қилиб тақсимлаб берганда, Мовароуннаҳр иккинчи ўғли ихтиёрига ўтган. Бинобарин, XIII асрнинг охиридан бошлаб,

Мовароуннаҳр Чигатой улуси деб аталган. Маълумки, кейинчалик номнинг маъно ва қўлланиш доираси кенгайган ва киши исми бўлишидан ташқари, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий ҳамда этник аҳамият касб этган. Шу сабабдан, XV асрдан эътиборан Мовароуннаҳр ва шарқий Хуросоннинг барча туркий аҳолисини чигатойлар дейишган.

Шахсларнинг исм-фамилияларига қўйилган номлар ҳақида X.Ҳасанов шундай ёзган: “Агар географик карта тилга кирса эди, жами сайёҳ ва жасур йўлbosарларнинг хизматлари намоён бўлар эди. Карта кўпгина олим ва денгизчилар - ўша ерни текширган, ўша ердан сузуб ўтган ёки муҳим асар ёзганларнинг номларини мангу сақлайди”. Федченко музлиги, Миклухо-Маклай қирғоти, Исмоил Сомоний чўққиси, Мирзо Улуғбек метро бекати, Амир Темур дарвозаси каби минглаб номлар шулар сирасига киради.

Буюк географик кашфиётлар даврида, янги кашф қилинган географик обьектларга кўпинча, янги ер очувчи, номаълум ўлкаларга бориб, жонини гаровга қўйган тадқиқотчи олимлар, сайёҳларни номлари бериш анча кенг тарқалган. Улар қаторига Левингстон - шаршара; Магеллан - бўғоз; Кук - орол, бўғоз, тоғ; Стенли - шаршара; Беринг - бўғоз, денгиз; Амундсен - денгиз; Флиндерс - орол, тоғ, дарё ва бошқаларни киритиш мумкин. Арктика ва Антарктидада Дежнев, Лаптев, Литке, Черский, Врангел, Макаров, Белинссгаузен, Лазерев, Скотт, Челюскин каби тадқиқотчи ва сайёҳлар номларини учратиш мумкин. Булар асосан табиий - географик обьектлар бўлиб, уларни кашфиётчилари ёки тадқиқотчилари номлари билан аташган.

Осиё ва Америка қитъалари ҳамда Тинч ва Шимолий муз океани оралиғида Беринг бўғози ва денгизи жойлашган. Денгиз ва бўғоз ушбу худудларни ўрганганд 1-чи ва 2-чи Камчатка экспедициялари капитани В.Беринг шарафига аталган. Ном XVIII аср охирида шимолий-шарқий Осиёни тадқиқ этган инглиз денгизчиси Ж.Кук томонидан берилган. Рус сайёҳи В.Головин ташаббуси билан денгизни ушбу ном билан аташ расмий тус олган.

Хозирги Австралияда Байрон бурни, Ёрк бурни, Васс бўғози, Мёрчисон, Де-Грей, Митчел, Грегори, Виктория дарёлари, Уэльс кўли, Огастес, Макдонелл тоғлари машҳур кишилар, материкни тадқиқ этган ва ўргангандай сайёхлар номига қўйилган. Антрактида материгида ҳам турли денгизчи сайёхлар ва бошқа шахслар номи билан аталган географик объектлар кўп: Виктория ери, Уилкинс ери, Адели ери, Жексон тоғи, Уеделл, Беллинсгаузен, Амундсен, Росс денгизлари, Петр 1, Скотт ороллари. Дарвоқеъ, Адели ери француз сайёҳи Ж.Дюмон-Дюрвил томонидан 1840 йилда кашф этилган ва унга хотини Адел шарафига шундай ном берган.

Карталарда тарихий шахслар, саркардалар, давлат арбоблари номлари ҳам мўхрланган. Петр 1, Вашингтон, Хошимин, Виктория, Мак-Кинли, Александр ва ҳоказо каби давлат ва сиёsat арбоблари номига қўйилган географик объектлар бунга яққол мисол бўлади. Ўрта Осиёнинг энг баланд чўққиси (Помирда, 7495 м.) - Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомоний номи билан аталган. Миклухо-Маклай, Прежевалский, Северцов, Шокалский, Анучин, Корженевский, Мушкетов, Ошанин, Федченко каби атоқли олимларнинг номлари ҳам, турли географик объектлар номлари сифатида учрайди.

Жаҳон фани, маданияти, маънавияти тараққиётига буюк хисса қўшган алломаларнинг, ватан озодлиги, мустақиллиги учун курашган, жонини фидо қилган ватанпарварларнинг номлари ҳам жой номларида мангу сақланади. Бундай номларга Беруний, Навоий, Улугбек, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Ал-Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди каби номларни ҳам киритиш мумкин. Баъзан, давлат бошликлари, подшоҳлар, сайёҳ ва тадқиқотчиларнинг севикли кишилари, ҳатто қароқчилар номлари ҳам картада агадийлашиб қолган. Масалан, Англия қироличаси Виктория номи билан кўл, машҳур денгиз қароқчиси Дрейк номи билан бўғоз аталган.

Кишиларнинг исм-шарифи, тахаллуси билан боғлиқ номларни мемориал ва оддий номларга ажратиш мумкин. Мемориал номларга ҳақиқий буюк кишилар, яъни замон, жамият қандай бўлишидан қатъий назар ҳурмат

билин тилга олинадиган, бутун инсониятга хизмат қилган шахслар номларини киритиш мумкин. Бундай номлар ҳар қандай жамиятда сақланиб қолади. Аммо, қандай номлар мемориал ном эканлигини вақт белгилайди.

Микротопонимлар орасида шахсларнинг исм-шарифлари, тахаллуслари билан боғлиқ номлар жуда кўп. Уларнинг кўпчилиги замон ўзгариши билан ўзгариб кетади ёки янги номлар билан алмаштирилади. Бундай номлар мемориал номга киритилмайди. Генерал Черняев номи билан аталаган Черняевка, генерал Кауфман шарафига қўйилган Кауфманская станцияси, Скобелев шаҳри, шўро қўмондонларидан Фрунзе, Куйбишев номлари билан аталган шаҳарлар номларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Шўролар даврида мафкуравий номларга катта эътибор берилган эди. Уларнинг кўпчилигини коммунистик партия доҳийлари ҳамда совет тузуми жонкуярларининг номлари ташкил этган. Ленин, Калинин, Киров, Свердлов, Дзержинский, Жданов каби кўплаб номлар ана шундай пайдо бўлган. Шўролар тузумини йўқ бўлиши билан, «қизил» номлардан воз кечилди, уларга янги номлар берилди ёки тарихий номлари қайта тикланди.

Ҳозирги вақтда антропотопонимлар дунёning барча минтақалари топонимиаси таркибида урайди. Чунончи, Ўзбекистонда кўча, майдон, хиёбон, боғлар, гузар, маҳалла, корхоналар, муассасалар, аҳоли пунктлари, геологик, табиий ва бошқа бир қатор географик обьектларга давлат, жамоат арбоблари, ватан ҳимоячилари, фан, маданият арбоблари ва бошқа алоҳида хизмат кўрсатган одамларнинг номини бериш орқали антропотопонимларни катта қатлами яратилган.

Қадимдан Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам маълум - машҳур кишиларнинг номларини шаҳар-қишлоқларга қўйиш расм бўлмаган, аксинча шоирлар, олимлар ва бошқа машҳур кишилар ўзлари туғилиб ўсган жой номларини кўпинча нисба қилиб олиб, жонажон ўлкаларини дунёга машҳур қилганлар. Масалан, Бухорий, Хоразмий, Самарқандий, Термизий ва ҳоказо. Кейинчалик айрим географик обьектларга уламолар, азиз-авлиёлар, ислом динининг йирик намояндлари номи берилган. Бундай номлашлар

биринчидан, ўша масканларга зиёратчилар сонини кўпайтирган бўлса, иккинчидан, ҳудуд табиатини асраб - авайлаш учун хизмат қилган.

2011 йилда қабул қилинган «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида географик объектларга кишиларни исми-шарифини беришни тартибга солиш мақсадида қуидаги норма белгиланган: «Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар овуллар, аҳоли пунктларига одамларнинг исми-шарифининг беришга, шуниндек уларни тарихий воқеалар шарафига номлашга, қоида тариқасида йўл қўйилмайди. Кўчалар, шоҳкўчалар, маҳаллалар, майдонлар, боғларга ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига айрим одамлар, жамоат арбоблари, сиёсий арбоблар исми-шарифини беришга, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди. Ўзбекистон тарихида чукур из қолдирган шахслар бундан мустасно».

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, фақат истисно тариқасида Ўзбекистон тарихида чукур из қолдирган шахсларнинг номи географик объектларга берилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Агар, шундай зарурат пайдо бўлиб қолган тақдирда антропотопонимлар моделининг грамматик жиҳатдан ўзбек тилига мос, энг тўғри ва мукаммал типи антропоним ҳамда обод, қишлоқ, овул, маҳалла, қўрғон, тепа, дашт, боғ каби географик терминлардан иборат бўлган шакли ҳисобланади. Ўзбекистон топонимијасининг энг устки тарихий қатлами антропотопонимларнинг кўплиги билан ажралиб туради.

Савол ва топшириқлар:

1. Этноним ва этнотопонимларнинг тарихи ва шаклланиши жараёнини қисқача таърифланг.
2. Этнотопонимларнинг ҳудудий тафовутлари ҳақида маълумот тўпланг ва уни қиёсий таҳлил қилинг.
3. Ўзбекистон топонимијаси таркибида антропотонимларнинг кўпайиши сабабини изоҳланг.
4. «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида географик объектларга кишилар исми-шарифини бериши тўғрисида қандай норма киритилган? Сабабини тушинтириб беринг.

 **Тест топшириклари:**

1. Қайси сабабларга кўра этноним этнотопонимга айланиши мумкин?

- A. Номловчи жамоа муносабати бу жараёнда муҳим омил саналган.
- B. Ном ўзгалар, яъни атрофдаги этник групкалар томонидан берилган.
- C. Бошқалардан этнографик жиҳатлари билан фарқи сабаб бўлган.
- D. Барча жавоблар тўғри

2. Қирқ, юз, минг каби қабила номлари топонимлар таркибида келганда қандай маъно касб этади?

- A. Ҳеч қандай маъно касб этмайди
- B. Сонни билдиради.
- C. Рақамлар тартибини билдиради
- D. Сонни билдирмайди

3. Айрим этнонимлар ург-аймоқ тамгаси номи билан аталган. Тамга қандай вазифани бажарган?

- A. Чорвадор аҳоли учун муҳим белги вазифасини бажарган
- B. Тамга рамзий нишон, белги вазифасини ўтаган
- C. Чорвани турли шаклда тамгалаб қўйиши учун фойдаланган
- D. Барча жавоблар тўғри

4. Антропотопоним қаторини белгиланг.

- A. Канберра
- B. Париж
- C. Исломобод
- D. Дурбан

5. Қадимдан Ўрта Осиёда маълум-машхур кишиларнинг номларини шаҳар-қишилопқларга қўйиши Тўғри жавобни белгиланг.

- A. оддий ҳол бўлган
- B. расм бўлган
- C. анъанага айланган
- D. расм бўлмаган

2.4. КАСБ-ХУНАР, САВДО-ТРАНСПОРТ, АФСОНАВИЙ ВА ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ НОМЛАР

Режас:

- 1. Касб-хунар боғлиқ номларнинг мақсад ва вазифалари.*
- 2. Савдо-сотиқ ва транспорт билан боғлиқ топонимлар:*
- 3. Афсонавий ва диний эътиқодлар билан боғлиқ топонимлар ҳақида.*

 **Мавзунинг мақсади:** Касб-хунар, савдо-транспорт тармоқлари ҳамда афсонавий ва диний эътиқодлар билан боғлиқ топонимларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ривожланиши ҳақида билим ва қўникумаларни ҳосил қилишидан иборат.

 **Таянч ибора ва атамалар:** Касб-хунар, ҳунармандчилик турлари, савдо-сотиқ, афсонавий ва диний номлар.

Касб-хунар билан боғлиқ топонимлар: Географик обьектларнинг номланишида маълум ҳудудда яшовчи аҳолининг иқтисодий турмуш тарзи, ҳунармандчилик турлари, кишиларнинг хўжалик ва моддий ишлаб чиқариш фаолияти муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Бу турдаги жой номларининг пайдо бўлишида жамиятнинг тарихий ривожланиш даври, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг ўзгариши, ишлаб чиқариш шаклларини тараққиёти муҳим аҳамият касб этади.

Бундай географик номларнинг асосий фазилати шундан иборатки, уларга қараб ишлаб чиқариш шакллари, фойдали қазилмалар конлари, касб-хунар турлари, дехқончилик маданияти ва бошқа хил маълумотларни билиб олиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси ҳалқ хўжалиги тарихи учун жуда муҳим маълумотлар ҳисобланади. Бошқача айтганда, топонимларда ҳалқ турмушининг турли ижтимоий-иқтисодий жабҳалари, яъни аҳолининг хўжалик фаолияти, жамиятдаги кўп асрлар давомида содир бўлган тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ҳам ўз аксини топган.

Тарихий манбалардан маълумки, Ўрта Осиё ҳалқлари қадимдан турли касб-хунарлар билан шуғулланиб келганлар. Шаҳар аҳолисининг асосий машғулоти, яшаш манбаидан бири ҳунармандчилик ҳисобланган.

Т.Нафасовнинг ёзишича, ўтмишда шаҳар мақомига эришиш учун, унда камида 32 та касб-хунар тури бўлиши талаб қилинган. Касб-хунар номи икки хил вазифа бажарган: касб ва косиблик номи ҳамда яшаган гузари, маҳалласи, қишлоғи номи. Ўтмишдаги касб-хунарларнинг бир қисми йўқ бўлиб кетган бўлса ҳам, аммо улар географик номлар таркибида ҳозиргача, тарих далили, маданият ёдгорлиги сифатида сақланиб қолган.

Шаҳар ва шаҳарчалардаги маҳалла, кўча, гузар, хиёбон, бозор каби географик обьектларни ҳунар-касб номлари билан аташ шарқнинг қадимий қадрияларидан бири ҳисобланади. Масалан, Душанбе шаҳрининг бир қисми Шишахона деб аталади. Археологлар бу ерда карвонсарой қолдиқлари, қадимги лаган-пиёла синиқларини топишган, демак бу ерда қадимда кулолчилик- чиннисозлик яхши ривожланган. Ўрта Осиёning тарихий шаҳарларида шу каби ҳунар-касбдан олинган номлар кўплаб топилади. Бу кўхна қадрият замонавий қадриятга айланса, ҳалқ маданияти ва маърифати маданий ёдгорлик мақомига эришган бўлар эди.

Ҳозир ҳам Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида Пичоқчи, Сандиқчи, Ўқчи, Темирчи, Маҳсидўз, Парчабоғ, Наққошон, Заргарлик, Қассоблик, Совунгарлик каби маҳаллий ҳалқнинг касб-хунарларидан дарак берувчи номларни учратиш мумкин. Масалан, Оҳангарон номи шаҳар аҳолиси қадимдан темирчилик билан шуғулланганлигидан дарак беради. Худди шу каби Самарқанд шаҳридаги Сўзангарон маҳалласи аҳлининг асосий машғулоти игна, жувалдиз, бигиз каби маҳсулотлар тайёрлаш бўлган.

Эгарчи деб номланган маҳалла аҳолисининг ота-боболари от-улов устига уриладиган ва миниб юриш учун мосланган абзал - эгар тайёрлаш иши билан машғул бўлганлар. Эгарлар катта-кичиклиги, нақш безаклари, хомашё танланиши билан бир-биридан фарқ қилган. Эгар асосан қайрағоч, ёнғоқ, тут, ўрик, чинор каби ёғочи қаттиқ дараҳтлардан ясалган. Эгарчилик ҳунари авлоддан-авлодга ўтган.

Расмий маълумотлар бўйича, ҳозир Ўзбекистонда уч юздан ортиқ касбкор тури мавжуд. Янги пайдо бўлаётган касб-хунар турлари ҳам кўп ва улар

ҳам жой номларини бойитиши табиий. Касб-хунар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган номлар ўрта ва айниқса кичик (микро) топонимлар таркибида кўп учрайди. Республика жой номларига назар ташлаб, бошқа касб-хунарлар қаторида кулолчилик ҳам анча ривожланганлигини аниқлаш мумкин. Куллон, Кулолчи, Кулоллик, Тандирчи, Коғарон, Тавоқчи каби қишлоқ ва маҳалла номлари бунга яққол мисолдир.

Жой номлари таркибида тўқувчилик касбига алоқадор қатор географик номлар учрайди ва улар тўқувчилик касби тарихи анча қадимги даврларга бориб тақалишидан далолат беради. Бахмалбоф, Гиламбоф, Буйрабоф, Парчабоф каби аҳоли пунктлари номларида маҳаллий халқни тўқувчилик касбининг «из»лари сақланиб қолган.

Тикувчилик касби ҳам халқимиз орасида кенг тарқалган соҳалардан бири бўлган. Унинг йўрмадўз, маҳсидўз, этиқдўз, тоқидўз, каштадўз каби айрим тармоқларининг номлари жой номларига ўтган. Масалан, Марғилон шаҳар маҳаллаларидан бирининг номи Йўрмадўз. Йўрма каштачиликда кенг қўлланиладиган чок турларидан бири, маҳалла аҳли ўтмишда шу иш билан шуғулланган. Бухоро шаҳрида Маҳсидўзон, Чуст шаҳрида Дўзанда, Самарқанд шаҳридаги Зардўзон каби маҳалла номлари ҳам кишиларни касбкорига нисбат бериб аталган.

Тери ошлаб ундан чарм тайёрлаш билан шуғулланувчи касб эгалари кўнчи номини олган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби шаҳарларда, Фарғона водийсида, Хоразмда кўнчилик дўконлари кўп бўлган. Уларда қўй, эчки, қорамол, тuya териларидан турли навлардаги кўн тайёрланган. Тошкент шаҳридаги Кўнчилар, Марғилон шаҳридаги Кўнчилик, Чуст шаҳридаги Чармгарон, Самарқанд шаҳридаги Чармгар маҳаллаларига шу касб номи асос бўлган.

Бундан ташқари республика топонимияси таркибида Кўмирчи, Носгар, Санѓтарош, Буйрачи, Оҳакчи, Ўроқчи, Сомсапаз, Эгарчи, Тошкесар, Карнайчи ва яна юзлаб топонимларда маҳаллий халқнинг ўтмишда шуғулланиб келган турли касб-хунарлари ўз аксини топган. Халқнинг

кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган, турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган қурилмалар асосида ҳам жой номлари пайдо бўлган. Мазкур қурилмалар номлари кейинчалик аҳоли пункти номларига ўтган, бунга Обжувоз, Тегирмонбоши, Сариосиё, Галаосиё, Кўштегирмон, Тагиосиё, Тегирмоновул, Кўшжувоз каби топонимлар мисол бўлади.

Жой номлари география тарихи учун ҳам қимматли илмий манба ҳисобланади. Масалан, Аравачи, Асалчи, Астарбоф, Атторон, Аёқчи (идиштовоқ устаси), Бақирчи («мисгар»), Балиқчи, Бахмалбоф, Қамчинбоф, Боғанд («тўқувчи»), Бинокор, Пичоқчи, Бўзачи, Даббоқи («кўнчи»), Дастро боф («салла тўқувчи»), Камонгарон («ўқ-ёй усталари»), Коғагар («коса устаси»), Кўнчи, Мокусозон («моки устаси»), Михчагар («мих ясовчи»), Мўзадўзон («этиқдўзлар»), Намадгарон («кийгиз усталари»), Олачабоф («олача тўқувчи»), Совунгар, Сартарош, Тоқадўз («дўппи тикувчи»), Читгарон («читга гул босувчилар») каби кўплаб географик номлар маълум ҳудудда яшовчи халқнинг хўжалик фаолияти ҳамда уларнинг ҳудудий меҳнат тақсимотида тутган ўрнини аниқлашда катта ёрдам беради.

Хунар-касб билан боғлиқ топонимлар ҳар қандай ҳудуд топонимиясининг муҳим ва ажralmas қисми саналади. Ҳозирда айrim касб-хунар турлари йўқолган ёки уларни ифодаловчи сўзлар жонли муомаладан чиқиб кетган бўлиши мумкин. Шу сабабдан, тушунарсиз бўлиб қолган бундай жой номлари тарихийлик нуқтаи-назардан алоҳида тадқиқ қилиниши лозим.

Савдо-сотиқ ва транспорт билан боғлиқ топонимлар: Ҳар бир географик номнинг ўзига хос «юқ»и бор, зеро унда аниқ маънога эга бўлган турлича тарихий, лисоний, географик маълумотлар мужассам, шу сабабдан топонимга тарихийлик нуқтаи назардан тўғри ёндошиб, унинг ҳамма таркибий қисмлари тўғри таҳлил қилинсагина изоҳ ишонарли бўлади. Қадимги юон файласуфи Платоннинг таъбири билан айтганда, “ким номнинг ҳақиқий маъносини тўғри англаса, у жойни ҳам яхши билади”.

Савдо-сотиқ ва транспорт билан боғлиқ географик номлар турли даврларда пайдо бўлган, жамият ҳаётида, кишилар турмуш тарзида содир бўлган ўзгаришлар натижасида уларнинг сони ҳам қўпайган. Халқнинг иқтисодий турмушида савдо-сотиқ катта аҳамиятга эга бўлган. Савдо ҳудуднинг ривожланишига, аҳоли турмуш даражасининг фаровонлигига ҳам таъсир ўтказган. Хусусан, бозор шарқда қадимдан нафақат савдо-сотиқ жойи, балки кишилар учун савдо муносабатлари ўрнатиш, дам олиш ва янгиликлардан хабардор бўлиш маскани ҳам ҳисобланган. Шу сабадан, бир қатор географик номлар таркибида бозор белгиловчи сўз сифатида муҳим аҳамият касб этган.

Бозорлар олди-сотди, савдо-сотиқ қилинадиган жой бўлиши билан бирга, шу ҳудуд иқтисодиётининг кўзгуси ҳамдир. Дастрраб, савдо-сотиқ қилинадиган жойлар - бозор ва расталар кўпинча маълум бир маҳсулотни сотишга ихтисослашган ва шу маҳсулот номи билан аталган. Бедабозор, Эгарбозор, Ёғбозор, Ходабозор, Сомонбозор, Гуручбозор, Товуқбозор, Буйрабозор, Тахтабозор каби топонимлар шу йўсинда пайдо бўлган.

Тошкент шаҳар микротопонимиясини ўрганган Ш.Қодированинг маълумотларига қараганда, XIX аср охирларида Тошкентда бозор ва расталар сони 1500 тага етган. Шаҳарда расмий бозор ва расталардан ташқари, турли касб эгалари яшайдиган маҳалла, кўча, гузарларда ҳам олди-сотди авжида бўлган. Кўпинча расталар билан ҳунармандчилик устахоналарини фарқ қилиб бўлмаган. Ҳунармандлар турли маҳсулотлар тайёрлаб шу жойнинг ўзида сотишган. Баъзан, бозор бўладиган кунга қараб аҳоли пунктларига ном ҳам беришган. Масалан, Чоршанба (Шахрисабз), Пайшанба (Каттакўрғон), Жума (Фаллаорол), Жумабозор (Қорақўл), деб аталган аҳоли манзилгоҳларида ҳафтанинг шу қуни бозор бўлган. Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрининг номи ҳам, шу йўсинда пайдо бўлган номлар сирасига киради.

Транспорт ҳар қандай жамиятнинг ривожланишида муҳим омиллардан бири ҳисобланган. Шу сабабдан, қадимда аҳоли манзилгоҳлари кўпинча

транспорт чорраҳалари атрофида пайдо бўлган. Мутахассисларнинг ёзишича, Саҳрои Кабирда ҳам карvon йўллари туташган ҳудудларда савдо-сотик яхши ривожланган. XV асрда Аир давлатининг туареглар сultonни янги шаҳарга асос солиб, уни Агадес - «карvonлар учрашадиган жой» (ҳозирги Нигер давлати ҳудудида) деб номлаган. Транспорт билан боғлиқ топонимлар анча қадимийлиги билан ажралиб туради, чунки йўл доимо ҳаракат тимсоли ҳисобланган.

Ҳ.Хасанов «жой номларига қараб қадимий савдо йўллари, этник гурухларнинг тарқалиш ареали, қалъа ва манзилларнинг ўринлари, сув ва довонларнинг хосиятлари, фойдали қазилмалар, чўлларда қудуқлар бор - йўқлиги, жойнинг иқлимий хусусиятлари, хунар-касб турлари, тарихий воқеалар ва бошқа хил маълумотларни билиб олиш мумкин, буларнинг ҳаммаси ҳалқ хўжалиги, маданиятимиз тарихи учун жуда муҳимдир» деб таъкидлаган.

Шундай экан, географик номларнинг кўпгина фазилатлари қаторига улар ёрдамида қадимий карvon йўлларини аниқлаш имкони борлигини ҳам унитмаслик керак. Масалан, Жиззах вилояти топонимияси таркибида қадимий карvon йўллари билан боғлиқ айrim географик номлар ҳозиргача сақланиб қолган. Тарихий манбалардан маълумки, Жиззахнинг қулай географик ўрни ўрта асрларда Мўғулистон, Хитой, Шарқий Туркистонни Бағдод, Ҳамадон, Нишопур, Марв, Бухоро, Самарқанд, Шош, Тароз каби муҳим савдо марказлари билан боғлайдиган карvon йўлининг ушбу ҳудуддан ўтишида муҳим аҳамият касб этган.

Шу сабабдан, вилоят топонимияси таркибида бевосита карvon йўллари билан боғлиқ жой номлари кўп ва улар қаторига Хайробод, Равот, Ём, Сардоба, Савот, Сарбозор, Кўҳнабозор, Бозоржой, Қаровултепа, Жўлангар каби аҳоли пунктлари номларини киритиш мумкин. Қадимий карvon йўлларидан дарак берувчи бундай топонимлар ҳозиргача асл ҳолида ёки қисман ўзгаришлар билан сақланиб қолган.

Кейинги йилларда олиб борилган археологик изланишлар натижасида Нурота тоғларининг шимолий этагидан Мирзачўл орқали карvon йўллари ўтганлиги ва аҳоли манзилгоҳларига яқин жойларда равот-карвонсаройлар, сардобалар қурилганлиги исботланган. Хоразм ва Бухородан келиб Шош ва Фарғонага томон борадиган карвонлар учун энг қисқа йўл, Қизилқумнинг жанубий сарҳадлари билан Нурота тоғларининг шимолий этаги оралифида ўтадиган карвон йўли бўлган. Мирзачўл орқали ўтадиган бу карвон йўли ниҳоятда қуруқ, сувсиз бўлишига қарамай, йўли қисқа бўлганлиги туфайли ўрта асрларда анча серқатнов ҳисобланган.

Республика топонимияси таркибидаги Сарбозор, Бозоржой, Кўхнабозор, Янгибозор, Бозортепа каби географик номлар ҳам бевосита карвон йўлларида ташкил этилган карвон савдоси, бозорлар билан боғлик. Масалан, Фориш тумани Кўхнабозор қишлоғи ҳудудида ўрта асрларда катта бозор бўлган, унда чорва ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хунармандчилик буюмлари кўтарасига сотилган ҳамда қўшни мамлакатлардаги нарх-навони билиш мумкин бўлган. Бозорга қўшни мамлакатлардан ҳам (Афғонистон, Хитой, Эрон) савдогарлар келиб турган.

Савдо-сотиқ фаолияти билан боғлик географик номлар бошқа мамлакатлар топонимияси таркибида ҳам кўп учрайди. Бир қатор Шарқий Европа давлатлари топонимиясида славян тилларига хос торг, торжок - «бозор» маъносидаги сўз асосида пайдо бўлган Торжок (Россия), Тирговиште (Болгария), Нови-Тарг (Полша) каби топонимлар мавжуд. Торгау (Германия), Турку (Финляндия), Тиргу-Муреш, Тиргу-Мегуреле, (Руминия), Капрешти-Тирг (Молдова), Трговиште (Словакия) каби топонимларда ҳам бозор сўзи асос вазифасини бажарган.

Осиё мамлақатлари ҳудудида ҳам таркибида бозор сўзи бўлган номлар кўп. Бозормаҳалла, Пирбозор (Эрон), Бозортурқ, Хитойбозор (Қирғизистон), Бозорчай, Арманибозор (Озарбойжон), Исломбозор (Хитой) ва ҳоказо. Баъзан, бу турдаги номлар Европага дунёning бошқа минтақаларидан кириб келган. Масалан, Болгария ҳамда Сербиядаги Пазарджик ва Нови-Пазар каби

шаҳарлар номларининг пайдо бўлиши усмоний туркларнинг ушбу ҳудудларни босиб олиши билан боғлиқ.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир давр ишлаб чиқариш тарзи, хўжалик фаолияти ва бошқа сиёсий, иқтисодий-ижтимоий омилларга таяниб номлар мажмуини яратади ва айнан жой номларида кишилик жамияти тараққиётидаги давр руҳи, ҳалқнинг турмуши ва маданияти билан боғлиқ турли хил воқеа-ҳодисалар муҳрланиб қолади.

Афсонавий ва диний эътиқодлар билан боғлиқ топонимлар: Ҳар бир даврни, ижтимоий тузумни ўзига хос номлаш тамойиллари ва талаблари бўлгандигини кўпчилик билади. Шу сабабдан, ҳар қандай географик номни ижтимоий эҳтиёж маҳсули сифатида қабул қилиб, унинг маълум тарихий даврда, аниқ бир ҳудудда пайдо бўлгандигини тушуниш қийин эмас. Жой номи ҳалқ хотирасида, расмий ҳужжатларда, карталарда ҳамда турли ёзма манбаларда яшайди. Мутахассислар, номнинг бағрида яширган тарихни, маънавиятни очиб бериш учун номланишга асос бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, лисоний омилларни ўша давр воқеалиги билан бирга таққослаб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади.

Инсон фаолиятининг маҳсули бўлган ҳар қандай жой номи ўтмиш воқелиги ҳисобланиши билан бирга, у аниқ манзилни белгилайди ва муайян мафкуравий мақсадларга ҳам хизмат қиласи. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳар бир давр, тузум ўз ғоя ва мафкурасига таянган ҳолда жой номлари мажмуасини яратади. Масалан, диний ғояларнинг тарғиботчилари давр мафкураси ва маънавиятига таянган ҳолда топонимикани ҳам ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга ва улар ёрдамида эътиқод қилувчиларнинг психологияси, дунёқараши ва диний ҳиссиётларига таъсир ўтказишга ҳаракат қилишган.

Мутахассисларнинг ёзишича, насроний ва буддизм динларига эътиқод қилувчи мамлакатлар топонимиясида диний топонимларнинг салмоғи анча катта. Хусусан, католицизм ҳукмрон бўлган давлатлар топонимиясида лисоний жиҳатдан турли тилларга дахлдор бўлган диний топонимларни

кўпроқ учратиш мумкин. Масалан, Э.М.Мурзаевнинг ёзишича, «Хорижий мамлакатларнинг географик номлари» луғати таркибида фақат сан-, сант-, санкт-, санта-, сен-, сент-, яъни «муқаддас» қўшимчалар билан ясалган топонимларга ўн олти қатор жой ажратилган.

Испания, Португалия, Голландия, Буюк Британия каби давлатлар томонидан янги ерларни забт этиш мақсадида ташкил этилган экспедициялар таркибидаги насроний роҳиблар тубжой аҳолини чўқинтириб, диний гояларни синдириш мақсадида, янги барпо этилган аҳоли пунктларига христиан динининг азиз-авлиёлари номларини беришган. Улар орасида географларга яхши таниш бўлган Сан-Салвадор, Санто-Доминго, Сан-Хосе, Сантяго, Сан-Франциско, Сент-Луис, Сан-Паулу каби шаҳарлар бор.

Бу рўйхатни яна ҳам давом эттириш мумкин, агар орол, қўлтиқ, кўл, дарё, тоғ ва бошқа географик обьектларнинг номлари ҳам қўшилса уларнинг сони бир неча мингтани ташкил этиши аниқ. Масалан, Муқаддас Лаврентий, Муқаддас Елена, Муқаддас Павел, Муқаддас Иля ёки Санта-Крус (муқаддас салиб), Санта-Фе (муқаддас эътиқод) каби диний топонимларни ҳам шулар қаторига киритиш мумкин. Марказий Америкада жойлашган Гватемала давлати ҳудудидаги Тикал водийсининг номи майя индейслари тилида - “арвоҳлар овози эшитиладиган жой” маъносини ифодалайди.

Қадимги Месопотамияда давлат пойтахти бўлган Вавилон шаҳрининг номи «худо дарвозаси» деган маънога эга. Хиндистондаги Мумбаи (Бомбей) ва Калкутта шаҳарлари индуизм худолари Мумби ва Кали (Сива худосининг рафиқаси) шарафига шундай аталган. Ганга дарёсининг йирик ирмоғи ҳисобланган Брахмапутра сўзининг маъноси «Брахма худосининг ўғли» демакдир. Будда динига сифинадиган мамлакатлар топонимиясида ҳам ўхшаш ҳолатни қузатиш мумкин.

Диний номлар қаторига Ҳимолай тоғлари ҳудудида жойлашган, аҳолиси ҳозир ҳам Будда аҳкомларига қатъий риоя қиласидаган Мустанг водийси номини киритиш мумкин. Мутахассисларнинг ёзишича, водий номига асос бўлган смонг-тан сўзи - «муқаддас, саждагоҳ» маъносини

англатади. Ер юзидаги энг баланд чўққи ҳисобланган Жомолунгма (8848 м.), номи ҳам тибет тилида «муқаддас тоғ», «илохий ер онаси» деган маъноларни ифода этади.

Ислом давлатлари топонимиясида ҳам диний эътиқодлар билан боғлиқ топонимларни қўплаб топилади. Уларнинг шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар ҳам турлича. Бундай географик номлар қаторига Бағдод - (Оллоҳ инъом этган) Ирок пойтахти, Оллоҳобод - (Оллоҳ - ислом динида бутун мавжудотни яратган олий куч; худонинг номи) - Хиндустондаги йирик шаҳар, Исломобод - (ислом шаҳри) Покистон Ислом Республикаси пойтахти, ёки дастлаб Тангритоғ (туркий тилли халқларда Тангри бош худо ҳисобланган), кейинчалик хитойлар уни Тяншан (тян-«тангри», шан-«тоғ») деб ўзгартирган топонимларни киритиш мумкин.

Саудия Арабистонда мусулмонларнинг муқаддас шаҳарлари Макка ва Мадина жойлашган. Исломда Макка шаҳрини Умм ул-Қуро («шаҳарлар онаси»), Мадинани эса, Мадинаи Расулоллоҳ («Оллоҳ расулининг шаҳри»), ёки Мадинат ун-Наби - «пайғамбар шаҳри» деб эъзозлашади. Маълумки, араблар Ўрта Осиёга ислом динини олиб келиши билан бирга диний топонимларнинг шаклланишида ҳам фаол иштирок этганлар. Диний топонимларни шаклланиш тарихи аниқ, аммо уларни географик обьектларга, жумладан аҳоли пунктлари номларига айланиб қолиш сабаблари ҳалигача кам ўрганилган.

Ўрта Осиё давлатлари топонимияси таркибида мозор (арабча - «зиёрат қиласиган жой, қадамжо») сўзи топоформант вазифасини бажарган географик номлар кўп учрайди. Масалан, Сўфимозор, Қобилмозор, Мозорли, Қорамозор, Оқмозор, Мозорқўрғон, Мозорбоши каби топонимлар шулар қаторига киради. Шу жумладан, Хивадаги меъморий ёдгорлик, Афғонистоннинг шимолий қисмидаги шаҳар, Тожикистонда бир неча қишлоқ Мозори-Шариф деб аталади.

Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон топонимияси таркибидаги диний эътиқодлар билан боғлиқ бўлган топонимларнинг негизини ташкил

қилувчи сўзлар анча қадим даврда маҳаллий халқлар тилига ўзлашган ва улар бевосита арабларнинг Мовароуннахрни кўп асрлик истилоси билан боғлиқ. Олимлар, диний топонимлар орасида авлиёлар, пайғамбарлар ва ҳар хил диний эътиқодлар билан боғлиқ бўлган номларнинг кўплигини алоҳида қайд қилишган. Буни Жиззах вилояти топонимияси мисолида ҳам қўриш мумкин. Масалан, азиз-авлиёларни қадамжолари (Сайдон, Хўжамушкент, Сўфимазор, Парпиота) муқаддас ой ва ҳафта кунлари номлари (Рамазон, Жума), антропонимлар (Усмон, Ҳайдар, Абдукарим, Умар) аҳоли пунктлари номлари сифатида ўз аксини топган.

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида Авлиё номли қишлоқ бор. Авлиё сўзи араб тилида худога яқин одам. Ислом анъанасида авлиёлар қайсиdir бир иши, хизмати ёки хислати туфайли Оллоҳга яқин бўлиб қолган, дуолари мустажоб, солих, қобил камтар кишилардир. Қишлоқ номи Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи билан бевосита боғлиқ. Оға Бургутлининг ёзишича, Саъд ибн Абу Ваққос арабистонлик саркарда, ҳозирги Авлиё қишлоғи яқинида ўтган бир жангда яраланган, кейинчалик қони тўкилган жойда хонақоҳ бунёд этилган.

Географик карталарда ўша жойга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган номлар ҳам учрайди. Бундай номлар кишиларнинг эшитган эртак, ҳикоялари, ўқиган китоблари қаҳрамонлари, афсонавий маҳлуқлар номлари билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Бундай номларга Ўш шаҳридаги Тахти Сулаймон, Тошкентдаги Кайковус ариғи, Шри-Ланкадаги Одамота тоғи, Уралдаги Шайтонмакон, Сирдарёдаги Фарход қояси, Хоразмдаги Дулдул от, Оҳангарондаги Али қояси мисол бўлади. Бу турдаги топонимлар кишиларни хаёлий тўқимаси бўлиб, реал воқеликни акс этмаса ҳам, жой номи сифатида сақланиб қолган.

Ҳ.Хасановнинг ёзишича, афсонавий номлар орасида хаёлий ва фаразий номлар, яъни бирор воқеа ёки миш-миш гаплар сабабли бор деб тахмин қилинган, аслида мутлақо бўлмаган жойларнинг номлари ҳам учраб туради: Санников Ери, Кўхи Қоф, Яъжуҷ-Маъжуҷ ери ана шундай номлардир.

Ҳиндистонни Шри-Ланка оролидан ажратадиган Полк бўғозида маржон рифларидан ташкил топган ороллар мавжуд. Маҳаллий мусулмон ва христианларнинг эътиқодига биноан, Одамато жаннатдан қувилгандан кейин дастлаб Шри-Ланка оролига қадам қўйган ва маржон қоялардан ташкил топган ороллар орқали материкка ўтган.

Захириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” китобида Марказий Фарғонадаги қумли чўл ҳақида бир ривоятни келтирган: “Бир неча дарвеш қумли чўлда кетаётган экан, бирдан қумли бўрон (тунд ел) кўтарилиб, дарвешлар бир-бирини тополмай, «ҳо дарвеш», «ҳо дарвеш» дея ҳалок бўлубтурлар, андин бери бу бодияни (чўлни) Ҳодарвеш дерлар”.

Бундай хилдаги ривоят ва афсоналарни кўплаб қишлоқлар тўғрисида ҳам эшитиш мумкин. Масалан, Т.Нафасов ёзишича, Қашқадарё вилоятида бир неча Ачамайли номли қишлоқлар бор. Халқ ривоятининг қисқача талқинига кўра, Жиллисув дарёси тошган. Наврўз байрами кунида вояга етган қиз онаси билан дарёдан ўтолмай турган. Отлик йигит келиб онаси билан қизига дарёдан ўтказиб қўйишни таклиф қилган.

Қизни отга миндириб ўтказаётганда дарё ўртасида отни тўхтатиб, менга тегсанг, ўтказиб қўяман, бўлмаса, сувга шўнгитаман деган. Қиз онасига оча, оча деб қичқирган. Онаси тушунмаса ҳам, майли, майли деган. Дарёдан соғ-саломат ўтиб тўй қилишган, манзил қуришган. Қишлоқни одамлар Ачамайли деб аташган. Бу оддий халқ томонидан тўқилган ривоят. Аслида, ачамайли - ўзбек халқи таркибиға сингиб кетган этник гуруҳ номи. Кенагас ва манғит қабилалари таркибида ачамайли уруғи бўлган.

Афсонавий ва диний эътиқодлар билан боғлиқ номлар ўтмишда сон жиҳатдан анча кўп бўлган, ҳар бир давр ва тузум ўз мафкураси ва маънавиятига асосланиб турли мақсадларда афсонавий ва диний эътиқодлар билан боғлиқ топонимлар мажмуасини яратган. Бундай номлар халқнинг маънавий дунёсининг инъикоси хисобланади. Уларни ўрганиш ва илмий жиҳатдан тўғри талқин қилиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

 **Савол ва топшириқлар:**

1. Моддий ишлаб чиқарishi тармоқлари билан боғлиқ бўлган топонимлар қандай фазилатларга эга?
2. Халқ ҳунармандчилиги билан боғлиқ номларнинг кенг тарқалишини қандай изоҳлайсиз?
3. Савдо ва транспорт объектлари билан боғлиқ топонимларнинг пайдо бўлиши сабаблари ҳақида маълумот беринг.
4. Афсона ва ривоятлар билан боғлиқ номлар қандай сабабларга кўра пайдо бўлади?

 **Тест топшириқлари:**

1. Таниқли топонимист олим Т.Нафасовнинг ёзишича, ўтмишида шаҳар мақомига эришиши учун, шаҳарда камида ... та касб-хунар тури бўлиши талаоб қилинган.
 - A. 12 та
 - B. 22 та
 - C. 32 та
 - D. 42 та
2. “Фарҳод қояси”, “Тахти Сулаймон”, “Дулдул от” каби топонимлар географик номларнинг қайси турига мансуб?
 - A. Диний эътиқодлар билан боғлиқ номлар
 - B. Афсонавий номлар турига мансуб
 - C. Савдо-сотиқ билан боғлиқ номлар
 - D. Касб-хунар билан боғлиқ номлар
3. Тўқувчилик касбига алоқадор бўлган жой номини белгиланг.
 - A. Кўнчи
 - B. Эгарчи
 - C. Парчабоғ
 - D. Этикар
4. Душанба, Пайшанба, Жума ... каби топонимларнинг пайдо бўлишига асосий сабаби нима?
 - A. Ривоят ва афсоналар асосида пайдо бўлган номлар
 - B. Диний эътиқодлар билан боғлиқ номлар
 - C. Ҳафтани шу кунида пайдо бўлган номлар
 - D. Бозор бўладиган кунга қараб берилган номлар

5. Қадимдан савдо-сотиқ жойи бўлган бозор Шарқда яна қандай вазифаларни бажарган?

- A. Савдо муносабатлари ўрнатиш жойи
- B. Дам олиш жойи вазифасини бажарган
- C. Янгиликлардан хабардор бўлиши маскани
- D. Барча жавоблар тўғри

2.5. ТОПОНИМИКА ВА ЛАНДШАФТ

Режса:

1. Топонимика ва ландшафт ҳақида умумий тушунча
2. Жой номларида ҳудуд табиатининг акс этиши
3. Географик номлар - ўтмиши табиий шароитини аниқловчи манба

 **Мавзунинг мақсади:** Топонимия ва ҳудуд табиий ландшафтининг ўзаро боғлиқлиги, жой номларида минтақа табиатини акс этиши ва географик номлар ўтмиши табиий шароитини акс этувчи ишончли манба эканлигини аниқ мисоллар ёрдамида тушунтиришидан иборат.

 **Таянч ибора ва атамалар:** топонимия, ландшафт, табиий ландшафт, географик ландшафт, табиий шароит.

Хозирда табиий ландшафтларнинг ҳудудий ва тарихий тарқалиш ареалларини аниқлаш ва ўрганиш, инсоният олдида турган табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби муҳим ва долзарб муаммоларни ҳал қилишда асос бўлиб хизмат қиласи. Энг аввало, кўзлаган мақсадни амалга оширишда кўплаб усуллардан, жумладан топонимик методдан самарали фойдаланса бўлади.

Маълумки, ҳар қандай ном муайян тарихий даврда, маълум табиий муҳитда пайдо бўлади. Шунинг учун, топонимлар жойнинг табиий-географик хусусиятларини аниқ акс этади ва қимматли маълумотларни ўзида сақлайди. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон топонимиясининг асосий хусусиятларидан бири, табиий-географик омиллар асосида шаклланган, яъни ҳудуд табиий ланшафти ва унинг таркибий қисмлари бўлган, рельеф шакллари, ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ номларнинг кўплигидир.

Таъкидлаш жоизки, гарчи табиий шароит минтақа халқлари ҳаёти ва хўжалик фаолиятида муҳим аҳамият молик бўлса ҳам, улар билан боғлиқ номлар ҳозиргача жуда кам ўрганилган. Қозоқ терминшунос олими Г.К. Конкашпаевнинг ёзишича, кўчманчи чорвадор халқларнинг турмуш тарзи ва хўжалик фаолияти табиий ландшафтнинг компонентлари хисобланган рельеф шакллари, сув манбалари, иқлими, ўсимлик қоплами,

овлаш мумкин ёки чорваларига хавф соладиган йиртқич ҳайвонлар билан бевосита боғлиқ. Дарҳақиқат, турли манбаларни топонимик маълумотлар билан қиёслаб минтақа топонимияси ўша худуд табиий ландшафтини ўзида акс этади дейиш мумкин.

Табиий ландшафт ва унинг инсон фаолияти таъсирида ўзгарган қисми бўлган географик ландшафтдан мажмуали ва оқилона фойдаланиш муаммоларини тадқиқ қилиш ҳамда антропоген омиллар таъсирида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан башорат қилиш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

Ана шундай амалий мақсадларни кўзлаб олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида топонимика фани ва унинг ўрганиш обьекти бўлган географик номлар ёрдамидан фойдаланса яхши самара беради. Чунки кишилар табиий ландшафтлар ва уларда содир бўлаётган ҳар қандай жараёнларни доимо кузатиб боради ва ижтимоий эҳтиёж туфайли атрофидаги географик обьектларга ном беради. Шунинг учун, жой номларининг катта қисми табиий-географик омиллар асосида шаклланган бўлиб, уларда географик ландшафтнинг турли таркибий қисмлари ҳақида аниқ маълумотлар мужассам.

Бинобарин, соҳа мутахассислари топонимия - бу худуд ландшафтининг ўзига хос тили, унинг мантиқий ифодаси дейишади. Бундай дейишга сабаб, топонимия орқали ландшафт ўзи, тарихи, динамикаси ва хусусиятлари ҳақида «гапиради». Жой номлари ёрдамида ландшафтни тадқиқ этиш, унинг ўтмишдаги географик ҳолатини тиклаш имконияти мавжуд. Топонимлар ёрдамида географик ландшафтнинг табиий компонентлари бўлган рельеф шакли, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тарқалиш ареали ва ривожланиш босқичларини аниқлаш ва тадқиқ қилиш мумкин.

Қадим замонлардан буён инсон ва жамият атрофдаги табиий шароит, табиий-географик жараёнлар ва худуд ландшафтларининг ўзига хос хусусиятларини кузатиб бориб, географик обьектларни бир-биридан фарқлаш мақсадида уларга ном берганлар. Хусусан, чорвадор халқлар

томонидан табиий географик объектларга берилган номлар, худуд ландшафтининг ривожланиши ва унинг динамикасини аниқ акс этган. Чунки кўчманчи чорвадор халқларнинг турмуш тарзи шуни тақоза қиласди. Улар учун яйлов ва ундаги ўсимликлар тури, озуқабоплиги, сифати, кам-кўплиги, сув манбаларни яқинлиги каби омиллар муҳим аҳамиятга эга.

Бинобарин, кўпинча географик объектлар номида табиий жараёнлар билан боғлик бўлган маълумотларни топиш мумкин. Эътиборли томони шуки, кишилар географик объектларни номлашда худуддаги фойдали ўсимлик ва ҳайвонот турларини аниқ белгилашга ҳаракат қилишган. Шунинг учун, маҳаллий халқ томонидан географик объектларга берилган номларнинг маъно-мазмунини аникламасдан, ўсимлик ва ҳайвонот олами турларидан мақсадли фойдаланиш ва табиатнинг ҳудудий қонуниятларини тушиниш анча қийин бўлади.

Таникли географ олим Ю.Аҳмадалиевнинг ёзишича, “жойнинг ландшафт тузилиши ва хусусиятларини билдирувчи географик номлар таркибида дашт сўзи кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради. Одатда дашт - “обод қилинмаган, сувсиз чўл” га нисбатан қўлланадиган географик терминидир. Табиий географияда дашт табиат зонаси деб чўлга нисбатан шимолда жойлашган, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига нисбатан бойроқ бўлган худудга айтилади. “Дашт” сўзи билан Даشتி Қипчоқ, Қарши Даشتӣ, Дашибод, Даشت маҳалла, Даشت Пандигон, Даشت Тегирмон, Даشت Чўлпон, Даشت Ҳасан, Ўқчидашт, Ғанидашт каби жой номлари юритилади”.

Олимнинг хulosасига кўра, “худуднинг ўзига хос табиий географик хусусиятларидан рельеф, иқлим, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан боғлик бўлган топонимлар мазкур табиий объектларнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳолати ҳақида маълумот (информация) беради, географик номларнинг асосий вазифаси бўлган адреслик функциясини тўғри бажаради. Бундан ташқари бу номлар ўзлари каби узоқ вақт ўзгармасдан сақланиб туриши, жамиятда уларни ўзgartириш, қайта номлаш учун вақт ва маблағ сақлаш зарурати йўқлиги билан аҳамиятлидир”.

Жой номларида худуд табиатининг акс этиши: Қадимдан буён кишилар атрофни ўраб турган табиат ва унинг компонентларига ижтимоий эҳтиёж туфайли доимо кузатганлар ва географик объектларни бир-биридан фарқлаш учун ном берганлар. Айниқса, ҳаёт тарзи табиат ва уларни ўраб турган атроф-муҳит билан бевосита боғлиқ бўлган халқлар табиий-географик объектларни номлашга алоҳида эътибор берганлар. Хусусан, чорвадор халқларнинг чорvasи учун асосий озуқа манбаи бўлган ўсимлик турларини ўсадиган жойларни номлаш муҳим ҳисобланган.

Бу турдаги географик объектлар кўпинча озуқабоп ўсимликлар номи билан аталган. Масалан, Янтоқли, Жусанди, Бетагали, Шувоқли каби топонимлар ушбу ҳудудларда чорва моллари учун озуқабоп ўсимликларни қайси бир турини кўплигидан дарак берса, улар орқали чорвачиликнинг қайси соҳасини ривожлантиришга қулай имкониятлар мавжудлигини аниқлаганлар. Чорва моллари учун асосий озуқа манбаи бўлган ўсимлик турлари ҳамда чўл ҳудудида муҳим гидронимик обьект бўлган қудуқлар ном танлашда дарак берувчи вазифасини бажарган.

Топонимлар ёрдамида ландшафтнинг табиий компонентлари бўлган рельеф шакли, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тарқалиш ареали ва ривожланиш босқичларини аниқлаш ва тадқиқ қилиш мумкин. Маълумки, инсон қадим замонлардан бошлаб ўсимликларни ўрганиш, ареалини аниқлаш, улардан меъёрида фойдаланишга ҳаракат қилган. Масалан, Андижон, Тошкент, Жиззах вилоятлари топонимияси таркибида Бетага, Бетагали, Бетагалисой каби жой номлари учрайди. Бетага - майда ўт, маҳаллий халқ унинг чорва учун озуқабоб ўсимлик эканлигини билган ҳолда ушбу жойларга шундай ном берган.

С. Қораевнинг ёзишича, бетага дашт ва яйловларда ўсадиган майда ўт, уни руслар типчак дейишади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бетага ўсимлигига ажойиб таъриф берган. «Андижонда бу ўтни бутка дерлар, важхи тасмияси маълум эмас эди, бу вилоятларда маълум бўлди. Бу ўт бута-бута чиқар учун уни бутака дерлар эмиш». Бу ўт ҳақиқатдан ҳам тўп-тўп бўлиб

ўсади ва уни айниқса йилқи яхши кўради, бетагали яйловда юрган бия яхши семиради, қимизи ёғли ва ёқимли бўлади.

Табиий ландшафт компонентларидан яна бири тупроқ ҳисобланади. Инсониятнинг ҳаёт кечириш муҳитини ташкил этувчи омиллардан бири бўлган тупроқ доимо кишилар диққат марказида бўлган. Шу билан бирга, тупроқнинг умумдорлиги, таркиби, тури, ранги каби хусусиятлари ҳам муҳим аҳамият касб этган. Шунинг учун, тупроқларнинг айрим диққатга сазовор хусусиятлари жой номларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон топонимияси таркибидаги Жўш, Жўша, Жўшали, Жўши каби жой номлари учрайди. Масалан, Фориш тумани худудида жойлашган қишлоқлардан бирининг номи - Жўшали. Маҳаллий халқ кайназой эрасининг учламчи даврида пайдо бўлган қизил тупроқни жўш деб атайдилар. Айтишларича, қадимда бундай тупроқларни майдалаб чақалоқларга сепки (пудра) сифатида фойдаланишган.

Жўша деган қизил бўёқ ҳам бўлган (русча, сурик). У кулолчиликда сопол идишларга қизил ранг ва нақш бериш учун ишлатилган. Маҳаллий халқ тилида жўш деб аталадиган қизил тупроқлар кўп бўлган худудда пайдо бўлган қишлоққа Жўшали номи берилган.

Иқлим ҳам табиий ландшафт компонентлардан бири. Инсон ўзи яшайдиган жой иқлими ва об-ҳаво хусусиятларига бефарқ бўлмаган, ундан иқтисодий-ижтимоий фаолиятида самарали фойдаланишга ҳаракат қилган. Иқлим ва метеорологик шароитлар билан боғлиқ номларнинг пайдо бўлиши учун, улар аниқ бир ҳудудни ифодалashi шарт эмас. Шуниси диққатга сазоворки, топонимияда бу грухга тегишли номлар кенг тарқалган бўлса ҳам, аммо улар орасида метереологик терминлар анча кам. Бу ҳолатни табиий метеорологик жараёнларнинг давомийлиги (динамикаси) билан боғлаш мумкин. Бундай табиий ҳодиса ва жараёнларни жой номи сифатида шаклланиши учун, кишилар томонидан узоқ ва бардавом кузатилиши ёки уларнинг доимий ва барқарор ҳодиса эканлигини аниқ билиши керак.

Дунё картасида Шамолли ва Шамолсиз ороллар (Марказий Америкада), Курил ороллари (Россияда) - айн қабиласи тилида «тутун», «булут» дейилган, Виндхук шаҳри номининг маъноси (Намибия пойтахти) - «шамолли довон», Нуакшот (Мавритания пойтахти) -«шамолли жой», Бородала дашти (Муғулистан) - «шамолли водий» каби иқлим ва об-ҳаво хусусиятлари билан боғлиқ номлар учрайди.

Жанубий Америкадаги Чили давлатининг номи маҳаллий араукано ҳиндулари тилида «совук», «қиши» деган маънони беради. Текисликда яшовчи араукано қабиласи қор билан қопланган баланд Анд тоғлари чўққиларини шундай аташган. Эквадор давлати гербида тасвирланган Чимборасо вулкани номи таркибидаги расо сўзи, маҳаллий ҳиндулар тилида «қор» маъносини ифодалайди. Гвиана яssi тоғларининг энг баланд жойи Неблина (Сера-Неблина) тоғи маъноси - «туманли», Келантан штатининг (Малайзия) номи, малая тилида «чақмоқ, яшин» - (ҳакиқатдан ҳам ёмғирлар фаслида кучли бўрон ва чақмоқлар кузатилади).

Гавай оролларидаги вулканларнинг бирига Вайлелеале (тўла сув) номи берилган, бунга эса вулкан жойлашган тоғ этакларига ёғадиган катта миқдордаги ёғингарчилик сабаб бўлган. Бу жой дунёдаги энг кўп намлик тушадиган худудлардан бири ҳисобланади. Ҳимолайнинг жанубий ёнбағридаги машҳур серёмғир худуд Черрапунжа - «жилгалар қишлоғи» деган маънони англатади.

Баланд тоғларга кўпинча, об-ҳаво ёки ёғин турлари билан боғлиқ бўлган номлар берилган. Масалан, Ҳимолай - дунёдаги энг баланд тоғ тизмаларидан бири. Санскритча хима - «мангу қор», алайя - «макон», яъни мангу қорлар макони, Кавказ - «қорли тоғ» ва ҳоказо. Туркий халқларда ҳам баланд тоғларни шу тарзда номлаш одати бўлган: Музтоғ, Музтоғота (Хитой), Муздара, Музбел, Совуқдара (Ўзбекистон) ва бошқалар. Африканинг энг баланд Килиманжаро (суахили тилида, климангаро - «муқаддас тоғ», «совуқлик худоси») тоғининг тепаси ҳамиша қор ва муз қоплаб турганлигидан маҳаллий халқ тоғни муқаддас билиб унга сифинган.

Иқлим ва метеорологик шароитлар билан боғлиқ топонимлар қаторига Ажал водийси - Шимолий Америкадаги энг иссиқ жой, маҳаллий шошон хиндулари тилида Томеша - «оёқ остида ёнаётган ер», иқлимини ҳаддан ташқари иссиқлигига ишора ёки Ҳиндистондаги Сринагар - «қуёшли шаҳар», каби метафорик - мажозий номларни ҳам киритиш мумкин. Исландия - давлат ва орол номи.

Оролни кашф қилган норманларга қишда балиқ овлашга музлар халақит берган. Оролда йил давомида қорни кўп ёғиши ҳамда, ҳудудининг кўп қисми музлар билан қопланганлиги боис, оролга Исландия (норвег тилида, ис - «муз», ланд - “ер”), яъни музлар ўлкаси номи берилган. Австралия аборигенлари ҳаётида иқлим шароитлари ва ҳодисалари кўпинча муҳим аҳамият касб этганлиги туфайли бу грухга тегишли номлар анча кенг тарқалган.

Иқлим ва обу-ҳаво хусусиятларидан огоҳлантирувчи номлар ҳам мавжуд. Улар кўпинча сайёҳлар ва денгизчилар томонидан янги жойларни кашф этиш вақтида берилган. Масалан, португалиялик денгизчи Бартоломей Диаш 1488 йили узок саёҳатдан кейин Африка қитъасининг энг жанубий нуқтасига етиб борган. Узок ва хатарли йўлни босиб келган Б.Диаш, жанубий Африкада кучли тўфонларга дучор бўлади ва йўлида учраган биринчи бурунга Sabo Tormentoso - «Тўфонлар бурни» деб ном беради. Португалия қироли Жуан II, бой ва афсонавий Ҳиндистонга йўл очиш илинжида, кейинча бурун номини Sabo da Boa Esperanza - «Яхши Умид бурни» деб ўзгартирган.

Иқлим билан боғлиқ географик терминлар ҳам кўп ва улар жуда қадими. Кишилар қадимдан табиатга, ундаги иқлими ўзгаришларга зехн солиб, кузатиб келишган ва шу орқали деҳқончилик тақвимларини тузишган. Халқ географик терминлари тадқиқотчиси М.Миракмалов маълумотларига кўра, иқлим билан боғлиқ бўлган халқ географик терминлари қаторига англизок, аёз, бешкўноқ, булдурук, булут, гармсел, жала, жилтир, музчопкун, шабнам, ют каби кўплаб географик терминларни киритиш мумкин.

Масалан, қишиң күнлари ҳаво илиб қорлар эришни бошлаган пайтда, совуқ оқим келиши натижасида хўл қор муз бўлиб қотиб қолади. Халқ орасида бундай табиат ҳодисасини ют ёки шовуш деб аташади. Яйловда боқиладиган чорва моллари учун жуда хавфли ҳисобланади. Ёмғир аралаш қор ёғиб, шамол эсиб туриш ҳодисаси - чопқун ёғин деб аталган. Иссик шамол - гармсел, совуқ шамол - сардсел, ёғинсиз чанг бўронли қаттиқ шамол - қорадовул дейилган ва ҳоказо.

Табиий ландшафт турлари билан боғлиқ номлар: Фойдали қазилма бойликлар мавжуд бўлган ҳудудларда уларнинг номи билан аталган ойконимлар қўп учрайди. Масалан, туз конлари топилган ҳудудларда Галле (Германия, келт тилида ҳала - «туз»), Залцбург (Австрия, немис тилида - «туз шаҳри»), Шахритуз (Тожикистон - «туз шаҳри»), Солигорск, Соликамск (Россия, рус тилида - «туз шаҳри») каби ойконимларни учратиш мумкин.

Ҳозирда қазиб олинаётган ер ости бойликлари ҳам жой номларида ўз аксини топган: Углегорск, Углекаменск, Антрацит каби номлар, қўмири; Нефтеюганск, Нефтекамск, Небит-Даг (туркман тилида - «нефт тоғи») - нефт; Жезқазған (қозоқ тилида - «мис қазиб олинган жой»), Медногорск, Шаба (Конго, суахили тилида - «мис») - мис; Газли - газ қазиб олиш билан боғлиқ ва ҳоказо. Апатити, Магнитогорск, Марганец, Медний, Медногорск, Нефтегорск, Никел, Оловянная, Сланци, Торфяной, Шахтинск каби номлар ҳам қазилма бойликлар асосида пайдо бўлган.

Селемджа (Россия, Узоқ Шарқ) дарёсининг номи эвенк тилида - «темир» маъносини англатишини билган геологлар, қўп ўтмасдан дарё ҳавзасидан темир рудасининг йирик конини топишган. Африканинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган Нубия чўли номининг асосини нуба - «олтин» сўзи ташкил этади. Шу жойдаги йирик олтин конлардан қадимги миср фирмавнлари саройига олтин қазиб олинганлиги маълум. Ратнапура (Шри-Ланка) - «қимматбаҳо тошлар шаҳри» - шу жойдан қазиб олинадиган қимматбаҳо тошлар шаҳар номига асос бўлган. Шри-Ланка ороли ҳам қадимда Ратнадвипа - «қимматбаҳо тошлар ороли» деб аталган.

Киргизистондаги Тошкүмир, Туркманистандаги Небитдоғ, Гутуртдоғ, Россиядаги Магнитогорск, Соликамск, Апатит шаҳарлари номи фойдали қазилмалар билан боғлик. Жанубий Америкадаги Анд тоғлари (мис тоғлари), Аргентина (Аргентус - кумуш), Туркиядаги Мармара денгизи номига ҳам фойдали қазилмалар конлари борлиги асос бўлиб хизмат қилган. Дунёда энг узун ҳисобланган Анд тоғларининг номи мис конлари билан боғлик. Маълумки, милоддан аввал ҳам ушбу ҳудуддан мис қазиб олинган. Анд сўзи ҳам кечуа ҳиндулари тилида анта - “мис” деган маънени ифодалайди. Олтой тоғидаги Терлиқоя деган жойда тоғнинг ёнбағридан ялтироқ суюқлик томчилаб турган, геологлар текшириб кўрганда суюқликни симоб эканлиги аниқланган.

Ўзбекистондаги Консой, Контепа, Олтинбел, Олтинтоғ, Кумушкон, Мискон, Кўҳисим, Тузкон, Сурматош, Кўрғошинкон каби географик обьектларнинг номлари бу жойлардан илгари ер ости бойликлари қазиб олинганидан далолат беради. Масалан, Паркент туманида жойлашган Кумушкондан қадимда ҳам, яқин-яқинларда ҳам кўрғошин қазиб олинган. Нима учун Кумушкон кўрғошинкон деб аталган эмас?

Бунинг сири яқиндагина аниқланди. Маълум бўлишича, Кумушконнинг кўрғошин рудалари бошқа кон рудаларидан ўзининг кумушга бойлиги билан ажралиб тураган. Кўҳисим ўрта асрларда Илоқдаги машхур конлардан бўлган. Мутахассислар Курама тоғларининг шимолида жойлашган ҳозирги Лашкарак полиметалл рудалари конини, қадимги Кўҳисим (тожикча, «кумуш тоғ») нинг ўзгинаси эканлигини аниқладилар. Бу кондан қадимги даврларда кўплаб кумуш қазиб олинганлиги маълум бўлди.

Антрапоген ландшафт турларининг жой номларида акс этиши: Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши энг қадимий тармоқлардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан, географик номлар таркибида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлик жой номлари (агроонимлар) кўп учрайди. Буни Ўзбекистон топонимияси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Денгиз, дарё, кўл, булоқ ва бошқа ер ости ва ер усти сув манбаларига туташ ва ёндош

худудлар азал-азалдан аҳолининг дехқончилик қиласидаги сарҳадлари бўлганлиги аниқ.

Сунъий суғоришга мўлжалланган дехқончилик учун, дарёлардан канал ва ариқлар чиқариб ҳамда даврий сувлардан оқилона фойдаланиш мақсадида банд ва тўғонлар қуриб қадимда дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган аҳолининг қишлоқ хўжаликка оид касб-кори жой номларида ўз аксини топган. Қишлоқ, маҳалла номларида қадимиј дехқончилик маданиятини исботловчи маҳсус сўз - атамалар мавжуд. Бу қаторга банд, дарғат, варғ каби сув тақсимловчи гидротехник иншоотларни белгиловчи терминларни киритиш мумкин.

Сой ва дарёларда қуриладиган тўғон, тоғ дараларида қурилган қадимиј гидротехник иншоот банд дейилган. Масалан, Фориш туманида жойлашган Хонбанди гидротехник иншооти Нурота тоғларидан оқиб чиқадиган Осмонсой ва Илончисойнинг сувларини тўплаш учун қурилган. Хонбанди сув омбори туфайли Қизилқумнинг Мирзачўл билан туташган чегарасида 1500 гектар ер майдони ўзлаштирилган. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур тўғон иншооти Ўрта Осиё - кўхна Турон халқлари бунёд этган суғориш иншоотлари орасида энг қадимгиси ҳисобланади.

Бундай топонимларнинг пайдо бўлиши кўпинча худуднинг табиий шароити билан ҳам боғлиқ, дехқончиликнинг қайси турини ривожлантириш учун яхши имконият бўлса у жой номига асос бўлган. Ўзбекистонда пахта асосий қишлоқ хўжалиги экини ҳисобланади, шу сабабдан, пахта сўзи асосида шаклланган жой номлари республика топонимияси таркибида кўп.

Оқолтин, Пахтакор, Пахтаци, Пахтаобод каби аҳоли пунктлари номлари бевосита пахтачилик касбида эришган ютуқларнинг натижаси сифатида тарих саҳифаларидан жой олган номлар сирасига киради. Бошоқли экинлар ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, лалми ерларда ғалла экувчи ва ҳосил етиштирувчи дехқонлар шаънига XX асрнинг ўттизинчи йилларидан кейин Ғаллакор, Ғаллаорол, Буғдойчи каби географик номлар республика худудида анча кўпайди.

Масалан, Ғаллаорол сўзининг географик ном сифатида пайдо бўлиши тарихи унча узоқ эмас. 1930 йилнинг кузида ўша даврдаги республика раҳбарларидан бири (Й.Охунбобоев) Янгиқўргон (Ғаллаоролнинг аввалги номи) туманида бўлиб, туманинг лалмикор ерларини ҳақиқий ғалла оролига айлантириш мақсадида, ғалла етиштиришга бағишлиланган йиғилишда қатнашиб нутқ сўзлаган. «Мен, туманингизнинг лалми ерлари билан танишдим, бу ерлар ризқ - рўзимиз ҳисобланган ғаллага кон бўладиган жой экан. Шундай экан, туманингиз номи ҳам Ғаллаорол бўлсин» деган фикрини баён қилган. Шу воқеадан сўнг кўп ўтмасдан 1931 йили туман номи Ғаллаорол деб ўзгартирилган.

Ер ости сувларнинг табиий ҳолда ер юзасига чиқиши ҳам деҳқончилик ва чорвачиликни ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Булок, қудуқ сўзли топонимларнинг пайдо бўлишида чорвадорларнинг ҳам ҳиссаси катта. Мухтасар айтганда, географик номларнинг туридан дарак берувчи индикатор сўзларга қараб минтақада ихтисослашган қишлоқ хўжалик тармоқларини пайқаш қийин эмас. Чунончи, чўл худудларида оқар сувларнинг йўқлиги, аммо яйловлар ва ер ости сувларининг мавжудлиги чорвачиликни ривожлантириш имконини берган.

Қишлоқ хўжалик маданияти билан боғлиқ бўлган географик номлар таркибида дала, майдон, боғ, дашт, қўриқ, бўз, марза, ариқ, қудуқ каби сўзлар топонимик терминлар сифатида фаол қатнашган. Чунончи, Боғзор, Боғбон, Боғистон, Богоғод, Богоғот каби топонимлар халқнинг боғдорчилик маданияти билан боғлиқ тарзда юзага келган.

Агроонимларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг ўзгарувчан характерга эгалигидир. Бинобарин, улар бошқа топонимларга нисбатан осон ўзгаради ёки ўзгартирилиши мумкин. Топонимларнинг бошқа турлари каби уларга ҳам худудийлик хос ва чегараланганди кишилар нутқида қўлланилади. Агроонимларнинг «яшаш» даври нисбатан қисқа бўлганлиги боис, уларнинг маъно-мазмунини аниқлаш қийин эмас.

Таниқли номшунос олим М.Миракмаловнинг таъкидлашича, турли ландшафт компонетларини акс эттирувчи географик номларни ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш муайян ҳудуд табиати ўтмишда қандай бўлганлиги, ландшафт компонентларининг ўзгариши, трансформацияси ҳақида хulosа чиқариш имкониятини беради. Мухтасар айтганда, ҳар бир ҳудудда жойнинг ўтмиш табиий шароити билан боғлиқ топонимлар ва географик терминлар ўзига хос қонуниятлар асосида шаклланган. Ушбу ҳудудий қонуниятларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

 **Савол ва топшириқлар:**

- 1. Топонимия ва ландшафт орасида қандай боғлиқлик мавжуд?**
- 2. Ҳудуд табиатининг жой номларида акс этишини аниқ мисоллар ёрдамида тушунтиринг.**
- 3. Қандай сабабларга кўра ўтмиши табиий шароити жой номларида ўз аксини топган?**

 **Тест топшириқлари:**

- 1. Ландшафт сўзи қайси тил маҳсули ва қандай маънога эга?**
A. лотинча, *land* - “давлат”, *shaft* - “ном”
B. немисча, *land* - “ер”, *shaft* - “манзара”
C. грекча, *land* - “ҳудуд”, *shaft* - “обод”
D. ўзбекча, *land* - “майдон”, *shaft* - “баланд”
- 2. Таниқли географ олим Ю.Аҳмадалиевнинг ёзишича, жойнинг ландшафт тузилиши ва хусусиятларини билдирувчи жой номлари таркибида сўзи кенг тарқалган. Нуқталар ўрнига тўғри жавобни кўйинг ва белгиланг.**
A. чўл
B. дашт
C. адир
D. қурп
- 3. Жўш, Жўша, Жўшали каби топонимлар табиий ландшафтнинг қайси бир тури билан боғлиқ?**
A. ўсимлик

B. иқлим

C. түпрок

D. сүв

4. Қишилөк хұжалиғи ишилаб чиқарииши билан бөглиқ жой номлари тури дейилади. Нұқталар үрнига түгри жағындағы қүйинг өткізу.

A. фитонимлар

B. ойконимлар

C. оронимлар

D. агронимлар

5. Қандай сабабларга күра жой номлари ҳудуд табиати акс этади?

A. табиатдан оқылона ва унумли фойдаланши мақсадида

B. фойдали үсімліктарни аниқлаш үчүн

C. ҳудуд табиатига таъсини күчайтиши мақсадида

D. табиатни муҳофаза қилиши мақсадида

ІІІ БОБ. АМАЛИЙ ТОПОНИМИКА

3.1. ТОПОНИМИКАГА ОИД ҲУҚУҚИЙ-МЕЬЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Режса:

1. “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2011 й. 11-октябр № ЎРҚ-303) ва миллий топонимик сиёсат.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг географик номларга оид қарорлари (2012 й. № 295, 2014 й. № 48) ва бошқа соҳага дахлдор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалий аҳамияти.

3. Географик объектларга ном бериш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари ва уларнинг фаолият юритиши тартиби.

 **Мавзунинг мақсади:** Ўзбекистонда миллий топонимик сиёсатни амалга ошириш учун қабул қилинган қонун, қарорлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва уларни амалда қўллаш механизмлари билан яқиндан таништиришдан иборат.

 **Таянч ибора ва атамалар:** қонун моҳияти, қарор ижроси, давлат реестри, ном экспертизаси, миллий стандартлаштириши, номлардан фойдаланиш, номларни сақлаш ва муҳофаза қилиши.

Ўзбекистонда истиқлол йилларида миллий топонимик сиёсатни амалга ошириш бўйича барча ҳуқуқий асослар яратилди. 2011 йили “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2011 й. 12.10. № ЎРҚ - 303) қабул қилинди. Тўрт боб ва йигирма тўрт моддадан иборат бўлган, мазкур қонуннинг асосий мақсади географик объектларни номлаш ва қайта номлашдаги муносабатларни тартибга солиш, мавжуд нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш, ном ёзилишининг расмий ва умумий истеъмол учун ягона шаклини аниqlаш, давлат реестрини юритиши, экспертизадан ўтказиш, миллий стандартлаштириши, номлардан фойдаланиш, сақлаш ҳамда муҳофаза қилишдан иборат.

Қонунда илк бор географик объект тушунчасига таъриф берилди ва мамлакатимиз ҳудудидаги барча географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгаришиш тўғрисидаги таклифларнинг қонун хужжатлари талабларига мувофиқлигини аниқлашга қаратилган давлат экспертизаси ҳамда топонимик, этнографик, лингвистик, картографик ва бошқа тадқиқотлар мажмuinи амалга ошириш учун маҳсус ваколатли давлат органи белгиланди. Бу муҳим вазифалар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси (“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси) ва унинг таркибида маҳсус ташкил этилган Республика топонимика хизмати маркази зиммасига юклатилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши географик объектларнинг номлари соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни муҳимлиги, улардан тўғри фойдаланиш, жой номларини халқимиз миллий ва маънавий меросининг таркибий қисми сифатида сақлаш зарурлигини тасдиқлайди.

Мазкур қонун талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қарорлар эса, мамлакатимиз топонимик сиёсатида юз бераётган ўзгаришларни ўз вақтида англаб етишни, минтақалар топонимиясидаги мавжуд муаммоларни мукаммал ўрганиш ва бартараф қилишни, янги географик объектларни номлашда халқимизнинг асрлар оша шаклланган ва такомиллашган анъаналарига, номшунослик қоидаларига қатъий амал қилишни назарда тутади. Шу билан бирга, ушбу норматив хужжатлар географик объектларни номлаш ва қайта номлаш билан боғлиқ бўлган айрим номувофиқликларни тўла бартараф этади ва уларни стандартлаштириш имкониятини беради.

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини амалга жорий қилиш ҳамда географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори (2012 й. 12.10. № 295-сонли) ҳам қабул қилинди. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши географик

объектларга ном бериш ва қайта номлаш билан боғлиқ айрим нормалардаги номувофиқликларни тўла бартараф қилиш ва жой номларини бир хилда қўллаш имконини берди.

Қарор билан географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича республика ва ҳудудий комиссиялар тўғрисида Низом ҳам тасдиқланди. Низомга кўра республика ва ҳудудий комиссиялар жойларда қонун талабларини бажарилишини назорат қилувчи маҳсус орган ҳисобланади. Қарорда ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан янги ташкил этилаётган географик объектларга қонун талабларига мувофиқ ном бериш тартиби аниқ белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, қарор талабларига кўра вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар овуллар, аҳоли пунктлари ва унинг таркибий қисмларига (кўчалар, шоҳкўчалар, маҳаллалар, майдонлар, боғларга) одамларнинг исми-шарифининг беришга, шуниндек уларни тарихий воқеалар шарафига номлашга, қоида тариқасида йўл қўйилмайди. Фақат, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар бундан мустасно дейилган.

Маъмурий-худудий бирликларнинг номлари, қоида тариқасида, уларнинг маъмурий марказлари номидан, ёки маъмурий-худудий бирликлар жойлашган ҳудуд қисмининг географик ёки тарихий номидан ҳосил бўлиши лозим. Транспорт ва мухандислик-техника инфротузилмаси объектлари, жумладан аэропортлар, вокзаллар, темир йўл станциялари номлари, уларнинг ёнида жойлашган аҳоли пунктлари ёки уларнинг таркибий қисмлари номларидан ҳосил бўлиши керак.

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунда географик объектларга бир хил ном берилишига йўл қўйилмаслик ҳақида ҳам аниқ норма киритилган. Унга кўра, республика таркибидаги вилоятлар, туманлар, шаҳарларга ҳамда бир туман, шаҳар ёки аҳоли пункти доирасидаги бир нечта турдош географик объектларга бир хил ном бериш мумкин эмас. Чунки, қайта-қайта такрорланадиган номлар кўпайиб кетса, улар жой номини

мазмунан қашшоқлаштиради ва жой тарихи, табиий шароити билан боғлиқ бўлмаган сунъий номларнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлади. Бошқача айтганда, такрорий ном топонимнинг бош фазилати бўлган адреслик функциясига салбий таъсир кўрсатади.

Географик объектларга тўла мос келадиган энг мақбул номни илмий жиҳатдан тўғри танлаш анча мураккаб масала. Агар ном тўғри танланса, у халқнинг ижод маҳсули сифатида чинакам халқ мулкига айланади. Бунинг учун энг аввало ном содда, оддий, ҳамма учун тушунарли, реал ҳақиқатни акс этадиган, чуқур илмий, сиёсий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши керак. Ҳеч қандай асоссиз баландпарвоз, ҳақиқий воқеаликдан узок номлар қўйиш, яъни мафкуравий лоф уришнинг ҳаётий сиёсат эмаслигини яқин ўтмишдаги аччиқ тажриба кўрсатди. Бинобарин, географик объектга реал воқеаликдан, кундалик ҳаётдан, мавжуд табиий, иқтисодий, ижтимоий, маданий омилларга асосланиб ном танлаш зарур.

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонун қабул қилингандан кейин пайдо бўлган номлар орасида мазмун-маъно жиҳатидан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам чинакам миллий топонимлар кўпчиликни ташкил қиласи. Аммо, бир қарашда тушунарли, шарқона, чиройли номлар орасида баъзан оддий турдош отлар, ҳар хил чақириқлар, шиорлар, чучмал номлар ҳам учрайди. Масалан, баъзи жойларда аҳоли пункти ёки унинг таркибий қисмларига Илгор, Мусаффо, Фазо, Маҳорат каби кўплаб турдош отлар ном сифатида танланган.

Номшунос олим Суюн Қораев таъбири билан айтганда, бундай турдош сўзлар географик ном бўлолмайди, уларда топонимик «иммунитет» йўқ, уларга зўрма-зўраки географик ном бўлиш «паспорти» берилган. Зоро, ҳамма сўз ҳам жой номи бўлолмайди, географик объект ўзига муносиб ном, сўз “танлайди”.

Агар, географик объект номини ўзгартириш зарурияти пайдо бўлса, унда қонунда белгилангандек қуйидаги ҳолларда уни ўзгартиришга йўл қўйилади:

- географик объектнинг тарихий номини тиклаш зарур бўлганда;
- амалдаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган, абревиатурра, рақам ёки сўз бирикмаси билан белгиланган бўлса;
- Ўзбекистон тарихида чукур из қолдирган шахсларнинг номларини бериш зарур бўлганда;
- шаҳар, туман, маҳалла доирасида географик объектларнинг номи бир хил бўлганда;
- географик обьект икки ва ундан кўпга бўлинганда.

Вилоят, шаҳар, туман каби йирик географик обьектларни номлаш ва номини ўзгартириш учун вилоят ҳокими илтимоснома билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мурожаат қилиши керак бўлади. Вазирлар Маҳкамаси илтимосномани кўриб чиқади ва тегишли ҳужжатлар билан бирга хulosса олиш учун республика комиссиясига юборади. Республика комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назардан уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат кумитасига топширади.

Шундан сўнг, республика комиссияси ўтказилган иш якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хulosани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади. Вазирлар Маҳкамаси хulosани ҳисобга олган ҳолда вилоят, шаҳар, туманга ном бериш ёки унинг номини ўзгартириш тўғрисида таклиф тайёрлайди ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиш учун киритади. Олий Мажлис навбатдаги сессиясида таклифларни муҳокама қилиб, тегишли қарор қабул қиласди.

Агар шаҳарчалар, қишлоқлар ва уларнинг таркибий қисмлари каби нисбатан кичикроқ географик обьектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришга тўғри келса, унда туман ҳокимининг таклифларини

мос ҳолда вилоят комиссияси кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилиш учун Халқ депутатлари вилоят Кенгашига юборади.

Сўнгги йилларда, республика миқёсида жуда қўплаб уй-жойларни курилиши янги кўча, маҳалла ва аҳоли пунктларни пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда, уларнинг барчасига қонун талабларига мос ном танлаш зарур. Энг аввало янгидан барпо этилаётган кўча, маҳалла ва аҳоли пунктларга ўша жойнинг халқона номи бўлса уни бериш мақсадга мувофиқ, агар бундай ном бўлмаган тақдирдагина янги ном танлаш мумкин. Энг муҳими берилаётган янги номлар аввалгисидан фарқ қилиши, такрор бўлмаслиги ҳамда мавжуд топонимик тизим қоидаларини бузмаслиги керак.

Бунинг учун энг аввало вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари қошида ташкил этилган географик обьектларни номлаш ва қайта номлаш комиссиялари ишини жонлаштириш зарур. Комиссия аъзолари маҳаллий ҳокимият вакиллари бошчилигига шаҳар ва туманлардаги барча географик обьектлар номларини илмийлигини текшириб, уларнинг лотин алифбосида тўғри ёзилиши назорат қилмоғи лозим. Мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар қандай янги ташкил қилинаётган муассаса ва ташкилот ном танлашда маҳаллий ҳокимият қошидаги мазкур комиссиянинг хulosаси билан иш кўрса мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга, ҳудудий комиссия аъзолари географик обьектларга ном танлашда ҳар қандай каттароқ ҳудуднинг маҳаллий хусусиятлари борлигини инобатга олишлари лозим. Ном танлашда ҳудуднинг табиий шароити, иқтисодиёти, маҳаллий географик терминлари, аҳолининг тили ва шевалари, тарихи, этнографияси каби омилларни инобатга олган ҳолда, топонимларни маънавий ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини, уларнинг инсонларда фахр ва ғурур ҳиссини уйғотиб, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришига хизмат қилиши лозимлигини ҳам унитмаслик даркор.

Давр талабидан келиб чиқиб, ҳар қандай географик обьект номини ёзилишининг расмий ва умумий истеъмол учун ягона шаклини белгилаш ва уни миллий стандартлаштириш зарур бўлади. Номларнинг адреслик

функциясини инобатга олиб уларни расмий хужжатларда, хариталарда, дарсликларда ва бошқа оммавий нашрларда тўғри ҳамда доим бир хил ёзилиши таъминлаш лозим.

Қонунда белгиланган талаблардан келиб чиқиб, географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлашда қуидаги илмий талаб ва мезонларга қатъий амал қилишни мақсадга мувофиқ:

- географик объектларга Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар берилishiiga ҳамда уларнинг номлари шу рухда ўзгартирилишига йўл қўймаслик керак;
- ном мазкур географик обьект жойлашган ердаги топонимик тизимга мос тушиши лозим;
- ном жойнинг маълум табиий, ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятларини ифодалаб, жой ва ном ўзаро иттифоқда бўлмоғи лозим;
- ном ўша ҳудудда яшовчи аҳоли тилининг лисоний хусусиятларига ёт бўлмаслиги, унда топонимик анъанавийлик, тарихийлик, миллийлик сезилиб турмоғи керак;
- ном шаклан содда, оригинал ва тушунарли, аник, қисқа, лўнда, кўпи билан икки ёки уч таркибий қисмдан (уларни бири қўшимча бўлиши мумкин) иборат бўлиб, мўлжаллик(ориентирлик) вазифасини бажарсин;
- янги ном ўша ҳудудда аввал мавжуд бўлган номларни тақрорламаслиги, эсда осон сақланиб қоладиган, талаффузда енгил ва қулай бўлмоғи даркор;
- географик ном иложи борича, мафкуравий қарашлардан холи бўлмоғи керак;
- тарихий номлар ўтмиш гувоҳлари, уларни географик, лисоний, тарихий, сиёсий ва илмий аҳамиятга эга эканлиги инобатга олиб ўзгартираслик лозим;
- географик обьектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш чоғида маҳаллийчилик, ошна-оғайнichiлик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолларини истисно этиш зарур;

Географик объектларга ном танлашда замонавий номларга мафтун бўлиб, жой тарихи ва географияси билан боғлиқ бўлган номлардан воз кечиш мутлақо ярамайди. Шунинг учун, соҳага оид қабул қилинган барча меъёрий-хуқуқий хужжатлар талабларига тўла риоя қилинса, мавжуд камчиликлар бартараф бўлади ва энг мақбул номни танлаш имконияти пайдо бўлади.

Ҳозирги вақтда топонимикага оид қонун ва қарорлар давлат ижроия органлари учун аниқ мақсадларга йўналтирилган топонимик сиёсат юргизишида хуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Энг аввало, мазкур қонун ва қарорларни қабул қилиниши давр талаби билан боғлиқ ва муҳим сиёсий, ижтимоий, тарихий аҳамиятга молик ишдир. Шу билан бирга ушбу Қонуннинг қабул қилиниши:

- географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш соҳасидаги муносабатларни хуқуқий жиҳатдан янада тартибга солишига ҳамда соҳадаги қонун ости хужжатларнинг такомиллашувига;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш ишларининг мувофиқлаштирилишига;
- халқнинг тарихи, маънавияти, маданияти билан боғлиқ номларни муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг асоссиз ўзгартирилишининг олдини олувчи қонуний асосларнинг вужудга келишига;
- географик объектларга ном беришда маҳаллийчилик, хизмат мавқеини сустеъмол қилиш каби салбий ҳолларга йўл қўймасликка;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида “Ўзергеодезкадастр” давлат қумитаси билан келишган ҳолда географик объектлар номларининг расмий каталоглари ва маълумотларини нашр этилишига хизмат қиласди.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарайпти. Замонавий янги шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқ ва овуллар пайдо бўлмоқда. Улар билан бирга кўплаб тадбиркорлик

объектлари, билим даргоҳлари, тиббий, маданий-маиший, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, маҳаллалар, кўчаю хиёбонлар бунёд этилмоқда. Уларнинг барчасига бежирим, чиройли, халқимизнинг қўп асрлик анъаналари ва минталитетига мос келадиган ном танлаш зарурати мавжуд.

Шундай экан, ҳар бир номловчи географик объектга ном танлашнинг қонуний асослари, танлаш мезонлари, соҳага масъул давлат ташкилотлари ҳамда номловчининг ҳуқук ва мажбуриятлари нималардан иборат эканлигини билиши зарур. Чунки соҳага оид қабул қилинган қонун ва қарорларнинг талабларини аниқ билмасдан туриб, мулк шаклидан қатъий назар географик объектларга ном танлашда хато ва чалкашликларга олиб келиши мумкин.

Бинобарин, ном танлаш зарурияти пайдо бўлганда, биринчидан, соҳага оид норматив ҳужжатлар билан яқиндан танишиши керак, иккинчидан, яхши ўйлаб, шошмасдан мулоҳаза қилиб иш тутган маъқул. Энг муҳими географик объектга ном маъмурий ташкилотлар қарори билан эмас, балки халқимизнинг қалб қўридан қайнаб чиқиши керак, шунда ҳақиқий ном пайдо бўлади. Кўринадики, объектларга энг мақбул номни танлаш анча мураккаб масала. Шунинг учун, энг аввало, танлаган ном қўйидаги талабларга жавоб бериши кераклигини унитмаслик зарур:

- географик объектга энг хос бўлган белгиларни акс эттириши;
- мазкур географик объект жойлашган ҳудуддаги топонимик тизимга мос тушиши;
- маҳаллий аҳоли турмушининг географик, тарихий, миллий, этник, тилга оид ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиши;
- қоида тариқасида, қўпи билан учта сўздан иборат бўлиши.

Шу билан бирга, танланган ном содда, барчага тушунарли, реал ҳақиқатни акс этадиган, чуқур илмий, сиёсий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлишини унитмаслик даркор. Бу масалада номловчига энг яқин ҳамкор вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари қошида ташкил этилган географик объектларни номлаш ва қайта номлаш комиссиялари ҳисобланади.

Доимий фаолият кўрсатувчи мазкур комиссиялар таркибига кўпинча, соҳани яхши биладиган мутахассислар, олимлар, илм-фан, маориф, маданият муассасалари вакиллари жалб қилинган бўлади. Улар ҳар қандай географик объектга, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар ном танлашда малакали ёрдам беришлари мумкин.

Бинобарин, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятидаги масъул шахслар комиссиялар ишини фаоллаштириб, янги пайдо бўлаётган географик объектларга ном танлашга жиддий эътибор қаратишлари керак бўлади. Комиссия аъзолари маҳаллий ҳокимият вакиллари бошчилигига нафақат янги объектларга ном танлашда кўмаклашиши, балки шаҳар ва туманлардаги барча географик объектлар номларини илмийлигини текшириб, уларнинг тўғри ёзилишини назорат қилмоғи лозим.

Ном танлашда худуднинг табиий шароити, иқтисодиёти, маҳаллий географик терминлари, аҳолининг тили ва шевалари, тарихи, этник таркиби каби омиллар асос бўлиб хизмат қилиши керак. Жой номининг маънавий ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги, улар инсонларда фахр ва ғурур ҳиссини уйғотиб, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилишини ҳам унитмаслик зарур. Янги географик объектларни номлашда шундай йўл тутмоқ лозимки, ҳар бир авлод номлар орқали ўз она юрти тарихи, бугуни ва келажагини кўз олдига келтира олсин.

Шу билан бирга, янги яратилган номларни сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳам ниҳоятда муҳим вазифа саналади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси «Географик объектларининг номлари тўғрисида» ги Конунида (2011 й. № ЎРҚ-303) географик объектларнинг номлари давлат томонидан муҳофаза қилинади ва номларнинг бирини бошқасига ўзбошимчалик билан алмаштиришга, географик объектларнинг бузиб кўрсатилган номларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди, деб аниқ белгилаб қўйилган.

Мазкур Конунда географик объектларнинг номларидан фойдаланилиши ва уларнинг сақланиши устидан назоратни белгиланган ваколатлар доирасида: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари;

республика комиссияси; Ўзбекистон Республикаси “Ўзергеодезкадастр” давлат қумитаси; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Энг муҳими ҳар бир ном бизнинг ўзлигимиз, миллийлигимиз ва бой тарихимиз кўзгуси эканлигини унутмаслигимиз керак.

Худудий комиссияларнинг асосий вазифалари: Географик обьектларни номлаш ва қайта номлаш комиссияси Низомига асосан обьектни номлаш ёки қайта номлаш бўйича дастлабки таклифлар маҳалла фуқаролари йиғинлари томонидан мазкур ҳудуд фуқароларининг фаоллари йиғилишида ошкоралик асосида кўриб чиқилиб муҳокама қилинади. Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларини (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга), номлаш ва қайта номлаш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг илтимосномалари асосида туманлар, шаҳарлар Кенгашлари томонидан амалга оширилади.

Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларини номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан географик обьектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича туманлар, шаҳарлар комиссиялари тузилади.

Туман, шаҳар ҳокими, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг аҳоли пунктларининг таркибий қисмларини (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқади ҳамда уларни зарур хужжатлар билан бирга таклифлар тайёрлаш учун туман, шаҳар комиссиясига юборади.

Туман, шаҳар комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик обьектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи

назардан кўриб чиқади, кейинчалик вилоят комиссиясига киритиш учун таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни туман, шаҳар ҳокимига юборади.

Туман, шаҳар ҳокими аҳоли пунктларининг таркибий қисмларини (маҳаллалар, шоҳкӯчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги туман, шаҳар комиссияси томонидан кўриб чиқилган таклифларни вилоят комиссиясига киритади, комиссия тайёрлаган материаллар географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назардан ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади ва тегишли хulosса беради.

Туман, шаҳар ҳокими вилоят комиссиясининг хulosасига мувофиқ аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкӯчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклиф тайёрлайди ҳамда уни ҳалқ депутатлари туман, шаҳар Кенгashi кўриб чиқиши учун киритади. Ҳалқ депутатлари туман, шаҳар Кенгashi туман, шаҳар ҳокимининг таклифини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш туманлар ҳокимларининг таклифига кўра ҳалқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан амалга оширилади. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ҳамда уларнинг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш учун вилоятлар ҳокимлари томонидан географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича вилоят комиссияси тузилади.

Туман ҳокими маҳаллий аҳоли, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни тегишли ҳужжатлар билан бирга хulosса олиш учун вилоят комиссиясига юборади.

Вилоят комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назардан кўриб чиқади, кейинчалик уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қумитасига топширади. Вилоят комиссияси ўтказилган иш якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хulosса беради. Ушбу хulosса географик объектга ном бериш ва унинг номини ўзгартириш тўғрисида таклиф киритган туман ҳокимиға юборилади.

Туман ҳокими вилоят комиссиясининг хulosасига мувофиқ объектларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашига кўриб чиқиш учун киритади. Ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши туман ҳокимининг таклифини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.

Туманлар, шаҳарларни номлаш ва қайта номлаш вилоят ҳокими илтимосномаси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси киритган таклифга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан амалга оширилади. Туманлар, шаҳарларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича республика комиссияси тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вилоят ҳокимининг туманлар, шаҳарларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқади ҳамда уларни тегишли ҳужжатлар билан бирга хulosса олиш учун республика комиссиясига юборади.

Республика комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назардан уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон

Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қумитасига топширади. Республика комиссияси ўтказилган иш якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хulosса беради, ушбу хulosса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республика комиссиясининг хulosасини ҳисобга олган ҳолда географик объектларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиш учун киритади. Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифларини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.

Комиссияларнинг таркиби давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий далат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва ходимлари, фуқаролик жамияти институтларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, шунинdek фан ва маданият арбоблари, эксперtlар, мутахассислар ҳамда тегишли фаолият соҳаларида маҳсус билимларга эга бўлган бошқа шахслар орасидан шаклантирилади. Вилоят, туманлар, шаҳарлар комиссиялари тегишинча вилоят, туманлар, шаҳарлар ҳокимликларининг раҳбарияти томонидан бошқарилади.

Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимияти қошида ташкил этилган географик объектларни номлаш ва қайта номлаш комиссиялар фаолияти доимий бўлиши керак. Комиссия аъзолари ҳокимият вакиллари бошчилигига худуддаги барча географик объектлар номларини илмийлигини, давлат тилида тўғри ёзилишини назорат қилмоғи лозим. Мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар қандай муассаса ва ташкилот ном танлашда мазкур комиссияни хulosasi билан иш кўриши керак. Шундай бўлса, бизга ёт, ўзга тилларга хос, аниқ маъно-мазмунга эга бўлмаган номларни кўпайишига йўл қўйилмайди.

Хulosha шуки, вилоят, шаҳар ва туманлардаги географик объектларни номлаш ва қайта номлаш комиссияси аъзолари ҳар қандай объектни номлашда худуднинг табиий шароити, иқтисодиёти, маҳаллий географик

терминлари, аҳолининг тили ва шевалари, тарихи, этнографияси каби омилларни инобатга олиши шарт. Шу билан бирга, жой номининг маънавий ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги, улар инсонларда фахр ва ғуур ҳиссини ўйғотиб, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилишини унитмаслик даркор.

 **Савол ва топшириқлар:**

- 1. “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида (2011 й. 12.10. № ЎРК - 303) белгиланган географик обьект тушунчасини изоҳланг.**
- 2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори (2012 й. 12.10. № 295-сонли) қандай муҳим вазифаларни амалга ошириши назарда тутади?**
- 3. Республика ва ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари ҳақида маълумот беринг.**

 **Тест топшириқлари:**

- 1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича вилоят комиссиясининг раиси ким?**
 - A. Номишунос олим
 - B. Вилоят ҳокими
 - C. Институт ректори
 - D. Солиқ бошқармаси бошлиги
- 2. Географик объектлар номини давлат экспертизасидан ўтказадиган масъул ташкилотни белгиланг.**
 - A. Республика топонимик хизмат маркази
 - B. Ўзбекистон География жамияти
 - C. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
 - D. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- 3. Географик объектлар номларини давлат реестри бу ...**
 - A. Географик номларни давлат рўйхатидан ўтказиши
 - B. Номининг халқ орасида қўлланидиган шаклини танлаши
 - C. Жой номини тўғри расмийлаштириши
 - D. Географик номни лотин алифбосида ёзиши


4. Хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий, туристик алоқалар учун қандай ном тавсия этилади?

- A. Мамлакат ичіда расмий тан олинмаган номлар
- B. Фақат янги номлар тавсия этилади
- C. Мамлакат ичіда расмий тан олинған номлар
- D. Ҳар қандай ном тавсия этилади

5. Жой номларини стандартлаштириши билан шугулланадиган масъул ташкилотни белгиланг.

- A. Ўзбекистон Маданият вазирлиги
- B. Ўзбекистон География жасамияти
- C. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси
- D. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари
бўйича комиссияларнинг фаолият юритиши тартиби:**



3.2. ГЕОГРАФИК НОМЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ ВА ТАЛАФФУЗИ

Режса:

1. Жой номларининг ёзиши қоидалари ва грамматик хусусиятлари
2. Кўшима номларнинг морфологик таркиби ва уларни ёзиши тартиби
3. Ўзбекистон топонимларини стандартлаштириши муаммолари

 **Мавзунинг мақсади:** Географик номларнинг ёзиши қоидалари ва грамматик хусусиятлари ҳамда жой номларини миллий ва халқаро миқёсда стандартлаштириши бўйича амалга оширилган шилар билан яқиндан таништиришидан иборат.

 **Таянч ибора ва атамалар:** ном ёзиши тартиби, содда ва мураккаб ном, миллий ва халқаро миқёсда стандартлаштириши.

Жой номларининг ёзиш қоидалари ва грамматик хусусиятлари:

Топонимлар атоқли отларнинг бошқа турларидан грамматик жиҳатдан фарқ қиласди. Улар аксарият ҳолларда “икки ярим бир бутун” дегандек кўп компонентли сўзлардир. Бир таркибий қисмдан иборат жой номи кўпинча, топонимиканинг тежалиш қонуниятига кўра узоқ истеъмолда бўлиши оқибатида бирор унсуруни йўқотган географик ном ёки топонимик функциясини bemalol уддалаб келаётган рудимент - қадимий унсур бўлиши мумкин. Идеал топонимлар поликомпонентликни ёмон кўради, чунки улар ҳали узил-кесил топонимлик “паспорт”ини олмаган микротопонимлар монополияси ҳисобланади. Шу билан бирга идеал топонимлар монокомпонентликни ҳам ёқтирмайди, яъни улар биргина таркибий қисмдан иборат бўлмаслиги керак.

Географик номларнинг тўғри ёзилиши жуда муҳим ва мураккаб масала. Муҳимлиги шундаки, географик номдаги бирор ҳарф нотўғри ёзилиб қолса, фонетик ўзгаришлар оқибатида бутунлай бошқа маъноли топонимга айланиб кетиши мумкин. Топонимларнинг тўғри ёзилиши масаласининг мураккаблиги шундаки, улар турли тилларда бўлиб, аслида ўша тиллар

қоидаларига мувофиқ ёзилади. Бошқа тилларга ўтганда талаффузида ҳам, ёзилишида ҳам ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Кўпчилик мамлакатларда географик номларнинг тўғри ёзилишига катта аҳамият берилади. Масалан, Буюк Британияда Географик номлар қўмитаси, АҚШ да Географик номлар Кенгаши, Белгияда Топонимика ва диалектлар комиссияси географик номларнинг тўғри ёзилишини тартибга солиб туради. Россия Федерациясида Энциклопедия Бош таҳририяти топонимлар ва терминларнинг тўғри ёзилишини бошқаради.

Ўзбекистонда бу иш билан республика Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича республика комиссияси ҳамда уларни вилоят, шаҳар ва туманлардаги ҳудудий комиссиялари шуғулланади. Шунга қарамай жой номларини тўғри ёзишда чалкашликлар кўп учрайди. Чунки, уларни нуқсонсиз тўғри ёзиш, халқнинг умумий имловий саводхонлиги билан боғлиқ ва маълум даражада кишиларни билим ва маданий савиясини белгилайди.

Кундалик матбуотда, хусусан, газета ва журналларда, радио ва телевиденияда, дарсликларда, бадиий адабиётларда республика ва чет мамлакатларга оид минглаб географик номлар учрайди. Буларнинг ҳаммасини ҳам тўғри эканлигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Географик номларнинг ўзбекча ёзилиши маълум бир қатъий принципларга асосланган, мантиқли, бир-бирига боғлиқ қоидалардан иборат бўлиши ва бугунги кун талаби даражасига жавоб бериши лозим.

Ўзбекистон ҳудудидаги географик номлар ўзбек тили имлосининг амалдаги қоидалари асосида ёзилар экан, бу қоидаларнинг асосий мақсади ва вазифаси - ўзбек тилидаги дарсликларда, илмий-оммабоп ва сиёсий китобларда, даврий матбуот ва карталарда, турли лугатларда географик номларнинг ёзилишида умумий бирлик бўлишини тақоза қиласи.

Ҳозирда мавжуд бўлган географик номларни грамматик тузилишига кўра содда ва қўшма топонимларга ажратиш мумкин. Содда топонимлар ўз

навбатида, қўшимчасиз ва қўшимчали номларга бўлинади. Жой номи таркиби биргина отдан иборат бўлиб, унга бошқа бирон унсур қўшилмаса бундай номлар қўшимchasiz топонимлар ҳисобланади. С.Қораев қўшимchasiz топонимларни таҳлил қилиб уларни бир неча хилга бўлиб кўрсатган:

а) оддий географик ёки ижтимоий - иқтисодий терминлар шаклидаги топонимлар: Анҳор, Асбоб, Газа, Ём, Супа, Учма, Қудуқ ва ҳоказо;

б) уруг-аймоқ ва бошқа этник групкалар номлари билан аталадиган географик номлар (этнонимлар): Абдал, Буркут, Дуғлат, Манғит, Сайёд, Турк ва бошқалар;

в) кишиларнинг исм-фамилиялари, тахаллус, лақабларидан иборат топонимлар: Беруний, Мустафо, Навоий, Шодмон ва ҳоказо;

г) ўсимлик ва ҳайвон номларидан келиб чиққан жой номлари: Бодом, Дўлта, Ёнгоқ, Терақ, Чинор, Янтоқ ва бошқалар;

Қўшимчали топонимлар таркибида отга қандайдир қўшимча - аффикс қўшиб ясалади. Бундай географик номлар таркибида қуйидаги қўшимчалар (аффикслар) кўп учрайди:

- **гоҳ** - Жангоҳ, Намозгоҳ, Сайилгоҳ;
- **зор** - Бодомзор, Сангзор, Чилонзор;
- истон** - Регистон, Боғистон, Гулистон;
- ия** - Мингия, Шоҳруҳия, Юзия;
- кор** - Лалмикор, Паҳтакор, Шоликор;
- лар** - Араблар, Беклар, Шайхлар;
- ли** - Анжирили, Бурганли, Бетагали;
- лик** - Атторлик, Заргарлик, Қассоблик;
- лоқ** - Санглоқ, Тошлоқ, Қумлоқ;
- он** - Сўзангарон, Саррофон, Заргарон;
- от** - Богот, Работот, Қишлоқот;
- ча** - Дўрмонча, Қизилча, Кўргонча;
- чи** - Бўйрачи, Тақачи, Темирчи;

Кўшма топонимлар икки ва ундан ортиқ таркибий қисмлардан ташкил топади: Бешариқ, Янгиқўрғон, Яккатут, Гишткўприк ва ҳоказо. Бундай географик номлар грамматик жиҳатдан бир неча турга бўлиниади. Ўзбек тилида икки ва ундан ортиқ сўзлардан (турдош отлардан) иборат (мураккаб) географик номлар қўшиб ёзилади. Масалан:

От + от: Туркравот, Ганиқишлоқ, Қоровулбозор, Қумқўрғон

Сифат + от: Ёмонжар, Каттақишлоқ, Узунқудук, Етимтоғ

Сон + от: Бешбулоқ, Еттикечув, Мингчинор, Тўқсонкамар

От + феъл: Сойкелди, Қўйқирилган, Тангатопди, Қумбосди

Биринчи таркибий қисми сифатдан, иккинчи таркибий қисми географик атамадан иборат бўлганда: Баландравот, Оққўрғон, Оқтепа, Кўкбулоқ, Кўкгумбаз, Сарисув, Сариқтепа, Қизилсув, Қизилсой, Қизилқум, Юқориовул, Этаковул, Ўртачек, Ўртасарой каби ёзилади.

Биринчи таркибий қисми сондан, иккинчи таркибий қисми географик терминдан иборат бўлганда: Бешариқ, Ёлғизбоғ, Ёлғизқутчи, Яккасарой, Яккатол шаклида ёзилади. Биринчи таркибий қисми тартиб сондан, иккинчи қисми географик атамадан иборат бўлганда: Иккинчисолма, Еттинчиқўтириш шаклида ёзиш мақсадга мувофиқдир.

Айтиш жоизки, қўшма географик номлар тадқиқида уларнинг ясалиш усусларини белгилаш, аниқлаш айниқса муҳимдир. Мутахассисларнинг ёзишича, тил тараққиёти жараёнида маълум типдаги сўз бирикмаси ягона лексик маъно касб этиши натижасида синтактик бирликдан лексик бирликка айланади - қўшма сўз юзага келади. Масалан, Оқжар, Шўрсув, Янгиқўрғон, Қоратепа каби жой номлари шу йўл билан пайдо бўлган қўшма сўзлар сирасига киради.

Қўшма номларнинг морфологик таркибига кўра типларга бўлиниши:

1. **От + от:** Бу типдаги қўшма топонимларнинг иккинчи қисми кўпинча географик терминдан (қишлоқ, овул, тепа, чўл, боғ, булок, қудук ва ҳоказо) ташкил топган бўлади. Уларнинг биринчи таркибий қисми эса

киши исмлари (фамилияси)дан (Шофайзикудуқ, Ҳошимдашт, И smoилтепа), этнонимлардан (Найманарик, Арабмозор, Қозоқовул, Туркравот), фитонимлардан (Теракмозор, Жийдақишлоқ, Толқишлоқ) иборат бўлиши мумкин. Ҳар иккала таркибий қисми терминлардан (географик ва ижтимоий-иқтисодий) ташкил топган топонимлар ҳам мавжуд. (Қоровулбозор, Тошбулоқ, Қумқудук).

2. Сифат + от: Бу қолипдаги қўшма топонимларнинг биринчи қисми ранг - тус билдирувчи (Оқтепа, Кўкжар, Қизилбулоқ, Қорақум, Қорасой), кўлам билдирувчи (Каттақишлоқ, Пастқишлоқ, Кичикқўрғонча, Ўртакўрғон, Чуқурқишлоқ, Этакмаҳалла), маза - таъм ифодаловчи (Аччиққўл, Шўрсув, Шириңқудук), иккинчи қисми географик терминлардан иборат бўлади.

3. Соn + от: Ушбу қолипда ясалган қўшма географик номларнинг биринчи таркибий қисми сондан (уч, беш, олти, тўққиз, қирқ, минг ва хоказо), иккинчи таркибий қисми географик атамадан (Бешбулоқ, Учарик, Ёлғизқум, Яккасарой, Учтол, Олтиҳовуз, Бешқайрағоч) ташкил топган бўлади.

4. От + феъл ва феъл + от: Бу қолипдаги қўшма номлар от билан феълнинг ҳамда феъл билан отнинг бирикувидан (Тошкесар, Қайнарбулоқ, Охунқайнар, Сойкелди, Қолгандарё) ташкил топади.

Топонимлар қуидаги ҳолларда ажратиб ёзилади: Географик ном олдида қандайдир сифат келганда:

- а) Катта Оқтепа, Катта Бешкапа, Катта Найманча;
- б) Кичик Аравон, Кичик Кўрғонча, Кичик Найманча;
- с) Пастки Оёқчи, Пастки Қорақия, Пастки Уйшун;
- г) Қуий Жанафар, Қуий Бешравот, Қуий Шўробод;
- д) Эски Элбаён, Эски Хўжаобод, Эски Ҳаққулобод;
- е) Этак Сарой, Этак Оққўрғон, Этак Қорамозор;
- и) Ўрта Қорабоғ, Ўрта Шўрчи, Ўрта Сайдов;
- ж) Юқори Арабхона, Юқори Учма, Юқори Қорақия;
- з) Янги Найнова, Янги Бўстон, Янги Гулбоғ.

Кишиларнинг исм-фамилияларидан, тахаллусларидан иборат географик номлар алоҳида (айрим ҳолда) ёзилади: Ғафур Гулом кўчаси, Алишер Навоий шоҳқўчаси, Шароф Рашидов шоҳқўчаси, Ҳабиб Абдулаев кўчаси, Абдулла Қодирий кўчаси, каби кўп сўзли номлар ажратиб ёзилади.

Топонимлар қўйидаги ҳолларда қўштириноқ ичиға олинади: Завод-фабрикалар, ширкат хўжаликлари, фирмаларнинг номлари қўштириноқ билан ёзилади: «GM-Ўзбекистон» кўшма корхонаси, “Атлас” тўқимачилик комбинати, «Тошкент» ширкат хўжалиги, «Зомин» жамоа хўжалиги, «Малика» трикотаж фабрикаси, «Зилолатекс» акциядорлик жамияти ва ҳоказо. Матбуот органлари номи билан аталган географик объектларнинг номлари карталарда қўштириноқсиз ёзилади: Ўзбекистон овози газетаси кўчаси, Даракчи кўчаси, Шарқ юлдзузи сув истеъмолчилари уюшмаси.

Географик номларни сонлар билан ёзиш тартиби: Географик номлар таркибиغا кирган тартиб сонлар номнинг олдинги қисмида, биринчи ўрнида сўз билан ёзилади: Еттинчи қўтирилган, Бешинчи бўлим, Саккизинчи хўжалик ва ҳоказо.

Жой номлари таркибидаги географик терминларни ёзиш тартиби: Географик объектнинг турини билдирадиган сўзлар географик терминлар ҳисобланади. Масалан, кўл, чўл, тоғ, адир, ариқ, орол, қудук, муз, қирғоқ, қир, ботиқ, водий, сой, канал ва ҳоказо. Географик терминлар турдош отлар бўлганида географик номдан кейин кичик ҳарфлар билан алоҳида ёзилади.

Географик терминлар топонимлар таркибиغا кирганда қўшиб ёзилади ва шу географик номлардан кейин яна такрорланиши мумкин: Қоратоғ тоғи, Оқтепа тепалиги, Сирдарё дарёси, Каттақишлоқ қишлоғи, Иссиққўл кўли, Тандирқум қумлиги. Хариталарда аҳоли пунктларининг номлари ёнида уларнинг турларини билдирадиган сўзлар (шаҳар, қишлоқ, овул, шаҳарча ва бошқа) ёзилмайди.

Географик номлар таркибидаги терминлар ва бошқа сўзларнинг талаффуз шаклидаги хилма-хиллик: Айрим географик номлар таркибида жонли тилда қўлланиб келаётган терминлар ҳам учрайди. Улар илмий

адабиётларда қабул қилинган терминлардан фарқ қилиб, фақатгина шеваларда кўлланилиши мумкин. Бундай ҳолларда шеваларда фойдаланадиган терминлар ўрнига адабий тил атамалари ишлатилмайди, аксинча уларни асл шакли номлар таркибида сақланиб қолинади. Маҳаллий терминлар турли жойларда турлича талаффуз қилиниши мумкин. Шу сабабдан, жонли тил сўзларидан иборат терминларнинг талаффуз шакли жой номлари ёзилишида сақланиб қолади. Масалан: Жамонжар, Желлигули, Сулувжўна ва ҳоказо.

Географик номлар ёзилишида дефиснинг ўрни: Биринчи таркибий қисми от ёки сифатдан, иккинчи компоненти атоқли отдан иборат бўлган номларнинг ҳар икки таркибий қисми катта ҳарфлар билан ёзилади ва бир-биридан дефис (лотинча, дивисио-“ажралиш, бўлиниш”) орқали ажратилади. Дефис - номларни қисмга бўлишда қўлланиладиган белги, чизиқча (-). Топонимлар дефис орқали ажратилганда, ҳар икки компоненти ҳам катта ҳарфлар билан ёзилади: Чигатой - Оқтепа, Исори - Ўроқли, Қўштепа - Сарой, Хароба - Қулончи, Жўжа-Араб, Лойқа-Ўрай ва бошқалар. Баъзи қўшалоқ сўзлардан иборат топонимлар орасида дефис қўйилади ва номнинг иккинчи таркибий қисми кичик ҳарф билан ёзилади: Ана-муна, Чақар-чукур. Биринчи таркибий қисми феъл, иккинчи таркибий қисми топоним бўлган географик номлар: Қолган-Сир, Қолган-Чирчиқ каби ёзилади.

Кўпчилик халқларда географик номларни ёзишда транскрипция усули энг кўп қўлланилади. Юқорида қайд қилингандек, транскрипция деганда географик номларни талаффузига қараб ёзиш, яъни қулоққа қандай эшитилган бўлса, шундай ёзиш тушунилади. Шуни таъкидлаш жоизки, топонимикада транскрипция кенгроқ маънода ҳам қўлланилади. Бунда географик номлар транскрипцияси деганда талаффузига кўра ёзиш ҳам, таржима ҳам, қандай ёзиш масаласи ҳам, умуман географик номлар имлосининг барча масалалари назарда тутилади.

Географик номларни талаффузига қараб ёзиш кўпинча тўлиқ бўлмайди. Чунки, бошқа тилларда мавжуд бўлган баъзи бир ҳарф ва товушлар ўзбек тилида бўлмаслиги мумкин. Масалан, рус тилидаги щ, ы ҳарфлари ўзбек

тилида йўқ ёки ўзбек тилида мавжуд бўлган қ, ў, ғ, х ҳарфлари рус тилида қўлланилмайди. Бундай ҳолларда тилда йўқ товушлар уларга яқинроқ бўлган бошқа товушлар (ҳарфлар) билан алмаштирилади.

Хорижий тилларидаги географик номларни ёзишда баъзан транслитерация усули қўлланилади. Бунда номлар бирон бошқа тилдан кўчирилганида ҳарфма-ҳарф ёзиш, яъни, чет тили алифбосидаги ҳарфларни ўзбек тилидаги ҳарфлар билан алмаштирилиб ёзилади. Сўзнинг қандай талаффуз қилиниши эътиборга олинмайди. Умуман, олганда ҳар бир географик номнинг маҳаллий тилдаги асл талаффузига яқинлаштириб ёзишга ҳаракат қилинади.

Кўшма географик номларни ёзишда кўпинча хатога йўл қўйилади. Айрим географик карталарда бундай номлар бир жойда қўшиб ёзилган (Каттақўрғон, Корасув) бўлса, бошқа жойда уларни ажратиб ёзилганини (Мойли сув) кўриш мумкин. Агар, мураккаб (кўшма) географик номларнинг иккинчи ўзаги (компоненти) атоқли от бўлса, уларнинг ҳар бири алоҳида - алоҳида ва бош ҳарф билан ёзилади. Масалан, Эски Тошкент, Юқори Чирчик, Кўхна Урганч ва ҳоказо.

Мабодо, мураккаб географик номларнинг иккинчи компоненти турдош от бўлса, у ҳолда қўшиб ёзилади. Каттақўрғон, Янгийўл, Жумабозор, Бекобод. Мураккаб географик номларнинг ҳар иккала компоненти бош келишикдаги атоқли отлардан иборат бўлса, у ҳолда дефис орқали бош ҳарф билан ёзилади; Орехово-Зуево, Волга-Дон ва бошқалар.

Илгари географик номларни ўзбек тилида ёзишни осонлаштириш учун рус тилидаги манбалар: - атлас, карта, луғат, қўлланмалар асос қилиб олинган эди. Бу ҳолат географик номларни ўзбек тилида ёзишни осонлаштирган бўлса ҳам, аммо русча ёзишда йўл қўйилган хатоларни ўзбек тилида такрорланишига олиб келган. Натижада, номларни русча ёзишда йўл қўйилган хатолар ўзбек тилида ҳам такрорланган. Масалан, Лишбоа - Лиссабон, Ҳамбург - Гамбург, Ҳолланд - Голландия, Хенова - Генуя, Наполи - Неапол деб хато ёзилган. Йўл қўйилган хатоларнинг бир қисмини тўғрилаш

мумкин, аммо, уларнинг кўплари анъанавий номларга айланиб улгурган ва эндиликда шундай ҳолатда ёзилаверади.

Рус тилида географик номлар баъзан бош келишикда (м. Челюскин, г. Амундсен, о. Рудолф), кўпинча қаратқич келишикда (мис Дежнева, остров Врангеля, гора Кука, пролив Лаперуза) ёзилади. Ўзбек тилида бундай номларнинг ҳаммаси, рус тилида қандай ёзилганидан қатъий назар, бош келишикда ёзиш керак бўлади. Масалан, Челюскин бурни, Амундсен тоғи, Рудолф кўли, Дежнев бурни, Врангел ороли, Кук тоғи, Лаперуз бўғози.

Ўзбек тилида анъанавий бўлиб қолган ва қадимдан муайян шаклда ёзилиб келинаётган топонимларнинг талаффузи ҳам, ёзилиши ҳам бир хил, уларни ўзгартиришга ҳожат йўқ. Улар ўзбек тилида ўнлаб ва юзлаб йиллар давомида бир хил ёзилиб келмоқда. Бу турдаги топонимлар қадимги илмий, тарихий, саёҳатнома ҳамда бадиий асарларда кўп учрайдиган, асосан шарқ мамлакатларига тегишли номлардир: Бағдод, Ироқ, Миср, Техрон, Ҳирот, Эрон, Марокаш, Дамашқ, Балх ва ҳоказо. Рус тилида анъанавий бўлиб қолган бир қатор географик номлар ўзбек тилига ўтиб, шундайлигича сақланиб қолган: Англия (Ингланд), Осло (Усло), Рим (Рома), Финляндия (Суоми), Франция (Франс), Япония (Ниппон) ва бошқалар.

Анъанавий номлар ҳам ўзгариши ёки ижтимоий эҳтиёж туфайли жонли тилдаги янги номлар билан алмashiши, агар хато бўлса тузатилиши мумкин. Масалан, Африқо - Африка, Амириқо - Америка деб тузатилди. Бахри Муҳити Кабир - Тинч океан, Бахри Муҳити Атласий - Атлантика океани, Бахри Муҳити Ҳиндий - Ҳинд океани, Бахри Ҳазар - Каспий денгизи деб, аташ маъқул топилди.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин (1989 йил) ўзбек тилини четдан, асосан рус тилидан кириб келган ёт сўзлардан тозалаш баҳонаси билан янги анъанавий номларни яна эски номлар билан алмаштиришга уринишлар бўлди. Океан - уммон, материк - қаррат, тропика - мадор, ҳатто география сўзи ўрнига жўғрофия каби эскириб, муомаладан чиқиб кетган сўзлар таклиф этилган. Соҳа

мутахассисларининг фикрича, бу ишда хатолар бўлса тузатиш лозим, аммо эскисига ноўрин қайтиш ҳеч ҳам керак эмас.

Таржима қилинадиган ва қилинмайдиган номлар: Топонимлар ҳам исмлар каби қўпинча таржима қилинмайди. Шу билан бирга, жаҳон географияси ва картографияси тажрибасида баъзи, номларни ҳамма тилларда қисман ёки бутунлай таржима қилиш анъанаси мавжуд. Бундай анъана ўзбек тилига ҳам тадбиқ этилди ва айрим халқаро номлар ўзбекчага таржима қилинган. Одатда бир қанча халқлар яшайдиган ҳудудларга тегишли бўлган йирик географик обьектлар номлари, агар у обьектнинг табиий хусусиятларига боғлиқ бўлса тўлиқ таржима қилинади. Масалан: Ўзбек тилидаги - Қора денгиз, рус тилида - Черное море, немис тилида - Шварзес Меерс деб, таржима қилинган.

Худди шундай Яхши Умид бурни, Кўк Нил, Қизил денгиз, Ўрта денгиз, Катта Сувайирғич тизмаси, Қояли тоғлар, Оловли Ер ороли каби кўпчилик номлар ҳам таржима қилинади. Икки ва ундан ортиқ сўздан иборат бўлган географик номлар қисман таржима қилинади. Бунда мураккаб географик номларнинг аниқловчидан иборат бўлган қисми таржима қилиниб, атоқли отдан иборат қисми таржима қилинмайди.

Асосий ном фонетик транскрипцияга мувофиқ ўзича ёзилаверади. Масалан, Новая Гвинея - Янги Гвинея, Малий Атлас - Кичик Атлас, Новая Каледония - Янги Каледония ва ҳоказо. Тўлиқ ва қисман таржима қилиш усули маъмурий ва сиёсий географик номларга, шаҳарлар, қишлоқлар номларига қўлланилмайди. Масалан, Янгиқўргон, Яккабоғ, Кўктерак бошқа тилларда таржима қилинмай ёзилаверади. Худди шундай Великие Луки, Кривой Рог, Нижний Тагил, Нижний Новгород каби номлар ҳам ўзбек тилида ўз шаклида ёзилаверади.

Географик номларнинг ёзилишини қатъийлаштириш: Давлат ҳокимияти ва фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларида, алоқа, транспорт, статистика, оммавий ахборот воситаларида, географик карталар ва атласларда, шунинdek иқтисодиёт, фан, маданият, спорт, жамоат

бирлашмаларида, юридик ва жисмоний шахслар томонидан географик ном қатъяни бир шаклда ёзилишига эришиш давлатнинг суверенлигини кўрсатувчи далиллардан биридир.

Бошқача айтганда, ҳар бир географик объект номининг расмий ва умумистеъмолда бир хилда ёзилишини қатъйлаштириш, қонунлаштириш топонимларни стандартлаш дейилади. Агар бундай вазифа биргина давлатнинг манфаатларини кўзлаб бир тил воситасида амалга ошириладиган бўлса, бу географик номларни миллий стандартлаш деб юритилади. Бу иш халқаро алоқалар тобора авж олаётган ҳозирги даврда бир неча давлатларнинг муштарак манфаатларини кўзлаб амалга оширилса, унда географик номларни халқаро миқёсда стандартлаш лозим бўлади. Халқаро стандартлаш эса доимо миллий стандартларга асосланиши керак.

Ҳозирги вақтда географик номларни миллий стандартлаш бир қатор ривожланган ва ривожланаётган давлатларда амалга ошириляпти. Жой номларини стандартлаш муаммолари нафақат миллий, балки халқаро илмий ва ҳукуматлараро ташкилотларнинг ҳам диққат эътиборини тобора кўпроқ ўзига жалб қилмоқда. Халқаро ономастика фанлари қўмитаси (ИГОС), Халқаро фонетика ассоциацияси (ИПА), Антарктикані ўрганиш илмий комитети (СГАР), Жаҳон почтаси уюшмаси (УПИ), Халқаро стандартлаш ташкилоти (ИСО) ана шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, сўнгти йилларда географик номларни стандартлаш муаммоларига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) катта аҳамият бермоқда. БМТ томонидан чақирилган ва топонимларни стандартлашга бағищланган бир неча конференцияларни ўtkазилиши ҳамда БМТ нинг жой номлари бўйича Экспертлар гурӯҳи фаолияти бунга далилдир.

БМТ нинг географик номлар бўйича Экспертлар гурӯҳи (UNEGN) тавсиясига кўра картографик ташкилотлар ва уларни ишлаб чиқариш корхоналари аҳоли пунктлари регистри, топонимик маълумотлар базасини яратишда ҳамда турли мақсадларда атлас ва карталар, стандартлашган географик номлар рўйхатини тузишда ҳамда бошқа ахборотлашган

маълумотлар ва картографик маҳсулотлар ишлаб чиқишида қуидаги умумий принципларга амал қилиши керак:

- ❖ рўйхатга олинадиган географик объектнинг номи расмий ва архив маълумотлар билан тасдиқланган бўлиши лозим;
- ❖ географик номлар давлатнинг масъул ташкилоти томонидан стандартлаштилган бўлиши керак;
- ❖ географик объектга фақат битта географик ном берилиши мумкин;
- ❖ кириллица ва бошқа лотин алифбосидан фойдаланмайдиган давлатлар, БМТ томонидан тасдиқланган ва халқаро миқёсда қўлланишга мўжалланган ҳамда ўзларида ишлаб чиқилган транслитерация усулига мувофиқ географик номларни лотин алифбосида ёзиши керак;
- ❖ географик номларни ёзилиши ва тўғри талаффузи лисоний (лингвистик) қоидалага асосланган бўлиши лозим.

Шундай қилиб, топонимларни стандартлаш муаммоси эндиликда давлатни ички масаласи бўлиб қолмай, балки, халқаро аҳамият касб этмоқда. Мамлакат ичида миллий шакли расман тан олинган ва қатъийлашган топонимлар, халқаро миқёсда тўғри қўлланиши ҳамда халқаро шартнома ва келишувларда, давлатлараро чегараларни демаркация ва делимитация қилишда, халқаро денгиз, ҳаво ва қуруқликдаги юк ташишида, картографик маълумотлар тўплашда, почта ва телеграф орқали халқаро ахборотларни алмаштиришда тан олиниши ва тўғри акс этиши шарт.

Географик объектлар номларини стандартлаш, яъни, қўллаш учун мажбурий бўлган шаклини аниқлаш ва белгилаш ҳар бир давлатнинг ички ишидир. Шуни ҳам унитмаслик лозимки, географик объектларнинг номларини стандартлаш учун, унинг миллий шакли асос вазифасини бажариши керак. Бунинг маъноси шуки, мамлакат ичида расмий тан олинган номларгина халқаро истеъмол учун тавсия этилади. Географик объектлар номини стандартлаш ва уларни бошқа тилларда қўллаш учун ишлаб чиқилган

тартиб-қоидалар картограф ва топонимистлар ишини анча енгиллаштиради ва тартибга солади.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, айрим давлатлар номининг анъанавий шакли мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган тартиб-қоидаларга тўла мос келмайди. Бундай давлатлар номи мустасно тариқасида таржима қилинади ёки уларни анъанавий шакли қандай бўлса шундай ёзилади. Масалан, “Франс” - Франсия, “Бхарат” - Хиндистон, “Ниппон” - Япония, “Суоми” - Финландия, “Эстеррайх”- Австрия ва ҳоказо. Анъанавий бўлиб қолган айрим давлатлар номи, ҳозирги ўзбек тилига бошқа тиллар, жумладан, рус тили орқали ўзлашганлиги сабабли, уларни русча шакли ёки муайян ўзгаришлар билан қабул қилинган.

Қўйидаги жадвалда айрим ҳозирги давлатлар номининг ўзбек тилидаги анъанавий шакли кўрсатилган:

Яратилган тилда	Ўқилиши керак	Русча шакли	Ўзбекча шакли
Argentina	Архентина	Аргентина	Аргентина
Brazil	Бразил	Бразилия	Бразилия
Ekuador	Экуадор	Эквадор	Эквадор
Norge	Норге	Норвегия	Норвегия
Romania	Романия	Руминия	Руминия

Ўзбекистон топонимларини стандартлаштириш муаммолари:

Маълумки, узоқ вақт қарам бўлиб келган ва яқинда мустақил тараққиёт йўлига кирган Ўзбекистонда, илгари географик обьектларнинг номлари топографик карталарда метрополиядан келган мутахассислар ва топографлар томонидан аниқланган шаклларда ёзилган эди. Мустақилликдан кейин халқнинг миллий онги, тафаккури ва топонимик маданиятини ўсиши натижасида географик номларнинг миллий талаффуз ва ёзилиш шаклларини тиклаш ва миллийлаштириш жараёни бошланди.

Республикада биринчи бўлиб Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Ерғеодезқадастр» давлат қўмитаси қошидаги Геодезия ва картография

миллий марказининг топонимика лабораторияси мамлакатдаги географик объектларнинг қатъийлаштирилган номлар луғатини яратиш устида иш олиб борди. Натижада, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан кейинги йилларда 1:1000000, 1:500000 ва 1:200000 масштабдаги топографик карталарда учрайдиган барча географик номларга карточкалар очилди. Уларнинг барчаси компьютер хотирасига киритилди ва географик номларнинг ягона электрон базаси яратилди.

Географик объектнинг ўрни, тури, номнинг давлат тилидаги шакли, кирилл ва лотин алифбосидаги ёзуви аниқланиб ягона электрон базага киритилди. Бу ўз навбатида республикадаги йирик географик объектлар номларининг қатъийлаштирилган шакллари юзасидан давлат ҳокимияти органлари ва картографик корхоналарнинг эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Яқин йилларда 1:100000 ва 1:50000 масштабли топографик карталардаги географик объект номларини ягона электрон базасини яратиш назарда тутилган. Шу йўсинда географик номларнинг автоматлаштирилган давлат каталоги вужудга келади. Бундай каталогни яратиш жараёнида унинг ахборот, дастурый ва техникавий таъминотларини ишлаб чиқиши талаб этилади.

Ахборот таъминоти деганда - географик номларни жамлаш, сақлаш, назорат қилиш, ахборот кодлари, хужжат кўрсатгичлари ва уларни доимо назорат қилиш усуслари тушунилади. Дастурый таъминот - каталогларни доимо бир маромда ишлаб туришига имкон берадиган дастурый воситаларни ўз ичига олади. Техникавий таъминот деганда - ахборотларни киритиш, сақлаш ва қайта ишлашга мўжалланган ва бир-бирига уланган техникавий воситалар, яъни, энг сўнгги русумли компьютерлар йифиндиси назарда тутилади.

2011 йил 12 октябрда «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни қабул қилинди. Мазкур Конуннинг асосий талабларидан бири географик объектларнинг номларини стандартлаш, жой номларининг давлат реестрини юритиш, географик

объектлар номларини давлат экспертизасидан ўтказиш каби бир қатор ишларни амалга оширишдан иборат.

Географик номларнинг ёзилиш шаклларини стандартлаш, яъни карта, атлас, расмий хужжатлар, илмий асарлар, дарсликлар, матбуот органларида бир хилда ёзилишини таъминлаш, республика тарихида илк бор амалга оширилаётганлиги сабабли, ўта қийин ва масъулиятли вазифа ҳисобланади. Бу ишнинг қийинлиги шундаки, неча минглаб жой номлари шаклида учрайдиган ёки уларнинг таркибидаги географик терминлар, ўсимлик ва ҳайвонлар номлари, этник бирликлар номлари, ҳатто киши исмлари ҳам турли жойларда турлича фонетик, семантик шаклларда муҳрланиб қолган.

Географик номларни стандартлашда жой номининг ўрни, номланган объект хили, номнинг семантикаси, этмологияси каби маълумотлар йиғилади. Барча маълумотлар, географик номларнинг автоматлаштирилган маълумот жамламасига (компьютерга) киритилади ва ҳар бир ном рақамланиб ҳисобга олинади. Мураккаб ва масъулиятли бўлган бу ишга географ, филолог, тарихчи топонимист олимлар жалб қилинади. Улар ёрдамида географик номларнинг ўзбекча (кирилл ва лотин алифболарида) ва русча ёзилиши қатъйлаштирилади.

Қонунда географик объектлар номларини давлат реестрини тузиш назарда тутилган. Географик объектлар номларини давлат реестри - бу географик номларни давлат рўйхатидан ўтказиш мақсадида юритиладиган ва объектлар номларига таалуқли бўлган барча маълумотларни тизимлаштирилган ва автоматлаштирилган тўплами (базаси) ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий, туристик алоқалар ривожланаётган ҳозирги даврда, географик номларнинг миллий шаклларини ўзбек тилида ва лотин алифбосида чоп этиш шарт. Сабаби, юқорида қайд қилингандек, географик номларнинг миллий шакли уларни стандартлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Бунинг маъноси шуки, мамлакат ичida расмий тан олинган номларгина халқаро истеъмол учун тавсия этилади.

Ууман олганда, географик номларни стандартлашда ўзбек адабий тили меъёrlарига амал қилиш зарур, истиснолар эса ҳамма тилларда ва барча лексик қатламларда учрайди. Ўзбекистон топонимларининг ягона ва қатъий ёзилиш шакллари ҳозиргача яратилмаганлиги, хужжатларни расмийлаштириш ҳамда географик карталар яратишида салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабдан, географик номларнинг маҳаллий шаклини тезроқ расмий қўллашга киритиш зарур.

Мухтасар айтганда, географик номнинг маҳаллий шаклини расмий ном сифатида тан олиш керак ва уларни ўзбек тилини ҳозирги қонуниятларига асосан расмийлаштириш зарур. Ҳар қандай шароитда ҳам, асосий талаб жой номининг халқ орасида қўлланидиган шаклини танлаш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, минтақавий топонимиянинг ўзига хос хусусиятларига ҳамда, унинг ноёб миллий этномаданий ландшафтiga путур етади.

Анъанавий номлар: Қадимдан қўлланиб келинаётган ва халқ тилида жуда мустаҳкам ўрнашиб қолган географик номларни анъанавий номлар дейиши мумкин. Улар топонимлар орасида маълум бир гурухни ташкил этади. Таниқли топонимист олим Ҳ.Ҳасанов таъкидлашича, бундай номларнинг ёзилишида ва талаффузида икки хиллик йўқ, булар ҳам матбуотда, ҳам дарслик ва китобларда, ҳам карталарда ҳамиша бир шаклда ёзилиб келинади. Анъанавий номларга кўпинча маҳаллий топонимия ҳамда халқ тилида азалдан қўлланиб келаётган ва жуда мустаҳкам ўрин олган географик номлар мисол бўлади.

Маълумки, республика топонимияси таркибидаги Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона каби номлар бир неча асрлардан буён қадимий тарихий, илмий манбаларда, саёҳатнома ва бадиий адабиётларда қўлланиб келинмоқда. Улар нафақат ўтмиш «гувоҳлари» сифатида халқимизга яхши таниш, балки дунё халқлари орасида ҳам маълум ва машҳур номлар ҳисобланади. Улар ўзбек тилида қандай талаффуз қилинса, бошқа халқлар тилида ҳам айнан шундай талаффуз қилиш анъанага айланиб кетган.

Шарқ мамлакатлар топонимияси таркибидаги Ироқ, Миср, Ҳиндистон, Арабистон, Яман, Эрон, Бағдод, Ҳирот, Қашғар, Хуресон каби кўплаб номлар ўзбек тилига қадимдан ўзлашган ва улар доимо бир хил шаклда ёзилади. Бу номлар ўша мамлакат тилида қандай талаффуз этилса, ўзбекчада ҳам айни шудай талаффуз этиладиган бўлиб кетган. Ўзбек тилида мустаҳкам ўрнашиб анъанавий бўлиб қолган бундай номлар республика топонимияси таркибида ҳам ўз аксини топган. Бунга республика ҳудудидаги Бағдод, Хуресон, Қашғар, Миср, Балх каби аҳоли пунктлари номлари мисол бўлади.

Айрим шарқ мамлакатларининг номлари Европа халқлари тилида ўзгача ёзиб ва талаффуз қилинишидан қатъий назар, уларнинг номи ўзбек тилида узоқ ўтмишда ҳам ва ҳозирда ҳам бир хил ёзилади ва талаффуз қилинади. Масалан, ҳозирги Эрон давлати XX асрнинг ўттизинчи йилларигача Европада, жумладан Россияда Персия деб аталган, аммо Ўрта Осиё халқларига эса, қадимдан бу давлат Эрон номи билан маълум. Бошқа мисол, русча Египет эса инглизча Egypt дан олинган, аслида бу мамлакатнинг маҳаллий номи Миср, шу сабабдан ўзбек тилига арабча шакли айнан ўзлашган ва бугунги кунда давлат номи ўзбек тилида Миср Араб Республикаси деб ёзилади ва талаффуз қилинади.

Ўтмишда машҳур бўлган, ҳозир тарихий карталарда муҳрланган Фарангистон, Сўғдиёна, Уструшона, Чин, Шом, Рум, Даشت Қипчоқ каби анъанавий номлар ҳам бор. Ўзбек тилида кўп йиллар давомида Хитой номи билан бирга Чин номи ҳам синоним сифатида қўлланиб келинган. Айтиш мумкинки, ўтмишда Чин номи кўпроқ машҳур бўлган ва чин сўзидан от ва сифатлар ҳам ясалган (чинни гул, чинни коса, чинни пиёла ва ҳоказо). Ўрта Осиё халқлари тилида, сўнгги аср давомида номнинг Хитой шакли кўпроқ қўлланилганлиги туфайли, давлат номи сифатида Чин сўзидан устунлик қилди ва анъанавий номга айланиб қолди.

Ҳозирда бизга анъанавий бўлиб қолган, баъзи бир номлар рус тили орқали ўзбек тилига ўтганлиги боис, улар кўпинча русча шаклида ёзилади ва талаффуз этилади. Масалан, (қавс ичида асл маҳаллий шакли ёзилди) Рим

(Рома), Франция (Франс), Австрия (Эстеррейх), Неаполь (Наполи), Норвегия (Норге), Париж (Пари), Генуя (Хенова), Женева (Хинебра), Финляндия (Суоми), Япония (Ниппон) ва бошқалар. Ҳ.Ҳасанов тъбири билан айтганда, анъанавий номларнинг ишлатилишида географияда яна бир қонуният бор, яъни шуни унутмаслик керакки, анъанавий ном фақат бир жойгагина тааллуқли бўлади.

Бошқа ердаги шу номли жойлар анъанавий шаклда эмас, балки ўша мамлакатнинг ўзида қандай ёзилса, шундай ёзилиши керак. Чунончи, Мисрдаги Искандария биз учун анъанавий ном, аммо АҚШ даги Александрия шаҳрини номини Искандария деб ёзиш хато ҳисобланади. Австралиядаги йирик шаҳарлардан бирининг номини Сидней деб ёзамиз, Англия ва АҚШ даги худи шу ном билан аталадиган шаҳарлар Сидни шаклида ёзилиши керак. Олимнинг ёзишича, АҚШ нинг турли штатларида номига рус (инглизча rash) сўзи қўшилиб ясалган 12 та жой бор, лекин улар инглизча талафғузга тўғрилаб Раш деб ёзилаверади. (Раш дарёси, Раш кўли, Рашвилл шаҳарчаси, Рашсити, Рашфорд ва ҳоказо).

Узоқ йиллар давомида бизга анъанавий бўлиб келган номларни кейинчалик янги номлар билан алмаштириш ҳодисаси ҳам кузатилади. Масалан, Чин - Хитой, Гуржистон - Грузия, Юнонистон - Греция, Бахри Хазар - Каспий денгизи, Можористон - Венгрия ва бошқалар. Бу номлар ҳозирда анъанавий бўлиб қолган, уларни алмаштиришга ҳеч қандай ҳожат йўқ, балки шу шаклда стандартлаш мақсадга мувофиқдир. Шуни ҳам унитмаслик керакки, анъанавий номни ҳам бошқа номлар қаторида ҳурмат билан тилга олиш зарур ва уларни барчаси ҳар қандай мамлакат топонимиясида teng ҳуқуқли географик ном ҳисобланади.

Ўзбек тилига ўзлашган номлар орасида талабга жавоб бермаганлиги туфайли, уни оммабоп ва тушунарлиси билан алмаштириш ҳодисаси ҳам кузатилган. Ҳозирги Европа номи бунга яққол мисол бўлади. Маълумки, бу ном Ўрта Осиёга XIX -аср охирларида Оврупо шаклида кириб келган. Ярим асрдан кўпроқ вақт давомида бу ном - Европа, Европа, Явропа каби

шаклларда ёзилган. 1949 йилдан бошлаб, бу номни Европа шаклида ёзиш маъқул топилди. Барча анъанавий номлар бундан кейин ҳам шу шаклда ёзилаверади, деб бўлмайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг географик номларни стандартлаш юзасидан ўтказган халқаро конференцияларида анъанавий номларни камайтириш ва фақат миллий шаклларни қабул қилиш тавсия этилган. Бу жуда тўғри, аммо мураккаб ва мешақатли иш.

Бир номнинг бир неча хилда ёзилиши уни анъанавий эмаслигидан дарак беради. Шу сабабдан, уларнинг ягона миллий шаклини яратиш ва қатъийлаштириш масаласига нисбатан бефарқ бўлмаслик керак. Анъанавий номлар орасида тасодифий ёки тушунарсиз бўлиб қолган номлар бўлса, улардан воз кечиш маъқул. Бундан кейин, бошқа тилли топонимларни ўзбек тилига қабул қилишда, аввалги нуқсонлар такрор бўлмаслиги учун, географик ном траскрипциясига эътибор бериб, уни ҳозирги ўзбек адабий тили грамматикаси талабларига мос бўлган, тушунарли ва оммабоп шаклини қабул қилиш керак.

Ҳозирги кунда соҳа мутахассислари томонидан географик номларни таржима қилиш учун қўлланиладиган ва халқаро талабларга тўла жавоб берадиган ягона тартиб - қоида ишлаб чиқилмаган. Бу эса ўз навбатида бу соҳада муайян чалкашликларга олиб келиши мумкин. Балки, шу сабабдан таржима қилинадиган ва қилинмайдиган номларнинг ўзбекча шаклини қатъийлаштиришга нисбатан қўйилган талаблар кўпинча, уларнинг лисоний хусусиятлари билан боғлиқдир.

Номларни тўла ёки қисман таржима қилиш ҳақида сўз юритиб Ҳ.Ҳасанов шундай ёзган: “географик номларни тўла ёки қисман таржима қилишга ҳам ортиқча уринмаслик керак, чунки ҳар қанақа ном ҳам таржима қилинавермайди. Халқаро тажрибадан шундай хулоса чиқариш мумкин: номларни таржима қилишнинг чегараси бор, бир томондан, таржима сиёсий географик ва маъмурий обьектларда кам, аммо табиий географик обьектларда эса қўпроқ қўлланилади; иккинчи томондан, кичикроқ ва унча

машхур бўлмаган географик жой номлари камдан-кам таржима қилинса-да, йирикроқ ва машҳурроқ жой номлари бирмунча кўпроқ таржима қилинади. Масалан, шаҳар ва мамлакат номлари мутлақо таржима қилинмайди, факт фонетик асосда - талаффузга қараб ёзилади”.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, умумий қоидага хилоф тарзда, жуда кам ҳолларда бўлса ҳам айрим шаҳар ёки мамлакат номининг биринчи қисми - сифат таржима қилинади. Чунончи, Янги Орлеан, Буюк Британия, Янги Зеландия, Шарқий Тимор, Ғарбий Самоа, Янги Дехли, Жанубий Судан ва ҳоказо. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, баъзи номлар ҳамма тилларда қисман ёки бутунлай таржима қилинади. Бундай халқаро анъана ўзбек тилида ҳам сақланиб қолинган. Барча тилларда таржима қилинадиган номлар қаторига Қора денгиз, Яхши Умид бурни, Кизил денгиз, Қояли тоғлар, Оловли ер, Юқори кўл, Жанубий Африка Республикаси, Ўрта ер денгизи каби кўплаб номларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Икки таркибий қисмдан иборат бўлган географик номларнинг одатда, биринчи қисми - сифат таржима қилинади, иккинчи қисми ўзгармасдан фонетик асосда ёзилади. Бундай номларнинг таржима қилинадиган қисми кўпинча аниқловчи сифатлардан ташкил топган бўлади. Аниқловчиларга рангни билдирувчи (оқ, қизил, кўк, сариқ, қора), дунё томонларини кўрсатувчи (шарқ, ғарб, жануб, шимол), катта, кичик, янги, эски, қуи, юқори каби сифатлар мисол бўлади. Кичик Атлас, Янги Зеландия, Жанубий Дакота, Шимолий Ирландия, Катта Канъон, Кўк Нил, Буюк Британия, Жанубий Судан, Ғарбий Двина ва ҳоказо.

Мутахассисларнинг фикрича, таржима ҳар қанча яхши бўлмасин, у маълум даражада номнинг маъносини бузади, ном миллий ва географик хусусиятларини қисман йўқотади. Шуни ҳам унитмаслик керакки, таржима қилинган номлар сони кўпайса географик карта бир хил, зерикарли, жарангиз номлар йигиндисига ўхшаб қолади. Шу сабабдан, таржима қилаётганда ҳар бир номга алоҳида ёндошиб, унинг пайдо бўлишида туртки

бўлган географик, лингвистик ва тарихий омиллар синчиклаб ўрганилиб ном таржима қилинса, топоним кўп йиллар хизмат қилиши мумкин.

 **Савол ва топшириқлар:**

1. Жой номини ёзии қоидалари ва грамматик хусусиятлари ҳақида реферат тайёрланг.
2. Содда ва қўшима топонимларга мисоллар келтириб уларни изоҳланг.
3. Жой номини расмий ва умумистеъмолда бир хил ёзии заруриятини тушунтиринг.
4. Топонимларни стандартлаштириши муаммолари билан шугулланадиган халқаро илмий ва ҳукуматлараро ташкилотлар ҳақида маълумот беринг?

 **Тест топшириқлари:**

- 1. С.Қораев қўшимчасиз топонимларни неча хилга бўлиб кўрсатган?**
 - A. 5 та
 - B. 4 та
 - C. 3 та
 - D. 2 та
- 2. Мураккаб географик номларнинг иккинчи компоненти турдоши от бўлса, у ҳолда қандай ёзилади?**
 - A. Тартиб сонлар билан ёзилади
 - B. Таржима қилиб ёзилади
 - C. Кўшиб ёзилмайди
 - D. Кўшиб ёзилади
- 3. Ишилаб чиқарии корхоналари номларини тўғри ёзии тартиби кўрсатилган қаторни белгиланг?**
 - A. Кўштирноқсиз ёзилади
 - B. Дефис билан ёзилади
 - C. Кўштирноқ билан ёзилади
 - D. Сон билан қўшиб ёзилади
- 4. Географик номларни стандартлаштириши нима?**
 - A. Жой номларининг ёзилишини қатъий ягона шаклини яратиш
 - B. Ҳар бир ном рақамланиб уни электрон базага (компьютерга) киритиш

С. Номни миллий ва халқаро миқёсда бир хил қўлланиши

Д. Барча жавоблар тўғри

5. Хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий, туристик алоқалар учун қандай ном тавсия этилади?

А. Мамлакат ичida расмий тан олинмаган номлар

Б. Фақат янги номлар тавсия этилади

С. Мамлакат ичida расмий тан олинган номлар

Д. Ҳар қандай ном тавсия этилади

3.3. ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ ВА ТОПОНИМИКА

Режса:

1. География ва топонимикани ўзаро боғлиқлиги
2. Географияда жой номлари маъносини билишининг аҳамияти
3. География дарсларида топонимик маълумотлардан фойдаланиши

 **Мавзунинг мақсади:** Талабаларга география ва топонимиканинг ўзаро алоқадорлиги, география таълимида жой номлари маъносини билиши ва география дарсларида топонимик маълумотлардан фойдаланиши зарурияти ҳақида маъруза қилишдан иборат.

 **Таянч ибора ва атамалар:** география, топонимика, жой номи, мажмуавий фан, интеграл йўналиши, топонимик маълумотлар.

География ва топонимиканинг ўзаро боғлиқлиги. Географиянинг муҳим таркибий қисми бўлган жой номлари билан шуғулланувчи топонимика ва география фани ўзаро чамбарчас боғлик. Маълумки, инсон табиий муҳитни ўзлаштириш жараёнида мавжуд географик обьектларни фарқлаш мақсадида уларга ном беради. Бинобарин, географик ном муҳим ижтимоий - сиёсий функцияни, бажаради, унинг асосий вазифаси ва бош мақсади географик обьектни аниқ белгилашдан иборат.

Топонимика алоҳида илмий йўналиш сифатида ўтган асрнинг бошида шаклланди ва географиянинг муҳим таркибий қисми бўлган географик номлар билан шуғулланади. Номлар эса картадаги энг муҳим ахборот манбаи бўлиб, инсон ва географик обьект орасидаги ўзига хос боғловчи вазифасини ўтайди. Мутахассислар, топонимикани табиий ва ижтимоий фанлар синтези дейишади, чунки, у табиий, ижтимоий ҳамда гуманитар фанларнинг энг долзарб, бир-бирига туташиб кетган муҳим масалалари мажмуидан баҳс этади.

Топонимикани географик фанлар қаторига қўшишга сабаб, ўрганиш обьекти бўлган ҳар қандай жой номи - географик қобиқни, аниқроғи унинг хўжалик фаолияти учун ўзлаштирилган қисми, яъни географик муҳитни маҳсулидир. Инсон табиий муҳитни ўзлаштириб, ундаги географик

объектларни бирини иккинчисидан фарқлаш учун уларга ном беради. Иккинчидан, географик номлар хаританинг энг муҳим элементи сифатида бирон мамлакат ёки ўлка табиатининг хусусиятларини ўзида акс этади. Учинчидан, географик номларнинг адреслик функцияси тил - факти ва тарих - ҳодисасидан кўра устунроқ туради. Сабаби, топоним муҳим ижтимоий - сиёсий функцияни, яъни ер юзасидаги географик объектлар учун ориентир вазифасини бажаради. Энг муҳими, географик номнинг асосий вазифаси ва бош мақсади ер юзидаги маълум бир жойни аниқ белгилашдан иборат.

Мажмуали хусусиятга эга бўлган географик номлар ҳақидаги фан (топонимика) - ана шу учта давлат ва миллат номи билан аталадиган тарих, география ва тилшунослик фанларининг “симбиози”дир. Чиндан ҳам топонимика олимлар томонидан интеграл фан деб эътироф этилган, буни ижобий ва салбий томонлари ҳам бор.

Ижобий томони шундаки, фанлар қиррасида пайдо бўлган топонимиканинг интеграцион салоҳияти кучли, у география, тилшунослик ва тарих фанларининг ютуқларидан самарали фойдаланиши мумкин. Салбий томони эса, қўшни фанлар топонимикани “трансчегаравий”лигидан фойдаланиб уни ўз тасарруфига киритишга интилади. Яна шуни эътироф этиш лозимки, ушбу фаннинг нодир хусусиятларидан бири, минтақалар топонимиясини тадқиқ этишда комплекс ёндашувни талаб этади.

Шу сабабдан, топонимиканинг тадқиқот обьекти бўлган географик номларни ўрганишда “география - тарих - тилшунослик” учбирлиги муҳим стратегик аҳамиятга эга. Шундай қилиб, агар топонимиканинг методологик асосини география ташкил этса, унда тарих - вақтдаги шартли белгиси, лингвистика - ҳар иккисини лексик ифодасидир.

Мутахассисларнинг ёзишича, топонимика ўтган асрнинг иккинчи яримидан бошлаб тез суръатлар билан ривожланди. Бунга албатта, фаннинг ички имкониятларидан тўла фойдаланганлиги ҳамда топонимикани “чегаравий” фанлар билан уйғунлашиб, илмий-тадқиқот ишларини оқилона ташкил қилиши асос бўлиб хизмат қилган. Демак, турли фанларнинг ўзаро

таъсири бу - қонуний жараён. Шу сабабдан, илмий тадқиқот ишлари айнан, бир неча фанлар манфаатлари туташган жойда яхши самара бермоқда. Географик номларни ўрганувчи топонимика - ана шундай фанлар сирасига киради ва шубҳасиз, топонимика ҳали қўп янгиликлар яратишга қодир.

Шу билан бирга, географлар таъбири билан айтганда, энг муҳими ҳар қандай шароитда ҳам топонимик тадқиқотлар ўзининг географик негизидан узоқлашмаслиги, ҳудудийлик ва регионаллик хусусиятларига асосланиши зарур. Чунки, ҳар бир ҳудуд топонимияси ўз моҳияти билан бошқалардан фарқ қиласи. Мазкур фарқланишларни ўрганиш ва уларнинг моҳиятини очиб бериш топонимика фанининг “нони” десак тўғри бўлади.

Шу нуқтаи-назардан қараганда топонимикада ҳеч қандай баҳс мунозараага ўрин йўқдек туюлади, аммо фаннинг моҳияти ва хусусиятига кўра воқеа - ҳодисанинг бир томонини ўрганадиган предмети ҳақида ҳозиргача олимлар орасида муштарак хulosса йўқ. Албатта, ҳар қандай муаммони ижобий ҳал этиш учун, илмий асосланган далиллар ва энг муҳими маълум муддат керак.

Шунга қарамасдан, Э.М.Мурзаев, В.А.Никонов, Е.М.Поспелов, В.А.Жучкевич, Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев каби таниқли номшунос олимлар илмий ишларида географик обьектларнинг номлаш жараёнини тўғри англаб, ном ўзида тарихий ҳамда географик воқеаликни реал акс этиши натижасида пайдо бўлади деган ягона хulosани баён қилишган. Ана шундай реал воқеаликлар қаторига табиий - географик шароит, ижтимоий - иқтисодий - сиёсий географик жараёнлар, жамият ҳаёти, аҳолининг миллий таркиби каби бир қатор омилларни киритиш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар қандай географик ном - бу дунёни англаш маҳсули, унда муайян бир ҳудуддаги кишиларни қундалик ҳаёти, турмуш тарзи, маданияти, урф-одатлари, муомаласи, психологик ҳолати ўз ифодасини топган. Бинобарин, ижтимоий зарурат маҳсули бўлган номлар инсониятни географик муҳитдаги обьектив ҳодиса-воқеаларни қанчалик англаб олиш жараёнини ўзида акс этади. Бу жараён албатта, кишиларни

ижтимоий ҳаёти, миллий ва маънавий қадриятлари, маҳаллий аҳолини этник таркиби, миграцияси, тил тарихи ҳамда уларни ўраб турган табиий - географик муҳит билан чамбарчас боғлиқдир.

Кўпчилик мутахассислар фикрича, топонимикани фан сифатида пайдо бўлиши бевосита география билан боғлик. Жумладан, рус олими А.М.Маракуев шундай ёзган: “Топонимика деб географияни - географик номларнинг пайдо бўлиши, эволюцияси, уларни шакли, семантикаси, этимологияси, тўғри ёзилиши ва талаффузи, орфография қоидалари ҳамда карталарда номларни картографик шрифтлар ёрдамида акс этиш усусларини ўрганувчи соҳасини тушуниш керак”.

Таниқли ўзбек филолог топонимисти Т.Нафасов бу фикрни тасдиқлаб «...қадимий география фани бағрида пайдо бўлган янги йўналишлардан бири топонимикадир. Топонимия билан азал - азалдан географлар, география фани шуғулланиб келган. Сўнгра бу соҳа билан тарихшунослар, археологлар қизиқиб, тарихий номларнинг маъноси, таркиби, қайси тилга мансублиги каби масалаларни тадқиқ қилишди. Энг сўнгига топонимия тилшуносликнинг тадқиқ объектига айланди» деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, узоқ вақтлар топонимикани географик фан, география илмига хос илмий йўналиш деган қараш ҳукмрон мавқеда бўлди. Чунки жой номи - географик объектнинг махсусланган, ер шарининг маълум нуқтасида мавжуд бўлган аҳоли яшаш масканларининг, ер юза шаклларининг номи сифатида дастлаб илмга география фани ва унинг тадқиқотчилари тамонидан киритилган. Т.Нафасовнинг холосасига кўра, география топонимиканинг дебочаси ва доясидир.

Топонимлар - минтақадаги табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омилларнинг ифодаси сифатида намоён бўлади ва бевосита “инсон - ҳудуд”, “инсон - атрофдаги муҳит” тушунчалари билан боғлиқдир. Бу фикрни филолог-топонимист А.В.Суперанская ҳам қўллаб-қувватлаб, “атоқли отларни пайдо бўлишида ҳудуд омили муҳим рол ўйнайди, чунки

ном танлашда муайян худуднинг табиий шароити бевосита таъсир кўрсатади ва у айнан топонимияда яққол намоён бўллади” деб ёзган эди.

Худудий омилнинг нақадар муҳим эканлигини Э.М.Мурзаев “Халқ географик терминлари луғати” номли фундаментал асарида аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиб берган. Олимнинг ёзишича, географик термин бўлган тундра сўзи турли минтақаларда турлича маъно касб этган. Масалан, фин тилида - “ўрмонсиз, кўпинча моҳлар (йўсинлар) билан қопланган яланг, кир», рус тилининг шимолий диалектларида - «ботқоқли пастлик”, Шарқий Сибирда эса - “торфли ёки буттали ботқоқлик” каби маъноларни англатади.

Белорус топонимисти В.А.Жучкевич топонимикани географик номларни ўрганувчи қўшимча илмий йўналиш деб таъриф берган. Олим ўзининг “Топонимикани умумий ва минтақавий географик қонуниятлари” номли асарида, топонимикани чегаравий фанлиги, уни ўрганиш предмети эса топонимик ландшафт, яъни маълум худуддаги номлар мажмуи (сув объектлари, рельеф шакллари, аҳоли манзилгоҳлари номлари ва ҳоказо) бўлиши кераклигини таъкидлайди. Шу ўринда айтиш керакки, география фанларининг янги тизимини тавсия қилган ўзбек олими И.Назаров, топонимикани географияни оралиқ фанлари қаторига қўшган ва айнан шу фанларда олиб борилаётган илмий тадқиқотларни нисбатан сезиларли ва эътиборга лойиқ деб ҳисоблайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, география фанлари тизимиға кирувчи айрим илмий йўналишлар маълум маънода ўз “оналик” заминидан узоқлашмоқда. Улар қаторига топонимика фанини ҳам киритиш мумкин. Шуни эътироф этиш керакки, топонимика дастлаб табиий ва ижтимоий география негизида пайдо бўлган бўлса ҳам, аммо афсуски, сўнгги даврларда унинг географик тараққиёти анча орқада қолмоқда. Гап топонимик тадқиқотлар ҳақида борар экан, шуни ҳам қайд қилиш керакки, географлар томонидан амалга оширилаётган топонимик тадқиқотлар салмоғи анча кам.

Топонимиканинг ривожланиши ва география фанлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаши учун, зарур бўлган қуйидаги ишларни амалга

ошириш мақсадга мувофик: а) барча республика олий ўкув юртлардаги география, тарих ва филология мутахассисликларнинг бакалавриат таълими йўналишларида топонимика фанининг ўқитилишини йўлга қўйиш лозим. б) топонимика соҳасида бажарилган докторлик диссертацияларни қабул қилиш мақсадида, географияга оид ихтинослаштирган Илмий Кенгашларнинг мутахассислик паспортига зарур ўзгартиришлар киритиш лозим; в) география, тарих ва филологияни бакалавриат таълими йўналишлари ҳамда топонимика мутахассислиги бўйича янги очилаётган магистратура таълим йўналиши учун, давлат таълим стандартлари талабларига тўла жавоб берадиган дарсликни тезроқ яратиш зарур.

Умуман олганда, топонимикада баҳсталаб муаммолар кўп. Шу сабабдан, келтирилган айрим фактлар мунозарали, баъзилари асосланган, бошқалари эса камроқ ишонарли туюлиши мумкин. Аммо, шу нарса аниқки, ҳар қандай баҳс ва мунозаралар манфаатдан холи эмас, чунки улар ёрдамида кейинги илмий изланишлар йўллари белгилаб олинади ва энг муҳими янада юқори натижаларни қўлга киритишга имконият пайдо бўлади.

Хитойларда, “номини эшитгандан кўра юзини кўрмоқ афзал” деган нақл бор, аммо даврлар ўтиши билан юзини кўришни иложи бўлмаганда, билимдон қўлидаги ном ер юзидағи миллионлаб географик обьектларнинг худудий жойлашган ўрнини аниқлаш имконини беради. Топонимика илмий фан сифатида жадал ривожланаётган экан, инсоният тамаддунида илмий, тарихий, маданий ва миллий қадриятларнинг энг муҳим элементларидан бири бўлган географик номлар мазкур фаннинг ўрганиш обьекти бўлиб қолаверади.

Географияда жой номлари маъносини билишнинг аҳамияти. Топонимиканинг ўрганиш обьекти бўлган жой номлари географиянинг ҳам асосий таркибий қисми бўлиб, географик маълумотларни худудий боғлашда улар боғловчи восита вазифасини бажаради. Хусусан, географик қонуниятларни тушинтиришда ёки бирор географик ҳодиса ва воқеани

географик объектларнинг номи билан боғлаб изоҳланса, маълумотлар яна ҳам ишончли бўлади.

Талаба географик карталарни яхши билиши ёки алоҳида ҳудудлар табиатини ўзаро таққослаш, картанинг асосий унсури бўлган номларни ҳам яхши билиши керак. Хусусан, хорижий мамлакатларга тегишли бўлган географик номларни эслаб қолиш, талаффуз қилиш ва тўғри ёзиш анча қийин масала. Шунинг учун, бундай номларни эслаб қолиши учун, уларнинг маъносини тушунтириб бериш, ном билан боғлик ривоят ва воқеа-ҳодисаларни гапириб бериш жуда муҳимдир. Масалан, Канада давлати ҳақида маълумот бераётганда, мамлакат номининг келиб чиқиши тўғрисида куйидагиларни гапириб берса, ўқувчилар дарров уни эслаб қолишади.

Мутахассисларнинг ёзишича, канада сўзининг пайдо бўлиши тубжой ҳалқ бўлган индейслар билан боғлик. Франсия қироли фармони билан, Жак Карте бошчилигидаги франсуз экспедицияси Хитойга борадиган шимолий йўлни очиш мақсадида ғарбга қараб сузади. 1535 йили экспедиция аъзолари олдиндан таниш бўлган Муқаддас Лаврентия бўғозига киради ва шу номли дарё орқали юқорига қараб ҳаракат қилишади. Ж.Карте дарё соҳилидаги ирокез индейслари манзилини кўриб қолади ва улардан мамлакатингиз қандай аталади деб, сўрайди.

Ж.Карте гапларини тушунмаган ирокезлар ўзлари тилида каната - «қишлоқ» деб жавоб беришади. Саёҳат давомида худди шу савол бир неча марта такрорланган бўлса ҳам, битта каната жавобини олишган. Шундан сўнг, Ж.Карте ишонч билан каната сўзини ном сифатида картага туширган. Кейинча, каната сўзининг кўллаш ареали кенгайган ва ҳозирда катта ҳудудни қамраб олган Канада давлатининг номига айланган. Маълумки, тушунарсиз номларни эслаб қолишдан қўра, тушунарли сўзларни, ҳатто сўз бирикмаларни эслаб қолиш анча осондир.

Таниқли терминшунос олим М.Миракмаловнинг ёзишича, жой номларини чуқур тушинишга маҳаллий географик терминларни (атамаларни) ўрганиш ёрдам беради. Агар маҳаллий географик терминларнинг маъно-

мазмуни тўғри талқин қилинса, худуд табиатини онгли равишда тушиниш осонлашади. Ном кишиларда фахр, ғуур үйғотади ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ёрдам беради. Бундан ташқари, географик объектларнинг номини тўғри ёзиш ва тўғри талафуз қилиш нутқ маданиятини ўстиради ва адабий саводхонликнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Шу билан бирга, географик номларнинг тарбиявий, илмий аҳамияти ҳам жуда катта. Мамлакат сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар унинг харитасида акс этиб туради. Мустақилликдан кейин мамлакатимиздаги кўпгина жой номлари маънавий жиҳатдан эскирди. Чунки шўролар даврида ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилган, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган жой номлари ҳаётимиздан кенг ўрин олган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин унинг харитасида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Энг муҳими мустақилликни, миллий қадриятларни улуғловчи географик номлар пайдо бўлди, тарихий номлар қайта тикланди, юрт табиати, ҳалқимиз тарихи ва қасб-хунари, миллий анъаналар ҳамда маънавиятимиз билан боғлиқ номлар сони кўпайди. Эндиликда, қайта тикланган тарихий номларни сақлаб қолиш керак, улар тарихий обидалар, миллий ёдгорликлар каби ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиласди. Шунинг учун, тарихий номларни асрлаб-авайлаш, муҳофаза қилиш, авлодларга тўқис етказиш ҳаётий зарурат, ижтимоий бурч эканлигини унитмаслик лозим.

Географик номларда Ер шарини географик ўрганиш тарихи ҳам ўз ифодасини топган. Янги ерларни очган, ўрганган кўпчилик сайёҳлар, денгизчилар, тадқиқотчилар номлари географик хариталардан мустаҳкам ўрин олган. Масалан, Антрактида топонимияси таркибидаги номлар материкни ўрганиш учун келган, турли мамлакатлар тадқиқотчилари томонидан яратилган. Шунинг учун, материк топонимиясининг асосий қисмини тадқиқотчи олимлар, қитъани кашф қилишга ҳисса қўшганлар, денгизчи - сайёҳлар номи ташкил қиласди. Масалан, Беллинггаузен ботифи,

Лазарев төглари, Росса, Амундсен, Уедделла, Рисер-Ларсен дөнгизлари, Элсуорт төфи, Берд текислиги ва ҳоказо.

География дарсларида жой номлари ёрдамида ҳудуд табиий шароитини (ер юзаси, қазилма бойликлари, иқлими, гидрографияси, ўсимликлар ва ҳайвонот дүнёси, табиий ҳодиса ва жараёнлари) тушинтириш мумкин. Чунки табиий-географик омиллар асосида шаклланган географик номлар кенг тарқалган. Масалан, Жанубий Америка материгининг қазилма бойликлари ҳақида гапирганда, Анд сўзини қуидагича изоҳласа бўлади: Анд - дунёдаги энг узун (салкам 9000 км.) ва энг баланд (Аконкагуа чўққиси, 6960 м.) тог тармоқларидан бири. У материкни бутун узунлиги бўйлаб ғарб томонидан ўраб туради.

Анд - сўзи инк индейслари тилида анта - «мис» деган маънони англатади. Анд тоғларида мис конлари кўп ва мис минтақаси салкам 4 минг км масофага чўзилган. Қадимда инк индейслари мис эритишгани ҳам тарихий манбалардан маълум ва бу Анд сўзининг этимологиясини яна бир бор тасдиқлайди.

Географик номлар ёрдамида асрлар давомида сақланиб келаётган маълумотларни, ўтган замонда рўй берган тарихий воқеа-ҳодисалар, кишиларнинг касб-хунарлари, урф-одатлари, аҳоли миграциясини аниқлаш мумкин. Жой номларини ўрганадиган топонимикани мажмуавий фанлигидан фойдаланиб предметлараро алоқаларни мустаҳкамлаш мумкин. Масалан, географияни ўқитища она тили, чет эл топонимларини ўрганища чет тиллари билан боғланиш яхши самара беради.

Баъзи бир жой номлари маълум ҳудудда содир бўлган тарихий воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ бўлади. Тарихчи қўпроқ географик номнинг келиб чиқиши тарихи, қайси даврда пайдо бўлганлиги, тарихий жараёнлар билан боғлиқлиги, ўша давр шароити, археологик ва этнографик манбалари, маҳаллий халқнинг тарихи ва ҳоказолар билан қизиқади. Уларни ўрганиш география ва тарих фанларининг алоқасини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Географик номларни тўғри изоҳлаш ва фойдаланиш жуда мушкул иш. Бунинг учун Ҳ.Ҳасанов айтганидек, камида «ўзбек тилини пухта билиш ва қўшни тиллардан хабардор бўлиш керак. Ватанимиз тарихини, қадимда ўтган қабилаларни, аҳолининг хўжалик фаолиятини ва албатта, ҳар бир жойнинг географик хусусиятларини яхши билиш керак. Ана шундай ҳар тамонлама маълумотларни бир-бирига солиштириб, қўшиб, жой номининг тарихини аниқлай оласиз».

География дарсларида топонимик маълумотлардан фойдаланиш: Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида бўлганидек, таълим тизимида, жумладан география таълими соҳасида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлардан кўзда тутилган асосий мақсад таълим жараёнига янги педагогик ва инновацион технологиялардан фойдаланиб, таълим-тарбия бирлигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш ва пировард натижада уни жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига хизмат қилдиришдан иборат.

Топонимик маълумотлардан география дарсларининг деярли барчасида фойдаланса бўлади. Кўпинча жой номлари ҳақидаги маълумотлар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади ва тез-тез уларни келиб чиқиши ҳақида сўрайдилар. Жой номлари билан қизиқиш дарсга бўлган эътиборни кучайтиради.

Мактаб ўқувчилари орсида ўтказилган сўров натижаларида, тўқсон фоиздан кўпроқ талабалар қишлоқлари тарихи ва унинг номининг келиб чиқиши ҳақида кўпроқ билишни истайдилар. Демак, топонимик маълумотлар ўқувчиларни билиш қобилиятини ривожланиши ва тафаккур доирасининг кенгайишига хизмат қиласи. Шунинг учун, топонимик маълумотлардан география дарсларида салмоқли ўрин эгаллайди ва улардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

География дарсларини харитасиз, харитани эса жой номларисиз тасаввур қилиш қийин. Мутахассисларнинг фикрича, мактаб география дарсларида қуйи синф ўқувчилари юзтагача, юқори синф ўқувчилари бир

неча юзлаб номларга дуч келишади. Ўқитувчи дарс жараёнида қайси географик объект ҳақида гапиришидан қатъий назар, унинг номини тўғри талаффуз қилиб, тўғри ёзиши керак. Чунки географик номларни тўғри ёзиш саводхонликнинг муҳим таркибий қисми саналади, номларни тўғри талаффуз қилиш эса нутқ маданиятини шакллантиради.

Бундан ташқари, географик объект номи ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун, номнинг қайси тил маҳсули эканлиги ва унинг этимологияси ҳақида қисқача изоҳ бериш керак. Имкон қадар географик объект ҳақида кўпроқ маълумот тўплаш учун топонимик адабиётлар, луғатлар ва қўшимча илмий манбалардан фойдаланиш яхши самара беради. Географик объект ҳақидаги қўшимча маълумотлар, объект ҳақидаги билимларни эсда сақлаб қолишга ёрдам беради.

География дарсларида топонимик маълумотлардан фойдаланиш уни қизиқарли бўлишини таъминлайди. Дарс жараёнида асосий мавзуни ўзлаштириши учун ёрдам берадиган топонимик маълумотлардан фойдаланса, ўқувчиларни география фанига бўлган қизиқиши янада ортади. Агар, дарслар нуқул жой номларини изоҳлаш билан ўтадиган бўлса, бундай дарсни фойдасидан кўра зарари кўпроқ бўлади. Бу масалага алоҳида эътибор қаратган Ҳ.Ҳасанов шундай ёзган эди, «топонимика жуда қизиқарли экан деб, ҳамма дарсларда жой номларини ўрганавериб, ўқувчиларнинг жонига тегмаслик керак...».

Бинобарин, вақтдан унумли фойдаланиб, дарснинг фақат маълум қисмини жой номларини ўрганишга ажратиш керак, дарс жараёнида учрайдиган барча номларнинг маъносини билиш шарт эмас, ўқитувчи дарслиқдаги энг асосий номларга эътибор қаратса бўлади. Топонимик маълумотлардан фойдаланиш учун, дастлаб маҳаллий географик объектларнинг номларини ўрганишдан бошланмоқ маъқул. Чунки маълумотларни жойига бориб тўплаш мумкин, улар ишончли ва аниқ бўлади.

Жой номлари ва уларнинг маъно-мазмуни билан қизиқадиганлар сони кўп бўлса, унда дарсдан ташқари факультатитв машғулотлар, геотопонимик

кечалар, турли хил ўйинлар ташкиллаштириб, уларнинг қизиқишини янада ошириш мумкин. Фан ўқитувчиси географик объектлар номини ўқувчилар томонидан шунчаки ёдлашларига йўл қўймасликлари зарур. Бу учун энг аввало географик объектнинг қаерда жойлашганлиги ва жой номининг маъносини аниқ билиши талаб этилади. Акс ҳолда, бу жараён ўқувчилар томонидан картани юзаки ўрганишга олиб келади. Бу борада илғор тажрибали ўқитувчиларнинг иш фаолиятидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, география дарсларида жой номларини янги педагогик технологиялар асосида ўргатиш ўқувчи ва талабаларнинг кузатиш, таққослаш, умумлаштириш каби ақлий фаолиятини такомиллаштиради, мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради, оғзаки нутқини ўстиришга самарали таъсир қиласди. Хулоса қилиб айтганда, география дарсларида топонимик маълумотлардан меъёрида фойдаланиш мақсадга мувофиқ, улар география фанини пухта ўзлаштиришга ва фанга бўлган қизиқиши янада ортишига хизмат қиласди.

География таълим мининг асосий вазифаларидан бири умумий ўрта таълим жараёнида ўқувчиларда географик дунёқараш ва географик маданиятни шакллантиришдан иборат. Географик дунёқараш - жаҳон мамлакатларида рўй берадиган турли табиий, иқтисодий, сиёсий воқеа-ҳодисаларнинг манзилини аниқ тасаввур қилишдир. Табиий ва иқтисодий-ижтимоий географик объектларнинг жойлашган ўрни ва уларнинг табиий ва иқтисодий-ижтимоий хусусиятлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши географик маданиятга киради.

Ўқувчиларда географик дунёқараш ва географик маданиятни шакллантиришда географик номлар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун, географик объектларнинг номларининг маъносини ўқувчилар асосан география дарсларида билиб олишади. География дарсларида мавзуга оид номларнинг маъноси, аталиш тарихи ҳақида қизиқарли маълумотлар берилса география фанинг жозибадорлиги янада ошади.

 **Савол ва топшириқлар:**

1. Топонимикани географик фанлар қаторига қўшиши сабабларини изоҳланг.
2. География таълимида жой номлари маъносини билишининг қандай аҳамияти бор?
3. География дарсларида топонимик маълумотлардан фойдаланишининг афзалликлари ҳақида маълумот беринг.

 **Тест топшириқлари:**

1. Топонимиканинг методологик асосини ташкил этади?
 - A. тарих
 - B. лингвистика
 - C. география
 - D. этнография
2. Географик объектларнинг номини тўғри ёзиши ва тўғри талаффуз қилиши ... Тўғри жавобни нуқталар ўрнига қўйинг ва белгиланг.
 - A. тил ўрганишига ёрдам беради
 - B. туризм яхши ривоҷланади
 - C. нутқ маданиятини ўстиради
 - D. рекламага кўмаклашади
3. География дарсларида топонимик маълумотлардан фойдаланиши дарсни ўтишини таъминлайди.
 - A. анъанавий
 - B. қизиқарли
 - C. зерикарли
 - D. назоратли
4. “...қадимий география фани бағрида пайдо бўлган янги йўналишилардан бири топонимикадир”, деган хуроса муаллифи ким?
 - A. С.Кораев
 - B. А.Суперанская
 - C. Т.Нафасов
 - D. X.Ҳасанов
5. География дарсларида жой номларини замонавий педагогик технологиялар асосида ўрганиши ўқувчиларда Тўғри жавобни нуқталар ўрнига қўйинг ва белгиланг.

- A. мұстақил фикрлаш қобилятини ривожлантиради**
- B. оғзаки нұтқни ўстиришга самарали таъсир күрсатади**
- C. ақлий фаолиятини тақомиллаштиради**
- D. барча жавоблар түгери**

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ВИЛОЯТЛАРИ ТОПОНИМИЯСИ

4.1. ЎЗБЕКИСТОН ТОПОНИМИЯСИГА УМУМИЙ ТАВСИФ

 **Режа:**

1. Ўзбекистон топонимияси ва унинг ўрганилиши тарихи
2. Ўзбекистон топонимларининг фарқловчи хусусиятлари
3. Ўзбекистон номининг этимологияси ҳақида

 **Мавзунинг мақсади:** Ўзбекистон топонимияси ва унинг ўрганилиши тарихи ва вилоятлар топонимиясининг фарқловчи хусусиятлари ҳамда мамлакатимизнинг мустақиллик давридаги топонимик сиёсати ҳақида илмий тушунчаларни шакллантиришдан иборат.

 **Таянч ибора ва атамалар:** географик ном, географик объект, топонимик сиёсат, тарихий қатламлар.

Ўрта Осиё топонимик ландшафти ниҳоят хилма-хил ва мураккаб тузилишга эга. Бунга минтақа топонимиясининг турли ҳудудлардаги ўзига хос табиий шароити, этник ва тил тараққиёти тарихи ҳамда маданий ва маънавий хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқлиги сабаб бўлган. Бу ҳолат Ўрта Осиё топонимиясини жуда қадимий даврларда шаклланганлигидан далолат беради. Энг муҳими уларнинг кўпчилиги тарихий ҳужжатларда қайд қилинган. Шуни ҳисобга олган ҳолда, академик В.В.Бартолд Ўрта Осиё тарихи ва топонимияси билан шуғулланмоқчи бўлган тадқиқотчи маълумотларни камлигидан эмас, аксинча кўплигидан, тарқоқлигидан қийналади деган эди.

Мутахассисларнинг фикрича, минтақадаги энг қуий топонимик қатламни қадимги субстрат номлар, яъни ҳозирги тиллар ёрдамида изоҳла бўлмайдиган, маҳсус этимологик тадқиқотларни талаб қиласидиган номлар ташкил қиласиди. Таниқли топонимист олим Э.М.Мурзаевнинг аниқлашиба, Ўрта Осиёда ҳозиргача аниқланган ва сақланиб қолган жой номларининг энг қуий қатлами эроний (форсий) тилларга хос. Улар минтақанинг барча ҳудудларида, Помир тоғларидан то Тўрон текисликларигача кенг тарқалган.

Таъкидлаш жоизки, минтақада эроний тилли топонимлар билан бирга, туркий номлар ҳам жуда қадимий даврларда шаклланган. Ўрта Осиёнинг қадимий туркий топонимиясини маҳсус ўрганган тарихчи олим Ш.С.Камолиддиннинг ёзишича, келиб чиқиши туркий бўлган номлар жуда қадим даврлардан буён, ушбу ҳудудда кенг тарқалган ва улар илк ўрта асрларда сон жиҳатдан шарқий эроний тилларга хос бўлган топонимлардан кейин иккинчи ўринни эгаллаган.

Туркий топонимлар ўрта асрлардан бошлаб то ҳозирга қадар минтақа топонимиясининг энг бақувват ҳамда барча ҳудудларда кенг тарқалган географик номлар қатламини ташкил этади. Эътиборли томони шуки, Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига нисбатан Еттисув ва Тян-Шаннинг ички қисмлари ҳамда Қазоғистоннинг дашт минтақасида азалдан туркий номлар кўп бўлган. Номшунос олимларнинг фикрича, туркий топонимларнинг фарқловчи хусусиятлардан бири шуки, улар кўпинча географик терминлар ёрдамида пайдо бўлган. Олимлар бу ҳолатни туркий халқларнинг яшаш тарзи бевосита уларни ўраб турган табиат билан чамбарчас боғлиқлиги билан изоҳлашган.

Минтақа топонимиясининг ўзига хос хусусиятлардан яна бири, шуки жой номлари таркибида этнонимлар, яъни уруғ-қабила номлари салмоқли ўрин эгаллайди. Тарихий маълумотларга қараганда, ўтмишда уларнинг сони бундан ҳам кўп бўлган. Масалан, XIX асрнинг охирларида Зарафшон водийсини ўрганган рус олимлари томонидан ёзиб олинган 1300 аҳоли пункти номи орасида 900 дан ортиқ этноним борлиги қайд қилинган.

Ўрта Осиё топонимияси таркибидаги номларнинг асосий қисмини ҳозирги ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва тожик тиллари ёрдамида осонгина тушуниш мумкин. Мутахассислар таъкидлагандек, топонимлар ҳозирги маъмурий-ҳудудий чегараларни тан олмайди. Чунки уларнинг кўпчилиги ҳозирги миллий чегараланишдан олдин пайдо бўлган. Шунинг учун, маҳаллий халқлар (ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик)

томонидан яратилган жой номларни Ўрта Осиёning барча давлатлари худудида учратиш мумкин.

Ўзбекистон топонимияси ҳам Ўрта Осиё топонимиясининг муҳим таркибий қисми саналади. Шунинг учун, Ўзбекистон топонимиясини ўрганишни ният қилган ҳар қандай тадқиқотчи Ўрта Осиёдаги тубжой халқларнинг тарихи ва тилидан яхши хабардор бўлиши керак. С.Қораевнинг ёзишича, ҳозирги Ўзбекистон худудидаги воҳаларда яшаган маҳаллий халқлар - хоразмий, суғдий, бохтарий тилларида яратилган номлар, ҳозиргача аниқланган энг қадимий субстрат топонимлардир.

Олимнинг фикрича, юононларни Ўрта Осиёга, жумладан ҳозирги Ўзбекистон худудига кириб келиши минтаقا топонимиясида бирон-бир сезиларли из қолдирмаган. Улар томонидан яратилган номларни маҳаллий халқлар қабул қилмаган ва юононларнинг кетиши билан аввалги номлари қайта тикланган. Ҳозиргача сақланган ва македониялик Искандар номи билан боғлиқ бўлган номларнинг аксарияти турли ривоятларга асосланган. Искандар ҳақидаги турли хил ривоятларнинг кўплиги, бундай топонимларнинг этимологиясини аниқлашни анча қийинлаштиради. Ҳ.Ҳасановнинг ёзишича, фотиҳ Искандар ҳақиқатдан ҳам юртимизда бўлган, аммо у Хўжанддан нарига ўтмаган. Шунинг учун, узоқ-узоқ жойлардаги Искандар номларини фақат кўчирма деб тушиниш маъқул.

Тарихчи академик А.Муҳаммаджоновнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда Искандар номли бир неча географик обьектлар мавжуд. Уларга Нурота туманидаги қудук, Янгиобод туманидаги қишлоқ, Тошкент яқинидаги ариқ мисол бўлади. Искандар номи билан боғлиқ жой номларининг кейинги пайтларда пайдо бўлганлари ҳам бор. Масалан, Искандарариқ - Тошкентдан юқорироқда Чирчик дарёсидан чиқарилган ариқ. Бу ариқни 1883-1885 йилларда, маҳаллий халқ орасида Искандартўра лақаби билан машҳур бўлган чор Россиясининг князи Николай Константинович қаздирган.

Хозирги Ўзбекистон ҳудудидаги туркий ва форсий халқлар қадимдан узвий иқтисодий, маданий, сиёсий алоқада бўлишган. Бу муносабат ва алоқалар ҳар икки халқнинг топонимиясига ўз таъсирини ўтказган. Тарихчи олим А.Муҳаммаджонов эроний қатламга хос бўлган Савот номини изоҳлаб шундай ёзади: Уструшонанинг Себат рустоқида Буюк Ипак йўли уч тармоқга (Шош, Фарғона, Уструшона) бўлиниб кетган. Ушбу йўналишларнинг ҳар бирида биттадан работ-карвонсарой мавжуд бўлган ва Себат (се - “уч”, бат - “работ”нинг қисқарган шакли) - «уч работ» маъносини беради. Себат маҳаллий халқ талаффузида Сабот, Савот бўлиб ўзгарган.

Ўрта асрларнинг арабийнавис географлари Ибн Ҳавқал ва Истахрий асарларида ҳам қишлоқ тўғрисида маълумотлар мавжуд ва унинг катта карvon йўли устида жойлашганлиги таъкидланган. Қулай географик ўринга эга бўлган Себатда ўрта асрларда Уструшонадаги ягона машҳур ёпиқ бозор, тим бўлган. Демак, Савот - аслида Серавот бўлиб уч работ, уч карвонсарой деган маънони билдиради.

Ҳар бир минтақа топонимияси ёрдамида ўша ҳудуддаги тарихий қатламларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мумкин. Баъзан, номлар ўтмиш маҳсули сифатида, асрлар давомида тилдан тилга ўтиб шаклан ўзгаради, мазмунан мавҳумлашиб боради. Жиззах вилояти ҳудудидаги Нурота тоғлари этагида жойлашган Гараша қишлоғининг номи бунга яққол мисол бўлади. Маҳаллий халқнинг айтишича, қишлоқ номига форс-тожик тилидаги «гиреҳкушо» сўзи асос бўлган. Гиреҳкушо сўзи форс-тожик тилида, гиреҳ - «тугун», «банд» ва кушо - «ечмоқ», «тугунларни ечувчи», «тилсимларни очувчи», «ҳожатбарор» каби маъноларни ифодалайди.

Гиреҳкушо нисбаси XII аср охири ва XIII асрнинг бошларида яшаган, яссавия тариқатининг издошлиаридан бўлган, ҳамда илк бор шу қишлоқ ҳудудида қўним топган шайх Муҳаммадшариф ибн Алиасқарга тегишли. Бу нисба билан машҳур бўлишига шайхнинг кўпгина кароматлари, муаммолар ечимини тўғри топганлиги сабаб бўлган дейишади.

Иккинчи, энг бакувват тарихий қатlam туркий (ўзбек) топонимлардан таркиб топган. Туркий (ўзбек) қатlam нафақат Ўрта Осиё давлатлари худудида, балки Афғонистон, Эрон, Ғарбий Хитой ва бошқа минтақаларда кенг тарқалган. Улар кўпинча, минтақа топонимлар тизимини белгилайди ва этимологик жиҳатдан уларни изоҳлаш анча осон. Туркий номларнинг асосий фарқловчи хусусиятларидан бири - қатlamдаги номларнинг катта қисмини этнонимлар ташкил этади.

Э.Мурзаевнинг ёзишича, туркий қатlamдаги номлар аҳолининг хўжалик юритиш фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги боис, бой ва ранг-баранг. Айрим географик тушунчалар чорва молларнинг яйловлари ва ландшафтлар унумдорлиги билан боғлиқ. Туркий тилларда чорва озуқаларнинг турли хусусиятларини ифодалаш учун бир қатор ихтисослашган географик терминлардан фойдаланилади. Ўрта Осиё минтақасида айрим географик терминлар қайси мамлакат худудида қўлланилишига қараб фонетик жиҳатдан ўзгарган. Масалан, Ўзбекистон, Қирғизистонда - сой, Қозогистонда - сай, Туркманистанда - чой (чай).

Ўрта Осиё топонимиясининг шаклланишида фаол қатнашган айрим топонимик терминлар. 6-жадвал

Топонимик терминлар	Тиллар			
	Туркман	Қозоқ	Қирғиз	Тожик
дарё	чай	жилға	жилға	дарё, руд
сув	сув	су	сүү	об
тоғ	доғ	тау	тоо	кўх
кум	гум	қум	кум	рег
булоқ	булағ	булақ	булақ	чашма
شاҳар	қала	қала	шаар	шаҳар
янги	янги	жана	жани	нав
ески	кене	ески	ески	кўҳна

Учинчи, тарихий қатlam арабларнинг кўп асрлик истилоси билан боғлиқ, улар ислом динини олиб келиш билан бирга, келиб чиқиши араб тилига мансуб сўзлардан пайдо бўлган топонимларнинг шаклланишида фаол

иштирок этганлар. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида араб тили элеменлари асосида пайдо бўлган номлар орасида антропонимлар кўп. Араб тилининг минтақада пайдо бўлиши тарихан аён, аммо уларни географик объектларга ном сифатида шаклланишига сабаб бўлган омиллар кам ўрганилган. Бу қатlamга тегишли географик номларнинг асосини ташкил қилувчи сўзлар, анча қадимги даврларда араб тилидан, туркий тилларга ўзлашган.

Ҳозирда Ўзбекистон ҳудудидаги арабча топонимларнинг аксарияти ўзбек тили грамматикаси асосида яратилган. Соф араб тилидан ўзлашган сўзларнинг айримлари ҳозирги вақтда ҳам географик термин сифатида қўлланилади ва маъноси тушунилади. Бундай географик терминлар қаторига анҳор, мозор, маҳалла, масжид, работ, ақба, супа, қалъа каби терминларни киритиш мумкин. Бунда араб тилининг адабий тил бўлиб хизмат қилиши муҳим аҳамият касб этган.

Мутахассислар араб тилидан ўзлашган сўзлар асосида пайдо бўлган топонимлар орасида диний терминларнинг кўплигини алоҳида қайд қилишган. Минтақадаги бир қатор йирик географик объектлар номини араблар ўзгартирган бўлсалар ҳам, аммо маҳаллий халқ орасида улар кенг қўлланилмаган. Булар Сайҳун, Жайҳун, Мовароуннахр ва бошқалар. Кўп асрлик лисоний алоқалар туркий - арабча - Тошсақо, Нарпай, Аламли, Талли каби гибрид номларни пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Ўзбекистон ҳудудида мўғул тилидан ўзлашган сўзлар асосида пайдо бўлган топонимларнинг келиб чиқиши XIII асрдаги мўғуллар истилоси билан боғлиқ. Муғулча топонимлар минтақа жой номлари таркибидаги кичик бир груп сифатида тўртиничи тарихий қатlamни ташкил этади. Муғул тили ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида халқ тилига айланмади. Шу сабабдан, муғул тили билан боғлиқ топонимлари нисбатан кам ва уларни аниqlаш қийин эмас. Айрим мутахассислар Ўзбекистон топонимияси таркибида, мўғулча номларнинг камлиги, уларни маҳаллий халқ билан аралашиб тили ва динини қабул қилганлиги сабаб бўлган дейишади.

С.Номинханов, Э.Бегматов, Т.Нафасов каби ўзбек олимлари, туркий тиллар ономастикасида муғулча ва муғулча - туркий сўзлар асосида ясалган киши исмларни, этнонимларни, топонимларни тадқиқ қилишган. Масалан, Т.Нафасов муғул ва туркий халқларнинг ўзаро яқинлигига ишора қилиб, муғул ва туркий тилларда муштарак сўзларнинг этнолингвистик табиатини аникламасдан туриб, уларни бирор тилга мансублигини белгилаш қийин деб, ҳисоблайди.

Ўзбекистон топонимияси таркибида айрим муғулча сўзлар негизида шаклланган топонимлар ҳозиргача сақланиб қолган. Бунга, республика худудидаги Булунгур, Дархон, Норин, Ём, Сайхан каби жой номлари мисол бўлади. Масалан, Жиззах шаҳри таркибидаги маҳаллалардан бирининг номи Сайхан. Етук топонимик тадқиқотлар муаллифи Э.М.Мурзаевнинг ёзишича, Сайхан ойконимига, муғул тилида «чиройли», «гўзал» деган маъноларни англатувчи сайкан сўзи асос бўлган. Кейинчалик географик термин сифатида бу сўз ўзбек тилига ўзлашган ва ҳозирда «катта», «текис очиқ жой», «майдон» маъносини ифодалайди.

Географик ном сифатида танилган ём (диалектда жом) сўзи ҳам муғул тилидан ўзлашган. Мутахассислар Ёмчи, Жом, Жомбой, Жомбўз, Жомбулоқ каби топонимларни пайдо бўлишини ём сўзи билан боғлиқ дейишади. Йўл маъносидаги ём сўзи мўғуллардан туркий тилларга ўтиб, мўғуллар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Ёмлар чингизийлар даврида қурила бошлаган. Кейинчалик ём сўзи «чопарлар, йўловчилар қўнадиган ва от алмаштирадиган жой», «бекат» маъносини ифодалаган. Ёмда доим отлар шай туриб, бир қанча киши хизмат қилган. Угедейхон кўплаб ёмлар қурдирганлиги билан фаҳрланганлиги маълум. Ём сўзи нафақат туркий тилларга балки славян, хусусан, рус тилига ҳам ўтган. Масалан, рус тилидаги «ямшик» сўзига ём сўзи асос бўлган.

Ўзбекистон топонимияси таркибидаги бешинчи тарихий қатламни славян (асосан рус) тиллари асосида шаклланган топонимлар ташкил қиласди. Русча номларнинг минтақада пайдо бўлиши XIX асрнинг охири ва XX

асрнинг бошида Россия томонидан Ўрта Осиёни босиб олиши билан боғлик. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида русча номлар турли сабабларга кўра пайдо бўлган. Масалан, XIX асрнинг охирида чор Россияси томонидан минтақада темир йўл ўтказилди. Шунда, чор ҳукуматининг маҳсус қарори билан Ўзбекистон ҳудудидаги темир йўл станцияларига Скоблево, Обручево, Ломакино, Милютинская, Урсатевское, Хилково каби расмий номлар қўйилди.

Э.М.Мурзаевнинг ёзишича, маҳаллий халқ бу номларни яхши кутиб олмаган. Кўпинча, янги ном билан бирга, шу жойнинг аввалги анъанавий номи ҳам қўлланиб келинган. Собиқ шўролар даврида рус тили билан боғлик топонимлар сони кескин кўпайди ва уларнинг асосий қисмини антропотопонимлар ташкил қилган. Ленин, Ульянов, Карл Маркс, Энгелс, Калинин, Фрунзе, Куйбишев каби антропотопонимлар кенг тарқалди.

Хусусан, ўзлаштирилган чўл ҳудудларда пайдо бўлган янги географик обьектларга, ҳукмрон мафкура ва сиёsat таъсирида коммунистик партия ва шўро ҳокимиютини тараннум этувчи номлар берилди. Масалан, 1975 йили ташкил этилган Арнасой тумани таркибидаги барча аҳоли пунктларига шўро давлатининг ҳарбий саркардалари номлари (Жуков, Тимошенко, Гречко, Рокоссовский, Конев, Василевский ва бошқалар) қўйилди.

Ўзбекистон истиқлол шарофати билан, мустақил топонимик сиёsat юргизди ва жой номлари билан боғлик бўлган барча чалкашликларга барҳам берилди. 2011 йили “Географик обьектларнинг номлари тўғриса” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингандан сўнг, республика ҳудудидаги барча географик номлар инвентаризация қилинди. Қонун талабларига жавоб бермайдиган барча географик обьектлар номлари давр талабини акс этадиган, халқона, оддий, содда, тушунарли бўлган номлар билан алмаштирилди ёки тарихий номлари қайта тикланди.

Умуман олганда, Ўзбекистон топонимияси ўзининг шаклланиши ва тараққиёти жараёнида бир неча тарихий даврларни босиб ўтган. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари каби, Ўзбекистон топонимияси ҳам турли тиллар

маҳсули, аммо улар орасида туркий (ўзбек) топонимлар кенг тарқалган ва энг бақувват қатлам ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, республикада амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар ва тобора авж олаётган халқаро алоқалар жой номлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни тадқиқ қилишни долзарб масалага айлантириди. Бинобарин, Ўзбекистон топонимикаси олдида соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш ва ёнимини кутаётган муаммоларни тезроқ бартараф қилиш вазифаси турипти. Ўз ёнимини кутаётган долзарб топонимик муаммолар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ❖ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида, Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат қумитаси билан келишган ҳолда географик объектлар номларининг расмий каталоглари ва маълумотларини нашрга тайёрлаш;
- ❖ республика бўйича барча топонимик маълумотларни тўплаб, географик номларнинг ягона реестри ва электрон базасини яратиш;
- ❖ ўзбек халқи этнонимлари ва халқ (маҳаллий) географик терминлари ҳақида маълумотларни тўплаш ва уларни географик аспектда ўрганиш;
- ❖ ўзбекча жой номларига хос бўлган топонимик тип, модел ва формантларнинг шаклланиш қонуниятларини илмий асосларини аниқлаш;
- ❖ географик номларнинг захира фондини яратилишига таъсир кўрсатувчи омилларни тадқиқ қилиш;
- ❖ Ўзбекистон топонимиясининг тарихий қатламлари ва уларнинг худудий тафовутларини тадқиқ қилиш;
- ❖ Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар топонимиясинининг ўхшашлиқ ва тафовутларини аниқлаб қиёсий-таҳлилий ўрганиш;
- ❖ географик объектларнинг номлаш ва қайта номлаш муаммолари ҳамда жой номларининг тўғри ёзиш қоидаларининг илмий асосларини ишлаб чиқиши;

- ❖ топонимиканинг географик фанлари ва тарих, этнография, геология, археология билан ўзаро алоқадорлик муаммоларини ўрганиш;
- ❖ Ўзбекистон топонимикасига оид дарслик, ўқув қўлланма, этимологик, энциклопедик луғатлар яратиш ва ҳоказо.

Мазкур муаммолар чуқур қиёсий-таҳлилий ўрганиб, соҳага оид илмий-тадқиқот ишларига кўпроқ эътибор берилса топонимиканинг географик йўналиши тез суръатлар билан ривожланади. Бу ҳолат ўз навбатида мажмуавий фан бўлган топонимиканинг комплекс ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон номининг этиологияси ҳақида: Дунё картасиги қўплаб давлатлар номи халқ номи (этноним) дан олинган, уларга “-истон”, “ия” каби қўшимчалар қўшиш ёрдамида мамлакат номи ҳосил қилинган. Бу ҳодиса давлатлар номини яратишида асосий қонуниятлардан биридир. Ана шундай, этнонимлар негизида пайдо бўлган давлатлар номи қаторига Ўзбекистонни ҳам қўшса бўлади.

Этноним ва этнотопонимларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши узок ва мураккаб тарихий жараён бўлиб, турли-туман ижтимоий, тарихий, лингвистик омиллар билан боғлиқ. Уларни аниқ илмий далиллар асосида таҳлил қиласдан туриб, этноним ёки этнотопонимнинг келиб чиқиши ҳақида узил-кесил бирон нарса дейиш қийин. Шу билан бирга кўпгина этнонимларнинг келиб чиқиши, этиологияси ҳамон маълум эмас. Ўзбек атамасининг келиб чиқиши тўғрисидаги турли қарашлар бунга яққол мисол бўлади.

Академик А.Асқаровнинг ёзишича, “ўзбек атамасининг этник маъно ва мазмун касб этиб бориши аста-секин ўзбек хонликлари давридан бошланиб, бу йўналишда дастлабки қадамлар табиий равишда ўша даврларда қўйилган эди. Ўзбек халқи тарихи унинг номидан анча қадими. Бугунги кунда ўзбек этносини ташкил этган ўзбекларнинг аждодлари XI-XII асрларда узил-кесил халқ сифатида шаклланиб бўлган эди. Унинг этник номи эса, бу заминда XVI аср бошларида пайдо бўлди.

Шундай қилиб, ўзбек номи дастлаб, XIII асрнинг охири - XIV асрнинг биринчи яримида Даشتி Қипчоқ кўчманчи турк-мўғул қабила ва элатларнинг сиёсий уюшмаси, аслзода бекларнинг ҳарбийлашган жасур ўғлонлари, эркин, озод ва ўзига бек суворий ҳарбий жанговар гурухлари бўлиб, XIV - XV асрларда улар Даشتи Қипчоқда бутун бир элга айланиб, ўзбеклар деб аталди.

Улар таъсир доирасидаги юртлар тарихий манбаларда “ўзбеклар эли”, “ўзбеклар мамлакати” деб тилга олинди. Ана шу Даشتи Қипчоқ ўзбекларининг 92 бовли кўчманчилар уруғи Шайбонихон етакчилигига XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ва унга туташ худудларга кириб келди. Шундан бошлаб Ўрта Осиёда “ўзбек” номи пайдо бўлди. Ўзбек номи билан бу заминга кириб келган кўчманчи Шайбоний ўзбеклари XVIII асрда ҳозирги Ўзбекистон ва унга туташ ўлкаларда учта ўзбек хонликларга (Бухоро, Хива, Кўқон) бўлинниб кетди”.

Ўзбек атамасининг келиб чиқиши ҳақида таникли адиб Тоҳир Малик куйидагича мулоҳаза билдирган: “Ўзбек» атамаси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Тарихчи олимларимиз таъбирича: «ўзбек” - ўзига ўзи бек” дегани. Яна бошқа таъбирда ўзбек тарихини Ўзбекхондан бошлашади. Бу икки фикрда ҳам мантиқий асос йўқ. Аввало, ер юзида яшаётган каттами-кичикми ҳар бир халқ ўзига ўзи бек, бошқага тобе бўлишни истамайди. Иккинчидан, агар тарих Ўзбекхондан бошланса, бу хонга “Ўзбек” деб ким исм берган? Бу исм осмондан олинмагандир. Демак, бу ном, бу атама аввал ҳам бўлган.

Мен тарихчи эмасман, олимликка ҳам даъвоим йўқ. Бироқ, бу хусусда қатъий фикримга эгаман. “Қирғиз” - қир ўғузи, «Гагауз» – кўк ўғуз демакдир. Туркий халқларнинг бобоси Ўғузхон бўлганлар. Бу ҳақда қадим тарих китобларида етарли маълумотлар бор. Айни Ўғузхон даврларида қавмларга (оиласарга) ном берилган: уйғур, қорлиқ, қибчоқ, қанғли ... ва ҳоказо.

Бизнингча «ўзбек” - Ўғуз беги демакдир. Яъни Ўғузхон саройига яқин оила шундай аталган. Бу хол Европада ҳам бўлган. Масалан, Россияда «дворянин” деган табақа бўлган, яъни “приближенный к царственному двору” - подшо саройига яқин бўлган киши. Яна Европада лорд, герсог,

барон... каби табақалар борки, барчаси ҳукмдорга қанчалик яқинликни ажратиб туради. Ўғуз беклари ҳам саройга шундай яқин бўлганлар.

Тарихчи олимларимиз ўзларининг Яқубовский, Бартолд, Бертелс каби устозларининг айтганларини маҳкам ушлаб олмасдан асл манбаларни ўрганиб, таҳлил қилиб фикр юритсалар дуруст бўларди. Бизнинг тарихимизни ўрганиб, китоб ёзганлари учун у зотлардан миннатдормиз. Бироқ бу борада бир ҳақиқат мавжуд: бир миллат тарихини ўрганиб баҳо берадиган бошқа миллат вакилининг баён этилган фикрида албатта ўз миллати манфаати ётади. Ана шу манфаат холислик йўлини тўсади.

Шунингдек, «ўзбек» сўзи этимологиясининг ўғуз сўзи билан боғлиқлиги хусусида тарихчи олимлар Н.Норқулов ва Ў.Жўраевлар саккизинчи синфларнинг «Ўзбекистон тарихи» дарслигига айтиб ўтган нуқтаи назари ҳам мавжуд. Юқоридаги келтирилган «ўзбек» атамасининг келиб чиқиши билан боғлиқ бир фаразнинг бир неча шахс томонидан бир хил асосга таяниб билдирилиши бежиз бўлмаса керак. Менимча, бунда аниқ бир тарихий ҳақиқат намоён бўлмоқда”.

Республикамиз топонимияси таркибида Ўзбекистон номи билан аталадиган географик обьектлар кўп. Уларнинг аксарияти ана шу юксак номга муносиб обьектлар ҳисобланади. Аммо шуни ҳам унитмаслик керакки, ҳар қандай тўғри келган географик обьектни миллат ва давлат номи билан аталиши мақбул иш эмас. Янада ҳам аниқроқ қилиб айтганда, жой номга муносиб бўлмоғи керак, қўча-куйларга баландпарвоз номлар қўйиш ҳаётий сиёsat эмаслигини унча узоқ бўлмаган тарихий тажрибамиизда ўз исботини топган.

Савол ва топшириқлар:

- 1. Минтақа топонимияси ва унинг ўрганилиши тарихи ҳақида маълумот беринг.**
- 2. Ўзбекистон топонимиясиниг фарқловчи хусусиятлари нималарда кўринади?**
- 3. Ўзбекистон топонимикаси олдида долзарб муаммоланинг бири ҳақида реферат тайёрланг.**

 **Тест топшириқлари:**

1. Ўрта Осиёдаги энг қуий топонимик қатламни қадимги субстрат номлар ташкил қиласди. Нүқталар ўрнига тўғри жавобни кўйинг ва белгиланг.

- A. аниқланган
- B. аниқланмаган
- C. таниш
- D. нотаниш

2. Ўзбекистон топонимияси таркибида айрим мугулча сўзлар негизида шаклланган топонимлар қаторини аниқланг.

- A. Зарафшон, Нурафшон
- B. Норин, Сайхан
- C. Скоблево, Обручево
- D. Сайҳун, Жайҳун

3. Дастлабки русча номлар минтақада қачон пайдо бўлди?

- A. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида
- B. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида
- C. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошида
- D. XXI аср бошида

4. Ўзбекистон ҳудудида араб тили элементлари асосида пайдо бўлган номлар орасида кўп. Тўғри жавобни нүқталар ўрнига кўйиб белгиланг.

- A. ороойконимлар
- B. этнотопонимлар
- C. антропонимлар
- D. гидронимлар

5. Э.М.Мурзаевнинг аниқлашича, Ўрта Осиёда ҳозиргача аниқланган ва сақланиб қолган жой номларининг энг қуий қатлами тилларга хос. Нүқталар ўрнига тўғри жавобни кўйинг ва белгиланг.

- A. хоразмий
- B. сугдий
- C. туркий
- D. эроний

4.2. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТОПОНИМИЯСИ

 **Режса:**

1. Тошкент вилояти топонимиясининг фарқловчи хусусиятлари
2. Тошкент шаҳри топонимияси
3. Тошкент сўзининг этиологияси ҳақида

 **Мавзунинг мақсади:** Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри топонимиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда Тошкент сўзининг этиологияси ҳақида илмий тушунчаларни шакллантиришидан иборат.

 **Таянч ибора ва атамалар:** субстрат, ойконим, кат (кент), этнотопоним, чучмал ном, атоқли от, чоч, шош.

Тошкент вилояти топонимияси: Тошкент вилояти республиканинг шимоли-шарқида жойлашган ва иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан энг ривожланган минтақа ҳисобланади. Вилоят ҳудуди қадимдан маданият ўчиги бўлғанлиги боис, минтақада қадимий номлар кўп учрайди. Кўп асрлик тарихий тараққиёт давомида воҳанинг текислик ва тоғли ерларида яшаган ўтроқ аҳоли кўчманчи ва ярим ўтроқ чорвадор қабилалар билан ёнма-ён ва аралаш яшаган. Воҳанинг туб аҳолиси ўзбеклар, шуниндек, қозоқ, тожик ва қирғизлар ҳам яшайди.

Хозирги Тошкент вилояти ҳудудида азалдан турли халқлар бирга яшаб келган, шунинг учун минтақанинг географик номлари тил ва хронологик жиҳатдан хилма-хил бўлиши табиийdir. Минтақа топонимияси таркибида суғдий номлар ҳам учрайди. Вилоят топонимларининг кўпчилигини туркий (ўзбекча) номлар ташкил қиласи. Уларнинг бир қисми бундан минг йил олдин ёзилган тарихий манбаларда тилга олинган. Улар қаторига Тошканд, Облик (Абрлиғ), Илоқ (Айлоқ), Жадғол (Чатқол), Соблик (Сойлиқ), Жабгукат каби тарихи кўп асрларга бориб тақаладиган номлар киради.

Тошкент вилояти топонимиясининг фарқловчи хусусиятларидан бири, этник бирликлар номи билан аталган географик объектлар, асосан ойконимлар таркибида кўп учрайди. Вақт ўтиши билан этник гуруҳларнинг

аксарияти ўтроқ ҳаёт тарзига ўтиб, турғуналашиб, этник номларини унутган бўлсалар, ҳам, аммо улар жой номлари (этнотопонимлар) шаклида ҳозиргача сақланиб қолган.

Таниқли номшунос олим С.Қораев вилоят ҳудудидаги айрим этнотопонимларни қисқача изоҳлаган: Арғинчи (Юқори Чирчик тумани) ўзбеклар, қозоқлар ва бошқа туркий халқлар таркибиға кирган қабила – аргин. Арғинчи - аргин қабиласи вакили, аргинлик. Найман - вилоятнинг Бекобод, Зангиота, Қуи Чирчик туманлари топонимияси таркибида сақланиб қолган қадимий қабилалардан бирининг номи.

Найманларнинг келиб чиқиши мунозарали. Бир гурух олимлар (В.В.Бартольд, Б.Я.Владимирцов ва бошқ.) найманлар этногенезини мўғуллар билан боғлайдилар. Улар найман сўзининг этимологиясини (мўғулча, наим - «саккиз») ўз фикрларига далил қилиб кўрсатадилар. Иккинчи бир гурух эса (Н.А.Аристов, С.А.Аманжолов ва бошқ.) найманларни турк деб ҳисоблайдилар.

Охирги йилларда тўпланган маълумотлар асосида, найманлар аслида саккизўғиз номли туркий қабила вакили бўлиб, мўғуллар ўз тилига мослаб найман деб атаганликлари тасдиқланган. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ўзбек найманлар ҳам бошқа қабилалар каби ўтроқ ўзбеклар таркибиға сингиб, мазкур халқнинг шаклланишида фаол қатнашганлар. Этнотопонимлар вилоятнинг барча туманлари топонимиясида ўз аксини топган, уларни ўрганиш алоҳида тадқиқотни талаб қиласди

Ҳозирги кунда Тошкент вилояти ҳудудида яшайдиган аҳолининг кўпчилигини ўзбеклар ташкил қиласди, улардан ташқари қисман тожиклар, қозоқлар, қирғизлар ҳам яшайди. Шунинг учун минтақада субстрат топонимларни истисно қилганда тожикча, қозоқча ва қирғизча жой номлари ҳам учрайди ва улар орасида ойконимлар кўпчиликни ташкил қиласди.

Тарихий манбалардан маълумки Тошкент воҳаси ва Оҳангарон (Илок) водийси қадимий маданият ва иқтисодиёт маркази, кўхна шаҳарлар ўлкаси бўлган. Суюн Қораевнинг ёзишича, ёзма манбаларда ўлка ҳақидаги

маълумотлар икки минг йилдан ортиқроқ даврни ўз ичига олади. Милоддан аввалги манбаларда Тошкент воҳаси Юни деб аталган, кейинча ўлка Чоч номи билан машхур бўлган. Араб географлари асарларида ҳам минтақага оид кўплаб маълумотларни топиш мумкин. Масалан, Истаҳрий асарида (Х аср) Чоч (Шош) вилоятида 27 та аҳоли пункти тўғрисида маълумот бор, шундан 14 таси номи таркибида ҳамда Илоқ (Оҳангарон) водийсидаги 14 та аҳоли масканлари номларидан 7 таси кат қўшимчаси борлиги қайд қилинган.

Муаллифи номаълум бўлган “Худуд ул-олам” асарида (XI аср) мазкур ўлгадаги ўттиздан ортиқ топонимлар қайд қилинган. Жинажкат (Чиноз), Чадғал (Чотқол). Хамбарак (Хумсон), Ардлонкат (Бурчмулла), Садбағво (Боғистон), Газак (Ғазалкент), Фарнкат (Паркент), Бискат (Пискент) ва бошқалар. Тошкент вилояти топонимияси таркибида ҳозирда ҳам кент (кат) қўшимчали географик номлар кўп.

Таниқли рус шарқшунос олими, академик В.В.Бартолд “кат (кад, канд, кент)” терминига алоҳида эътибор қаратган. Чунки бу термин нафақат Ўрта Осиё балки, Яқин Шарқ, Шарқий Туркистон ва Кичик Осиёда жой номлари таркибида кўп учрайди. Олимнинг ёзишича, “кат” сўзи эроний тилларга хос бўлиб, дастлаб “уй” маъносини англатган. С.Қораев ҳам унинг фикрини тасдиқлаб, кат сўзи асли суғдча, кат ёки ката қадимда уруғ вакилларининг бир бўлаги яшаган ва девор билан ажратиб олинган катта ҳовлини билдирап эди. Ўрта Осиёда кенг тарқалган ва аҳоли пункти маъносини англатадиган “кент” атамаси, шубҳасиз, ибтидоий кат ёки ката сўзидан келиб чиққан деб ёзган.

В.В.Бартолд асарларида учрайдиган географик номлар изоҳи топонимиист олимлар томонидан танқидий нуқтаи-назардан синчиклаб ўрганилиши зарур. Зеро айрим топонимлар этимологиясини аниқлашда муайян чалкашликлар йўл қўйилган. Шу сабабдан, олимнинг топонимик изоҳларини бекаму-кўст деб бўлмайди. Масалан, ҳозирги Паркент шаҳри номини олим аслида Барскент, яъни “барс (қоплон) шаҳри” бўлган деб таърифлаган. С.Қораев бу талқинни нотўғри деб ҳисоблаб, жой номи

таркибидаги пар сўзи қадимий эроний тилларда “юқори”, кент, кат - “аҳоли пункти, шаҳар” деган маънолари борлигини таъкидлаган.

Оҳангарон водийси қадимдан Илоқ ёки Айлоқ деб аталган. С.Қораев номнинг қадимий шаклига эътибор бериб, араб ёзувида бу сўзлар бир хил ёзилишини таъкидлаган. Олимнинг фикрича, Айлоқ номи тўғри, чунки баъзи бир манбаларда Яйлоқ, яъни “ёзги яйлов” шаклида ҳам тилга олинган. Тошкент вилояти худудининг катта қисмини Ғарбий Тиёншон тоғларининг тармоқлари - Чатқол, Қурама, Писком ва Угом тоғлари эгаллаган. Тиёншон номи хитой тилига тегишли, уни олимлар томонидан илмий адабиётларга киритилишига икки аср бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, бу тоғларнинг туркий номи Тангритоғ бўлган. Тиёншон хитой тилида “осмон тоғлари”, тангри сўзида ҳам “буюк, юксак” каби маъно мужассам.

Тошкент вилояти оронимияси таркибида чим (Чимён), тепа (Саритета), тош (Учтош), тов (Букиртов), тоғ (Бобоитоғ), бел (Қорабел) каби индикатор терминлар кўп учрайди. Оронимлар таркибида мажозий (метафорик) номлар ҳам бор ва уларга, Туятош, Ойнатош, Эгартош каби номлар мисол бўлади. Оронимларнинг кўпчилиги ҳамма учун тушунарли туркий номлардир.

Вилоят худудида бир неча юз катта-кичик сув объектлари мавжуд ва уларнинг ҳар бири ўз номига эга. Сирдарё ва унинг ирмоқлари Чирчик, Чатқол, Писком, Угом, Оҳангарон дарёлари энг йирик сув манбалари ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, йирик дарёларнинг номлари энг қадимий топонимлар ҳисобланади. Бинобарин, гидронимларни изохлашда баъзан, қўшимча тадқиқотлар керак бўлади.

Вилоят гидронимлари орасида мажозий номлар кўп учрайди. Югириксой, Тентаксой, Ғалвасой, Саргардонсой каби номлар бунга мисол бўлади. анча қийин бўлади. Тентаксой (Паркент тумани) - баъзан тошиб экинзорларни сув босадиган сой; Саргардонсой (Бўстонлиқ тумани) – ўзанини тез-тез ўзгартириб турадиган сой; Ғалвасой (Бўстонлиқ тумани) – шовқин-сурон кўтариб шариллаб оқдиган сой; Товоқсой (Бўстонлиқ тумани) – шакли улкан товоқга ўхшайдиган чуқурликдаги булоқдан бошланадиган

сой. Бу мисоллар географик объектларга маҳаллий халқни топиб ном қўйганидан далолат беради, ном қўйишда халқ даҳосидан ўрганиш керак.

Вилоят гидронимларини алоҳида ўрганилса, кўплаб янги маълумотлар аниқланади. Умуман олганда, Тошкент вилояти топонимияси бошқа вилоятларга нисбатан яхшироқ ўрганилган. Шу билан бирга, ҳали тадқиқотчиларини кутиб турган топонимик муаммолар вилоятда етарли, уларни синчиклаб ўрганиш лозим.

Тошкент шаҳри топонимияси: Тошкент шаҳрининг бир неча минг йиллик тарихи, унинг топонимиясида ҳам ўз аксини топган. Мутахассисларнинг ёзишича, шаҳар қадимий Буюк Ипак йўли устида жойлашганлиги туфайли, шаҳарга турли юрт вакиллари келиб, уларнинг бир қисми шу жойда ўрнашиб қолган. Шунинг учун, шаҳар топонимияси турли тилли жой номларидан ташкил топган. Таниқли географ олим П.Гуломовнинг ёзишича, агар шаҳарларга жой номларининг хилмажиллигига қараб соврин бериладиган бўлса, Тошкент, шубҳасиз, биринчи совриндор бўлар эди.

Тошкент шаҳри топонимияси таркибида жойнинг табиий хусусиятларини ифодаловчи номлар ҳам кўп. Маҳаллий халқ орасида “Тошкент етти қири етти ўрда жойлашган” деган ибора бор. Шунинг учун, шаҳар ер юзасининг бундай ҳолати жой номларида акс этган. Масалан, шаҳарнинг микротопонимлари таркибида Жарариқ, Жаркўча, Чукурсой, Чукуркўприк, Ўркўча, Захариқ, Пастак деган номлар учрайди. Бу номлар шаҳар ер юзасининг паст, сойлик жойларида жойлашган географик объектларга берилган.

Шаҳар жуда қадимдан суғориб дехқончилик қилинадиган воҳада жойлашган. Маълумки, Чирчиқ дарёсидан жуда кўп ариқлар, каналлар чиқарилган, аҳолини сув билан таъминлаш мақсадида кўплаб ҳовузлар ва кудуқлар бунёд этилган. Уларнинг фарқловчи хусусиятлари айрим географик объектларни номлашда асос бўлиб хизмат қилган. Масалан, Нишабарик,

Дамариқ, Йўлариқ, Шофайзикулоқ, Шошариқ, Тарновбоши, Жўнариқ, Терсариқ, Ширинқудук, Каттаҳовуз ва бошқалар.

Тошкент шаҳри топонимияси таркибида ўсимликлар билан боғлиқ номлар ҳам учрайди. Улар қадимда аҳоли шаҳар атрофида дехқончилик билан шуғулланганлиги, турли мевали боғлар ва боғ-ҳовлилар кўп бўлганлигидан дарак беради: Бодомзор, Ўрикзор, Олмазор, Чилонзор, Себзор, Мингўрик каби номлар шулар жумласидандир. Ҳайвонлар номи билан боғлиқ номлар: Бўрижар, Каптархона, Сагбон (Сағбон), Чивинтепа ва ҳоказо.

Тошкент узоқ тарихий йўлни босиб ўтган шаҳар. Шаҳарнинг икки минг йиллик тарихи географик объектлар номларида сақланиб қолган. Шунинг учун, шаҳарда тарихий номлар кўп учрайди. Чорсу, Жангоб (Жангоҳ), Хадра, Намозгоҳ, Камолон (Камонгарон), Эскижўва каби номлар тарихий воқеа-ходисалар билан боғлиқ номлардир. Масалан, Чорсу (форс-тожик тилида, чор - “тўрт”, сўй (сўй) - “томон”) - чорраҳа, шаҳар марказидан тўрт томонга кўчалар кетган жой. Ана шундай кўчалар кесишган марказ жойда кўпинча бозор қурилган ва жойлашган ўрнига қараб чорсу деб аталган.

Эскижува - Себзор даҳаси маҳаллариidan бирининг номи. Ҳ.Ҳасановнинг ёзишича, маҳалла номи эскирган ҳарбий аслаҳалар (жўва) омбори номи билан боғлиқ. Дарҳақиқат, қадимда жанг қуроли ҳисобланган совутни жиба (жуба) дейишган. С.Қораев бошқа хулосани баён қилган: жўба (жўва) сўзининг маъноси - бозор, раста. Олимнинг ёзишича, ўтмишда Бухорода Жўбаи баққолон - “баққоллар бозори” бўлган. Тарихий номларнинг яна бири ўрда - туркий ва мўғул тилларга хос сўз. Мўғул тилида орда - қаср. Қадимги туркий тилда ўрда хон қароргоҳи, қаср, қўргон. Ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа туркий тиллари ўтмишида вилоят бошлиғи, унинг маъмурӣ ва ҳарбий бошқаруви жойлашган жой – ўрда деб аталган.

Маълумки, Тошкент шаҳри жуда қадимдан хунармандчилик маркази бўлиб келган. Шу боисдан аҳолининг қасб-хунари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган жой номлари қўп. Дегрез, Тақачи, Ўқчи, Камонгарон, Пичоқчилик,

Заргарлик каби номлар мисол бўлади. Хусусий ҳунармандчилик ман этилган ва ҳунармандлар таъқиб қилинган шўролар даврида ҳунармандчилик билан боғлиқ бўлган жой номларининг кўпи ўзгаририлди. Мустақилликдан кейин уларнинг кўпчилдиги қайта тикланди.

Тошкентда кишиларнинг исм-шарифлари, тахаллуслари билан боғлиқ номлар жуда кўп ва улар хилма - хил. Ўрта Осиёни Чор Россия босиб олгандан кейин ва хусусан шўролар даврида бундай номлар сони кескин кўпайди. Мустақилликдан кейин уларнинг кўпчилиги ўзгаририлди. Албатта, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг номи бундан мустасно. Ўзбек ҳалқининг жаҳон фани ва маданияти тараққиётига ката ҳисса қўшган, таниқли олим, ёзувчи, шоирлар, саркардалар номларини географик обьектларга бериш қонун билан рухсат берилган. Тошкентда уларнинг номларини ҳурмат ва ғурур билан эътироф қилишади.

П.Гуломовнинг ёзишича, Тошкентда маъносини тушуниш қийин бўлган “таройиб” номлар ҳам учрайди. Улар қаторига Жинқўча, Ўғриқўча, Алвости кўприк, Хотинқўприк, Хўжатарашкан каби номларни киритиш мумкин. Жинқўча - жуда тор, зим-зиё, одам кам юрадиган кўча. Алвости кўприк - тепалар орасида, пастак жой, қўрқинчли жой, алвастилар (жинлар) макони бўлган дейишади. Хўжатарашган номли маҳалла Тошкентнинг Себзор даҳасида бўлган. Номнинг асл шакли «Хўжай тарозу шикан», яъни “тарозини синдирган, ишдан чиқарган хўжа” деган маънога эга.

Тошкентда ҳар хил чучмал ёки исми-жисмига тўғри келмайдиган номлар ҳам учрайди. Уларга назар солсангиз тушунарли, чиройли, шарқона кўринади, аммо улар атоқли отлар эмас, балки оддий турдош отлар. Висол, Виждон, Жонон, Дадил, Интизом, Мулойим каби мужмал номлар мисол бўлади. Таъкидлаш жоизки, ҳамма сўздан ҳам жой номи ясалавермайди, яъни ном сўз танлайди. Бошқача айтганда, реал воқеаликдан, кундалик ҳаётдан, мавжут табиий шароитдан, ижтимоий-иктисодий турмушдан келиб чиқиб ном танланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Тошкент номининг этиологияси ҳақида: Тошкент шахри - Марказий Осиёning йирик саноат-транспорт чорраҳаси ва маданият марказларидан бири. Шаҳар республиканинг шимоли-шарқий қисмida, Тяньшан тоғлари этагида, Чирчик водийсида жойлашган. Тошкент шахри икки минг йилликдан ортиқ тарихга эга. Шу давр ичида у кичик бир қалъадан жаҳондаги йирик шаҳарлардан бири, Ўзбекистон Республикасининг пойтахтигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ҳар қандай шаҳарнинг шон-шуҳрати, биринчи навбатда унинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда тутган ўрни билан белгиланади.

Ўтган асрлар давомида шаҳарнинг номи ҳам бир неча бор ўзгарди. Тарихий манбаларда шаҳар Чоч, Жож, Шош, Чжеши, Ташхан, Бинкат, Таркан, Тошканд каби номлар билан учрайди. Шаҳар Тошкент номи билан даставвал XI асрнинг машҳур алломалари - Абурайхон Беруний ва Маҳмуд Кошгариининг асарларида тилга олинади. Филолог олим Миразиз Миртоҷиев шаҳар номининг этиологиясига оид тадқиқотларининг яқуний хуносаларини «Тошкент сўзининг маъноси» номли мақоласида эълон қилган. Мазкур илмий мақола кўпчиликка манзур бўлса ажаб эмас.

Олимнинг ёзишича, Тошкент сўзи икки қисмдан таркиб топган: уларнинг бири тош, иккинчиси кентdir. Кент компоненти ҳақида ҳеч қандай баҳс йўқ. Аммо тош компоненти ҳақида фикрлар ниҳоятда кўп ва ранг-барангdir. Бунинг устига, бор фикрларнинг ҳар биридан ҳам бир эътиrozли томонни кўрсатиш мумкин. Тошкент топонимининг тош компоненти қайси сўздан келиб чиққанлигини аниқлаш бунчалик чигал масала эканлигининг ҳам ўз объектив сабаби бор. Булардан бири тош компонентининг тош сўзи билан бир хил фонетик структурага эгалигидир.

Тошкент шахри географик нуқтаи назардан ҳам, тарихий нуқтаи назардан ҳам тош сўзининг ҳозирги маъносини оқлай олмайди. Иккинчи сабаб эса Тошкент шахри ўзининг бутун тарихида фақат шу ном билан аталиб келмаганлигидир. У кўп асрлик тарихида бир қанча номлар аталган. Шу шаҳарнинг бошқа номларига Тошкент топоними тош компонентининг

алоқаси йўқмикан? Шундай бўлса, этимология бир неча номлар генезисини бир жойдан чиқаришдек жумбоқни ечиши керак.

Тарихчи Ҳ.Зияев ўзининг «Тошкентнинг Россияга қўшиб олиниши» номли брошюрасида Тошкент шаҳри эрамиздан аввалги II асрдан бошлаб Чоч номи билан аталғанлигини қайд этади. Тошкент топонимининг ўзи дастлаб Абу Райхон Берунийнинг «Ҳиндистон тарихи» асарида тилга олинган. Бундан ташқари Тошкент шаҳрининг яна Шош, Жож ва Чош номлари билан аталғанлиги ҳам айрим ёдгорлик ва асарлардан бизга маълум.

Баъзи манбаларда эса (Ҳ.Ҳасанов ва М.В.Массон асарларида) Шош номи билан бутун воҳа номланганлиги ҳақида хабар берилади. Унинг марказини Банкат деб атаб, ҳозирги Тошкентнинг қадимги номи сифатида кўрсатилади (Бинкат топоними эса бошқа манбаларда Бинкет, Бинкент, Бинокат вариантларида ҳам учрайди, Бу албатта талаффуз натижасида келиб чиқкан). В. Минорский эса: «Чоч, Шош ва Тош номларининг ҳаммасини бир воҳанинг турли вариантдаги атамалари деб билади. XI аср лексикографи Маҳмуд Кошғарий «Девону луғатит турк» асарида Тошкент топоними билан ёнма-ён Таркант топоними ҳам қўлланганлигини кўрсатган.

Бир қатор этимологларнинг диққатини фақат Тошкент топоними тортган. Бу топоним дастлаб қайд этилган икки манба (М. Кошғарийнинг ва Берунийнинг асарлари)да унинг тош компоненти тоғ жинси маъноли тош сўзига боғлаб кўрсатилади. Шунингдек Беруний мазкур асарида Тошкентни Птоломей картасида қайд этилган Лифос Петрос (Тош минора), яъни юнонларга қарашли бўлган қадимий шаҳар деб тушунади. Шош топонимини эса тош сўзининг араблар томонидан бузиб қўлланган варианти деб ҳисоблайди.

М. Кошғарий девонининг мазкур ўрнида ҳам «Шош аслида Тошканд» деб кўрсатилган. Таниқли олим, профессор Ҳ.Ҳасанов Беруний ва Улугбекларнинг географик жадвалларига бағишланган мақоласида Тошкент топоними қайси сўздан келиб чиққанлиги масаласида юқоридаги икки

олимнинг фикрлари тарафдори бўлади. Яъни, Тошкент топоними тош сўзидан келиб чиққанлигига қўшилади.

Бу фикрлар энг қадимги манбалардан олинган ва уларга асосланиб айтилган. Бироқ шунда ҳам, уларга тўла қўшилиш учун, бир неча эътиrozлар мавжуд. Аввало Тошкентда тош минора бўлганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай археологик топилдиқни кўрсатиб бўлмайди. Бунинг устига кейинги вақтда кўпгина европалик олимлар Птоломей картасидаги Лифиос Петросни Помирнинг жанубидаги Тошқўргон деб кўрсатишмоқда. Буни М.Е.Массон ҳам қайд қилган.

Ш. Қодирова ўз мақоласида Тошкентнинг энг кекса вакиллари билан суҳбатлашганини келтиради. Қадимги Тошкентда тош йўнувчи ҳунармандлар яшаган эмиш. Эҳтимол, шаҳар номи ҳам шундан келиб чиққандир? Аммо бу ҳақиқатга мос келмайди. Чунки ҳар бир касб хом ашё базаси билан боғлиқ ҳолатда яралади ва тарақкий этади. Яна, шу ҳунармандчиликка хос из ҳам шу шаҳарда қолиши шарт эди. Тошкент шаҳри буларнинг бирортасини ҳам тасдиқламайди. Шунинг учун бўлса керак, Ш.Қодированинг ўзи ҳам мақоласида шу фикрга шубҳа билан ёндашган.

Тарихчи олим М.Ваҳобовнинг Тошкент тарихига бағишлиланган асаридаги фикри ҳам шунга мос келади. Унинг айтишича, Тошкент савдо пункти сифатида ривож топган. Яъни, карvonлар ўтадиган йўлларнинг туташадиган жойида бир неча карvon саройлари бунёд этилган. Қўниб ўтувчиларни турли нарсалар билан таъминлаш учун сарой атрофида хонадонлар пайдо бўлган. Бир неча йўллар бошига сочилган карvonсарой атрофидаги хонадонлар кўпая борган. Улар ўзаро туташа бориб, кентни таркиб топтиргандир. Кентнинг номи эса унинг мана шу таркиб топиш жараёни билан боғлиқ ҳолатда яралган бўлиши керак. Демак, дастлаб Чоч («сочилган», «ёйилган», «тарқок» маъноларида) деб аталган.

Ш.Қодирова ўз авторефератида Чоч (унинг чош, жош, жож варианtlари билан) сўзига Б.В.Миллер ва Л.З.Будаговларнинг луғатларида берилган изоҳни келтиради. Мазкур сўз Б.В.Миллер кўрсатишича елпилган

дон қолдиғи, Л.З. Будагов күрсатишича янчилган буғдой ёки шолидан қолган майда сомон, түпон маңносини англатади. Агар биз чуқурроқ қарасак, бу изоҳларда ҳам сочилиб ётган нарсалар ҳақида тушунтириш берилган. Афсуски, Ш. Қодирова шу келтирған фактларини эътиборсиз қолдириб кетган. Шунингдек, чоч сўзининг келиб чиқишини сўғдча деб кўрсатгани ҳам асоссиз. Унинг структураси фақат туркий тилларга хос.

Тошкент ниҳояти 35 йил илгари боғлар, жарлар, қабрлар билан бир неча бўлакка ажралиб ётгани ҳам юқоридаги фикримизни бир қадар қувватлайди. Шунингдек, Ҳ.Зияевнинг Чоч топоними эрамиздан аввал II асрдан бошлаб мавжуд деб қайд этиши ҳам биз учун яна бир қувватловчи фактдир.

Ўзбек тилида сўнгги товушнинг кучсиз талаффуз этилиши (редукцияга учраши) ҳодисаси Чоч топоними Чош ҳолида талаффуз этилиши учун сабаб бўлган. Яъни: Чоч>Чош>Чоч варианти форс-тожик талаффузига мос бўлгани учун, уларнинг қўлёзмаларида сақланиб қолган. Масалан, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида «Бамолик Чочи камонро ба даст (Зарб бериш учун қўлда Чоч камонини тутиб)» дейилган. Таниқли ўзбек тилшуноси С. Муталлибов ҳам худди шу фикрни «Девону луғатит турк»ка киритган изоҳида қайд этади.

Чоч топоними форс-тожик қўлёзмалари орқали араб тилига ўтган. Арабларда ч товуши бўлмагани учун, уни ж товушига алмаштириб қабул қилганлар. Яъни: Чоч>Шош (شاش). Араблар унинг Шош ва Тош вариантларини ўзгаришсиз қабул қила олар эди. Чунки бу уларнинг талаффузига мос. Демак, баъзиларнинг Шош ва Чоч араблар томонидан бузиб талаффуз этилган вариант деб даъво қилгани асоссиз.

Чош топоними шимол томонда (қозоқ ва қипчоқлар томонидан) Шош вариантига ўзгартириб юборилган. Яъни: Чош>Шош. Чунки улар сўз бошидаги ч товушини ш товушига алмаштириб юборадилар, Масалан, Чимкент>Шимкент, Чирчик>Ширшиқ, чой>шай ва ҳоказо.

Чош топоними мазкур кент эгалари ва уларнинг авлодлари томонидан Тош вариантига ўзгартириб юборилган. Яъни: Чош>Тош. Чунки сўз

бошидаги ч товушини т товушига ўзгариши улар тилидаги фонетик тараққиётга хосдир. Масалан, чиш>тиш, чизмоқ>тизмоқ, Чуст>Тус ва ҳоказо. Демак, Тошкент топонимининг келиб чиқиши ва тараққий этиши қуйидагича вариантларда бўлган: Чоч>Жож, Чоч>>Чош>Шош; Чоч>Чош>Тош-кент.

Тошкент топонимининг барча варианти мазкур шаҳар номи бўлиши баробарида воҳанинг ҳам номи бўлган. Бу эса Оҳангарон топоними ҳам кент, ҳам воҳа номи, Фарғона топоними ҳам кент ҳам воҳа номи бўлгани кабидир.

 **Савол ва топшириқлар:**

1. Тошкент вилояти топонимиясини бошқа минтақалар топонимияси билан қиёсий-таҳлилий ўрганинг.
2. Тошкент шаҳар топонимияси таркибидаги тарихий номлар ва уларнинг этимологияси ҳақида маълумот тўпланг.
3. Тошкент шаҳар топонимиясини ўрганган олимлар ҳақида реферат тайёрланг.

 **Тест топшириқлари:**

1. Тошкент шаҳри эрамиздан аввалги II асрдан бошлиб Чоч номи билан аталган деган фикр қайси тарихчи олимга тегишили?
 - A. А.Асқаров
 - B. О.Буриев
 - C. Б.Ахмедов
 - D. Ф.Ахмедшина
2. Тошкент вилояти топонимияси таркибида салмоқли ўрин эгаллайди. Тўғри жавобни нуқталар ўрнига қўйиб белгиланг.
 - A. гидронимлар
 - B. этномимлар
 - C. антропонимлар
 - D. оронимлар
3. С. Қораевнинг маълумотларига кўра, ёзма манбаларда Тошкент вилояти ҳақидаги маълумотлар ортиқроқ даврни ўз ичига олади.
 - A. уч минг йилдан
 - B. икки минг йилдан
 - C. беш минг йилдан
 - D. тўрт минг йилдан

4. Тошкент шаҳрида касб-хунар билан бөглиқ ҳолда пайдо бўлган номлар қаторини белгиланг.

- A. Сўзангарон, Саррофон
- B. Балиқли, Қудуқли
- C. Тақачи, Ўқчи,
- D. Тошкескан, Санѓтароши

5. Тошкент шаҳар микротопонимиясини маҳсус ўрганган олим ким?

- A. М. Миртоҷиев
- B. M.E.Массон
- C. Ҳ.Зияев
- D. Ш.Қодирова

4.3. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ХОРАЗМ, БУХОРО ВА НАВОИ ВИЛОЯТЛАРИ ТОПОНИМИЯСИ

 **Режса:**

1. *Корақалпогистон Республикаси топонимиясининг фарқловчи хусусиятлари*
2. *Хоразм вилояти топонимиясига қисқача таъриф*
3. *Бухоро ва Навои вилоятлари топонимиясига умумий тавсиф*

 **Мавзунинг мақсади:** *Корақалпогистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари топонимиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда республика ва вилоятлар номининг этиологияси ҳақида қисқача маълумот беришдан иборат.*

 **Таянч ибора ва атамалар:** *этноним, этноийконим, ороним, сақа, шунгил, қалъа, субстрат ном, неотопоним.*

Қорақалпогистон Республикаси топонимияси: Қорақалпогистон Республикаси - Қизилқум сахросининг шимолий-ғарбий қисми, Устюрт платосининг жанубий-шарқий қисми ва Амударё делтасини эгаллайди. Орол денгизининг жанубий қисми республика ҳудудида жойлашган. Республика топонимиясининг асосий қисмини қорақалпоқ топонимлари ташкил қилади. Улар қорақалпоқ тили ва тарихи маҳсулидир.

Қорақалпоқлар этногенезининг қадимий босқичлари милоддан аввалги бизнинг эрамиздан аввалги VII-IV асрларда Орол - Каспий сахроси ва Амударё делтасининг ҳудудларида яшаган сак ва массагетлар қабилалари билан боғлиқ. VI-VIII асрларда бу ердаги аҳоли билан туркий қабилалар қисман қоришидилар. VIII-X асрларда бижанаклар ва ўғузлар орасида қорақалпоқларнинг шаклланиши бошланган. Бижанаклар бир қисми Иртишдан келган қипчоқлар билан қоришиб, аста-секин уларнинг тилини қабул қила бошлаган.

Қўлёзма манбаларда (рус йилномаларида) “Чёрные клубуки”, (форсий манбаларда) “Қавми кулахи - сиях” (Рашидуддин) тўғрисида маълумотлар берилган. Бошқа манбаларда қипчоқ уруғ қабила иттифоқида қорақалпоқ

атамасига мос келувчи “қора бўркли” этноними учрайди. Қорақалпоқлар Сирдарёning ўрта ва қуий оқимларида, Амударёning қуий қисмида яшаганлар ҳамда Орол ўзбеклари билан биргаликда давлат барпо этганлар (Орол ҳукмронлиги), унинг пойтахти дастлаб Кўнғирот, кейинчалик Шоҳтемур (ҳозирги Чимбой шаҳри) бўлган. Қорақалпоқлар яrim кўчманчи ҳаёт кечириб, чорвачилик ва ирригацион дехқончилик ҳамда балиқчилик билан шуғулланганлар.

Қорақалпоғистонда қорақалпоқлар билан бирга, ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар ҳам яшайди. Топонимлар халқ тили ва тарихи маҳсулидир. Қорақалпоқча номлар республика ҳудудида кенг тарқалган ва минтақа топонимиясининг асосий қисмини ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги қорақалпоқлар Амударё делтасига кўчиб келганларидан кейин пайдо бўлган.

Республика топонимияси таркибида этнотопонимлар салмоқли ўрин эгаллайди ва минтақа топонимиясининг 1/5 қисми этнотопонимлар ташкил қиласди. Этнотопонимлар таркибида қорақалпоқларнинг жалойир, қўнғирот, керайит, кенагас, қиёт, манғит, қипчоқ, қатоғон, найман каби этник гурухлар номи билан бирга, қорақалпоқ этнонимлари билан бирга, ўзбек, қозоқ ва туркманларнинг уруғ-аймоқ номлари ҳам ойконимлар шаклида учрайди. Бу эса ушбу халқлар қадимдан шу ҳудудида ёнма-ён яшаганликларидан дарак беради.

Маълумки, ойконимлар ҳар қандай минтақанинг ахборотга бой, жамиятдаги ҳукмрон мафқура билан боғлиқ топонимлар туридир. Расмий маълумотларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 1200 тадан кўпроқ аҳоли пунктлари мавжуд. Улар орасида этноойконимлар ҳам кўп учрайди. Масалан, анна - (Чимбой, Тахтакўпир), аралбай - (Чимбой, Кегайли), аршан - (Чимбой, Кегайли), бўзак - (Кегайли). дўбал – (Бўзатов), есиби - (Кегайли), ешкили - (Кегайли), жагалтай - (Чимбой), жаман - (Кегайли, Чимбой, Нукус), иргақли - (Қораўзак), кепе - (Кегайли, Қораўзак, Чимбой, Тахтакўпир), нўкис - (Амударё, Чимбой) ва бошқалар.

Қорақалпоғистон этнотопонимлари орасида аючи, оқманғит, ештеке, ирғакли, қишлиқ, сағир, туёқли каби ўзбек, адай, айтимбет, қоработир, қуан, мамит, ўтеген, сарман, шеге каби қозоқ этнонимлари, айритам, ата, гарга, дүңгузли каби туркман уруғлари номлари ҳам учрайди. Марказий Осиёда яшайдиган туркий халқларнинг қон-қардошлигини улар таркибида учрайдиган бир қанча уруғ-қабилалар номларининг муштараклигидан ҳам билиб олса бўлади.

Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти Нукус шаҳри номига ҳам этноним асос бўлган. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясидаги маълумотларга кўра, қорақалпоқларнинг қўнғирот ва кенагас қабилалари таркибида нукуз, некуз уруғи бўлган. Нукуз аслида мўғул қабилалардан бирининг номи. Мўғуллар истилоси даврида (13 аср) нукузларнинг бир қисми Дашиби Қипчоққа, кейинчалик бошқа туркий қабилалар билан бирга Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган бўлишлари мумкин. Улар вақт ўтиши билан маҳаллий халқлар, жумладан қорақалпоқлар таркибиға сингиб кетган.

Рашидуддиннинг “Жомеъ ат-таворих”, Абдулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”, рус тадқиқотчиси Н.Ханниковнинг “Бухоро хонлигининг тавсифи”, А.Вамберининг “Ўрта Осиё бўлаб саёҳат” асарларида нукуз уруғи тилга олинган. Нукузларнинг жуда оз қисми яқин вақтгача йирик қабилалар таркибида уруғ бўлиб, ўз номларини сақлаб келганлар. Жанубий Ўзбекистон топонимиясини ўрганган Т.Нафасовнинг ёзишича, Қашқадарё манғитларининг йирик уруғлардан бири нукуз деб аталган. Таниқли олимнинг аниқлашича, тарихий шароит, муҳит тақозоси билан нукузларнинг бир қисми алоҳида тўп сифатида чуюллар таркибида ҳам қайд қилинган.

Ф.Уринбаева, Г.Турееваларнинг “Нукус” топонимининг вужудга келиш тарихи ва этимологияси ҳақида номли мақоласида “Нукус шаҳри ҳақидаги энг дастлабки маълумотлар 18 аср ўрталариға оид. 1743 йили И.Муравин тузган харитада Амударёнинг ўнг соҳилида Нукус шаҳри кўрсатилган” деб ёзганлар. Мазкур мақолада нукус сўзининг маъноси ҳақида қуйидаги ривоят келтирилган: “Нукэс (ну - тўққиз, кэс - баҳодир, одам) сўзи форс тилида

“тўққиз одам ёки тўққиз баҳодир” каби маъноларни англатади. Кўрсатилган тўққизта баҳодир кейинчалик қорақалпок уруғларининг бири бўлган нукус уруғига асос солган”. С.Қораевнинг ёзишича, нукуслар асли мўғул қабиласи бўлганини эътиборга олсак, бу этнонимнинг этимологияси ҳақидаги фикрлар узил-кесил ҳал бўлмаган дейиш мумкин.

Республика топонимиасида, хусусан аҳоли пунктлари номлари - ойконимларда ўлка табиий шароити ҳам ўз аксини топган. Улар орасида рельеф шаклларини англатувчи тов, қум, жар, шунғил («чуқур жой», «ботиқ»), ўй («чуқур жой», «кичик ботиқ»), тақир каби орономик терминлар кўп учрайди. Масалан, Жумуртов, Пўрлитов; Жалғизқум, Жиндиқум; Қизилжар, Қоражар; Мурашунғил, Оқшунғил; Думалокўй, Қораўй; Қоратақир ва бошқалар.

Сув обектларини ифодалайдиган гидрономик терминлар: арна - Пахтаарна, Тентекарна; ариқ - Шуқурариқ, Янгиариқ; булоқ - Ашибулоқ, Сутбулоқ, саға - сақа («каналнинг боши») - Каналсаға, Учяпсаға; ўзек («жилдираб оқадиган жилға») - Мойлиўзек, Қирқўзек; солма («кичик ариқ») - Бўзсолма; жап-яп («ўртача ариқ») - Жалпақжап, Қоражап, Найманжап, қудук - Оқкудуқ; жағис - («жой», «пристан») - Оқжагис ва ҳоказо.

Минтақа гидрономик терминлари орасида кўл сўзи бошқа терминларга нисбатан ойконимлар ҳосил қилишда кўпроқ қатнашган. Расмий маълумотларга қараганда, 40 дан ортиқ аҳоли пунктлари номлари таркибида кўл сўзи учрайди. Бунинг икки асосий сабаби бор, биринчиси - республика худудининг асосий қисми Амударёнинг қуи оқимида жойлашганлиги, иккинчиси, серёғин йиллари дарё суви тошиб кўллар ҳосил қилганлиги. Таркибида кўл бўлган ойконимларга, Қанликўл, Тўртқўл, Кўтонкўл, Шўркўл, гавмискўл ва бошқалар мисол бўлади.

Республика ойконимлари таркибида ойконимик терминлар ҳам кўп учрайди. Улар орасида овул ва қалъа терминлари етакчилик қиласи. Тахминан икки юзга яқин аҳоли пункти номи таркибида овул ва ўттиздан кўпроқ ойконимлар таркибида қалъа термини тақорорланади. Масалан,

Бўзовул, Дарғаовул, Кепеовул, Элликқала, Аёзқала, Жамбасқала ва бошқалар. Ҳозирги қорақалпоқ тилида қала сўзи шаҳар маъносини ҳам ифодалайди.

Хоразм вилояти топонимияси: Хоразм мамлакатнинг шимолигарбидаги жойлашган, қадимий сугориш маданиятига эга бўлган кўхна вилоятлардан бири ҳисобланади. Амударё соҳили бўйлаб жойлашган Хоразм ҳудудида қадимдан турли қабилалар ва халқлар яшаган. Милоддан анча олдин ушбу ҳудудда Хоразм давлати барпо этилган. Хоразмнинг қадимги аҳолиси - хоразмий тилда (шарқий эроний тилларга мансуб) гаплашган. Кейинчалик улар турли туркий қабилалар билан аралашиб, туркий тил астасекин ҳукмрон мавқеъга эга бўлиши натижасида, хоразмий тили ўлик тилга айланган.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги хоразм шевалари таркибида хоразмий тилнинг айрим унсурлари сақланиб қолган. Бундай унсурлар топонимияда айниқса яққол кўзга ташланади. Хоразмлик таниқли топонимист олим З.Дўсимов вар (вара), пур, кат, кас, фир, арна каби унсурларни қадимги хоразмий тилида жой номлари ясашда фаол қатнашган топонимик индикаторлар деб ҳисоблайди.

З.Дўсимов вилоят топонимларини таркибидаги топотерминларига кўра, томон, ўрин, ҳажм ва белги-хусусият билдирувчи индикаторларга бўлиб ўрганган. Масалан, ўрини ва катта-кичиклигини билдирувчи топонимларга Арқаавул, Арқажам, Киччиқала, Киччикўл, Уллиқала, Уллиатиз каби номларни мисол қилиб кўрсатган. Вилоят ҳудуди асосан текисликлардан иборат бўлганлиги сабабли оронимлар сони кўп эмас. Рельеф билан боғлиқ номлар таркибида тав (дағ), жар, дўба (тепа), дўбажик (кичик тепа) каби топотерминлар кўп учрайди. Уларга Ҳактав, Қубатав, Уллидўба, Эшкижар каби номлар мисол бўлади.

Вилоятда сув обьектлари билан боғлиқ номлар алоҳида бир гурухни ташкил қиласиди. Гидронимлар ясашга ихтисослашган ва бошқа ҳудудларда кам ёки умуман учрамайдиган арна, яп (ёп), ёрмиш, солма, ёсқа каби

топотерминлар мисол бўлади. Хоразм шевасида “ёсқа” сўзи кечув маъносини англатади. Мачитёсқа, Қумёсқа, Узунёсқа каби гидронимлар ана шу термин ёрдамида пайдо бўлган. Хоразм вилояти топонимияси таркибида кориз, кўл, кўлча, кўпир, тақир, қайир, тўқай, қум, овул каби терминлар қўплаб жой номлари ҳосил қилган.

М.Миракмалов ва М.Аvezовлар Хоразм вилояти топонимларининг табиий географик хусусиятларини маҳсус ўрганиб, минтақа оронимлари ва гидронимлари таркибидаги айрим топонимик терминларнинг улушини алоҳида ҳисоблаб чиқишиган.



Вилоятда тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳамда худуд ландшафтини ўзида акс этган жой номлари ҳам қўп. Маълумки, қадимдан Хоразм воҳасида суғорма дехқончилик яхши ривожланган. Шунинг учун, тупроқ таркиби, ҳолати ва хусусиятлари кишилар диққатини тортиб номлашга асос бўлган. Маҳаллий дехқонлар тупроқнинг ҳолатига қараб, шўрхок жойларда Шорлик, Шортахта, унумдор ерларда Суғали, Соғаланг,

бўз тупроқли ерларда Бозли, Бозяпли, тақир тупроқли худудларда Тақири, Ақтақир каби номлар билан аташган.

Ўсимликлар кишиларнинг ҳаёти ва хўжалик фаолиятида муҳим роль ўйнаган. Табиийки, улар инсон учун хом-ашё манба, чорвага мўл-кўл озуқа базаси ҳисобланган. Шунинг учун ҳам кишилар турли хил ўсимлик номларини жой номи тарзида қўллаганлар. Бундай номлар кишилар ҳаётида ориентир (мўлжал) вазифасини бажарган. Вилоят фитотопонимлари таркибида турли ёввойи ўсимликлар, дараҳтлар, полиз экинлари номларини учратиш мумкин. Уларга Арпабодиян, Кандирли, Маштахта, Йилғинлик, Қамишлиқ каби номлар мисол бўлади. Минтақа зоотопонимларига Бориятак, Суйлунли, Лақалияп, Кўкқарға каби кўплаб номлар мисол бўлади. Мухтасар айтганда, вилоят топонимијаси таркибида жойнинг географик ўрни, тупроғи, рельеф хусусиятлари билан боғлиқ номлар билан бирга, гидронимлар, фитотопоним ва зоотопонимлар муҳим ўрин эгаллайди.

Хоразмнинг қадимий пойтахти турли манбаларда Фил, Фир, Кас, Кат шаклида тилга олинган. X асрда форс-тожик тилида битилган муаллифи номаълум “Худуд ул-олам” номли географик асарда “Кат - Хоразмнинг бош шаҳри, савдогарлар оқиб келадиган жой, шаҳар катта бойликка эга, ёстиқ чойшаблари, қавилган кийимлар, ип газламалар, кигиз ва бошқалар ўша ердан олиб келинади”, деб ёзилган. Кат ўрта асрдарда туркий элатларнинг савдо-сотиқ марказига айланган. Тарихий манбаларга қараганда, шаҳар турли даврларда турлича номланган. Улар орасида энг машҳури Кат - хоразмий тилида "аҳоли яшаш манзили" деган маънони англашган.

Ўрта аср араб географи Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, Кат Жайхун (Амударё) нинг шарқий қирғоғида, Журжониядан йигирма фарсаҳ нарида жойлашган. Бошқа араб географи Муқаддасийнинг маълумотларига қўра, Кат шаҳристон деб ҳам аталган ва катталиги жиҳатидан Нишопурга тенг бўлган. А.Самъоний эса ўзининг "Китоб ул-ансоб" асарида Кат рабоди "берун" деб аталганини қайд этган. Абурайҳон Беруний африғийлар асосчиси Африғ шаҳар ичида уч қават девор билан ўралган қаср

курдирганлиги, унинг деворлари ниҳоятда баланд бўлиб, тахминан 20 км узоқликдан ҳам кўриниб турганлиги ҳақида маълумот ёзиб қолдирган.

Вилоят ойконимлари таркибида қала terminidan кўп фойдаланган. Уларга Бўзқала, Дошқала, Шўрқала, Катқала қаби топонимлар мисол бўлади. С.Қораевнинг ёзишича, Хоразмда жой номлари ясашда фаол қатнашган индикатор терминлар қаторига, бошқа ҳудудларда кам ёки умуман учрамайдиган аланг - (“экинга яроқсиз ер” - Қорааланг), атав - (“орол” - Қамишлиатав), арна - (“катта канал” - Шовотарна), ёп - (“арик” - Қумёп), сақа – (“каналнинг боши” - Тошсақа), солма - (“кичик ариқ” - Бегансолма) қаби терминларни киритиш мумкин.

Қадимий Хива ойконимини ҳам субстрат номлар қаторига киритса бўлади. Тарихий шаҳарга ташриф буюрган араб географлари Ибн Ҳавкал, Ёкут Ҳамавий, Ибн Батута, мажор сайёҳи Ҳ. Вамбери ва рус олимни С.П. Толстов унинг номини изоҳлашга ҳаракат қилганлар. Маълумки, тарихий манбаларда шаҳарнинг номи Қалъаи Рамл - “қум устидаги қалъа”, Қалъаи Сардоба - “сардобали қалъа” шаклида қайд қилинган.

Худойберди Қўшмуҳаммаднинг “Дили ғаройиб” номли китобида шаҳар ҳақида қуйидаги маълумотни топиш мумкин: “Хевак - Хиванинг қадимий номи Рамул, Муни бино қилғон Сом билан Нуғким, отасининг кемасига ўхшатиб солғон ва кеманинг андозасига баробар ва ҳоло Хевақға нисбат берурлар”.

Хива топонимининг этимологияси тўғрисида турли манбаларда турлича фикрлар баён қилинган. Баъзи олимлар Хива қальасининг номи “Хевақ” қудуғи номи билан боғлиқ, “Хей-ваҳ” эса мамнуният, қониқиши, хитоб белгиси деган фикрни билдирадилар. Бошқа бир гуруҳ олимлар, “Хевақ” холи, қуруқ, бўш ёки ғовак жой деган маънони билдиради, деб тахмин қиладилар. Хоразм топонимиясини ўрганган олим З. Дўсимовнинг фикрича, Хева топонимига изоҳни қадимги хоразмийлар тилидан излаш керак.

Айрим мутахассисларнинг ёзишича, Хива сўзи ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб хоразмийлар тили билан кўчманчи туркий халқлар тилининг қоришимасидан пайдо бўлган ва у қадимий қум тепалигига жойлашган қудуқли қўрғон, сувли маскан, одамлар яшайдиган обод қишлоқ-қалъя демакдир. “Хева”- сўзи эса шаҳар номининг арабча, форсча, талаффуз шакли бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Хива сўзи мутахассислар томонидан кўп марта изоҳлаган бўлса ҳам, аммо унинг илмий талқини ҳозиргача жумбоқлигича қолмоқда. Хива шаҳри 1969 йили халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан дунё халқлари моддий ва маданий мероси рўйхатига киритилган. 1997 йили шаҳрнинг 2500 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланди.

Хоразм топоними ҳақида: Хоразм - Ўзбекистон Республикаси таркибидаги вилоят номи (1938 й.). Вилоят ҳудуди чўл зонасида, қадимги Хоразм воҳасининг ғарбий қисмида жойлашган. Релефи пасттекисликлардан иборат, Амударё қадимий делтасининг бир қисми бўлиб, дарё ётқизиқларидан ташкил топган. Қорақум чўлига туташган ғарбий ва жануби-ғарбий қисми қум билан қопланган.

Ўрта Осиёning икки дарё оралиғидаги ерлари қадимдан Хоразм назорати остида бўлган. Хоразм воҳаси бой ва қадимий тарихга эга, хоразмликлар юксак маданиятли халқ бўлган. Қадимги Хоразм - Турон ва Эрон минтақалари оралиғида жойлашган тарихий ўлка ва қадимги давлат. Хоразмнинг қадимги аҳолиси - хоразмий тилда (шарқий эроний тилларнинг шимолий гуруҳига мансуб) сўзлашган ва қадимги хоразмча номлар ҳам шу тилда яратилган. Хоразм топонимиясининг ўша даврга тегишли бўлган номларини бошқа ҳинд-европа, жумладан, эроний тилларга хос топонимлар билан қиёсий ўрганиш орқалигина аниқ илмий холосага келиш мумкин.

Хоразм ҳудуди қадимда Амударё этакларидан жанубга томон Мурғоб ва Тажан дарёларининг юқори оқимларигача чўзилган. Шу боисдан бу қадимий тарихий ўлка фанда икки хил: Қадимий Хоразм ва Катта Хоразм

номлари билан маълум. Хоразм ҳақидаги илк маълумотлар Авесто китобида, Доро I нинг Биҳистун ёзувларида, қадимий юонон олимлари Гекатей, Геродот, Страбон китобларида ҳамда илк ўрта аср араб географлари асарларида учрайди.

Хоразм номи Авестода Хваиризем, қадимий форсийда Уваразмис, лотинчада Хорасмия ва юонончада Хоразмия деб юритилган. Арабча ёзма манбаларда бу ўлка Хворазм талаффузида тилга олинган. Хоразм номининг семантикаси ҳақида бир қанча фикрлар мавжуд. Хоразм тарихининг билимдони, рус тадқиқотчиси С.П.Толстов Хоразм сўзига тегишли бўлган талқинлар орасида форсча, "хуршед" ва "зем" сўzlари асосида юзага келган, номнинг "қуёшли ўлка", "қуёшли ер" деган изоҳ ҳақиқатга энг яқини таъкидлайди.

Сўғдшунос олим М.Н.Боголюбовнинг ёзишича, Хоразм сўзи уч таркибий қисмлардан иборат: ху (хуш, хаш), вар (вара) ва зм (зим, зем). Шарқий эроний тилларда ху - "яхши" "маъқул", вар(вара) - "девор", "марза", "қалъа", "қўра", зм (зим, зем) эса - "ер", "ўлка", "диёр", "мамлакат" каби маъноларни англатган. Демак, Хоразм номи қандай шаклда қайд этилмасин, "яхши қўрали ер", "ажойиб қалъали ўлка", "мустаҳкам қалъали" деган маънони англатган.

Хоразмлик номшунос олим З.Дўсимовнинг ёзишича, Хоразм сўзининг пайдо бўлиши қуйидаги ривоят билан боғлиқ. Жуда қадим замонларда подшо ўзининг тўрт юз аскаридан ғазабланиб, уларни одамсиз чўлга чиқариб ташлашни буюрган. Подшонинг фармони бажарилган. Орадан бир неча йил ўтгач, подшо улардан хабар олишни топширган. Подшо одамлари уларни тирик эканлиги ҳақида хабар келтирган. Қувгин қилинганлар хор ва разм билан ҳаёт кечирган эмиш.

Шунинг учун, подшо бу ерни Хор Разм деб аташни ва уларга тўрт юз чўрини келтириб беришни буюрган. Хоразм элати шундай пайдо бўлган эмиш. Бу шунчаки ривоят, номнинг халқона талқини, аслида бундай ривоят ва афсоналар номнинг жуда қадимий эканлигидан дарак беради. Бироқ

бундай ривоят ва афсоналар номнинг асл моҳияти ва мазмунини очиб берада олмайди.

Бухоро вилояти топонимияси: Бухоро - муazzам шарқнинг машҳур қадимий воҳаларидан бири. Бухоро вилояти топонимияси ўзининг қадимийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Археологик манбаларда милоддан аввалги VI-V асрларда ҳозирги Бухоро шаҳри ўрнида учта манзилгоҳ бўлганлиги қайд қилинган. Улардан бири - Фиродиз, иккинчиси - Навмичкат, учинчиси - Бухоро деб аталган. Кейинчалик аҳоли манзилгоҳлари бирлашиб, ягона Бухоро номи билан юритилган.

Шаҳарнинг Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги илк даврлардан бошлаб зардўзлик, заргарлик, мисгарлик, темирчилик, кулолчилик каби ҳунармандчилик турларини пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлган. Мазкур касб-ҳунар турлари ҳозиргача географик объектлар номи сифатида сақланиб қолган. Саррофон, Заргарон, Куллон, Қамчибоф, Карбосбоф, Телпакфурӯшон, Читгарон каби номлар бунга яққол мисол бўлади.

Вилоят топонимиясида қадимги мураккаб тарихий жараёнлар ҳамда минтақада яшаган турли халқларнинг тарихий-маданий ва сиёсий-иқтисодий ҳаёти ўз аксини топган. Бухоро вилояти ойконимларини маҳсус ўрганган С.Наимовнинг ёзишича, минтақа топонимларининг ҳозиргача аниқланган энг куйи қатлами қадимий сўғдий, форсий ва туркий тилларга тегишли. Улар орасида тоҷик тили асосида шаклланган номлар алоҳида бир гуруҳни ташкил қиласиди. Тоҷикча ойконимларнинг асосий қисмини семантик жиҳатдан табиий-географик омиллар, касб-ҳунар ва этник келиб чиқиши билан боғлиқ номлар ташкил қиласиди. Вилоят тарихий ойконимлари таркибида кат, диз, ком, рўд, хона, обод каби ойконимик индикаторлар қўп учрайди.

Бухоро вилояти ҳудудининг катта қисми чўл зonasида жойлашганлиги сабабли кўплаб қудуклар қазилган. Уларнинг ҳар бирининг ўз номи бор. Кўрқудук, Оққудук, Чиғирчиқудук, Сурхи қудуғи ва бошқалар. Кўрқудук - серёғин йиллари суви қўп бўлиб, ёғингарчилик кам бўлган йиллари ёки

жазирама ёзда суви куриб қоладиган қудукни шундай номлашган. Вилоятнинг Пешку туманидаги қудуклардан бирининг номи - Зарқум. Зар - сўзи жой номлари таркибида кўп учрайди ва олтин, тилла каби сўзларни синоними сифатида қўлланилади. Бизнингча, қудук номи таркибидаги зар сўзининг илк шакли зард (тожикча) - “сарик” бўлган ва номларнинг тежалиш қонуниятига кўра “д” ҳарфи туширилиб қолдирилган. Бинобарин, қудукнинг номи унинг атрофида кенг тарқалган тоғ жинсларининг сочилувчан майдада заррачалари бўлган қум ранги билан бевосита боғлиқ.

Бухоро шаҳрини сув билан таъминлайдиган ариқларнинг ҳам ўз номи бўлган. Масалан, Шохрӯд - катта ариқ, канал, араб географлари асарларида Нахри Зар шаклида тилга олинган. Яна бир ариқнинг номи Коми Зар бўлган. Мутахассисларнинг ёзишича, Бухорода ком сўзи каттароқ ариқ маъносини англатган. С.Қораевнинг ёзишича, бухороликлар Зарафшон дарёсидан бошланадиган каналлардан бирини Жўйи Абўмуслим деб атайдилар. Абўмуслим 747-749 йилларда арабларга қарши Бухорода кўтарилиган қўзғалонга бошчилик қилган Абдураҳмон ибн Асаднинг лақаби.

Вилоят ҳудуди асосан текисликлардан иборат бўлганлиги боис, рельеф шаклларини ифодаловчи оронимлар сони кам, уларнинг барчасини илмий, тарихий, лисоний, географик жиҳатдан ўрганиш керак. Дўнғизтов, Жиллиқоя, Жусантепа, Сандиқли, Пешку каби номлар оронимик объектлар номлари сирасига киради. Масалан, вилоятнинг чўл қисмида жойлашган Жусантепа - жусан ўсимлиги кўп тарқалган жой, қозоқлар шувоқ ўсимлигини жусан дейишади. Сандиқли чўли Туркманистон билан чегара ҳудудида жойлашган, туркманларнинг бир уругининг номи сандиқли.

Вилоят оронимларини алоҳида ўрганган М.Миракмалов ва М.Аvezovларнинг ёзишича, оронимларни шаклланишида бир қанча табиий географик терминлар иштирок этган. Уларнинг вилоят оронимлари таркибидаги улуши 62 % етади, яъни вилоятдаги 150 ортиқ оронимнинг 93 таси айнан табиий географик терминлар асосида вужудга келган. Улар

орасида тепа, қир, сой, қум каби терминларнинг улуши 38 % ни ташкил қилади.



Вилоят топонимияси таркибида ўсимлик ва ҳайвонлар тури номи билан аталган географик объектлар кам бўлса ҳам учрайди. Масалан, Жигдақандим тепалиги - чўлда ўсадиган баланд бўйли қандим бутасининг жийдага ўхшаб кетадиган бир тури, Тавоис - араблар бу ерда кўп товусларни кўриб қишлоқни шундай номлашган дейишади, Моҳонкўл - аслида Кўли моҳиён (тожикча, моҳи - “балиқ”, он - кўплик қўшимчаси), яъни балиқлари кўп кўл.

Вилоядта этиологияси ҳозиргacha аниқ бўлмаган ёки қўшимча тадқиқотларни талаб қиладиган қадимий номлар кўп топилади. Уларга Варахша, Афшона, Наршах, Тороб, Ғиждувон каби номлар мисол бўлади.

Хулоса шуки, вилоят топонимияси жуда қадимийлиги билан алоҳида ажralиб туради, айрим архаиклашган номлар ҳам бор, уларни изоҳлаш алоҳида этиологик тадқиқотларни талаб қилади. Вилоят ойконимлари орасида тожикча номлар кўп ва уларнинг аксарияти касб-ҳунар ва табиий-географик омиллар асосида пайдо бўлган.

Бухоро номининг этимологияси ҳақида: Бухоро - ҳақидаги дастлабки маълумотлар юонон олими Клавдий Птолемейнинг «География» асарида учрайди. Мутахассисларнинг ёзишича, илк ўрта аср Хитой манбаларида Бухоро номи турлича - Ан, Аңси, Аńго, Бухо, Буку, Бухэ, Бухаэр, Бухуаэр, Бухала, Бухуала, Фухо, Пухуала шаклида тилга олинган. Бу номларнинг аввалги учтаси Бухоронинг хитойча номлари бўлиб, қолгани «Бухоро» сўзининг хитой тилидаги талафғузидир. Хитойлик сайёҳ, роҳиб Сюань Цзяннинг «Хотиралар»ида (630 йиллар) Бухоро - Будо шаклида қайд қилинган.

Ўрта аср араб манбаларида Бухоро Нумижкат, Навмичкат, Бумичкат (Янги қўргон), Ал-Мадина ас-суфрийя (Мис шаҳар), Мадинат ат-тужжор (Савдогарлар шаҳри), Фохира (Фаҳрли шаҳар) каби номлар билан тилга олинган. “Тарихи Бухоро” асари муаллифи М.Наршахийнинг ёзишича, Бухоро номи ўрта асрларда барча номлардан машҳурроқ бўлган. Тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорийнинг (XVI аср) ёзишича, Бухоро - «бухор» сўзидан келиб чиққан бўлиб, оташпастлар тилида «илм макони» демакдир. Хитой бутпастлари ҳам сифиниш жойларини «бухор» дейишар экан.

Академик В.Бартолд ва немис олими В.Томашек Бухоро номини санскритча вихара - “ибодатхона» сўзи билан боғлик, деб ҳисоблаганлар. Айрим мутахассислар, Бухоро номи сугдча «буғ» ёки «бағ» (тангри) ҳамда «оро» (жамол) сўzlаридан иборат бўлиб, «тангри жамоли» деган маънони англатади, деган фикрдалар. Маҳаллий халқ орасида Бухоро боғлари кўплигидан Боғоро деган маънони билдиради, деган ривоят ҳам бор.

Ислом оламида Бухоро - Бухорои шариф (Шарофатли Бухоро) деб аталади. Ўрта асрларда жаҳондаги еттита шаҳар: Макка, Мадина, Қуддус, Бухоро, Бағдод, Дамашқ, Мозори Шарифга диний марказ сифатида шуҳрат қозонганлиги учун «Шариф» унвони берилган. Муҳаммад Наршахийнинг таърифича, Бухорони ислом динининг равнақи йўлида қон тўккан шаҳарларга қиёслаб, унга ҳам шариф унвони берилган.

Бухоро ислом динининг асосий марказларидан бири бўлганлиги боис унга IX асрда «Қуббат ул-ислом» - «Ислом динининг гумбази» деган сифат ҳам берилган. Муҳаммад Наршахийнинг таъкидлашича, машҳур фикҳунос (хуқуқшунос) олим Ҳожа имом Абу Ҳафси Кабир Бухорий шарафига Бухоро «Қуббат ул-ислом» деб аталган.

Бухоро вилояти таркибида Бухоро тумани ҳам бор. Унинг маъмурий маркази Галаосиё шаҳри. Галаосиё сўзи маҳаллий халқ тилида, гала - “бир нечта, кўп”, осиё - “тегирмон”. Ном таркибидаги гала сўзи объектнинг миқдорий белгисини билдириш учун қўлланган. Аҳолиси қадимдан асосан ун ва ун маҳсулотларини тайёрлаш билан шуғулланганлиги сабабли кўплаб тегирмонлар қурилган. Галаосиё - тегирмонлари кўп, бир-бирига яқин масофада, ёнма-ён қурилган жой номи.

Навоий вилояти топонимијаси: Вилоят буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Навоий (асл исми Низомиддин Мир Алишер, 1441-1501) номи билан аталган. Навоий вилояти республика майдонининг деярли $\frac{1}{4}$ қисмини эгаллайди. Вилоят худудида Қизилқум чўли, қумли текисликлар ва қолдик тоғлар ва Нурота тоғ тизмаси жойлашган. Вилоят жой номлари орасида оронимлар, гидронимлар ва ойконимлар етакчилик қиласи. Суюн Қораевнинг ёзишича, минтақа топонимлар сони жиҳатдан республикада биринчи ўринда туради.

Номшунос олимнинг маълумотларига кўра, вилоятдаги рельеф шакллари билан боғлиқ номлар - оронимлар ва сув объектлари номлари - гидронимлар сони тўрт мингдан ошади. Бундан ташқари аҳоли пунктлари номлари – ойконимлар сони салкам бир ярим мингтага етади. Навоий вилояти ҳудудининг катта қисми чўл зонасида жойлашганлиги боис, вилоят топонимијасида ранг билан боғлиқ номлар кўп учрайди.

Минтақа оронимлари орасида оқ ва қора сўzlари айниқса кўп такрорланади: Оқтов - Қоратов, Оқтепа - Қоратепа, Оқтош - Қоратош, Оқкум - Қорақум, Қорақир каби антипод номларда маълум маънода ранг тушунчasi бўлиши мумкин. Вилоятда қизил, кўк компонентли топонимлар ҳам кўп

марта тақрорланади. Масалан, Қизилтепа, Қизилча, Қизилравот, Күкбел, Күксой, ва бошқалар. Ҳудуднинг асосий қисми чўлу биёбондан иборат бўлганлигидан топонимияда ранг символикаси катта ўрин эгаллади.

Вилоятнинг чўл зонасида сув танқис, шунинг учун қўплаб қудуқлар қазилган ва ҳар бирининг ўз номи бор. Қудуқ суви ичишга яроқли ёки яроқсизлигини номидан аниқласа бўлади: Ширинқудук, Чучукқудук - сувини ичиш мумкин; Шўрқудук, Аччикудук - суви истеъмолга яроқсиз қудуқлар. Чўлда доимий оқар сувлар йўқ, шунинг учун ер ости сувлардан фойдалиш мақсадида қўплаб қудудлар қазилган.

“Ҳаёт ўчоқлари” бўлган қудуқлар номида атрофдаги ландшафт компонентларини ҳам ўз аксини топган. Масалан, Аристанқудук - қозоқ тилида аристан – арслон маъносини англатади. Жузғунқудук, Қамистиқудук, Қамичлиқудук, Қайрағочқудук - қудуқ атрофидаги ўсимлик туридан дарак беради. Кишилар исми билан аталадиган қудуқлар сони ҳам кўп. Улар кўпинча қудуқ қазиган ёки унга бош-қош бўлган кишилар номи билан аталади. Боймуродқудук, Жўрабойқудук, Сапарбойқудук ва ҳоказо.

Минтақа топонимияси таркибида зоо ва фитотопонимлар кам бўлса ҳам учрайди. Уккилисой, Қоплонтепа, Қулонқоқ, Ғажир каби географик обьектлар укки, қоплон, қулон ва тасқара номи билан аталган. Конимех туманидаги Ғажир номи адабий тилда тасқара деб юритиладиган ўлаксахўр күшнинг номи билан боғлиқ, уни маҳаллий шевада ғажир дейишади. Фитотопонимларнинг аксарияти қурғоқчил, арид иқлимли чўл худудларга хос бўлган номлардан ташкил топган. Улар орасида Ажириқти, Изенли, Селинқудук каби номлар чорва учун яйлов борлигидан далолат беради.

Навои вилояти жой номларининг табиий географик хусусиятларини маҳсус ўрганган М.Миракмалов ва М.Авезовлар вилоят ҳудудидаги оронимлар ва гидронимлар таркибидаги булоқ, қудуқ, сой, қоқ, тов, тоғ, тепа каби топотерминларнинг улушини алоҳида ҳисоблаб чиқишиган.



Вилоят топонимлари орасида метафорик, мажозий номлар ҳам бор. Тандирқум - ёзда бу жойда ҳарорат юқори бўлади, Жинникум - тинимсиз бир жойдан бошқа жойга кўчиб юрадиган қум тепалари, Етимтоғ, Жетимқир - бепоён чўлу биёбонда узоқдан кўзга ташланадиган якка - ёлғиз чўққайиб турган пастак тоғ, қир, Бахилтоғ - ўсимлик кам ўсадиган тоғ, Оёққудук – этакдаги, паст томонидаги қудук ва бошқалар.

Минтақа топонимияси таркибида афсонавий номлар ҳам топилади. Кармана туманидаги Дулдул қишлоғининг номини Ҳазрати Алиниң афсонавий отининг номи билан боғлашади. Нурота туманида Зулқарнайн қишлоғи бор. Маҳаллий халқнинг ривоятига кўра, Искандар Зулқарнайн шу қишлоқда туғилган. Вилоят жой номлари орасида этнотопонимлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Хусусан, ўзбек уруғ-қабилалари номларидан урганжи, сарой, бурқут, олчин, чуют, қўнғирот, қозоқлар таркибиға сингиб кетган уруғ-аймоқлари номларидан аристан, қалқаман, давлет, қулшиғаш, адай каби этнонимлар этнотопонимлар ҳосил қилган.

Ўзбек уруғ-қабила номлари (эноним) нинг ўзига хос келиб чиқиш тарихи бор. Вилоят ҳудудида қайд қилинган қадимий туркий қабилалардан бири - сарой, кўпгина туркий халқларга хос этноним. Сарой - қабиласи ўз навбатида бир неча тармоқларга (оссарой, қирғизсарой, қўнғиротсарой, можарсарой, наймансарой, қипчоқсарой, иламжисарой, жомонсарой, чемсарой, жалонғочсарой) бўлинади. Сарой сўзининг этимологияси мутахассислар томонидан турлича талқин қилинган, аммо ягона хulosага келинмаган.

Навоий вилояти ойконимлари таркибида қадимий, маъноси мавхумлашган номлар ҳам учрайди. Ана шундай ойконимлардан бири туман ва шаҳар номи Кармана. Кармана номининг Кармина талаффузи ҳам бор. Академик А.Муҳаммаджоновнинг ёзишича, шаҳар номи сўғд тилида Хармана - “катта сарой” маъносига эга. Муҳаммад Наршахий ўзининг “Тарихи Бухоро” асарида ёзишича, Бухоро воҳасининг сугорма дехқончилик ерлари Кармина ҳудудидан бошланади ва у воҳанинг дехқончилик ривожланган рустоқларидан бири бўлган.

Ўрта аср ёзма манбаларида Кармина рустоқи баъзан Йасир номи билан ҳам тилга олиниди. М.Наршахийнинг маълумоти бўйича, Бухоро билан Кармина оралиғи 14 фарсанг (98-112 км) узунликка эга бўлган. Кармана шаҳрининг қадимги номларидан яна бири - Бодияи хурдак. Тожик тилида бодия сўзи - “чўл, сахро”, хурдак - “кичкина” маъносини ифодалайди. Бодияи хурдак - “кичик чўл, кичик дашт” демакдир.

Тарихий манбаларда, жумладан, “Бобурнома”, “Шайбонийнома” да бодия сўзи чўл, биёбон, дашт маъносида қўлланилган. Май, шароб маъносидаги бода сўзи ҳам бор. Балки, шу маънода Наршахий “Тарихи Бухоро” асарида Бодияи хурдак номини - “Кичик кўза” деб изоҳлаган. Аслида Бодияи хурдак номининг - “Кичик чўл, дашт” деган маъноси ҳақиқатга яқинроқдир.

Кармана сўзининг семантикаси номаълум, у қўшимча этимологик тадқиқотларни талаб қиласи. Туман ҳудудида меъморий ёдгорликлардан

Мир Саид Баҳром мақбараси (11 аср), Қосим Шайх хонақоси (16 аср), Работи Малик карвонсарой ва сардобаси (11 аср) сақланган. Бухоро амирлиги даврида (1753-1920) Кармана алоҳида имтиёзли бекликка ажратилиб, у Бухоро амирининг валиаҳди томонидан бошқарилган. Жумладан, Амир Абулаҳад ва Саид Олимхонларнинг қароргоҳлари Кармана шаҳрида бўлган.

 **Савол ва топшириқлар:**

1. Қорақалпогистон Республикаси ойконимлари ҳақида реферат тайёрланг.
2. Қадимги хоразмий тилда яратилган топонимларининг фарқловчи хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
3. Бухоро ва Навои вилояти топонимларининг ўхшаши ва фарқли томонлари нималардан иборат?

 **Тест топшириқлари:**

1. Қорақалпогистон Республикаси топонимиясининг қисмини этнотопонимлар ташкил қиласи.

 - A. 1/2
 - B. 1/3
 - C. 1/4
 - D. 1/5

2. Ҳозирги қорақалпок тилида қала сўзи қандай маънони ифодалайди?
 - A. қишлоқ
 - B. шаҳар
 - C. овул
 - D. бекат
3. Хоразм вилояти ойконимлари таркибида кўп учрайдиган географик терминни белгиланг.
 - A. қала
 - B. кат
 - C. тош
 - D. арна

4. С.Наимовнинг тадқиқотларига кўра Бухоро вилояти топонимларининг ҳозиргача аниқланган энг қуий қатлами тилларга тегишили.

- A. қадимий туркий, форсий ва сўғдий
- B. қадимий сўғдий, форсий ва туркий
- C. қадимий форсий, туркий ва сўғдий
- D. қадимий хоразмий, бохтарий ва туркий

5. С. Қораевнинг ёзииича, Навои вилояти топонимлар сони бўйича республикада ўринни эгаллайди

- A. биринчи
- B. иккинчи
- C. учинчи
- D. тўртинчи

4.4. ФАРГОНА, НАМАНГАН ВА АНДИЖОН ВИЛОЯТЛАРИ ТОПОНИМИЯСИ

 **Режса:**

- 1. Фарғона вилояти топонимиясининг фарқловчи хусусиятлари**
- 2. Наманган вилояти топонимиясига қисқача таъриф**
- 3. Андижон вилояти топонимиясининг умумий тавсифи**

 **Мавзунинг мақсади:** Фарғона водийси (Фарғона, Андижон, Наманган) вилоятлари топонимиясининг шакланиши тарихи ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида қисқача маълумот беришдан иборат.

 **Таянч ибора ва атамалар:** ойконим, географик термин, чек, ёзи, ёр, паркона, намаккон, қўргон, арашан, тена.

Фарғона вилояти топонимияси: Ўзбекистоннинг қадимий маданият ўчоғларидан бири бўлган Фарғона вилояти ҳудуди асосан текисликлардан иборат. Бинобарин, оронимлар ва гидронимлар сони нисбатан камроқ учрайди. Шунинг учун, вилоят топонимиясини ўрганишда аҳоли пунктлари номи - ойконимларга қўпроқ эътибор қаратиш керак. Бундан ташқари аҳоли сони жиҳатидан ҳам, вилоят республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Демак, аҳоли зич жойлашган минтақада ойконимларнинг сони ҳам кўп бўлади.

Таникли географ олим Ю.Аҳмадалиев вилоят ойконимларини икки иирик гурухга бўлиб ўрганишни тавсия қилган: табиий-географик омиллар ва иқтисодий-ижтимоий омиллар асосида шаклланган ойконимлар. Олим табиий-географик омиллар асосида шаклланган ойконимлар қаторига гидроойконимлар, ороойконимлар, фитоойконимлар ва зооойконимларни киритган. Ижтимоий-иқтисодий омиллар гуруҳига антропоойконимлар, этноойконимлар, савдо, транспорт ва диний эътиқодлар ҳамда касб-хунар турлари билан боғлиқ ойконимларни киритган.

Фарғона вилояти топонимияси бошқа минтақалардан географик объектларни номлашда асос бўлган табиати, тарихи, ахолисининг этник ва лисоний таркиби кўра қисман бўлса ҳам фарқ қиласи. Вилоят топонимиясининг фарқловчи хусусиятларидан бири шуки, минтақа жой

номлари таркибида уруғ-қабила номлари билан боғлиқ бўлган этнотопонимлар нисбатан кам. “Фарғона вилояти топонимлари” номли кўлланма муаллифи Ю.Аҳмадалиевнинг ёзишича, аҳоли пунктлари номлари орасида этнотопонимлар кам бўлса ҳам қипчоқ, найман, кенагас, дўрмон, жалойир, қатағон каби уруғ-қабила номлари сақланиб қолган.

Фарғона вилояти топонимларининг тузилиши, таркиби, ясалишини чукур ўрганган олим Н.Охунов, вилоят ойконимларини тузилишига кўра икки турга бўлган: содда ва қўшма. Содда номлар таркибида -чи (Сандиқчи), -ли (Ёнғоқли), -лик (Кудуқлик), -лик (Мисгарлик), -обод (Амиробод), -зор (Бодомзор) сингари топоформантлар қатнашади. Олимнинг ёзишича, содда номларнинг бир қисми туб сўзлар, асосий қисми эса ясама сўзларнинг топонимлашуви билан вужудга келган.

Қўшма номлар асосан синтактик-лексик усул воситасида ясалган. Вилоятдаги қўшма номларнинг асосий қисмини икки ва ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган. Қўштепа, Олтиариқ, Турқравот, Каттақўргонча каби қўшма номлар мисол бўлади. Баъзи бир ойконимик терминлар минтақада жой номлари ясашга “ихтисослашган”. Қўргонча, чек, ойим каби терминлар бошқа худудларда географик номлар таркибида деярли учрамайди.

Профессор Суюн Қораев чек сўзини водий вилоятларида бир неча маънони англатишини аниқлаган: а) бир танобни учдан бир қисми; б) жамоа ерлари тақсимланаётганда қуръа (чек) ташлаш вақтида ютилган ер майдони; в) хон ерларидан олинадиган улуш; г) хоннинг ўғли, бек ва бошқа амалдорларнинг чек ери (чеки хос); д) бир пайкал шолипоя. Юсуфхўжачек, Қўшчек, Юзиячек, Чеки Насриддин ва бошқалар чек компонентли топонимларга мисол бўлади.

Топонимик қонуниятларга кўра, айрим номлар вақт ўтиши билан мазмунан ва шаклан ўзгариши, яъни трансформацияга дучор бўлиши мумкин. Ана шундай, трансформацияга дучор бўлган номлардан бири Қўқон. Мутахассисларнинг ёзишича, тарихий манбаларда Қўқон деган шаҳар

учрамайди. Ҳозирги Қўқон шаҳрининг номи ёзма битикларда Хўқанд, Хувоқанд шаклида тилга олинган. Рус шарқшунос олими В.В.Бартолднинг таъкидлашича, шаҳар номининг адабий жиҳатдан тўғри шакли Хўқанд. Қўқон эса унинг ҳозирги жонли тилдаги талаффузидир.

Вилоят топонимияси таркибида қадимий ва ҳозиргача этимологияси номаълум қолаётган, ва қўшимча топонимик тадқиқотларни талаб қиласиган номларни ҳам учратиш мумкин. Улардан бири Қува ойконими ҳисобланади. Қува сўзи дастлаб муаллифи номаълум “Худуд ул-олам”да, сўнгра араб географлари Истаҳрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида Қубо шаклида тилга олинган. Тарихий манбалардаги маълумотларга кўра, ўрта асрларда Қубо шахри алоҳида вилоятнинг маркази бўлган ва Фарғона водийсида Ахсикатдан кейин, иккинчи йирик шаҳар ҳисобланган.

Қува шаҳрнинг пайдо бўлиши ва унинг номи ҳақида турли ривоятлар мавжуд. “Фарғона тарихи” асарининг муаллифи Ибратнинг ёзишича, Қува қадимда Қубод (ёки Қубо) деб аталиб, кейинчалик Қува шаклини олган. Тарихчи Абдухолиқ Абдурасул ўғли маълумотларига кўра, Қува ва Даван давлати тўғрисида дастлабки маълумотлар милоддан аввалги иккинчи асрга мансуб Хитой манбаларида келтирилган. Олимнинг ёзишича, ўша даврда Қува кенгайиб кўҳандиз, шаҳристон ва рабод каби уч қисмдан иборат бўлган.

Ислом дини тарқалишидан олдин Қувада будда ибодатхонаси бўлган. Ибодатхона VIII аср бошларида араблар томонидан вайрон қилинган. IX-XII асрлар давомида Қува йирик, кўркам ва обод шаҳарга айланган. Мўғуллар истилоси даврида шаҳар ер билан яксон қилинган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асарига илова қилинган харитада шаҳар кўрсатилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур шаҳарда бўлган, “Бобурнома” да Қувасойни - Қубо суйи номи билан тилга олган.

Академик А.Муҳаммаджоновнинг фикрича, шаҳар номи “Қавийбод”, “Қавобод”, ёки “Қайбод” шаклида талаффуз қилинган ва қавийларнинг қароргохи, тождор ҳукмдорнинг каёний тахти ўрнатилган қаср ва

мамлакатнинг бош шаҳри - пойтахт маъносини англатган. Кейинчалик ном ўзгариб Қува шаклида талаффуз қилинган.

Баъзи мутахассислар, ўзбекларнинг қипчоқ ва қўнғирот қабилалари ҳамда қирғизларнинг черик қабиласи таркибида қуба (кува) уруғи борлигига ишора қилиб, шаҳар номига этоним асос бўлган дейишади. Масалан, озарбайжонлик А.Гусейнзаде Озарбайжондаги Қуба, Қубали, Қубадереси, Туркманистондаги Қубадоғ, Ўзбекистондаги Қува каби топонимлар қуба этонимидан ном олган деб ёзган. Хулоса қилиб айтганда, шаҳар номининг турлича изоҳлари мавжуд, аммо уларнинг барчаси илмий этиологик таҳлилга муҳтоҷ десак тўғри бўлади.

Фарғона номининг этиологияси ҳақида: Фарғона жуда қадимий номлардан бири. В.В.Бартолд маълумотларига кўра, ҳозирги Фарғона шаҳрининг қурилиши 1877 йили бошланган. Шаҳар 1907 йилгача Янги Марғилон (маҳаллий халқ орасида Сим) деб аталган. 1907-1924 йилларда подшо Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олишда ва кейинги йилларда кўплаб қирғинбаротлар уюштирган генерали М.Д.Скоблев шарафига шаҳарга Скоблево (маҳаллий аҳоли талаффузида Искобил) номи берилган.

1924 йили шаҳарга жуда қадимий тарихга эга бўлган Фарғона номи берилган. Таниқли номшунос олим Ҳ.Ҳасанов Фарғона сўзининг этиологиясига оид ўндан ортиқ талқинни келтирган ва уларнинг биронтасини ҳам қатъий изоҳ деб ҳисобламаган. Мутахассислар улар орасидан қадимий сўғд тилига тегишли бўлган паркона - “ҳар тарафи тоғ, бир ёғигина очиқ бўлган водий”, “атрофи берк водий” сўзини ҳақиқатга яқин деб ҳисоблашади. Бу талқин водийнинг географик ўрнини аниқ белгилаши билан ҳам диққатга сазовор.

Тарихчи А.Ходжаев милодий VI асргача ёзилган хитой манбаларидаги маълумотларни чуқур ўрганиб қадимий Фарғона мамлакати билан унинг илк пойтахтининг номи бир хил бўлганлиги ва улар хитойча атрофи тоғлар билан ўралган текислик маъносини билдирувчи битта Юан иероглифи билан ифодаланганлигини аниклаган. Олимнинг ёзишича, чалкашликларнинг

олдини олиш максадида қадимдиги хитой тарихчилари мамлакат номига дай - “буюк, катта” сўзини қўшиш орқали уни Дайюан - Буюк Фарғона ёки Катта Паркона деб аташган.

Қадимги хитой тарихий манбаларини ўрганган рус олим Н.Я.Бичурин Дайюан топонимини русча транскрипцияда “Даван” шаклида ёзган ва уни Фарғона эканлигини яхши билган. Рус олим ўз таржималарида Даван сўзини Фарғона водийсининг қадимий хитой манбаларидаги номи сифатида қўллаган бўлса ҳам, аммо унинг маъноси ва келиб чиқиши ҳақида маълумот бермаган. Дайюан топонимининг пайдо бўлиши ва этимологияси кейинча Европа олимларини ҳам қизиқтирган. XVIII асрда яшаган француз олим М.Дегин биринчи бўлиб унинг Фарғона номи билан боғлиқлигини аниқлаган.

Ўзбек олим А.Ходжаевнинг ёзишича, Дайюан топонимини биринчи бўлиб Хан сулоласинг элчиси Чжан Чяннинг ҳисботномаси орқали хитой манбаларида пайдо бўлган.Faқат милодий VII - асрдан кейин ёзилган хитой манбаларида Фарғона номи Фаханна шаклида тилга олинган. Мутахассислар Фаханна - Фарғона топонимининг хитойча транскрипцияси эканлигини аниқлашган. Демак, милодий VII - асрдан кейин қадимий Паркона номи Фарғонага айланган.

А.Ходжаев мантиқий таҳдил асосида Дайюан топоними, аслида Паркона сўзининг хитойча таржимаси эканлигини аниқлашга мушарраф бўлган. Олим фикрининг исботи учун қўйидаги маълумотларни далил сифатида баён қилган:

- биринчидан, қадимги хитойда “юан” иероглифи кўпинча атрофи баландлик ёки тоғлар билан ўралган, релеф шакли косасимон худудга нисбатан қўлланилган. Фарғона водийси айнан шундай релефга эга эканлиги, бу фикрни тасдиқлайди. Ўша даврда Хитойдан келган сайёҳлар ҳам Фарғона водийсининг географик ўрнига алоҳида эътибор беришган. Масалан, 629-646 йиллари Ўрта Осиё орқали Ҳиндистонга борган хитой будда роҳиби Шюан Занг кундалигига Фарғонани тўрт томони тоғлар билан ўралган деб ёзган.

- иккинчидан, атоқли географ олим С.Қораев - В.А.Лившиц ва М.Исхаков тадқиқотларига ишора қилиб, Паркона топоними пар - “айланма шаклидаги баландлик”, кан - “жой” маъноси борлиги ва ҳозирги Фарғона номи ана шу икки сўздан ташкил топганлигини айтган. Рус географ олими Э.Мурзаевнинг ёзишича, “паргона” сўзи помир тилларида ҳозир ҳам атрофи баландликлар билан ўралган текислик жой маъносини англатади. Маълумки, айrim шеваларда “ф” билан “п” товуши алмаштириб талаффуз қилинади. Масалан, Фарғонани Парғона шаклида талаффуз қилиш тез-тез учраб туради.

Хитой олими Шюй Шюйянинг ёзишича, шарқий эроний тилларда Парғона сўзи - “атрофи тоғлар билан ўралган ва факат бир томони очик бўлган жой” маъносида қўлланилган. Араблар келганидан кейин уларнинг тили хусусиятларига кўра “п” товуши “ф”га ўзгариб, Парғона номи Фарғона деб талаффуз қилинган.

А.Хўжаевнинг ёзишича, хитойларнинг яна бир эътиборга молик одати - бу қадимдан ўзгалар юртидаги номларни хитойчага таржима қилиб олганлар. Милоддан аввалги 128-127 йилларда Фарғонага келган хитой элчиси Чжанг Чян водий номи бўлган Парғона сўзини таржима қилиб, кундалигига унинг хитойча синоними Юан сўзини водий номи сифатида ёзиб қолдирган. Ҳозирги хитой тилида ушбу иероглиф рўзгор буюми бўлган коса маъносини ифодалайди.

Юқорида баён қилинган фикрлардан қуйидаги хулоса келиб чиқади, хитойча “Юан” атамаси маҳаллий халқ қўллаб келган Паркона топонимининг хитойча таржимаси ҳисобланади. Демак, қадим замонда географик жойлашувига кўра, атрофи тоғлар билан ўралган, ўрта сатҳи текис ва нисбатан пастроқ водийни маҳаллий халқ “паркона” дейишган.

Захириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида Фарғона водийсининг географик ўрнини жуда аниқлик билан тасвирлаган: “Гирдо гирди тоғ воқеъ бўлубтур. Ғарбий тарафидаким... тоғ йўқтур. Ушбу жонибтин ўзга ҳеч жонибтин қиши ёғи кела олмас.”

Наманган вилояти топонимияси: Вилоят ҳудудининг асосий қисми Сирдарёning ўнг соҳилид, кенг Фарғона водийсида жойлашган, шимолда . Чатқол ҳамда Қурама тоғлари билан ўралган. С.Қораевнинг ёзишича, Наманган вилояти топонимиясининг ички хусусиятларидан бири шуки, жой номлари таркибида қўрғон ва қўргонча сўзлари кўп учрайди. Олимнинг таъкидлашича, ер сатҳидан кўтарилигандан жойда тевараги девор билан ўраб олинган, дарвозали қалъа, истеҳкомни қўрғон дейишган.

Таъкидлаш жоизки, қўрғон қуриш ҳалқимизнинг ўтроқ ҳаётга кўчиш маънавияти ва шаҳарсозлик қадриятлари билан боғлиқ. Дастлаб атрофи девор билан ўралган айлана, тўртбурчак тарзидаги иморат қўрғон дейилган. Сўнгра деворини баланд, қалин, мустаҳкам ва маҳобатли, бир дарвозали қилиб қуришган. Вилоят ҳудудида такрорий номларни ҳисобга олмагандан қўрғон номи 20 та ойконим таркибида учрайди. Тошқўрғон, Учқўрғон, Хўжақўрғон, Тўракўрғон ва бошқалар. Кўрғонча - катта қишлоқ кенгайиб ундан ажралиб чиққан кичикроқ қишлоқни қўрғонча дейишган.

Наманган вилояти топонимияси таркибида минтақага хос ва жой номлари ясашга “ихтисослашган” индикатор терминлар кўп. Ана шундай даракчи - индикатор терминлардан бири “-обод”. “Обод” - термини баъзи отларга ёки айрим сифатларга қўшилиб, баъзан мустақил ҳолда жой номи ясадиган, «ободонлаштирилган», «ўзлаштирилган», гўзал, чиройли, тартибга солинган маъносидаги аффикс сўз. Обод - асли об - «сув» сўзидан келиб чиққан деган фикр мавжуд. Зафаробод, Соҳилобод, Хўжаобод, Янгиобод, Файзобод ва бошқалар. Зафаробод - ғалабалар, ютуқлар, муваффақиятлар эвазига обод этилган маскан, жой демакдир.

Вилоят ойконимлари таркибида булоқ, ариқ, сой, кўприқ, равот, мазор, масжид, боғ, бўстон, капа, чек, тепа каби терминлар ҳам учрайди. Вилоят ҳудудидаги рельеф шаклларини акс этувчи Унгуртепа, Исириқсой, Қаровултепа, Бетагалик каби оронимлар изоҳсиз ҳам тушунарли бўлса керак. Ҳозирги жонли тилда Қамчиқ довони деб юритилаётган оронимик объект,

республика миқёсида алоҳида аҳамиятга эга. Мутахассислар довон номига камтиқ, кемтик сўзи асос бўлган деб ҳисоблайдилар.

Вилоят топонимияси таркибида оронимларга нисбатан гидронимлар сони кўпроқ. Кўпчилик сув объектларнинг номлари изоҳга муҳтоҷ эмас, уларни ҳозирги ўзбек тили ёрдамида тушунса бўлади. Аммо, гидронимлар орасида алоҳида эътиборни талаб қиласиган номлар ҳам бор. Арашон гидроними ана шундай диққатга сазовор номлар сирасига киради. Арашон сўзини П.Ғуломов «иссиқ сувли минерал булоқ. Ҳозир асосан географик номлар таркибида сақланиб қолган» деб таърифлаган.

Мутахассислар, арашан, аршан, арасон шаклида учрайдиган бу терминнинг географияси анча кенглигини аниқлашган. Ўрта Осиёдан Узок Шарққача, Шарқий Сибирдан Тибетгача бўлган катта ҳудудда тарқалган. Санскрит тилида - “оби ҳаёт”, “худолар озиги” маъносини англатадиган бу термин кўпинча шифобахш, иссиқ минерал сувларга эга булоқлар маъносини англатган.

Вилоят топонимлари орасида этнотопонимларнинг камлиги ҳам вилоят топонимиясининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Ҳисобкитобларга кўра, вилоят ҳудудида 650 дан кўпроқ ойконимлар мавжуд, улардан фақат кирқ бештаси этноойконимлар ҳисобланади. Демак, вилоятдаги жами ойконимларнинг тахминан саккиз фоизини ташкил қиласиди. Бу республика вилоятлари орасида энг паст кўрсатгич ҳисобланади. Вилоят топонимияси таркибидаги Қўғай, Қорамурут, Қайқи, Еттиқашқа, Қурама, Найман, Думар каби номлар этнотопонимларга яққол мисол бўлади.

Вилоятда қадимий субстрат номлар ҳам учрайди, уларнинг асосий қисмини сугд тилига тегишли номлар ташкил қиласиди. Ана шундай қадимий номларнинг бири Нанай. Суюн Қораевнинг ёзишича, нанай жуда қадимий сўз. Месопотамияда илоҳни номи Нанай (Нанайя, Нани) бўлган дейишади. Кейинчалик Ўрта Осиё зардуштийлари уни унумдорлик худоси деб тан олганлар. Сўғдда Нанидат деган исм ҳам бўлган. Тошкент вилоятидаги Нанай қишлоғининг номи ҳам худди шундай маънога эга.

Чуст қадимий номлардан бири, шаҳар ўрта асрларда ҳарбий қалъа сифатида ривожланди. Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо 1480 йилда Чустни ўз қароргоҳига айлантирган. 16 аср бошида Чуст бир неча қўрғонлардан бўлиб, улар умумий девор билан ўралган. Чуст шаҳар номи сифатида пайдо бўлган, кейинча туманга ҳам берилган, ном қўчиш ҳодисаси юз берган.

Шаҳар номининг келиб чиқиши тўғрисида мутахассислар турлича фикрлар баён қилишган. Тарихий манбалардан шаҳар қадимдан Чуст ва Тус номлари билан маълум бўлганлиги аниқланган. Кўпчилик изоҳлар маҳаллий халқ орасидаги ривоят, афсона ва тахминларга асосланган халқона талқинлардир. Маҳаллий топонимиист олимларнинг фикрича, чуст сўзи форс-тожик тилида “тез”, “тезкор” маъносини билдиради. С.Қораев чуст сўзини қандайдир термин бўлиши керак деб ҳисоблайди. Номнинг асл маъноси аниқ эмас, у қўшимча этиологик тадқиқотларни талаб қиласди.

Чуст шаҳри қадимдан Фарғона водийсининг ҳунармандчилик марказларидан бири бўлган. Чустлик темирчилар, тўқувчилар, кулоллар, заргарларнинг маҳорати шўҳрат қозонган, хусусан, чуст пичоқлари ва дўппиларининг донги кенг тарқалган. Чуст шаҳридаги Кулолон, Заргарон, Тоқадўзон, Боғанда, Пичоқчи каби маҳалла ва гузар номлари маҳаллий халқнинг касб-ҳунари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган.

Умуман олганда, минтақа топонимияси анча мураккаб топонимик ландшафтга эга. Вилоят топонимияси ҳакида топонимик адабиётларда, тарихий манбаларда, архив ҳужжатларида кўплаб маълумотлар топиш мумкин. Шунинг учун, ҳозиргача этиологияси номаълум бўлган географик номларнинг ўрганиш ва илмий асосда тадқиқ қилиш яқин келажак ишидир.

Наманган топоними ҳақида: Ўзбекистон таркибидаги вилоят, шаҳар ва туман номи. Наманган аҳоли сони бўйича Фарғона водийсида энг йирик шаҳар ҳисобланади. Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида “Фарғона водийсининг қадимий пойтахти Ахсикат (Ахсикент) 1620 йилдаги қаттиқ зилзила натижасида вайрон бўлганлиги сабабли, унинг аҳолиси ҳозирги Наманган шаҳри худудига кўчиб ўтган. Наманган туз кони (“намак кон”)

яқинида вужудга келган бўлиб, шаҳар номи ўрта асрларга оид тарихий ҳужжатларда биринчи марта тилга олинади”, деб ёзилган.

Таниқли топонимист олим X.Ҳасанов Наманган номига изоҳ бериб шундай ёзган: “Бу ном дастлаб “Бобурнома”да тилга олинган бўлса керак. Унга бир қанча изоҳ берилмоқда: Намаккон - “туз кони”; Номийган - “азиз ва номдор кишилар шаҳри”; Наманг - “маржон”, шундан Наманган - “маржон кони”. Биз - гон форматини “сув, дарё” деб тахмин қилганимиз туфайли бу номда ҳам Намакгон - “шўрсув”, “минерал сув”, “мойли сув” (эҳтимол нефт) деб изоҳлаб кўрмоқчимиз. Наман асоси бирон этнонимга (найман?) боғлиқ бўлиб чиқиши ҳам эҳтимол”.

Номшунос олим С.Қораевнинг ёзишича, номга биринчи марта “Бобурнома”да таъриф берилган. Олим номни қўйидаги “навҚманҚгон” сўзлар бирикмасидан пайдо бўлган дейди. Нав - “янги”, ман - “сарой”, гон - “сув ёки сой” демакдир. С.Қораев талқинида ном илгари Навмангон деб талаффуз қилинган ва “сув (сой) бўйидаги янги сарой” маъносини англатади. Маҳаллий аҳоли томонидан шаҳар номи Номонгон шаклида талаффуз қилинади. Наманган номининг этиологияси ҳақида турли изоҳлар мавжуд, аммо мутахассислар орасида муштарак хulosा йўқ. Шунинг учун, ном қўшимча этиологик тадқиқотларни талаб қиласи.

Андижон вилояти топонимияси: Вилоят Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган, ҳудуди асосан текисликлар ҳамда қисман Фарғона ва Олай тизмаларининг адирликларидан иборат. Андижон вилояти топонимлари Ўзбекистон топонимиясининг таркибий қисми бўлиб, шаклланиши, грамматик тузилиши, маъно-мазмуни жиҳатдан бошқа вилоятлардан кескин фарқ қилмайди.

Минтақада ўсимлик ва ҳайвонот турлари билан аталган географик обьектлар бор, аммо уларнинг сони кўп эмас. Вилоят топонимлари орасида кишиларнинг исми, лақаби, тахаллуси билан аталадиган номлар ҳам учрайди. Зулфиқор, Султонмуродбек, Ўрмонбек каби номлар антропотопонимларга

мисол бўлади. Жиғачи, Чанғароқчи каби ойконимларга кишиларнинг касб-хунари асос бўлган дейишади.

Жиғачи - жига ясовчи усталар яшайдиган қишлоқ. Саллага тақиладиган безакни жига дейишган ва уни ҳунармандлар хон ва хонзодалар учун ясашган. Жига ясаш ҳунармандлардан катта маҳорат ва масъулият талаб қилган. Унинг тузилишини профессор С.Иброҳимов қуйидагича таърифлайди: жига бир-бирига ёпиширилган, икки палла юпқа кумушдан иборат бўлган, устига босма нақшлар ишланган, тилла суви юритилган, марварид, феруза каби асл тошлар қадалган, устига укки пари қистирилган, ичига мум тўлдирилган безак.

Вилоятда географик номлар ҳосил қилишда фаол қатнашган терминлар қаторига тепа (Жартепа, Тоштепа), қўрғон (Қорақўрғон, Қозиқўрғон), қўрғонча (Қўрғонча, Эски қўрғонча), жар (Жарбоши, Жартепа), ёр (Куйганёр, Оқёр, Ёрқишлоқ), каби қўшимчаларни киритиш мумкин. Ўтмишда жой номлари ҳосил қилишда “ёр” анча сермаҳсул қўшимча ҳисобланган ва унинг ёрдамида қўплаб жой номлари ҳосил қилинган. Маҳмуд Кошғарий “Девони луғатит турк” асарида (XI аср) қадимий туркий тилларда жар сўзи - “яр”, “ёр” шаклида талаффуз қилинган деб ёзган.

Андижон вилояти топонимлари таркибида даракчи-индикатор терминлардан чек - (“бўлиб берилган хусусий ер майдони”) термини қўплаб жой номлари ҳосил қилган. Бунинг асосий сабаби, XIX асрнинг ўрталарида Қўқон хони Худоёрхон ҳозирги Балиқчи тумани ҳудудида Қорадарёдан ариқ чиқариб янги ерларни ўзлаштирган ва уларни фарзандлари, яқин қариндошлари, амалдорларига чек қилиб бўлиб берган. Шераличек, Офтобачичек, Маллачек, Мирзабоичек каби номлар ана шу даврда пайдо бўлган.

Андижон вилояти топонимиясининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, минтақада лексик, семантик жиҳатдан соф форсий номлар кам учрайди. С.Қораевнинг ёзишича, Бўстон, Гулистон, Наврўзобод, Соҳибкор, Чорвадор каби номлар генетик жиҳатдан форсий тиллар маҳсули бўлса ҳам,

ясалиши жиҳатдан соф ўзбекча топонимлардир. Бундай номлар ўзбек тилининг лексик фодидан аллақачон жой олиб бўлган лексик бирликлардан ясалган.

Минтақада ахоли зич жойлашганлиги сабабли бошқа топонимлар турларига қараганда ойконимлар етакчилик қиласди. Уларнинг бир қисмини уруғ-қабила номлари билан аталган этноойконимлар ташкил қиласди. Ўзбек уруғ-қабила номлари билан бирга, қўшни туркий халқларнинг этник гуруҳ номлари ҳам этноойконимлар таркибида учрайди. Вилоят худудида топонимлар шаклида учрайдиган этномимларга Арғин, Баҳрин, Дўрмон, Ёвкесақ, Марқауз, Найман, Оқтумор, Сулдуз, Қўғай каби этник гуруҳ номлари мисол бўлади.

Таъкидлаш жоизки, шўролар даврида вилоят топонимлари таркибида ўша давр мафкураси ва доҳилари номи билан аталган географик обьектлар жуда кўп бўлган. Истиқлол йилларида вилоятда амалга оширилган мустақил топонимик сиёsat натижасида, барча шўро ҳокимияти мафкураси билан боғлиқ “қизил” номлар ўзгартирилди.

Ўзбекистон автомобилсозлари ”пойтахти“ бўлган ҳозирги Асака шаҳри, 1937-1991 йиллари В.И.Ленин шарафига Ленинск деб аталган. Ленин (Улянов) Владимир Илич (1870-1924) Россия большевиклар (коммунистлар) партиясининг асосчиси. СССР деб аталган “қизил империя”нинг ташкилотчиси. СССР даврида Ленин қарашлари мутлақлаштирилиб, унинг фаолияти ва шахсий ҳаёти илоҳийлаштирилди. Лениннинг “коммунистик гояси” XX аср охирида Ўзбекистонда бутунлай таназзулга учради.

1991 йили шаҳарнинг тарихий Асака номи қайта тикланди. Асака жуда қадимий ном, унинг этимологияси ҳақида кўплаб мутахассислар фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Мутахассислар асака номининг келиб чиқишини турлича талқин қилишган. Айрим тадқиқотчилар асака номининг пайдо бўлишини Ўрта Осиёда милоддан аввалги 6-5 асрларда яшаган сак қабилалари номи билан боғлашади. Чунки бу қабила баъзи тарихий манбаларда “ассакенлар” номи билан ҳам тилга олинган. Уларда “асвака” -

от, “ассака” - отлиқлар маъносини билдирган. Қадимшунослар водийнинг шарқий қисмида топилган тошлардаги отлар тасвири билан ўз фикрларни асослашга ҳаракат қилишган ва шу ҳудудда қадимда наслдор отлар боқилган деган хulosага келганлар.

Рус тарихчиси Б.А.Литвинский Асака тарихини Фарғонада милоддан аввалги VI-V асрларда яшаган сак қабилалар билан боғлайди. Таниқли олим қадимги юонон ва ҳинд манбаларига асосланиб, ўтмишда Помирда яшовчи сак қабилаларининг юрти Ассакана, халқи эса ассаке(н)лар деб аталганлиги, А.Македонский Ўрта Осиёдан кейин, ана шу йўл орқали Ҳиндистонга ўтганлигини таъкидлайди.

Археолог олим Б.Х.Матбоев эса Асака тарихини Дайюан (қадимги Фарғона) давлати тарихи билан боғлик деб ҳисоблайди. Унинг талқинича, Асака сўзи жонли ҳинд тилида “асвака” от, “ассага, ассака” отлиқлар, чавандозлар дегани, яъни ассака – отлиқлар юрти деб эътироф этади. Шу хulosага асосланиб, 1997 йили Асака шаҳрига кираверишдаги майдонда тулпор отнинг рамзий ҳайкали қўйилган.

Таниқли номшунос олим С.Қораевнинг ёзишича, баъзи насабномаларда ўзбек уруғлари орасида асака ва қирғизларнинг саяқ қабиласи таркибида асаке уруғи қайд қилинган. Олтинқўл туманидаги Асакалик қишлоғи ва Устюрт платосининг жанубидаги Асакаовдон ботифининг номи ҳам шу этник гуруҳ номи билан боғлик бўлиши мумкин. Тарихчи академик А.Муҳаммаджонов фикрича, Асака аслида Асикал шаклида талаффуз этилиб, ас - туркий уруғ, кал - сув ёки сой демакдир.

Аммо бир қатор олимлар борки, улар Асака номи ва унинг тарихини илк ўрта асрлар билан боғлайди. Масалан, профессор А.Тешабоев Асака сўзини ўзгача талқин қилган. Олим қадимги туркий тилда “acc” бургут, лочин деган маъноларни англатган ва ўтмишда турк уруғлари ичida “acc” - бургут (тотеми) уруғи ҳам бўлганлиги тўғрисида айrim тарихий манбаларда маълумотлар бор дейди.

Шу ўринда Б.Аҳмедовнинг Асака номини “acc” уруғи билан боғлиқ деган хulosасини ҳам айтиш мумкин. Олимнинг фикрича, ҳозирги Асака ва унинг атрофидаги адир ва водийларда илк ўрта асрларда “acc” этник гуруҳ вакиллари яшаганлар. Бу мулоҳазани тарихчи А.Муҳаммаджонов ҳам тасдиқлайди ва унинг фикрича, Асака аслида Ассикал шаклида талаффуз этилиб, acc - туркий уруғ, кал - сув ёки сой демакдир.

Андижон топоними ҳақида: Ўзбекистон Республикаси таркибидаги вилоят, шаҳар ва туман номи. Андижон номининг келиб чиқиши ҳақида турли хил ривоят ва афсоналар мавжуд. Айрим мутахассислар шаҳар номи малика Андукон исмидан олинган ёки “озодагон” ва “мардон” сўзидан (“озодлар шаҳри”, “мардлар шаҳри”) ҳосил бўлган деб изоҳлаганлар.

Ҳ.Ҳасановнинг ёзишича, бу сўзлар шаҳар номи эмас, балки лақаб, мақтов сўздир. Таниқли топонимист олимнинг ёзишича, шаҳар номини бошқача изоҳласа ҳам бўлади, анди - қабила номи, ҳатто андижонликларни осонгина “анди” деб атаганлар, жон қўшимчаси эҳтимол сув, дарё маъносидаги қадимий терминлардан бўлса керак. Рус географ олими В.П.Наливкин ҳалқ орасидаги ривоятларга асосланиб, шаҳар номи “анди” деган туркий қабила номи билан боғлиқ деб ёзган эди.

Х асрдан бошлаб шаҳар номи араб географлари Ибн Ҳавқал, Истахрий, Муқаддасий асарларида ва бошқа тарихий манбаларда Андиян, Андигон, Андикон, Андукон шаклларида қайд қилинган. Тарихчи олим С.Жалилов фикрига кўра, шаҳар номига “ад” деган туркий қабиланинг номи асос бўлган. Бу этномим форсча кўплек қўшимчасида адгон - адигон шаклида талаффуз қилинган ва кейинча унга “н” товуши қўшилган деб ҳисоблайди. Ўрта асрларда анди деган туркий қабила бўлганлигини эътироф этиб, этнограф Б.Кармишева ҳам шаҳар номига мазкур этномим асос бўлганлигини эҳтимолдан холи эмас деган хulosани баён қилган.

Айрим мутахассислар шаҳар номини унинг географик ўрни билан боғлиқ дейишади. Масалан, академик А.Муҳаммаджонов фикрича, Андижон ойконими “анди” ва “гон ёки гин” сўзлари бирикмасидан пайдо бўлган.

Қадимий сўғд тилида анди - “яқин”, гон, гин -“сув”, яъни сувга яқин, сойбўйи, сув ёқаси маъноларини англатган. Бошқа олим В.В.Радловнинг ёзишича, қадимий туркий арғи - “дарё тармоғи, орол” сўзи фонетик ўзгаришлар оқибатида анди шаклига ўзгарган бўлиши мумкин.

Умуман олганда, соҳа мутахассислари Андижон номининг пайдо бўлишини турлича талқин қилишган, бу эса шаҳар номнинг илмий этимологиясини аниқлаш учун кўшимча топонимик тадқиқотлар зарурлигини кўрсатади.

 **Савол ва топшириқлар:**

1. *Фарғона вилоятидаги субстрат топонимлар ҳақида реферат тайёрланг.*
2. *Наманган вилояти топонимиясининг фарқловчи хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.*
3. *Андижон вилоятида топонимлар ҳосил қилишида фаол қатнашган терминларни изоҳланг.*

 **Тест топшириқлари:**

1. **“Фарғона вилояти топонимлари” китоби муаллифи ким?**
A. Ҳ.Ҳасанов
B. Ю.Аҳмадалиев
C. Н.Охунов
D. М.Мирақмалов
2. **Чек сўзи қандай маънога эга?**
A. бир танобни учдан бир қисми
B. хон ерларидан олинадиган улуши
C. хоннинг ўғли, бек ва бошқа амалдорларнинг чек ери (чеки хос)
D. барча жавоблар тўғри
3. *Наманган вилояти ҳудудида тақорорий номларни ҳисобга олмагандан сўзи камида 20 та ойконим таркибида учрайди. Тўғри жавобни нуқталар ўrniga қўйинг ва белгиланг.*
A. чек
B. ёзи
C. қўргон
D. қалъа

4. Андижон вилоятида бошқа топонимлар турларига қараганда ... етакчилик қиласы. Түгри жавобни нұқталар ўрнига қўйинг ва белгиланг.

- A. гидронимлар*
- B. ойконимлар*
- C. оронимлар*
- D. антропонимлар*

5. Андижон вилояты топонимијасининг ўзига хос ҳусусиятларидан бири шуки, минтақада лексик, семантик жиҳатдан соғ номлар кам учрайди.

- A. уйгурча*
- B. сүздий*
- C. туркий*
- D. форсий*

4.5. ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ ТОПОНИМИЯСИ

 **Режса:**

- 1. Қашқадарё вилояти топонимиясига қисқача таъриф**
- 2. Сурхондарё вилояти топонимиясининг умумий тавсифи**
- 3. Қашқадарё ва Сурхондарё гидронимлари ҳақида**

 **Мавзунинг мақсади:** Жанубий Ўзбекистон (Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари) топонимиясининг фарқловчи хусусиятлари ҳақида қисқача маълумот беришдан иборат.

 **Таянч ибора ва атамалар:** қашқа, сирт, сурхоб, топоформант, индикатор термин, ойконим, этноойконим.

Ўзбекистон вилоятлари топонимияси орасида Қашқадарё жой номлари нисбатан мукаммал ўрганилган. Бу ишда қашқадарёлик таниқли номшунос олим Тўра Нафасовнинг хизматлари беқиёс. Олим бутун умрини жанубий Ўзбекистон, жумладан Қашқадарё вилояти топонимларини ўрганишга бағишилган. Вилоят Қашқадарё ҳавзасида ва помир-Олой тоғларининг гарбий чеккасида жойлашган. Релефининг катта қисмини текислик ва чўли-биёбонлар ташкил қилади. Шимоли-шарқ ва жануби-шарқдан Зарафшон тизмасининг (Қоратепа, Чақаликалон) тармоқлари ҳамда Ҳисор тизмасининг (Яккабоғ, Чақчар, Кўкбулоқ, Қорасирт, Дехқонобод) тармоқлари ўраб туради.

Вилоят ҳудудидаги релефнинг турли шакллари номлар сонини ҳам кўпайишига хизмат қилган. Минтақа оронимлари таркибида тов - (Какликов, Қўнғиртов), тоғ - (Қўргонтоғ, Қоратоғ), тош - (Угуртош, Туятош), газа - (Қизилгаза, Сўригаза), кам - (Эгаркам, Дарвозакам), бел - (Ўртабел, Музбел), сирт - (Қорасирт, Кўксирт), чағат - (Қизилчағат, Қорачағат), қўл - (Учқўлсой, Оққўлтov), қир - (Қорақир) каби индикатор - даракчи оронимик терминлар учрайди.

С.Қораевнинг ёзишича, вилоят оронимлари такибида қоқ термини ҳам индикатор вазифасини бажаради. Географик адабиётларда кўпинча чўл ҳудудида ёғиндан кейин тўпланиб қолган кўлмакларни “қоқ” деб

таърифланган. Тоғларда ҳам қоя бўшлиқларида, ўйиқларида қор-ёмғир сувлари тўлиб қоладиган чуқурлик қоқ (тош қоқ) дейилган. Айрим тоғлардаги чуқурроқ қоқларнинг суви ёзниг чилласигача туриши мумкин.

Вилоят оронимлари орасида мажозий маънода қўлланилган номлар ҳам топилади. Масалан, Ичаксой жарлиги, Жаҳоннамо тоғи, Етимтов, Белисиник тоғи, Харкуш довони ана шундай номлар сирасига киради. Географ олим А.Маматовнинг ёзишича, Дехқонбод паст тоғларининг шимоли-ғарбий қисми Хонтахти номи билан аталади. Унинг бундай номланишига тоғнинг ғарбий ёнбаирида сурилма ва карст жараёнлари натижасида ҳосил бўлган супасимон рельеф шакли сабаб бўлган. Олимнинг ёзишича, табиий-географик жараёнлар маҳсули бўлган супа ҳукмдорлар тахтига бир оз ўхшайди.

Оронимлар таркибида этимологияси аниқ бўлмаган, қўшимча топонимик тадқиқотларни талаб қиласидиган, синчиклаб ўрганилиши лозим бўлган номлар учрайди. Ана шундай морфема таркиби ва тузилиши мураккаб бўлган оронимлардан бири Тахтақорача довони номидир. Довон Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари оралиғида жойлашган ва кўплаб тарихий воқеа-ҳодисаларни гувоҳи бўлган. Рус олими В.В.Бартолднинг ёзишича, довон Амир Темурнинг 1398 йилда қурилган Тахтақорача деган сарой номи билан аталган.

Қашқадарё топонимларини чуқур ўрганган Т.Нафасовнинг талқинича, довон номининг илк шакли сұғдча - Тахтиғара, унинг ўзгарган шакли Тахтақора, -ча қўшимчаси кичикликни билдиради. Сұғдча ғар - тоғ, ном охиридаги -ча унсурининг қадимий шакли зой - ер, кичик майдон. Татиғара - Тахтақорача - уст қисмида кичик текис майдон бўлган довон номи. Ҳозиргача довон номининг этимологияси ҳақида мутахассислар орасида ягона хulosи йўқ. Бундай номларни синчиклаб ўрганиш, илмий этимологиясини аниқлаш соҳа мутахассислари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Вилоятда ўсимлик ва ҳайвонлар номлари ҳам топоним ҳосил қиласиди. Фито ва зоотопонимларнинг қўпчилиги турли топоформандлар бирикиши

натижасида пайдо бўлган. Вилоятнинг тоғли худудларида Зиркбулоқ, Андизли, Ёнғоқли, Зарангли, текислик ва чўл қисмида Бурганли, Қамишоқ, Жингилли, Қўғали каби фитотопонимлар учрайди. Ҳайвон номлари билан аталган географик объектларга: Дўлтали тоғи, Зағчахона тизмаси, Чивирткали тоғи, Эшакмайдон довони каби номлар мисол бўлади.

Гидронимлар таркибида қашқа, дарё, сой, булоқ, қудук, шўр, ширин, сув каби гидронимик индикаторлар кўп такрорланади. Қашқабулоқ, Аччисув, Ширинқудук, Шўрсув, Қизилбулоқ, Ғузордарё каби номлар мисол бўлади. Айрим сув объектлари (Араббанд, Миришкор, Пўлоти, Чимбой ва бошқалар) уруғ-қабила номлари билан аталган. Вилоят гидронимлари орасида мажозий номлар ҳам бор: Жиннидарё, Йўтансой, Тирнасой. Жаҳаннамариқ.

Вилоядта бир минг икки юзга яқин ойконимлар бор. Улар орасида уруғ-қабила номлари асосида шаклланган этноойконимлар катта ўрин тутади. Шунинг учун, республиканинг бошқа мintaқаларига қараганда Қашқадарё вилояти топонимиyaси таркибида ўзбекларнинг кўпчилик уруғ-аймоқларининг номлари сақланиб қолган. Номшунос олим Тўра Нафасов вилоятдаги этник бирликларнинг номи ва семантикасини лисоний қиёсий жиҳатдан батавсил тадқиқ қилган.

Олим вилоятдаги таркибида -ли қўшимчаси бўлган бир қанча қадимий қишлоқ номларини (Болғали, Қайчили, Авоқли, Қанжигали, Ўроқли ва бошқалар) таҳлил қилиб, уларнинг пайдо бўлишида тамғалар бош омил, сабаб бўлганлигини аниқлаган. Умуман олганда, этномаданий жараёнларни акс эттирувчи қишлоқ номлари халқнинг кўчиши, миллий ва этник таркиби каби эник, социал ва ижтимоий муносабатларни ўзида акс эттиради.

Қашқадарё гидроними ҳақида: Вилоят ҳудуди, асосан, Қашқадарё ботифини ўз ичига олади, шимол, шарқ ва жануби-шарқдан Зарафшон ҳамда Ҳисор тоғлари билан ўралган. Қашқадарё - илк бор дарё номи сифатида пайдо бўлган ва гидронимининг келиб чиқишини мутахассислар турлича изоҳлайдилар.

Қашқадарёлик таниқли номшунос олим Тўра Нафасовнинг ёзишича, ном тузилишига кўра туркий қашқа ва тожикча дарё сўзларидан иборат. Барча туркий тилларда ҳайвонлар пешонасидаги белги, нишона ёки кинояли маънода ҳамма биладиган, донғи чиққан, таниқли, маълум ва машхур маъноларини англатади. Белги билдирувчи қашқа сўзининг ареали анча кенг, бу сўзнинг қадимийлигини билдиради. Ўрта Осиёдан ташқари Урал, Сибир, Кавказ, Волгабўйи ва бошқа ҳудудларнинг жой номлари таркибида қашқа сўзи учрайди.

Қашқа сўзли номлар Ўзбекистоннинг барча минтақаларида учратиш мумкин. Уларнинг аксариятини гидроним ва оронимлар, айрим ҳолларда ойконимлар ташкил қиласди. Эътиборли томони шуки, минтақада сув ва рельеф шаклларининг номлари бирламчи, аҳоли пунктлари номлари иккиласми ҳисобланади. Бу тур номлар Қашқадарё вилоятида ҳам қўплаб топилади, Қашқаарик (Чироқчи), Қашқабулок (Шаҳрисабз), Қашқатепа (Ғузор), Қашқақум (Дехқонобод) ва бошқалар.

Т.Нафасовнинг фикрича, қашқа ясалмаси қадимда қош ўзагига -қа қўшимчасининг қўшилишидан ясалган, -қа ясовчиси XI асрдагача от ясовчи серунум грамматик қўшимча ҳисобланган. С.Муталлибовнинг таъкидлашича, бу қўшимча XI асрда ёк истеъмолдан чиққан. Ўзбек тилининг ўтмишида бу ясовчи ёрдамида бир қанча сўзлар ясалганки, ҳозирги вақтда бу ясовчи қўшимча сўзларнинг таркибий қисмига айланиб кетган.

Жой номлари таркибидаги қашқа сўзи архаиклашган кошка сўзининг товуш ўзгарган кўринишидир. Топонимлар таркибидаги қашқа сўзини сифат, белги билдирувчи қашқа сўзининг маъно хусусиятлари билан изоҳлаш ва унга нисбат бериш хатодир. Топонимикада маъноси унитилган, тилнинг ҳозирги ҳолати билан изоҳлаш қийин бўлган сўзларни, уларга ўхшаш бошқа сўзларга нисбат бериб изоҳлаш топонимик иллюзия дейилади. Топонимик иллюзия - бу халқона этимология ва у илмий ҳақиқатдан йироқдир.

Қашқадарё гидроними ва қашқа компонентли топонимларни этимологик жиҳатдан қўйидагича изоҳлаш керак дейди, номшунос олим:

Қашқадарё - тоғ дарёси, Қашқариқ - баландлик ёнидан бошланган ариқ, Қашқатепа - баланд тепа, йирик тепа, Қашқақум - ёнида құмлик бўлган тепа, Қашқабулоқ - баландлик жойидаги булоқ, Обиқашқа - баланд жойидаги булоқ ва ҳоказо.

Қашқадарё номининг келиб чиқишини бошқа олимлар ҳам изоҳлаган. Масалан, рус олими, академик В.В.Бартолд, Қашқадарё гидроними қадимги Кеш, ҳозирги Шаҳрисабз номининг фонетик ўзгариши натижасида пайдо бўлган, деб ёзган эди. Олимнинг ёзишича, бу дарё аввал Кеш (Каш), темурийлар даврида Хашқа (Хашқаруд), кейинчалик Қашқаруд, ниҳоят Қашқадарё шаклига ўзгарган.

Сурхондарё вилояти топонимияси: Сурхондарё вилояти худуди Ўрта Осиёдаги қадимги маданият марказлардан бири. Муаллифи номаълум “Худуд ул олам” асарида вилоят худуди Чағониён номи билан тилга олинган. Бош шаҳри ҳам Чағониён (ҳозирги Денов шаҳри яқинида), араб манбаларида Сағониён деб аталган. Номининг этиологияси ҳақида бир неча талқинлар мавжуд, аммо улар ишонарли эмас. Бинобарин, жой номининг ҳақиқий маъносини аниқлаш учун қўшимча топонимик тадқиқотлар зарур бўлади. Денов (тожикча, Деҳинав - “дех - қишлоқ, нав - янги”) шаҳрининг номи Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида илк бор тилга олинган.

Вилоятдаги тарихий шаҳарлар орасида Термиз номи ўзининг қадимиyllиги ва жумбоқлиги билан алоҳида ўрин тутади. Сўнгти йилларда Термиз шаҳрига саёҳатчиларнинг сони кўпаймоқда. Термиз шаҳрини зиёрат қилишни ният қилган туристларга албатта, бу муazzам шаҳар номи ҳақида гапириш керак. Айтишадики, танишув номдан бошланади. Шаҳар номининг қачон пайдо бўлганлиги, маъно - мазмуни, қайси тилга мансублиги ҳақида кўплаб изоҳлар мавжуд бўлса ҳам, аммо номнинг илмий этиологияси ҳалигача узил-кесил ҳал қилинмаган.

Топонимист олим X.Ҳасанов, “Термиз - бу шаҳарнинг энг қадимги маҳаллий номларидан бири бўлиб, жануб томондаги халқлар томонидан айтилган таромата - “нариёқдаги қишлоқ” маъносидаги сўзлардан олинган

(Авесто ёзувларида бор), яъни Амударёнинг нариги ёғи - шимоли деган маънони англатади, Дастлаб Тармита, Тарамета деб талаффуз этилган. Бир вақтлар Дематриас, Евкротид, Александрия деб ҳам юритилган. Ҳиндларнинг “Рамаяна” достонида Дандамутра шаклида тилга олинган. Шахри Сомоний ҳам дейилган. Х асрдан бошлаб Термиз бўлиб қолди”, деб ёзган эди.

Тарихчи ва географ Ҳофизи Абурунинг ёзишича, Термиз - Искандар Зулқарнайн томонидан қурилган ва дастлаб Тарамастҳа (бактрийча, - “нариги соҳилдаги манзил”) деб номланган. Тарихий шаҳарга Искандар Зулқарнайн асос солган ва номи грекча, термос - “иссик” сўзидан олинган деган фикр ҳам мавжуд. Шаҳар кўп асрлик тарихи давомида Тармад, Термед, Тармид, Термид, Тармиз, Тирмиз, ҳатто Домат каби номлар билан ҳам қайд қилинган.

Таниқли номшунос олим С.Қораевнинг ёзишича, Термиз шаҳри дастлаб Сурхондарё ёқасида бўлган ва мўғуллар истилоси даврида Чингизхон буйруғи билан шаҳар бутунлай ер билан яксон қилинган. Ундан кейин ҳам қурилган шаҳар бузилиб кетган. Ҳозирги Термиз - XIX асрнинг охирларида (1897 йили) барпо этилган рус истеҳкоми ўрнида 1928 йилда пайдо бўлган. Европа тарихий манбаларида шаҳар номи Демитрас, Александрия, Евкровтедияний шаклида ёзилган. Рус тадқиқотчиси И.В.Мушкетов Термизнинг қадимий вайроналари орасидан юонон тангалари кўп топилганини айтган.

XIV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёзма манбалар ва тангаларда шаҳарнинг номи Мадинат ур-Рижол, яъни “мардлар шаҳри” тарзида учрайди. Шундай қилиб, шаҳар ўз номларининг сони жиҳатидан дунёдаги ҳар қандай маълум ва машҳур шаҳарлардан қолишмайди. 2002 йили ЮНЕСКО ташкилотининг шафеълигида Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи халқаро миқёсда кенг нишонланди. Термиз шаҳридаги тарихий обидалар, архитектура ёдгорликлари, қадимги дарвозалари, кўча, хиёбонлари, маҳалла ва гузарларнинг номлари алоҳида таърифга лойик.

Сурхондарё топонимлари таркибида жой номлари ясашга “ихтисослашган” -қапчигай (Қапчигай, Оққапчигай), -газа (Газа, Газарак), -новур (Новур, Қизилновур), -талл (Талиморон, Талиошиқон) каби минтақага хос бўлган терминлар учрайди. Вилоят топонимияси таркибидаги мажозий-метафорик номларга Жиндибулоқ, Ҳангисув, Хотинсув, Куёвсув, Айғиркўл каби ўхшатма номлар мисол бўлади. С.Қораев талқинида хотинсув - тошмайдиган, ерга сингиб кетадиган кам сувли ариқ, куёвсув - ошиб тошмайдиган, “ийманибгина” оқдиган сой, айғиркўл - катта кўл.

Сурхондарё вилояти жой номлари таркибида этнонимлардан ном олган этнотопонимлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Вилоят ҳудудида Арғин, Ачамайли, Жалойир, Тортувли, Хидиршо, Чифатой, Ойбек, Қўнғирот каби кўплаб уруғ-қабила номлари асосида пайдо бўлган этнотопонимлар учрайди. Уларнинг ҳар бири алоҳида таърифга лойиқ.

Хозирги вақтда, кенг жамоатчиликни топонимик маълумотлардан хабардор қилишда туризм соҳасининг ҳиссаси борлигини инкор қилиб бўлмайди. Бу ишда, соҳа мутахассислари энг осон ҳамда қулай йўлни излашади ва номнинг маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалган халқона тилқинига кўпроқ эътибор беришади. Масалан, ўзига хос “этнографик макон” бўлган, Бойсунга сайёҳат уюштириб туристларга минтақа қўнғиротларининг кундалик турмуш тарзи ҳамда маданиятига хос хусусиятлари билан бирга, этник бирлик номининг келиб чиқиши хақида маълумот берса қизиқарли бўлади.

Сайёҳат ташкилотчилари кўпроқ уруг номини “боболари қўнғир рангли от мингани учун уруғи қўнғирот”, деб изоҳлашади. Бу албатта, илмий изоҳ эмас, балки халқона талқиндир. Қашқадарёлик топонимиист олим Т.Нафасов номни шундай изоҳлайди: “қўнғирот қадимий туркий қабила номи ва унга туркий, мўғулча, хункерейт - “қарға” сўзи асос бўлган”. Демак, уруғнинг тотеми қарға бўлган, яъни қарға қушига топинувчиларни - қўнғирот дейишишган.

Сурходарё вилояти оронимларнинг кўпчилиги ҳамма учун тушунарли туркий номлардир. Оронимлар орасида қадимий сўғд ва форс-тожик тилига мансуб номлар ҳам кўп учрайди. Хўжаикон, Күхитанг, Ақбаикалон, Харкуш довони, Селгоҳ, Ҳисор каби номларни форс-тожик тилида изоҳласа бўлади. Вилоят ҳудудида кўплаб катта-кичик сув объектлари мавжуд, уларнинг ҳар бири ўз номига эга. Тўпалангдарё, Сангардақдарё, Шерободдарё, Хўжаипок дарёлари энг йирик сув манбалари ҳисобланади.

Сангардақдарё - Ҳисор тизмасининг жанубий-ғарбий ёнбағридан (3800 м) бошланади. Дарё юқори оқимида жуда тор ва ён бағирлари тик водийдан тез оқиб, йўлидаги тоғ жинсларини пастга қараб ювиб кетиши дарёни номланишига асос бўлган. Сангардак - форс-тожик тилида санг -“тош”, гардак - “думалайди”, яъни “тошни думалатиб олиб кетадиган” дарё деган, маънони англатади.

Умуман олганда, Сурхондарё вилояти топонимлари Ўзбекистон топонимиясининг таркибий қисми саналади. Вилоят ҳудудида туркий тиллар ёрдамида тушуниши мумкин бўлган топонимлар бошқа вилоятларга қараганда анча кам. Минтақада тарихий (субстрат) номлар кўп, улар кўшимча этиологик тадқиқотларни талаб қиласди.

Сурхондарё гидроними ҳақида: Ўзбекистон Республикаси таркибидаги вилоят номи. Дарё номи вилоятга ном бўлиб хизмат қилган, яъни гидроним гидроийконимга айланган. Вилоят республиканинг жануби-шарқида, Сурхон - Шеробод водийсида жойлашган. Сурходарё вилояти кўхна тарихи, қадимий маданияти, ёдгорликлари билан машҳур.

Профессор Суюн Қораев дарё номи асли Сурхобдарё, яъни Қизилсув бўлиб, кейинчалик ўзгариб кетган бўлиши мумкин дейди. Олимнинг бундай хулосага қелишига сабаб шуки, дарёнинг юқори қисми Денов шахригача Қизилсув деб аталади. Номшунос олим бундан ташқари, дарё уруғ номи билан аталган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас дейди. Чунки туркманларнинг бир уруғи сурх(и) деб аталган, -он эса тожикча кўплик аффиксидир. Бизнингча, иккинчи талқин ишончли эмас.

Сурхондарёни жуда лойқа дарёлардан бири эканлиги, оқим йўналишида қизил тупроқларни мавжудлиги, баҳорда суви кўпайганда сувида қизиллик белгиларини пайдо бўлиши дарёни Сурхобдарё (Қизилдарё) деб аташга асос бўлган дейиш, ҳақиқатга яқин. Бундан ташқари, ном қўлланиш жараёнида қисман трансформациялашган, яъни маҳаллий аҳоли “б” товушини қўллашда нисбатан қулайроқ бўлган “н” товушига алмаштирган бўлиши мумкин.

 **Савол ва топшириқлар:**

- 1. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг фарқловчи хусусиятлари ҳақида реферат тайёрланг.**
- 2. Қашқадарё вилояти субстрат топонимлари ҳақида маълумот беринг.**
- 3. Сурхондарё вилояти ҳудудидаги этнотопонимларни тўпланг, уларни таққослаб таҳлилий ўрганинг.**

 **Тест топшириқлари:**

- 1. Бутун умрини Жанубий Ўзбекистон топонимларини ўрганишига бағишилаган олим ким?**
 - A. С.Кораев**
 - B. Т.Нафасов**
 - C. Ҳ.Ҳасанов**
 - D. П.Ғуломов**
- 2. Қашқадарё оронимлари орасида кўп учрайдиган “қоқ” индикатор термини қандай маънони англатади?**
 - A. кўл**
 - B. кўлмак**
 - C. шўрсув**
 - D. шўрхок**
- 3. Рус олими, академик В.В.Бартолдининг ёзишича, қадимда дарё Кеширўд деб аталган. Шарқшунос олим қайси дарёни назарда тутган?**
 - A. Гузордарё**
 - B. Шаҳрисабздарё**
 - C. Қашқадарё**

D. Тўпалангдарё

4. Сурхондарё вилояти худудида кўшимча этимологик тадқиқотларни талааб қиласиган субстрат топонимлар Тўгри жавобни қўйиб белгиланг.

- A. кам**
- B. мавжуд эмас**
- C. кўп**
- D. номаълум**

5. Номишунос олим Т.Нафасовнинг ёзишича, қўнгирот этноними маънога эга. Тўгри жавобни қўйиб белгиланг.

- A. боболари қўнгир рангли от минган**
- B. тоғ номи уруг номига асос бўлган**
- C. ургенинг тотеми қарға бўлган**
- D. бойқўнгир номининг ўзгарган шакли**

4.6. САМАРҚАНД, ЖИЗЗАХ ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ ТОПОНИМИЯСИ

 **Режса:**

- 1. Самарқанд вилояти топонимиясининг фарқловчи хусусиятлари**
- 2. Жиззах вилояти топонимларига умумий таъриф**
- 3. Сирдарё вилояти топонимиясининг қисқача тавсифи**

 **Мавзунинг мақсади:** Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари топонимиясининг шакланиши қонуниятлари, ривожланиши босқичлари ва фарқловчи хусусиятлари ҳақида қисқача маълумот беришдан иборат.

 **Таянч ибора ва атамалар:** этноиконим, гидроним, ақба, бел, қия, наҳр, жуйруксой, танги, агроним, шўразак.

Самарқанд вилояти топонимияси: Самарқанд вилояти ҳудуди Зарафшон дарёси ҳавзасининг ўрта қисмида жойлашган. Вилоят топонимиясининг асосий қисмини ўзбекча номлар ташкил қилади. Шу билан бирга сўғдий, тоҷикча номлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Қадимиј Суғдиёна давлатининг маркази бўлган Самарқандда бошқа минтақаларга нисбатан суғдий номлар кўп учрайди. Вилоятда икки мингдан кўпроқ аҳоли пунктлари мавжуд ва уларнинг ҳар бири ўз номига эга.

Минтақа ойконимларининг ўзига хос хусусиятларидан бири таркибида этноиконимларнинг кўплигидир. Масалан, аҳоли пунктлари номлари кесимида уруғ-қабила номлари Гўзалкентда - 20 %, Пайариқда - 25 %, Иштихонда - 33 %, Булунғурда - 40 %, Жомбойда - 45 %, Қўшработда – 35%, Каттақўрғонда – 30%, Нарпайда – 32%, Нурободда – 23%, Оқдарёда – 24%, Пастдарғомда – 31%, Пахтачидаги – 34%, Тойлоқда – 30% ва Ургутда -28% ни ташкил қилади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ўтмишда минтақада этноиконимлар сони бундан ҳам кўп бўлган. XIX аср охирида Зарафшон водийсига келган рус тадқиқотчиси Н.Ф.Ситняковский 2800 дан кўпроқ қишлоқларни рўйхатга олган ва уларнинг 1/3 қисми этник гуруҳ номлари

билин аталган. Этноойконимлар сони жиҳатидан Самарқанд вилояти республикада Жанубий Ўзбекистон вилоятларидан кейин туради.

Мутахассислар вилоят таркибидаги маъмурий туманлар номини ҳам турлича талқин қилишган. Масалан, ана шундай мунозарали номлардан бири Буюк Ипак йўлининг устида, Миёнкомнинг марказий қисмида жойлашган Иштихон ойконимиdir. Иштихон номи қачон пайдо бўлган ва қандай маънога эга деган саволга ҳозиргacha узил-кесил жавоб йўқ. Шаҳар марказида жойлашган Иштихонтепа тарихий ёдгорлиги, қадимги шаҳар ўрни бўлганлигини деярли барча олимлар эътироф этишган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Иштихон шаҳри илк ўрта асрларда мустақил ҳокимлик маркази ҳисобланган. X асрда Иштихон қалъа, шаҳристон ва работдан иборат катта шаҳарга айланган. Кейинги асрларга келиб шаҳар атрофида кўплаб мевали боғлар пайдо бўлган, савдо-сотик, хунармандчилик билан бирга дехқончилик ҳам яхши ривожланган.

Номшунос олимлар Иштихон сўзини турлича талқин қилишган. Маҳаллий халқ орасида номнинг турли ривоятларга асосланган халқона этимологияси ҳам мавжуд. Улардан бирида, Самарқанддан Иштихонгача кувурда оқизилган қимизни подшо татиб кўрганда халқ “қимизни ичди хон, хон ичди” деганидан буён жой номи Ичди хон (кейинчалик Иштихон) деб аталган эмиш.

Бошқа бир ривоятга кўра, VIII аср бошида Самарқандни араблар босиб олгач, Сўғд ихшиidlари пойтахтни Иштихонга кўчиришга мажбур бўлишган. Бинобарин, Иштихон сўзи Ихшитхон сўзининг ўзгарган шакли бўлиши мумкин. Чор Россия даврида Миёнкомга экспедиция таркибида келган рус тадқиқотчиси Л.Вяткиннинг ёзишича, Тенғиз ариғи қадимда жўйи Шайхон деб аталган ва унинг трансформациялашуви натижасида Иштихон номи пайдо бўлган.

Таниқли археолог олима Г.А.Пугаченкованинг фикрича, Иштихон номи Хитой тарихий манбаларида Синдихон, араб манбаларида эса Иштихон шаклида қайд қилинган. Айрим мутахассислар, номнинг иккинчи қисмидаги

“хон” сўзи, жой номини Турк ҳоқонлиги даври пайдо бўлганлигини кўрсатади дейишади. Чунки, ўша даврда Суғд ва унинг таркибида бўлган Иштихон ҳам ҳоқонлик таркибига кирган.


О.И.Смирнованинг ёзишича, Иштихон сўзи суғдча, ишт - “ҳашт, яъни саккиз”, хон - “кан, канал” маъносини англатади. Олиманинг келтирган тарихий маълумотларга кўра, Иштихон номи V-VI асрларда пайдо бўлган. Эътиборли томони шуки, Иштихон сўзи кўп марта изоҳланган бўлса ҳам, аммо мутахассислар орасида ягона хулоса йўқ.

Самарқанд вилояти оронимлари таркибида минтақага хос географик терминлар кўп учрайди. Минтақада Авға, ақба - (Авға довони), бел - (Ўртабел), гузар - (Қорагузар), газа - (Қумгаза), қия - (Қорақия), -қир - (Жалқир), тов - (Тўратов) каби терминлар жой номлари ясашда анча сермаҳсул. Оронимлар маҳаллий шеваларда ҳам яратилган. Уларга Жайлов, Жалпактева, Шишмӯла, Болқонтов каби номлар мисол бўлади. Вилоятдаги маҳаллий ўзбек шеваларида тоғ оронимик термини қўпроқ тов шаклида талаффуз қилинади.

Оронимлар орасида ҳайонот олами, ўсимликлар, уруғ-қабила номлари билан аталган оронимик обьектлар ҳам учрайди. Уларга Иргайли тоғлари, Гужум тоғи, Қарчиғай тоғи, Алқортепа, Миришкор тоғи, Чифатойтов каби номлар яққол мисол бўлади. Вилоятда айрим метафорик-мажозий номлар ҳам бор. Улар қаторига Айғиртепа (улкан, катта), Қатормоя (моя - “урғочи туя”, кўпинча туя карвонига ўхшаш қатор қоялар шундай аталган) каби номларни киритса бўлади.

Вилоят гидронимлари орасида Зарафшон номини алоҳида таъкидлаш керак. Дарё XVIII асрдан бошлаб Зарафшон (тожикча, “зар сочувчи”) деб аталади. Тарихий манбаларда дарё Политимет, Намиқ, Рўди Мосаф, Ҳаромком, Наҳри Бухоро, Оби Күҳак номлари билан тилга олинган. Қадимий гидронимларга ҳозирги Нарпай, Пайариқ, Дарғом каналларини киритиш мумкин. Нарпай - (арабча, нахр - “катта ариқ”, “канал”), Пайариқ номи эса Нарпай номининг туркий варианти ҳисобланади.

Зарафшон дарёсидан бошланадиган қадимий сув иншоатларидан яна бири Булунғур каналидир. Мутахассисларнинг аниқлашича, Булунғур сўзи мўғул тилида “лойқа сув” маъносини билдиради. С.Қораевнинг ёзишича, вилоятда маҳаллий шеваларда яратилган гидронимлар кўп. Улар қаторига Жуйруксой - “тезоқар”, Битовсой - “боши берк”, Тошовут - “тош ҳовуз” каби гидронимларни киритиш мумкин. Ғайбот, Парандас, Лехана каби мавҳумлашган номлар махсус этимологик тадқиқотларни талаб қилади.



Мухтасар айтганда, Самарқанд вилояти топонимияси кўп асрлик тарихга эга ва улар орасида сўғд, форс-тожик тилларига тегишли номлар салмоқли ўрин эгаллайди. Хусусан Самарқанд шаҳри урbonимларининг асосий қисмини тожикча номлар ташкил қилади. Улар қаторига юзга яқин маҳалла ва гузарлар номларини киритиш мумкин. Самарқанд шаҳридаги маҳалла ва гузарлар номлари таркибида касб-ҳунар билан боғлиқ бўлган тожикча номлар ҳам кўп. Масалан, Шарбатдор - қандолатчилар, Зардўзон - зардўзлар, Кулолон - кулоллар, Чармгарон - кўнчилар ва ҳоказо.

Умуман олганда, Самарқанд вилояти топонимлари Ўзбекистон топонимиасининг ажралмас таркибий қисми саналади. Ҳозирда вилоят топонимиасининг асосий қисмини ўзбекча номлар ташкил қилади. Вилоятда янги ташкил қилинаётган географик объектларга берилаётган номларнинг асосий қисмини амалдаги ҳуқукий-меъёрий хужжатлар талабларига жавоб берадиган замонавий номлар ташкил қилади.

Самарқанд топоними ҳақида: Самарқанд шаҳри Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири. Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. 1925-1930 йиллари Ўзбекистон пойтахти бўлган. Унинг бунёд этилган вақти ва номининг этимологияси аниқ эмас. Шаҳар Искандар Зулқарнайнинг ҳарбий юришлари муносабати билан юонон солномаларида милоддан аввалги 329 йилда Мароканда номи билан илк бор қайд қилинган.

Турли даврларга тегишли тарихий манбаларда шаҳар номининг Самариана, Сараманка, Шамиркент, Саканна, Санманген, Самакиян, Сумрон, Самаран, Симроят шаклида тилга олинган. 8 аср бошларига тегишли сўғд хужжатларида Смараканса, венециялик сайёҳ Марко Поло (XIII аср) китобида ном Санмаркан шаклида учрайди.

С.Қораевнинг ёзишича, шаҳар номининг деярли барча вариантлари “с” ҳарфи билан бошланган, фақат Мароканда бундан мустасно. Демак, юонлар шаҳар номини нотўғри эшитганлар, тишлар орасидан сирғаниб чиқадиган “с” товушини юонлар илғамаганлар десак тўғри бўлади. Бу фикрни грек филолог олими Ю.Иваноглиполус маъқуллаган.

Айрим европалик олимлар, бу ном қадимдан қолган, санскритча Самарияга яқин, яъни “йифин”, “анжуман” сўзидан келиб чиққан деб изоҳлайдилар. Баъзи олимлар шаҳар номининг биринчи қисми Самар - шаҳарга асос солган ёки уни босиб олган шахсни исми бўлса керак деганлар. Лекин, тарихий манбаларда бундай киши номи қайд қилинмаган. Самарқанд - “Семизкент”, яъни “семиз шаҳар”, “катта шаҳар” маъносини билдиради деган фикр Мирхонднинг “Равзат ус сафо” асарида, испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг кундаликларида қайд қилинган. Бироқ Семизкент

шаҳарнинг асл номи эмас, балки сифати, таъбир жоиз бўлса лақаби дейиш мумкин.

Самарқанд шаҳрининг қадимий вайронаси ҳозирда Афросиёб номи билан машхур. Ўтмишда бу жой Ҳисори қўхна, Қўрғони қадим деб аталган. XVII- XVIII асрларда Тали Афросиёб (Афросиёб тепалиги) дейилган. Баъзи олимлар тепаликни суғдча номи Паршавап бўлган, тожикчада эса Афрозиёҳ-об, яъни “Сиёб устидаги тепалик” деб аталган, кейинча ном қисқариб, талаффузда соддалашиб Афросиёб, яъни “Сиёб бўйлари” шаклини олган дейишади.

Тарихий ёзма манбаларда Самарқанднинг ёши қадимилиги тўғрисида кўплаб маълумотлар топиш мумкин. Шу боис, ўрта асрлардан Шарқда оммалашиб кетган мақоллардан бирида “ғарбда Рим, шарқда Самарқанд” дейилган. Самарқанд шаҳри инсоният тамаддунидаги буюк хизматлари учун “Боқий шаҳар” номини олган.

Жizzах вилояти топонимияси: Вилоятнинг маъмурий-худудий бўлиниши кесимида жой номлари таҳлил қилинганда туманлар топонимиясининг шаклланишида ҳам лексик, ҳам семантик жиҳатдан муайян тафовутлар борлиги аниқланди. Масалан, Зомин, Янгибод, Бахмал туманлари аҳоли пунктлари номлари таркибида туркий топонимлар билан бирга қадимий суғдий ва эроний субстрат топонимлар ҳам учрайди. Галлаорол, Жizzах ва Фориш туманлари топонимияси таркибида этнотопонимлар ва жойнинг географик хусусиятига қараб номланган географик объектлар кўпроқ. Вилоятнинг шимолий чўл минтақасидаги Пахтакор, Дўстлик, Зафаробод, Арнасой, Мирзачўл, Зарбор туманларининг ойконимияси таркибида антропонимлар ва агроонимлар кўпчиликни ташкил этади.

Минтақанинг жанубий тоғли қисмида жойлашган қишлоқларда аҳоли қадимдан яшаб келган, шимолий чўл худудларида эса аҳоли пунктлари асосан, Жizzах чўлининг ўзлаштирилиши натижасида бунёд этилган. Шу сабабдан вилоятнинг жанубий тоғли худудларидаги субстрат (тубжой)

ойконимлар кўп асрлар давомида шаклланган бўлса, текислик қисмидаги номларнинг асосий қисмини кейинги даврларда яратилган сунъий номлар ташкил қиласди.

Мутахассисларнинг фикрича, минтақанинг табиий шароити, иқтисодий-ижтимоий қўрсатгичлари, этнографияси, географик терминлари, аҳолининг этник таркиби каби омиллар ойконимларнинг шаклланишига таъсир қўрсатган. Масалан, вилоятнинг шимолий текислик қисмida Жиззах чўлининг ўзлаштирилиши натижасида пайдо бўлган ойконимлар асосан дехқончилик маданияти билан боғлиқ. Чўлқувар, Пахтакор, Гулзор, Чаманзор, Навбаҳор, Янгидала каби ойконимлар ўша давр руҳини акс этади.

Бу номлар халқнинг қақраб ётган чўлни обод қилиб, дехқончиликада эришган ютуқларининг натижаси, яъни инсон қўли билан ўзлаштирилиб обод қилинган маънони англатувчи номлардир. Бу тур номларнинг пайдо бўлиши халқнинг янги ерларни ўзлаштириши, янги қурилишлар мажмуини бунёд қилиши каби ижодкорлик, чўлқуварлик, янги дехқончилик манзиллари яратиши билан боғлиқ.

Вилоятнинг тоғ олди ҳудудларида халқнинг табиатга бўлган муносабати, табиий ҳодисаларни англаш даражаси, турли хил ландшафтлардан фойдаланиш имкониятлари каби омиллар жой номларининг яратилишида моддий, ижтимоий ва лисоний асос вазифасини бажарган. Натижада, маҳаллий аҳолининг моддий ишлаб чиқариш муносабатларини белгилайдиган Лалмикор, Фаллакор, Адиробод, иклими ва тупроқ шароитларига муносабати натижасида Довул, Лойқа, Ёйилма каби номлар пайдо бўлган.

Минтақанинг тоғли ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктлари номлари кўпинча, маҳаллий халқнинг ўтроқ ҳаётга, турғун турмуш кечиришга ўтиш жараёнини ўзида акс этган. Бундай ойконимлар кўпинча тарихийлик мақомига эга, бунга уларнинг қачон пайдо бўлганлиги, ном яратган халқнинг маълумлиги, шу турдаги номларнинг бошқа ҳудудларда ҳам учраши, тилнинг

замонавий ҳолати билан изоҳлаб бўлмаслиги каби далилларни кўрсатиш мумкин.

Вилоят ойконимларига хос хусусият сифатида уларни гидронимик ёки оронимик объект номлари билан аталишини кўрсатиш мумкин. Бундай номлар уларнинг вилоят аҳолиси ҳаётида қадимдан муҳим аҳамиятга молик эканлигидан далолат беради. Демак, оронимик ва гидронимик объектлар қишлоқларни пайдо бўлишида моддий асос бўлиб хизмат қилган, уларни номлашда эса мўлжал, ориентир вазифасини бажарган.

Шу сабабдан вилоятнинг тоғли ҳудудларида ороним ёки гидроним сифатида шаклланган номларнинг ойконимга ўтиши кўпроқ кузатилади. Бундай жой номлари таркибида тош, тоғ, бел, довон, ағба, чақир, танги, сой, булоқ, чашма, қудук каби географик терминлар кўп учрайди. Сув ҳавзалари нафақат чўл, балки тоғ олди ва тоғли ҳудудларда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Улар инсон фаолияти ва ҳаётида катта ижтимоий, моддий аҳамиятга эга бўлганлиги боис тоғли ҳудудлардаги аҳоли пунктлари номлари орасида азалдан алоҳида мақомга эга.

Гидрообъектларнинг маҳаллий аҳоли ҳаётида нақадар муҳим аҳамият касб этганлигини Варғин, Банд, Дарғат, Ўлба, Кориз каби аҳоли пунктлари номидан ҳам илғаб олиш мумкин. Масалан, Варғ - қадимий суғд тилида «тўғон», «банд» маъносини ифодалаган. Қишлоқ - тўғон, банд ёнида жойлашганлиги сабабли унга шундай ном берилган. Вилоятда бошқа ҳудудларда кам учрайдиган ва жой номининг туридан дарак берувчи бараз – (Такабараз), белес – (Белесмозор), заяк – (Оқзаяк), айдар – (Айдаркўл), зов – (Зовқўтон), танги – (Чортанги), чағат – (Қизилчагат), жўна – (Сулувжўна), ғўл - (Жиллиғўли) каби индикатор терминлар мавжуд.

Вилоят топонимиясига алоқадор бўлган энг қадимий маълумотлар икки минг йилдан кўпроқ тарихга эга бўлган ёзма манбаларда учрайди. Минтақадаги тарихий топонимларининг шаклланишида шарқий эроний тиллар (суғдча, форс-тожик) муҳим аҳамият касб этган. Ҳозирги кунда вилоят топонимиясида туркий (ўзбекча) қатлам алоҳида ўринга эга. У барча

аввалги топономик қатламлар устида жойлашганлиги, энг бакувват қатlam эканлиги ва худуднинг ҳамма жойида кенг тарқалганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Вилоят ҳозиргача аниқланган жой номларининг энг қуий қатлами милодий йилнинг бошларига тўғри келади. Улар қаторига Ховатоғ, Савот (Янгиобод), Миқ (Зомин), Нўширавон, Новқа (Бахмал), Андагин, Порашт (Фориш), Нахрач (Галлаорол) каби маҳсус этимологик тадқиқотларни талаб қиласидиган субстрат номларни киритса бўлади. Қадимий сўғд тилига мансуб бу номлар, кўпинча асл ҳолда ёки қисман трасформациялашиб бизгача етиб келган.

Вилоятда русча номларнинг пайдо бўлиши XIX асрнинг охирида Россия тамонидан Ўрта Осиёни босиб олиши билан боғлиқ. Ўша даврда чор хукумати қарори билан темир йўл ўtkazilgan ва темир йўл станцияларга Обручево (Даштобод), Ломакино (Зарбдор), Милютинская (Галлаорол), Богарное (Лалмикор) каби расмий номлар бўлган. Собиқ Шўролар даврида вилоятда туб жой халқقا ёт бўлган, ўзга тилнинг қонун-қоидаларига асосланган Рассвет, Партьезд, Ульяново, Коммуна, Ивановский каби “қизил” номлар кўпайди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Жиззах чўли ўзлаштирилди ва кўплаб янги географик обьектлар пайдо бўлди. Уларга ҳукмрон мафкура ва сиёsat таъсирида Коммунистлар партия ва Шўролар ҳокимиятини тараннум этувчи номлар берилди. Коммунизм, Ленин, Маркс, Энгельс, Октябрь каби номлар “болалаб” кетди. Ўша вақтда янги ташкил қилинган Арнасой тумани ҳудудидаги барча аҳоли пунктларига собиқ Шўро давлатининг ҳарбий саркардалари номлари (Жуков, Тимошенко, Гречко, Рокоссовский, Конев, Василевский ва бошқ.) берилди.

Мустақиллик даврига келиб географик обьектларга давр талабини акс эттирадиган, халқона, оддий, содда ҳамма учун тушунарли бўлган номлар берилди ёки уларнинг тарихий номлари қайта тикланди.

Таниқли терминшунос олим М.Миракмалов Жиззах вилояти топонимияси таркибидаги сув объектлари ва рельеф шакллари билан боғлиқ жой номларини қиёсий-таҳлилий ўрганиб, минтақага хос оронимик ва гидронимик терминлар салмоғини аниқлаб, уни диаграммада аниқ кўрсатган:



М.Миракмаловнинг ёзишича, Жиззах вилоятининг 1:100 000 масштабли топографик картасидан 366 та ороним ва гидронимни ўрганган. Тадқиқот натижалари бўйича, вилоят гидронимларининг 20 % и “сой”, 9 % и “кудук”, 3 % и “булоқ” терминлари ёрдамида пайдо бўлган. Оронимлар орасида “тоғ”, “тепа”, “жар” топотеминлари кўп учрайди.

Олимнинг аниқлашича, жой дengiz сатҳидан баландлашган сари табиий хусусиятлар билан боғлиқ номлар сони ортиб боради. Демак, топонимларнинг шаклланишига жойнинг дengiz сатҳидан мутлақ баландлиги анча таъсир кўрсатади. Маълумки, баландлик ошган сари рельеф шакллари, гидрографик тўр, жойнинг ўзига хос ҳайвонот дунёси ва ўсимликларининг турли-туманлиги ҳам ортади. Бу ҳол табиий хусусиятлар билан боғлиқ топонимлар салмоғининг ортишига ҳам олиб келади.

Умуман олганда, Жиззах вилояти топонимияси бошқа миңтақаларга нисбатан оралиқ маңеини эгаллайди. Мавжуд маҳаллий шевалар топонимияда ҳам ўз аксини топган. Вилоятда бошқа ҳудудларда кам учрайдиган ёки учрамайдиган, жой номининг туридан дарак берувчи маҳаллий индикатор терминлар кўп. Миңтақада ўзбекча топонимлар барча аввалги топонимик қатламларнинг устида жойлашган, ҳудуд бўйлаб кенг тарқалган, энг бақувват қатлам ҳисобланади.

Жиззах топоними ҳақида: Жиззах - Ўрта Осиёдаги қадимий шаҳарлардан бири. Шаҳар Сангзор дарёси бўйида жойлашган. Жиззах шаҳри VII асрдан буён маълум, араблар келмасдан олдин ўз аҳамияти жиҳатидан Уструшонанинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган. Юнон солномачилари Киропол ва Газо шаҳарларини алоҳида тилга олишган. Археологлар олимлар Газо шаҳри Самарқанд ва Тошкент оралиғида жойлашганлигини таъкидлашган. Олимлар Газони қадимий Жиззах деб таҳмин қиласидар.

Жиззах кичик қалъа сифатида бир неча қадимий карвон йўлининг туташган жойида вужудга келган. Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Жиззах воҳасидаги илк қадимий шаҳар, ҳозирги Жиззах шаҳрининг шарқий қисмида жойлашган Қалиятепа ўрнида милоддан аввалги III-II асрларда шаклланган. Милод бошида, таҳминан икки минг йил аввал шаҳарнинг умумий майдони 50 гектарга етган, шаҳристон, арк қудратли мудофаа деворлари билан ўраб олинган, унинг атрофида сув тўлдирилиб қўйилган муҳофаза хандақлари бунёд этилган. Араб истилоси натижасида, яъни VIII-асрнинг иккинчи яримида қадимги Жиззах вайрон этилади. Кейинчалик шаҳар ҳаёти Қалиятепадан 6 км. шимоли-ғарбда жойлашган ҳозирги Ўрда деб номланган тепага кўчиб ўтади.

Жиззах ёзма манбаларда илк бор ислом дунёси географ олимлари ва сайёҳларидан Ибн Ҳавкал, Муқаддасий, Ёкут Ҳамавий асарларида Уструшонанинг Факнон вилоятидаги шаҳар деб тилга олинган. Шаҳар IX-X асрларда Сомонийлар, XI-XIII асрларда Қорахонийлар, XIV-XV асрларда Темурийлар давлати, кейинчалик Бухоро амирлиги таркибиға киритилган.

Шаҳар бир неча марта инқирозга учраб, яна қайта тикланган. Амир Темур ва Темурийлар даврида Жиззах яна ҳам ободонлашиб, савдо - сотиқ ва стратегик аҳамиятни касб эта бошлаган.

XIX асрнинг 60-йилларида, яъни Россия истилоси арафасида Жиззах (Ўрда) 100 гектарга яқин майдонни эгаллаган, икки қатор мудофаа деворларига эга, Бухоро амирлиги тасаруффидаги Жиззах ҳокимининг маъмурӣ маркази, ҳарбийлашган қалъа-шаҳар ҳисобланган. Россия истилосидан кейин, Туркистон генерал-губернаторлигига қўшиб олинган Жиззах шаҳри янги ташкил топган Жиззах уездининг марказига айланган.

Ном давр, замон, ижтимоий эҳтиёж маҳсули. Ном пайдо бўлган давр тарихини яхши билмасдан, унинг замиридаги маънони англаш қийин. Бу учун камида номлашга асос бўлган ижтимоий, маданий, лисоний омилларни аниқлаб олиш зарур. Жой номланган пайтларда унинг маъноси ва номланиш сабаблари шу номни қўйган аҳолига аниқ маълум бўлган. Қадимги буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган ҳозирги Жиззах шаҳри, муҳим стратегик аҳамиятга эга кичик бир қалъа сифатида илк ўрта асрларда пайдо бўлган ва дастлаб Дизак деб номлангани ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Захириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» сида Жиззахни «Дизак» деб таърифлаб, шаҳар тўғрисида шундай ёзган: «Семиз этлар ва майда этмаклар арzon, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон». Жиззах ойконимининг келиб чиқиши тўғрисида турли фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Масалан, Ҳ.Ҳасанов ёзишича, Жиззах қадимда Дизак деб аталган. Маъноси -диз - қадимги сўғд тилида «қалъа, истеҳком, қўргон», -ак эса кичкина, яъни кичрайтириш аффикси, биздаги -ча қўшимчасига тўғри келади. Дизак - «қалъача» деган маънони беради. Дизак сўзини Жиззах шаклига ўзгаришини С.Қораев «з, д, ж- товушларининг ўзаро алмашиши ва муносабати топонимияда катта аҳамиятга эга. Дизак номининг Жиззах шаклини олиши ҳам шу қонуният маҳсулидир», деган холосага келган.

Сирдарё вилояти топонимияси: Вилоят худуди асосан чўл зонасида жойлашган. Майдони жанубдан шимоли-ғарбга томон пасайиб борадиган

тўлқинсимон текислиқдан иборат. Мутахассисларнинг аниқлашича, сув объектлари оз, тоғу-тошлар йўқ, релефи асосан текислик, табиий чегаралар бўлмаган ҳудудда топонимлар сони ҳам кам бўлади. Бу ҳолат вилоят топонимиясида ўз аксини топган.

Сирдарё вилояти топонимияси таркибида Мирзачўлни ўзлаштириш билан боғлиқ ва бунёдкор халқимизни қўлга киритган зафарларини акс этган номлар кўпчиликни ташкил қиласди. Шунинг учун, С.Кораевнинг ёзишича, Оқолтин, Пахтазор, Пахтаобод, Пахтачи, Пахтадала каби сунъий номлар “байрак” қилиб олинган. Мирзачўлни ўзлаштириш натижасида пайдо бўлган географик объектларнинг номига қараб, маҳаллий аҳолини қаердан қўчиб келгандарини аниқ билса бўлади. Улар қаторига Фарғона, Андижон, Самарқанд, Нурота, Зомин, Фориш, Бахмал каби номларни киритиш мумкин, Уларнинг ҳар бири номларнинг “кўчиш” қонуниятига яъни, топонимик трансомизация ҳодисасига мисол бўлади.

Вилоят ҳудудида кам бўлса ҳам тарихий топонимлар учрайди. Уларнинг асосий қисми минтақанинг жануби-ғарбий тоголди ҳудудида жойлашган. Бундай номларга Ховос, Боёвут, Сардоба, Шўразак каби номлар мисол бўлади. Улар орасида Ховос номи ўзининг қадимийлиги ва жумбоқлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ховос шаҳри автомобил ва темир йўл чорраҳасида жойлашган.

Ўрта Осиёдаги энг кучли шамоллардан бири Ховос шамоли номи билан юритилади. Ховос қадимий шаҳар, у дастлаб 10 аср араб географ ва сайёҳлари Истаҳрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида тилга олинган. Ҳозирги Ховос шаҳри 1899 йили чор Россияси томонидан Урсатевская темир йўл станцияси сифатида барпо этилган. Туман 1955 йилдан - 1966 йилгача Боёвут, 1966 йилдан - 1975 йилгача Янгиер тумани номи билан юритилган. Туман ҳудуди асосан, вилоятнинг жанубий қисмида жойлашган, релефи нотекис. Мутахассислар томонидан Ховос номи турлича талқин қилинган, аммо улар ишонарли эмас, ва қўшимча этимологик тадқиқотлар талаб қиласди

Эътибор бериб қарасангиз, жой номлари асрлар оша яшаб, кўп ҳолларда ўтмиш “тубохлари” сифатида тарихий воқеа-ҳодисар ҳақида “хикоя қилиб беради”. Сўнгги вақтларда, Ховос сўзининг этимологияси ҳақида қуидаги талқин илмий манбалардан аниқланди. Бобурийлар ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда яшаб ижод қилган форсийзабон шоир ва олим Сирожиддин Алихон Орзунинг (1689 - Агра, 1756 - Дехли) “Чароғи ҳидоят” луғатида маҳаллий форсий тилли халқ хавос - сўзини авом, хизматкор маъносига қўллашини таъкидлаган.

Ҳозирги ўзбек тилида авом сўзи (арабча) қуидаги маъноларда қўлланилади: биринчиси, омма, барча кишилар, оддий халқ маъносини билдиради; иккинчиси, баъзан ўқимаган, билимсиз киши маъносига ҳам ишлатилган. Бу талқин қанчалик ҳақиқатга яқинлигини вақт кўрсатади.

Вилоят ойконимлари арасига кам бўлса ҳам айрим этноойконимлар учрайди. Боёвут, Миришкор, Найман, Пучугой, Увоқ, Тожиковул, Турковул каби аҳоли пунктлари номлари этноойконимларга мисол бўлади. Туман номи бўлган Боёвут вилоят ҳудудидаги кам сонли этномимлардан биридир. Боёвут тумани вилоятнинг шарқий қисмида, Мирзачўлнинг жанубида жойлашган.

Туман номига айланган боёвут - Ўзбекистон ҳудудида қадимдан яшаб келган туркий уруғлардан бирининг номи. Рашиддиннинг “Жоме уттаворих”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарларида Чингизхон кўшиналари билан бирга келган қабилилар орасига боёвут уруғи тилга олинган. Мутахассисларнинг ёзишича, боёвут сўзи -“бой”, “бойлар” деган маъноларни англатади. Қозоқларнинг аргин қабиласи таркибида ҳам баяут уруғи қайд қилинган. Баъзи мутахассислар, жумладан, бошқирд этнолог олими Р.Г.Кузеев боёвут билан баёт аслида бир қабила деб ҳисоблайди.

Рашиддиннинг ёзишича, қадимги вақтда боёвут анча катта қабилалардан бири бўлган ва бир неча тармоққа бўлинган. XIII-XIV асрларда боёвутларнинг катта бир қисми ўзбек, туркман халқлари таркибига кириб, улар билан аралашиб кетган. Айрим қўлёзма насабномаларда боёвут қадимиий 92 бовли ўзбек уруғларининг бири сифатида кўрсатилган.

Боёвут сўзининг келиб чиқиши тарихига оид ривоятларга асосланган бошқа талқинлар ҳам бор. Масалан, ривоятлардан бирида қадимда бу ер отларга бой бўлган ва “отга бой”, “бой от” сўзларидан келиб чиқсан дейилса, бошқа ривоятда бу ерлар ўтга бой жойлар бўлган, боёвут - “бой ўт” сўзидан келиб чиқсан дейилади. XVI асрда яшаган фаргоналик Мулла Сайфиддин Ахсикандийнинг “Мажму-ат-таворих” асарида боёвут 92 бовли ўзбек уруғларидан бири сифатида қайд қилинган.

Сирдарё вилояти ҳудудининг асосий қисмини эгаллаган текислик Мирзачўл деб аталади. Мирзачўл - Ўзбекистон ва қўшни давлатлар (Қазоғистон, Тожикистон) ҳудудидаги текислик номи. Мирзачўл сўзини таниқли ўзбек топонимист олими Ҳ.Ҳасанов шундай изоҳлаган: «Мирзачўл - русчада бошқа ном олган: Южная Голодная степь («Яланг дала»), Северная Голодная степь Қозоғистон териториясида бўлиб, Бетпакдала дейилади. Мирзачўл турлича изоҳлаб келинмоқда, бу ном бир Мирзанинг исмидан олинган деган фикр ҳам бор. Агар бу номга марза ва марзак сўzlари асос қилиб олинган бўлса, мантиқли изоҳ туғилади; масалан; «Қизилқум чеккасидаги кичик чўл», марза - «чеккадаги ер»; арабча марзак - «кичик» сўзига дахлдор».

Бошқа таниқли номшунос олим С.Қораевнинг ёзишича, XVI асргача бу ҳудуд Жиззах - Чиноз чўли деб аталган. XVI аср охирида хукм сурган Бухоро хони - Абдуллахон дехқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-тижорат ишларини, умуман ободончилик ишларини анча авж олдирган. У ўз амалдори - мирзосига Жиззах - Чиноз орасидаги чўлда карvonсаройлар, равотлар, мачитлар, сардобалар қурдирган.

Ҳозирги Жиззах вилояти ҳудудидаги Туюортар канали қазилиб, чўлнинг жанубий ва марказий қисмларида катта майдонларга сув чиқарилган. Жиззах - Чиноз чўлида бир қанча ирригация ишоотлари ҳам курилиб дехқончилик бирмунча ривожланган. Ана шу даврдан, 1583-1598 йиллардан эътиборан Жиззах - Чиноз чўли Мирзонинг чўли (Мирзачўл) деб атала бошлаган.

Соҳа мутахассислари орасида Мирзачўл номининг илк шакли Марзачўл бўлган, кейинчалик ҳалқ талафғузида Мирзачўл бўлиб ўзгарган, деган талқинлар ҳам бор. Масалан, П.Ғуломовнинг ёзишича, марза - рельеф шакли, тепаси қабариқ шаклдаги узун чўзилган баландлик. Марзалар тектоник йўл билан ҳосил бўлши, дарё, денгиз тўлқини келтирган қумлардан вужудга келиши, морена жинсларининг тўпланишидан пайдо бўлиш, кишилар томонидан бунёд этилиши мумкин.

Айрим мутахассислар Мирзачўл сўзининг келиб чиқиши Мирзо Улуғбекнинг мамлакатда олиб борган ободончилик ишлари билан боғлик, чўл номидаги Мирза сўзи Улуғбек номи билан боғлик деб ҳисоблайдилар. Мирза сўзининг илк шакли мирзода, кейинчалик бу сўз мирзага айланиб, кишилар исми сифатида фойдаланилган.

Вилоятдаги сув объектларидан ном олган аҳоли пунктларидан Сайхунобод ва Шўразак каби номлар диққатга сазовор. Шўразак - ўзак жарлик, чуқурликдаги жилға. Суюн Қораев ўзак сўзи қадимий туркий тилдаги ўкуз - “дарё”, ак - “кичик”, яъни дарёча сўзининг ўзгарган шакли деб ҳисоблайди. Мирзачўлда ўзак сув жилдирабгина оқиб турган жилға, шўразак - шўр сувли жилғача.

Вилоятдаги антропотопонимлар орасида Усмонобод номини изоҳлаш мақсадга мувофиқ. Аҳоли пункти машҳур давлат ва сиёsat арбоби Усмон Юсупов (1900-1966) номи билан аталган. Усмон Юсупов 1937-1950 йиллари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимида ишлаган. 1953-1955 йиллари Ўзбекистон Министрлар Совети раиси бўлган. 1955-1960 йиллари Боёвут туманидаги Боёвут хўжалигида директор бўлиб ишлаган. У.Юсупов республика раҳбари бўлган йилларда ҳалқ ҳашари йўли билан йирик сув иншоотлари Катта Фарғона канали ва Каттакўргон сув омбори қурилган.

Хулоса қилиб айтганда, Сирдарё вилояти топонимияси бошқа минтақалардан катта фарқ қиласи. Вилоятда топонимлар сони нисбатан кам, уларнинг асосий қисмини Мирзачўлни ўзлаштирилиши билан боғлик

“сунъий” номлар ташкил қиласи. Мирзачўлни ўзлаштиришда бутун республика қатнашган, уни вилоят топонимлари таркибидаги кўчма номлардан билса бўлади.

Сирдарё гидроними ҳақида: Сирдарё - ўтмишда турли номлар билан аталган. Қадимги юонон тарихчиларининг асарларида Яхартес (Яксарт), баъзан Танаис, зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто” да Дану, Яоша, хитой транскрипциясида Яоша, 10 асрда ёзилган географик асар “Худуд улолам” китобида Хашарт, руний (туркий) ёзувларда Енчуўғиз, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” сида ва Ҳамдуллоҳ Қазванийнинг “Нузҳат улкулуб” асарида Гулзарриюн, араблар келгандан кейинги кўпгина солномаларда Сайхун деб тилга олинган.

Араб географларидан Ибн Хурдодбех асарларида (9-10 асрлар) Хашарт ва Қанқар, Абу Райхон Беруний асарларида Ҳасарт шаклларида қайд қилинган. Айни вақтда, дарё қайси ҳудуддан оқиб ўтишига қараб, Оби Фарғона (Фарғона суви), Ўзган дарёси, Оби Хужанд (Хужанд суви), Нахр аш-Шош (Шош дарёси), Банокат дарёси каби номлар билан ҳам аталган.

Ҳозирги Сирдарё номи қачон пайдо бўлганлиги ҳақида Суюн Қораев шундай ёзган: “Рим тарихчиси Плинний (милодий 1 аср) дарёни скифлар (саклар) Силис дейдилар. Баъзи олимлар Силис - Сир сўзининг ўзгинаси деб биладилар. Демак, Сирдарё қадим замондаёқ ўрта ва юқори оқимида Яксарт, куйи оқимида Силис (Сир) деб аталган”.

Таъкидлаш жоизки, сир - “ранг, буёк”, “сарик дарё”, “сероб дарё”, “сирт дарё” деган маънони билдиради деган хulosани нотўғри эканлигини Ҳ.Ҳасанов алоҳида таъкидлаган. Шу билан бирга, С.Қораевнинг “бу азим дарё шу атрофларда яшаган сар (силис - сир) қабиласи номи билан аталган дейиш анча ҳақиқатга яқин”, деган фикрига ҳам қўшилиб бўлмайди. Демак, дарё номи қандай маънога эга деган савол ҳозиргача жавобсиз қолмоқда.

Маълумки, Ўрта Осиё шароитида азалдан инсон сув манбаларга яқин жойни ўзига яшаш макони сифатида танлаган. Чунки сув объектлари инсон хаётида қадим замонлардан буён катта ижтимоий, иқтисодий аҳамият касб

этган. Бинобарин, сув объектларини билдирувчи номлар секин - аста улар яшаган жойларни, масканларни ҳам ифода этган. Гидронимларнинг бошқа географик объектларга ном бўлиб ўтиши ҳодисаси бор ҳаётий воқелик саналади.

 **Савол ва топшириқлар:**

- 1. Самарқанд вилояти топонимлари таркибида сўғдий номларнинг кўплиги сабабини изоҳланг.**
- 2. Жиззах вилояти ҳудудидан бошқа жойларда кам учрайдиган индикатор терминлар ҳақида ёзма маълумот тўпланг.**
- 3. Сирдарё вилояти топонимиюси таркибида “сунъий” номларнинг кўпайшига қандай омиллар таъсир кўрсатган?**

 **Тест топшириқлари:**

- 1. Самарқанд вилояти этноийконимлар сони жиҳатидан республикада вилоятларидан кейин туради.**
 - A. Тошкент водийси**
 - B. Фарғона водийси**
 - C. Жанубий Ўзбекистон**
 - D. Қуий Амударё**
- 2. Самарқанднинг қадимийлигига ишора қилиб, “шарқда Самарқанд, ғарбда ” дейилган. Нуқталар ўрнига тўғри жавобни қўйинг ва белгиланг.**
 - A. Париж**
 - B. Лондон**
 - C. Рим**
 - D. Афина**
- 3. Жиззах сўзининг лугавий маъноси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**
 - A. туркий, жиз - “жазирама”, зах - сернам жой**
 - B. сүғдий, диз - “қалъа”, ак (ўзб. ча) - қўшиимча**
 - C. форсий, диз - “қалъа”, ак (ўзб. ча) - қўшиимча**
 - D. ўзбекча, жиззах - ёзи иссиқ, қишии совуқ жой.**
- 4. Жиззах вилоятида дастлабки русча номлар қачон пайдо бўлган?**

- A.** *XIX аср охирида*
- B.** *XX аср бошида*
- C.** *Қадимдан мавжуд бўлган*
- D.** *XXI асрнинг бошида*

5. Сирдарё араблар келганидан кейин қандай ном билан аталган?

- A.** *Жайхун*
- B.** *Яксарт*
- C.** *Сайхун*
- D.** *Танаис*

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БҮЙИЧА

ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулотларнинг бош мақсади талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотнинг бу турида талабалар турли соҳага оид адабиётлар, карта ва лугатлардан номлар ҳақида маълумот тўплайдилар, уларни таҳлил қилиб, жадвал тўлдирадилар, диаграммалар ясайдилар, топонимик адабиётлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантирадилар ва шунга мувофиқ баҳоланадилар.

Топонимика фани бўйича белгиланган амалий машғулотлар шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми саналади. Таклиф қилинаётган амалий машғулотлар мажмуаси назарий машғулотлар мавзуларнинг деярли барчасини қамраб олган ва 17 та амалий машғулотлар мавзуси қўйидаги кўринишида таклиф қилинди:

1. Топонимик атамалар жадвалини тузиш ва уларни илмий адабиётлар ёрдамида тўғри изоҳлаш.
2. Географик номларнинг турдош отларга айланиши (детопонимизация) ва уларнинг “иккинчи ҳаёти” ҳақида маълумотлар тўплаш.
3. Топонимларни ҳосил бўлиш жадвалини тузиш ва уларнинг пайдо бўлиши билан боғлик қонуниятлар моҳиятини англаб етиш.
4. Топонимларнинг мазмунига кўра турлари жадвалини тузиш ва уларнинг топонимлашиш жараёнини аниқлаш.
5. Таржима қилинадиган ва таржима қилинмайдиган ҳамда ойдин ва ноойдин номлар, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари.
6. Турли тилларда энг кўп қўлланиладиган (байналмиллал) терминлар жадвалини тузиш ва уларни таҳлил қилишни ўрганиш
7. Турли тиллардаги шаҳар термини ёрдамида топонимлар жадвалини тузиш
8. Топонимик тадқиқотлар. Топонимик маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг географик номлар ҳақидаги қарорлари. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича республика комиссиясининг иш фаолиятини ўрганиш
10. Яшаш ҳудудидаги географик номлари ва уларнинг маъноси
11. Ўрта Осиё ва Ўзбекистон топонимлари
12. Евросиё топонимлари
13. Африка топонимлари
14. Шимолий Америка топонимлари
15. Жанубий Америка топонимлари
16. Австралия, Океания ва Антрактида топонимлари
17. Рефератлар презентацияси

Изоҳ: Ўқув режа ва фан дастурида мазкур машғулот турига ажратилган соат ҳажмига қараб мос ишлар танлаб олинади. Олий таълим муассасаси имкониятидан келиб чиқиб янги амалий машғулотлар киритилиши мумкин.

МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Мустақил ишлар талабаларга маъруза дарсларида тинглайдиган ва амалий машғулотларда бажарадиган назарий билимлари ва малакаларига қўшимча равишда бажаришлари учун берилади. Мустақил ишларни бажаришда талабалар мустақил равишда манба, маълумотлар, таҳлил натижалари, интернет ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб, аниқ белгилаб берилган мавзуларни турли шаклларда топширадилар.

Мустақил таълим учун ажратилган мавзуларни талабалар семинар, реферат ва оғзаки шаклда топширишлари мумкин. Топшириқ шакллари мавзулар кўлами, аҳамияти ва илмийлиги ҳисобга олинган ҳолда тавсия этилади. Мустақил ишларни бажариш орқали талабалар назарий билимларни мустаҳкамлайди, таҳлил қилиш ва мустақил фикрлаш малакасига эга бўлишади. Мустақил ишларнинг оғзаки шаклда топширилиши талабаларда ўз фикрларини ва билимларини мустақил баён қилиш малакасини оширади, сўз бойлигини кўпайтиради, нутқ маданиятни шакллантиришга ёрдам беради.

Семинар шаклидаги топшириқлар талабаларнинг йиғилган маълумотлар таҳлилини ёзма баён қилиш малакасини, манбалар устида ишлаш, керакли маълумотларни ажрата билиш кўникмалари пайдо бўлади. Реферат шаклидаги топшириқлар талабаларда муайян мавзу бўйича илмий фикрлаш, баён қилиш, ёзма нутқни шакллантириш малакасини оширишга ёрдам беради. Ҳар хил кўринишдаги топшириқларни бажаришда маълум қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Хусусан ёзма шаклдаги топшириқларда ишни изчил, тартиб билан, тушунарли қилиб ёзиш, муаммоларни ва уларнинг ечимларини кўрсатиш, чизмалар ва хариталар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Мустақил ишларни бажариш кўрсатилган муддат ичида, яъни семестр давомида бажарилади. Мустақил ишларни баҳолаш жорий ва оралиқ

баҳолашга муштарак олиб борилади. Мустақил ишлар топшириқларининг баллари жорий ва оралиқ балларга қўшилади. Топонимика фани бўйича белгиланган мустақил таълим мавзулари шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми саналади.

Мустақил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини инобатга олиб, қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўкув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда фаннинг маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлардан фойдаланган ҳолда фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- ўкув жараёнида фойдаланиладиган янги техникаларни, аппаратураларни, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш;
- фаннинг ўкув-илмий-тадқиқот ишлари билан боғлик бўлимлари ва мавзуларини чукур ўрганиш;
- масофавий (дистанцион) таълимдан фойдаланиш ва х.к.

Курс бўйича мустақил таълим талабаларга олдиндан бериб қўйилган мавзулар бўйича курс иши, реферат, хариталар чизиш ва таҳлил қилиш, жадваллар тўлдириш, қўшимча маълумотлар тўплаш орқали амалга оширилади.

Таклиф қилинаётган мустақил иш мажмуаси мазкур фаннинг деярли барча мавзулари доирасида шакллантирилди ва қуйидаги 30 та мустақил иш кўринишида таклиф қилинди:

1. Ўзбекистон худудидаги қадимги туркий топонимлар таҳлили
2. Географик терминлар ва уларнинг шаклланиш хусусиятлари
3. Эпотопонимлар ва уларнинг вазифаси
4. Профессор С.Қораевнинг топонимик мероси.

5. Табиий-географик омиллар асосида шаклланган топонимлар таҳлили
6. Маҳмуд Кошғарийнинг топонимик мероси
7. Географик объектларни номлашда мавжуд муаммолар таҳлили
8. Синфдан ташқари машғулотларда географик номларни ўрганиш
9. Буюк географик кашфиётлар даврида пайдо бўлган топонимлар
10. Географик номлар классификацияси
11. Диний ва афсонавий номлар таҳлили
12. Географик объектларни номлашнинг хуқуқий асослари
13. Ўзбекистон гидронимларининг шаклланиш хусусиятлари
14. Антропотопонимлар ва уларнинг ҳудудий тарқалиш қонуниятлари
15. Профессор X.Ҳасановнинг топонимик мероси
16. Чўл минтақалари топонимијасининг шаклланиш хусусиятлари
17. “Бобурнома” даги географик номлар талқини
18. Иқтисодий-ижтимоий омиллар асосида шаклланган топонимлар
19. Тоғли ҳудудлар топонимијасининг фарқловчи хусусиятлари
20. Ўзбекистонда топонимик тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолати
21. Географик номларнинг трансформацияси
22. Топонимик тадқиқотлар тарихи
23. Географик номларнинг стратиграфик қатламлари
24. Ўрта Осиё жой номларини ўрганишга ҳисса қўшган олимлар
25. “Худуд ул-олам” асаридаги географик номлар талқини
26. Этнотопонимлар ва уларнинг шаклланиш хусусиятлари
28. Рус олими профессор Э.М.Мурзаевнинг топонимик мероси
29. Ойконимлар ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари
30. Мактаб география таълимида жой номларидан фойдаланиш

Изоҳ: Ўкув режа ва фан дастурида мазкур машғулот турига ажратилган соат ҳажмига қараб мос ишлар танлаб олинади. Фан ўқитувчиси кафедра билан келишилган ҳолда, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, янги мустақил иш мазуларини шакллантириши мумкин.

Г Л О С С А Р И Й

Топонимикани ҳам бошқа фанлар каби ўзига хос таянч сўз ва иборалари мавжуд. Уларни яхши ўзлаштириш эса, фан сир-асрорларини билиб олишни осонлаштиради. Қуйида топонимикада қўлланиладиган таянч сўз ва ибораларни қисқача шарҳи берилган.

Агрооним - (юонча, агрос - «дала, экинзор, шудгор») - топонимнинг бир тури. Масалан, Бедапоя, Пахтазор, Шолипоя.

Антропоним - (юонча, антропос - «одам») - атоқли отнинг бир тури. Одамнинг исми, фамиляси, тахаллуси, лақаби. Масалан, Навоий, Ҳамид Олимжон, Сафар ота, Ҳайитқул тепа.

Атоқли от - бирон объектни бошқа объектлардан фарқ қилиш учун хизмат қиласидиган сўз ёки сўзлар бирикмаси, оним. Масалан, Мирзачўл, Қизилқум, Фарғона, Қили ва бошқалар.

Географик объектлар - ернинг ҳозирда ёки ўтмишда мавжуд бўлган ҳамда муайян ўрнашган жойи билан тавсифланадиган, келиб чиқиши табиий ёки сунъий бўлган яхлит ва нисбатан барқарор ҳосилалари. Улар жумласига: маъмурӣ-ҳудудий бирликлар (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар); аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари (маҳаллалар, шоҳкӯчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар); транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектлари (темир йўл станциялари, автостанциялар, метрополитен станциялари, вокзаллар, аэропортлар, портлар, пристанлар, кўприклар, разъездлар, йўллар, каналлар, сув омборлари, тўғонлар, дамбалар); табиий объектлар (дарёлар, кўллар, музликлар, текисликлар, тоғлар, тоғ тизмалари, ғорлар, чўллар, водийлар, даралар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ёнбағирлар, фойдали қазилмалар конлари) ва бошқа шу каби объектлар киради;

Географик объектларнинг номлари - географик объектларнинг уларни фарқлаш ва аниқлаш учун фойдаланадиган ўз номлари;

Географик объектнинг номини белгилаш - янада нормаллаштириш мақсадида географик объектнинг номини аниқлаш;

Географик объектнинг номини нормаллаштириш - географик объектнинг энг кўп фойдаланиладиган ва энг мақбул номини танлаш, ушбу ном ёзиладиган шаклини белгилаш ҳамда тасдиқлаш;

Географик объектнинг номини ўзгартириш - географик объектнинг хозирги номини ушбу Қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда ўзгартириш; географик объектларнинг номлари соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси);

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларнинг давлат экспертизаси - географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини аниқлашга қаратилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан ўтказилган топонимик, этнографик, лингвистик, картографик ва бошқа тадқиқотлар мажмуи.

Географик термин - географик объектнинг турини билдирадиган сўзлар географик терминлар ҳисобланади. Масалан, адир, қир, кўл, чўл, тоғ, кудук, сой, текислик ва бошқалар. Географик терминлар турдош отлар бўлганида географик номдан кейин кичик ҳарфлар билан алоҳида ёзилади. Кўпроқ шеваларда ишлатиладиган терминлар маҳаллий географик терминлар ёки халқ географик терминлари дейилади.

Гибрид ном - икки ва ундан ортиқ тилларнинг лексик ва морфологик унсурларидан таркиб топган номлар. Масалан, Тошкамар, Кўкгумбаз, Хайробод, Янгикент ва бошқалар.

Гидроним - (юнонча, гидро - сув, оним – ном, исм) - топонимнинг бир тури. Табиий ёки инсон тамонидан бунёд этилган ҳар қандай сув объектлари

- океанлар, денгизлар, дарёлар, каналлар, сув омборлари, сойлар, кудуқлар ва бошқалар. Масалан, Атлантика, Байкал, Сангзор, Сирдарё, Айдаркүл, Тузкон.

Макротопоним - маълум ва машҳур бўлган табиий географик объектнинг атоқли оти, материклар, қитъалар, океанлар, энг катта текисликлар, тоғлар, табиий географик ўлкалар номи. Масалан, Эвропа, Турон, Америка, Осиё, Олой, Помир. Булар кўпинча олимлар, сайёҳлар томонидан берилади ва расмийлаштирилади. Макротопонимлар баъзида ерли аҳолига маълум бўлмаслиги мумкин, Чунки, улар асосан микротопонимлардан фойдаланадилар.

Микротопоним - муайян ҳудудда маълум бўлган кичик географик объектларнинг атоқли отлари. Масалан, булоқлар, кўприклар, жарликлар, қудуқлар, боғлар ва бошқалар. Микротопонимлар учун омонатлик, ўзгарувчанлик, ҳаракатчанлик хосдир, ҳамда улар нафақат географик тушунча балки, маънавий тушунча ҳамdir. Микротопонимлар одатда оғзаки нутқда қўлланилади, камдан-кам ёзув маълумотларида ишлатилади. Тилнинг ўзгариши билан микротопонимлар ҳам ўзгаради. Уларнинг кўпчилиги юқолиб кетиши ҳам мумкин. Микротопонимлар кўп вақтда маълум ҳудудда яшовчилар ичida учратилади ва уни якка шахс ҳам яратиши мумкин.

Ойконим - (юонча, ойкос - уй, туар жой, макон) - топоним тури, аҳоли яшайдиган ҳар қандай жойнинг қишлоқ, овул, шаҳарча, шаҳарнинг номи. Масалан, Тошкент, Нукус, Жиззах, Зомин, Маржонбулук.

Ороним - (юонча, орос - «тоғ») - тоғлар, қирлар, тепаликлар, довонлар, даралар ва бошқа бир қатор орографик объектларнинг номи. Масалан, Анд, Ҳимолай, Алп, Помир, Олой.

Топоним - (юонча, топос - жой, макон, онима- ном, исм.) - ҳар қандай географик объектнинг атоқли оти, номи. Масалан, гидроним, ойконим, урбоним, агрооним.

Топонимик ландшафт - маълум ҳудудда турли даврларда турли ҳалқлар томонидан яратилган географик номлар мажмуи.

Топонимик негиз - топонимик лексиканинг форматсиз қисми: Олмазор; Заргар-лик; Пахта-кор; Зафар-обод ва ҳоказо.

Транскрипция - (лотинча, трансриптио - «кўчириб ёзиш») - бошқа тилдаги географик номлар (фонемалар)ни ўз тилидаги графемалар (ҳарфлар) билан ифодалаш, ёзиш. Транскрипция деганда сўзларни ва матнларни уларнинг талаффузини ҳисобга олган ҳолда муайян ёзув воситалари ёрдамида ёзиш, ифодалаш усули тушунилади.

Формант - (лотинча, форманс - «хосил қилувчи») - сўз ясидиган, лекин, мустақил ишлатилмайдиган унсур. Топонимлар таркибида айниқса кўп учрайди. Масалан, кент- Нушкент, Янгикент; лоқ - Тошлоқ, Қумлоқ ва бошқалар.

Халқ этимологияси - илмий этимологияга амал қилинмаган ҳолда, ноаниқ номларнинг бошқа сўзлар ёрдамида “тушунарли” қилиб ўзлаштирилиши; бунда сўзнинг фонетик ва морфологик тузилиши ҳам ўзгариб кетади; масалан: сўғдча Шовғар (Қоратоғ) топоними Шовқор, Киргили (уруг номи) топоними Қиргули қилиб ўзgartирилган.

Этноним - (юонча, этнос - «халқ», оним - «исм, ном») - уруг, қабила, элат, халқ, миллат ва бошқа хил этник уюшмалар номи. Уруг, қабила, халқ номи ўзи тамонидан танланган ёки ўзгалар тамонидан берилган бўлиши мумкин. Масалан, барлос, найман, қипчоқ, жалойир, лақай ва бошқалар.

Этимон - (юонча, этимон - «ҳақиқат, сўзнинг асл маъноси») - муайян номнинг татқиқотчилар аниқлаган дастлабки шакли, маъноси.

Ҳақиқий топоним - бу карта, маълумотномаларга тушган, аслида микротопонимлардан келиб чиқсан табиий ва сунъий обьектларнинг якка номи. Улар ҳар хил халқ ва турли тиллар маҳсулидир, жуда кўп ишлатилади ва ўзи жойлашган ҳудуддан бошқа жойларда ҳам маълумдир.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР ВА АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70 модда.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 592 -б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 488 -б.
4. Абдимуратов К.А. Топонимика Каракалпакии. АҚД. Нукус, 1966.
5. Агеева Р.А. Страны и народы: Проис-ние названий. -М.: 1990.
6. Аҳмадалиев Ю.И. Топонимика ва географик терминшунослик. - Фарғона. 2018. 136 -б.
7. Басик В.Н. Общая топонимика. Минск. 2006. -200 с.
8. Бегалиев Н.Б. Ўзбек этнонимлари тарихидан.-Самарқанд. 2004.
9. Бегматов Э. Ислмарнинг сирли олами. -Т.; «Ўзбекистон», 2014.
10. Бобур энциклопедияси. -Т.; “Шарқ”, 2014. 743 б.
11. География ва қадриятлар. //Илмий семинар мат-лари. -Т. 2001.
12. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. -Т.: «Фан», 1985. -104 б.
13. Жучкевич В. А. Общая топонимика. -Минск.1980. -288 с.
14. Закиров А.А. Топонимия Джизакской области. //АҚД. -М.: 1992.
15. Кадырова Ш.М. Микротопонимы Ташкента. АҚД. -Т.: 1970.
16. Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. - Т.: “Шарқ”. 2006. -192 с.
17. Караев С. Топонимия Узбекистана с топонимическим словарём. - Т.: “Фан”, 2015. -530 с.
18. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: 2009.
19. Каримов С.А., Бўриев С.Н. Ўзбек топонимикаси тараққиёт босқичида. -Т.: “Фан”, 2006. -132 б.
20. Кошғарий Маҳмуд. Девону луготит турк.-Т.: “Фан”, 1967. 545-б.

21. Миракмалов М.Т. Табиий географик терминларнинг шаклланишида халқ (маҳаллий) атамаларининг ўрни. // АКД. -Т.; 1998.
22. Миракмалов М.Т. Халқ табиий географик терминлари. -Т.; 2009.
23. Миракмалов М.Т. Географияда топонимика. -Т.; 2008.
24. Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. -М.: “Мысль”, 1974. -382 с.
25. Мурзаев Э.М. География в названиях. -М.: “Наука”, 1979. -166 с.
26. Найимов С.Н. Бухоро области топонимияси. -Т.: 1984.
27. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. -Т.: ,2009.-432 б.
28. Низомов А. Топонимика. -Т.; “Шарқ”, 2012. -120 б.
29. Никонов В.А. Введение в топонимику. -М.: “Наука”, 1965. -178 с.
30. Охунов Н. Ўзбекистон топонимияси. -Қўқон. 2005. -90 б.
31. Поспелов Е. М. Географические названия мира: Топонимический словарь. - М.: ООО “Издательство АСТ”, 2001. -512 с.
32. Рахматов Т. Топонимия города Самарканда и его окрестностей. АКД. Ташкент, 1973.
33. Сайдниёзов К.М. Амударё этажи ўнг соҳил топонимлари. АКД. -Т.; 1998.
34. Сапаров К.Т., Егинбаева А.Е. Топонимика региона как основа восстановления и развития ландшафтов. Алматы. 2017. -168 с.
35. Стамп Л.Д. Словарь общегеографических терминов. 1-2 том. -М.: “Прогресс”, 2005.
36. Суперанская А.В. Что такое топонимика? -М.: “Наука”, 1985.
37. Суперанская А.В. Теория и методика ономастических исследований. -М., “Наука”. 1986. -с. 15-25
38. Супруненко П.П., Супруненко Ю.П. Топонимика. -М.: «Терра», 2004.
39. Топонимика в региональных географических исследованиях. - Москва.: «Наука», 1984. -110с.
40. Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммолари. // Илмий-амалий конференсия тезислари. -Т.: 1994. -92 б.

41. Ханмагомедов Х.Л. Географический фактор в топонимии. //Вестн. Прикарпат. ун-та. Сер. филол. -2011. № 29. -с. 31-35.
42. Хромов А.Л. Очерки по топонимии и микротопонимии Таджикистана. -Душанбе. “Ирфон”, 1975. -85 с.
43. Эназаров Т. Ўзбек номшунослиги. -Т.: 2015. 225 б.
44. Эназаров Т. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари. //АДД. -Т.; 2007. 46 -б.
45. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-12 жилд, -Т.: 2000 -2007.
46. Ўзбекистон Республикаси "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги 2011 йили 12 октябрдаги № ЎРҚ-303 -сонли Қонуни
47. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги № 295-сонли Қарори
48. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартағи № 48-сонли Қарори
49. Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. -Самарқанд, 2007.
50. Қораев С. Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиласиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар луғати. -Т.: 2001. -176 б.
51. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. -Т., 2005.
52. Қораев С. Топонимика. -Т.: “Ўзб. файласуфлар жамияти”. 2006.
53. Ғуломов П.Н., Миракмалов М.Т. Топонимика ва географик терминшунослик. -Т.: “Университет”, 2005
54. Ғуломов П.Н. Топонимларни турлари ва жой номларини раёнлаштириш ҳақида мулоҳазалар. Ўз.ГЖА. 42-жилд. -Т.: 2013.
55. Ҳакимов Қ.М. Топонимика. -Т.; “Мумтоз сўз”. 2016
56. Ҳакимов Қ.М. Жиззах вилояти топонимлари. -Жиззах. 2014.
57. Ҳакимов Қ.М. Картадаги сўз. -Т.: “Оlam”, 2019. -228 б.
58. Ҳасанов Ҳ. Ўртаосиёлик географ ва сайёҳлар. -Т.: 1964. -252 -б.
59. Ҳасанов Ҳ. Таланган асарлар. -Т.: “Vneshinvestprom”, 2019.

60. Gelling, Margaret, Ann Cole. The landscape of place-names. Shaun Tyas / Paul Watkins, new edition, 2014.
61. Kerfoot Helen. Role of the United Nations in the standardization of geographical names. Utrecht. Netherlands. 2002.
62. Natali Kadmon. Toponymy: The lore, Laws of Language of Geographical Names. Vantage Press, 2001.
63. Mammadov N.G. Toponimika. Baki. 2007. 408 -6.
64. Tucker B., Rose-Redwood R. Toponymic politics and the rescaling of the Salish Sea // The Canadian Geographer. 2015. Vol. 59. No. 2. Pp. 194-206.
65. Интернет манбалари:
- wikipediya.uz
- dic.academic.ru
- edu.ulsu.ru/flims/morphothema/14.html
- google.com; ya.ru; yahoo.com; yandex; aport; rambler; MSN
- <http://social.philosophy.pu.ru/>
- geo.ru
- geografiya cc. uz
- uzgeo.uz
- www.ziyo.net

Х О Т И М А

Топонимика география, тишлишунослиқ, тарих фанлари манбаатлари туташган жойда ривожланаётган мустақил интеграл фан ҳисобланади. У барча юқорида тилга олинган фанлар методларидан комплекс ҳолда фойдаланиб географик номларни түлиқ ва ҳар томонлама ўрганади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, битта географик номни ўзи, агар у морфологик ва семантик жиҳатдан шаффоф бўлган тақдирда ҳам керакли топонимик маълумотларни беролмайди. Шу сабабдан, уни комплекс тарзда ўзига ўхшаш номлар қаторида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги даврда топонимик тадқиқотлар изчилилк билан давом этмоқда. Ер юзидағи миллионлаб географик объектларнинг худудий жойлашган ўрни номлар орқали аникланади. Улар ёрдамида ҳудудий ландшафтларни ўтмишдаги ҳолатини тиклаш мумкин. Маълумки, ҳар қандай топоним аниқ бир информацияга эга ва у кўпинча реал воқеа-ходисани ўзида акс этади. Асосий вазифа географик номларни чуқур ўрганиш, тарихий маълумотларни кенг жалб қилган ҳолда улардан тўлароқ фойдаланишдан иборат.

Чуқур дифференциялашган ва детализациялашган халқ географик терминлари илмий ва илмий-байналмилал терминларнинг кенгайтириш манбаи бўлиб хизмат қиласиди. Жой номи учун географик термин ва номланадиган географик обьект ўртасидаги мавжуд генетик алоқа жуда муҳим саналади. Чунки, кўп ҳолларда географик терминлар табиий обьектларнинг хусусиятларини ўзида аниқ инъикос этади. Бундай топонимик терминлар кўпинча геоиндикатор вазифасини бажаради. Мухтасар айтганда, топонимик билимлар мажмуи, география, тарих ва филология фанларининг симбиозидир.

Географик номлар ижтимоий зарурат туфайли аниқ бир тарихий шароитда пайдо бўлган, уларнинг келиб чиқиши жуда кўп ҳолларда жамият ҳаёти, маълум ҳудудда яшаган ёки яшаётган халқлар тили билан боғлик. Тарихий шароит, тил ва халқларни ўзгариши билан бирга уларни тарқалиш

ареали, яъни географик мұхит ҳам ўзгарған. Шу сабабдан, ҳеч бир мамлакат географик номларида бир хиллик күзатылмайди.

Улар узоқ тарихий давр давомида күп қатламли ва турли тилларга мансуб элементлар сифатида шаклланған. Топонимик ареаллар ҳозирги лингвистик чегараларни тан олмайди, улар узоқ тарихий даврлар давомида халқларни миңтақалар бўйлаб ҳаракатланишидан далолат беради. Бинобарин, катта ҳудудлар миқёсида жой номларини ўзаро таққослаб ўрганиш, топонимларнинг асосий шаклланиш қонуниятларини аниқлаш имконини беради.

Географик номларни қандай йўл билан пайдо бўлишидан қатъий назар, уларда доимо барча номларга хос бўлган умумий, универсал белгини қайд қилиш мумкин, улар кишиларни умумий тафаккурлаш хусусияти билан боғлик, яъни атрофдаги кўзга яққол ташланадиган реал воқеаликни танлаш ва уни ном сифатида мустаҳкамлашдан иборат. Ном танлашдаги бундай барчага умумий бўлган ҳодиса географик номларни шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини аник ва ҳар томонлама ўрганиш имкониятини беради.

Топонимикада баҳсталаб муаммолар кўп. Бинобарин, китобда келтирилган айрим фактлар мунозарали, баъзилари асосланған, бошқалари эса камроқ ишонарли бўлиши мумкин. Аммо, шу нарса аниқки, ҳар қандай баҳс ва мунозаралар манфаатдан холи эмас, чунки улар ёрдамида кейинги илмий изланишлар йўллари белгилаб олинади ва энг мұхими янада юқори натижаларни қўлга киритишга имконият пайдо бўлади. Хитойларда, “номини эшитгандан кўра, юзини кўрмоқ афзал” деган нақл бор, аммо даврлар ўтиши билан юзини кўришни иложи бўлмаганда, билимдон қўлидаги ном узоқ ўтмишга назар ташлаш ва қадимги сўзларни тиклаш имконини беради.

Этнографик тадқиқотларда ва халқ оғзаки ижодини ўрганишда географик номларнинг ҳам салмоқли ўрни бор. Сабаби, номлар ҳам халқ ижодини маҳсули, халқ уни худди мақол, ривоят, достон каби дилу тилида, шууру тафаккурида сақлаб келади. Номларнинг катта қисми халқ хотираси

орқали ҳозиргача етиб келган. Шу боис, халқ оғзаки ижодини жой номларисиз тасаввур қилиб бўлмайди, улар халқ оғзаки ижодида таянч нуқта, аниқ манзил, воқеликлар содир бўлган жой, юрт, мамлакат номидир.

Тилшунослик нуқтаи назардан ҳам географик номлар катта аҳамиятга эга. Жой номлари тил тараққиётининг қиёсан кейинги босқичларида турдош отлар (апеллятивлар) дан келиб чиқкан. Топонимлар тил луғат таркибини бир қисми бўлиши билан бирга, жой номлари ясашда муайян тил учун хос бўлган лингвистик воситалардан (моделлардан) фойдаланади.

Шу билан бирга, ҳар бир тилда топоним ясовчи ўзига хос воситалар пайдо бўлган. Маълумки, ҳозирги матн лингвистикаси кўпинча атоқли отлар ва баъзан топонимларни таҳлил қилиб хulosалар чиқаради. Топонимиканинг лингвистик йўналиши орқали географик номларнинг тил ва жамиятдаги шаклланиш қонуниятлари, грамматик тузилиши, тўғри ёзилиши, этимологик талқини, диалектларни тарқалиш ареаллари каби масалалар тадқиқ қилинади.

Топонимиканинг ҳозирги даврдаги энг муҳим вазифаларидан бири, географик номларни қатъийлаштириш ва стандартлаш ҳисобланади. Географик объектлар номларини тартибга солиш бугунги кунда давлат аҳамиятига молик масалага айланди. Уларни қўллаш қўлами эса, оддий фуқародан то давлат ҳокимияти органларигача кенгайди. Географик номлар миллий қадрият қатламларидан бири сифатида, халқ тарихи, маданияти, тилини ўзида мужассам этиб, миллий бирликни ва давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қиласади.

Топонимик билимларни амалда қўллашнинг яна бир соҳаси, географик объектларнинг номлаш ва қайта номлаш соҳасидаги давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ҳамда самарали амалга ошириш, географик номларни мақбуллаштириш, уларни тўла инвентаризациядан ўтказиш ва давлат реестрини тузиш ҳамда топонимик маълумотларни ахборот базасини яратишда фаоллик кўрсатишдан иборат.

Топонимика муҳим маърифий функцияни ҳам бажаради. Жой номлари инсоният томонидан яратилган тарихий, маънавий ва маданий ёдгорлик

саналади. Шу сабабдан, турли даврлар ва тилларда пайдо бўлган топонимларда цивилизация тарихи ўз аксини топган. Ҳар йили чоп этилаётган кўп сонли илмий ва илмий-оммабоп нашрлар топонимик маълумотларга қизиқиш ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, топонимика илмий фан сифатида жадал ривожланмоқда экан, инсоният тамаддунида илмий, тарихий, маданий ва миллий қадриятларнинг энг муҳим элементларидан бири бўлган географик номлар мазкур фаннинг ўрганиш обьекти бўлиб қолаверади.

ИЛОВ АЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

“ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРНИНГ НОМЛАРИ ТЎҒРИСИДА»

I-боб Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади географик объектларнинг номлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган географик объектлар номларининг улардан Ўзбекистон Республикасида фойдаланишга доир қисмига ҳам татбиқ этилади.

2-модда. Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларida назардан тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шарнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

географик объектлар - Ернинг ҳозирда ёки ўтмишда мавжуд бўлган ҳамда муайян ўрнашган жойи билан тавсифланадиган, келиб чиқиши табиий ёки сунъий бўлган яхлит ва нисбатан барқарор ҳосиллари. Улар жумласига: маъмурий-ҳудудий бирликлар (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар); аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари (маҳаллалар, шоҳкӯчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар); транспорт ва муҳандислик - техника инфратузилмаси объектлари (темир йўл станциялари, автостанциялар, метрополитен станциялари, вокзаллар, аэропортлар, портлар, пристанлар, кўприклар, разъездлар, йўллар, каналлар, сув омборлари, тўғонлар, дамбалар); табиий объектлар (дарёлар, кўллар, музликлар, текисликлар, тоғлар, тоғ тизмалари, ғорлар, чўллар, водийлар, даралар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ёнбағирлар, фойдали қазилмалар конлари) ва бошқа шу каби объектлар киради;

географик объектларнинг номлари - географик объектларнинг уларни фарқлаш ва аниқлаш учун фойдаланадиган ўз номлари;

географик объектнинг номини белгилаш - янада нормаллаштириш мақсадида географик объектнинг номини аниқлаш;

географик объектнинг номини нормаллаштириш - географик объектнинг энг кўп фойдаланиладиган ва энг мақбул номини танлаш, ушбу ном ёзиладиган шаклини белгилаш ҳамда тасдиқлаш;

географик объектнинг номини ўзгартириш - географик объектнинг ҳозирги номини ушбу Қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда ўзгартириш; географик объектларнинг номлари соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси);

географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларнинг давлат экспертизаси - географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини аниқлашга қаратилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси томонидан ўтказилган топонимик, этнографик, лингвистик, картографик ва бошқа тадқиқотлар мажмуи.

4-модда. Географик объектларнинг номларига доир талаблар

Географик объектга берилаётган ном:

географик объектга энг хос бўлган белгиларни акс эттириши;

мазкур географик объект жойлашган ердаги географик объектлар номларининг мавжуд тизимига мос тушиши;

маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиши;

қоида тариқасида, кўпи билан учта сўздан иборат бўлиши;

ушбу Қонун 6-моддасининг иккинчи қисми талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар овуллар, аҳоли пунктларига одамларнинг исми-шарифининг беришга, шуниндек уларни тарихий воқеалар шарафига номлашга, қоида тариқасида йўл қўйилмайди.

Кўчалар, шоҳкўчалар, маҳаллалар, майдонлар, боғларга ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига айrim одамлар, жамоат арбоблари, сиёсий арбоблар исми-шариfinи беришга, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди. Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар бундан мустасно.

Ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ташкил этилаётган географик объектларга уларни ташкил этиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар билан ушбу Қонун талабларига мувофиқ ном берилади.

Маъмурий-худудий бирликларнинг номлари, қоида тариқасида, уларнинг маъмурий марказлари номидан, ушбу маъмурий-худудий бирликлар жойлашган ҳудуд қисмининг географик ёки тарихий номидан ҳосил бўлиши лозим.

Транспорт ва муҳандислик-техника инфротузилмаси объектларининг, шу жумладан аэропортлар, вокзаллар, портлар, пристанлар, разъездлар, темир йўл станцияларининг ва бошқа объектларнинг номлари, қоида тариқасида, уларнинг ёнида жойлашган аҳоли пунктларининг ёки улар таркибий қисмларининг, бошқа географик объектларнинг номларидан ҳосил бўлиши керак.

Кўйидагиларга айнан бир хил ном берилишига йўл қўйилмайди:

Ўзбекистон Республикаси доирасидаги вилоятлар, туманлар, шаҳарларга;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар доирасидаги шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларга;

бир туман, шаҳар ёки аҳоли пункти доирасидаги бир нечта турдош географик объектларга.

5-модда. Географик объектларнинг номларини ўзгартиришга доир талаблар

Географик объектларнинг номларини ўзгартиришга қўйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

географик объектнинг белгиланган мақсади жиддий тарзда ўзгарганда;

айрим географик объектларнинг тарихий номларини тиклаш зарур бўлганда;

агар географик объект географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмайдиган қисқартма сўз, рақам ёки сўз бирикмаси билан белгиланган бўлса;

географик объектларга ушбу Қонун 4-моддасининг учинчи қисмида назарга тутилган шахслар исми-шарифини бериш зарур бўлганда;

географик объектларнинг ушбу Қонун 4-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган бир хил номлари мавжуд бўлганда.

6-модда. Географик объектларнинг номларини белгилаш

Географик объектларнинг номлари ҳудудни картография қилиш, топонимик тадқиқотлар ўтказиш вақтида, шуниндек географик объектларга

ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрланадиганда:

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг хужжатлари;

расмий картографик ҳамда маълумотнома нашрларининг, статистик, архивга оид, тарихий ва бошқа манбаларнинг маълумотлари;

маҳаллий аҳоли, шуниндек ўлкашунослар, географлар, тарихчилар ва бошқа мутахассислар ўртасида сўровлар ўтказиш асосида белгиланади.

Географик обьектларнинг номларини белгилашда:

маҳаллий аҳоли турмушининг географик, тарихий, миллий, этник, тилга оид ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинади;

географик обьектлар номларининг янглишишга олиб келувчи ўхшашлиги, ушбу номларнинг ҳурматсизлик мазмунида бўлиши, Ўзбекистон халқининг тарихи, анъаналари ва маданияти билан номувофиқлиги истисно этилади.

II-боб. Давлат органларининг географик обьектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришга доир ваколатлари ҳамда вазифалари

7-модда. Туманлар, шаҳарлар, вилоятларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари илтимосномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси киритган таклифга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан амалга оширилади.

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан географик обьектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича комиссия (бундан буён матнда республика комиссияси деб юритилади) тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг туманлар, шаҳарлар, вилоятларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқади ҳамда уларни тегишли хужжатлар билан бирга хулоса олиш учун республика комиссиясига юборади.

Республика комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик обьектларнинг номлари тўғрисидаги

қонун хужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофик эмаслиги нуқтаи назардан уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қумитасига топширади. Республика комиссияси ўтказилган иш якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хulosса беради, ушбу хulosса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республика комиссиясининг хulosасини ҳисобга олган ҳолда географик обьектларга ном бериш ёки уларнинг номини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши учун киритади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифларини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.

8-модда. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ҳамда уларнинг таркибий қисмларига ном бериш ва улар номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси томонидан географик обьектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси (бундан буён матнда Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси деб юритилади) тузилади.

Туман, шаҳар ҳокими маҳаллий аҳоли, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни тегишли хужжатлар билан бирга хulosса олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси комиссиясига юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси тақдим этилган хужжатлар ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назардан уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қумитасига топширади. Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси ўтказилган иш якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хulosса беради, ушбу хulosса географик объектга ном бериш ва унинг номини ўзгартириш тўғрисида таклиф киритган туман, шаҳар ҳокимига юборилади.

Туман, шаҳар ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси комиссиясининг хulosасини ҳисобга олган ҳолда географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси кўриб чиқиш учун киритади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси туман, шаҳар ҳокимининг таклифини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.

9-модда. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш туманлар ҳокимларининг таклифига кўра ҳалқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан амалга оширилади.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ҳамда уларнинг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш учун вилоятлар ҳокимлари томонидан географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича вилоят комиссиялари (бундан буён матнда вилоят комиссияси деб юритилади) тузилади.

Туман ҳокими маҳаллий аҳоли, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни тегишли хужжатлар билан бирга хulosса олиш учун вилоят комиссиясига юборади.

Вилоят комиссияси тақдим этилган хужжатларни ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назардан кўриб чиқади, кейинчалик уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қумитасига

топширади. Вилоят комиссияси ўтказилган иш якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради, ушбу хулоса географик объектга ном бериш ва унинг номини ўзгартириш тўғрисида таклиф киритган туман ҳокимига юборилади.

Туман ҳокими вилоят комиссиясининг хулоасига мувофиқ объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши қўриб чиқади учун киритади.

Ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши туман ҳокимининг таклифини қўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.

10-модда. Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш

Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шохкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга), ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг илтимосномалари асосида туманлар, шаҳарлар Кенгашлари томонидан амалга оширилади. Шаҳарлар таркибига киравчи туманларда таклифлар туманлар ҳокимлари томонидан ҳалқ депутатлари шаҳарлар Кенгашларига киритилади.

Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни қўриб чиқади ва тайёрлаш учун туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича туманлар, шаҳарлар комиссиялари (бундан буён матнда туман, шаҳар комиссияси деб юритилади) тузилади.

Туман, шаҳар ҳокими фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шохкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги илтимосномаларни қўриб чиқади ҳамда уларни зарур ҳужжатлар билан бирга таклифлар тайёрлаш учун туман, шаҳар комиссиясига юборади.

Туман, шаҳар комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назардан қўриб чиқади, кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясига киритиш учун таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни туман, шаҳар ҳокимига юборади.

Туман, шаҳар ҳокими аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкӯчалар, кӯчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги туман, шаҳар комиссияси томонидан кўриб чиқилган таклифларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясига киритади, комиссия тайёрлаган материаллар географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назардан ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади ва тегишли хulosса беради.

Туман, шаҳар ҳокими тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясининг хulosасига мувофиқ аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкӯчалар, кӯчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклиф тайёрлайди ҳамда уни ҳалқ депутатлари туман, шаҳар Кенгashi кўриб чиқиши учун киритади.

Ҳалқ депутатлари туман, шаҳар Кенгashi туман, шаҳар ҳокимининг таклифини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.

11-модда. Табиий объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузулмаси объектларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш

Табиий объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузулмаси объектларига ном бериш ҳамда уларнинг номларини ўзгартириш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Табиий объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузулмаси объектларига ном бериш ҳамда уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш республика комиссияси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таклифларини кўриб чиқиш учун қабул қиласди ҳамда уларни тегишли ҳужжатлар билан хulosса олиш учун республика комиссиясига юборади.

Республика комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганишни ташкил этади, географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назардан уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат кумитасига топширади. Республика

комиссияси ўтказилган иш якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради, ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республика комиссиясининг хулосасини ҳисобга олган ҳолда, географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари

12-модда. Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий қадриятлари ҳамда мероси билан боғлиқ географик объектларнинг номлари муҳофаза қилинишини таъминлаш, асоссиз ўзгартирилишининг олдини олиш;

географик объектларга Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар берилишига ҳамда уларнинг номлари шу руҳда ўзгартирилишига йўл қўймаслик;

географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш чоғида маҳаллийчилик, ошна-оғайничилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолларини истисно этиш;

Ушбу Конун 4-моддаси талабларининг ҳамда географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун хужжатлари бошқа қоидаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссиялари томонидан бажарилиши устидан назоратни республика комиссияси амалга оширади.

Комиссиянинг таркиби давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий далат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва ходимлари, фуқаролик жамияти институтларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, шунинdek фан ва маданият арбоблари, эксперtlар, мутахассислар ҳамда тегишли фаолият соҳаларида маҳсус билимларга эга бўлган бошқа шахслар орасидан шаклантирилади.

Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссиялари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликларининг раҳбарияти томонидан бошқарилади.

Республика комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қумитасининг географик объектларнинг номлари соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қумитаси:

республика комиссиясининг, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар комиссияларининг тақдимномасига кўра географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказади ушбу масалалар бўйича тегишли хуносалар ва тавсияларни тайёрлайди ҳамда уларга юборади;

географик объектларнинг номларини нормаллаштириш ишларини амалга оширади;

географик объектлар номларининг давлат реестрини юритади;

географик объектлар номларининг давлат реестрига киритилган географик объектларнинг номлари тўғрисидаги ахборотни юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда тақдим этади.

14-модда. Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларнинг давлат экспертизаси улар географик объектларнинг номларига, мазкур номлар ўзгартирилишига ҳамда белгиланишига қўйиладиган талабларга мувофиқлигини аниқлаш, шунинлек географик объектларнинг номларини нормаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қумитаси томонидан ўтказилади:

географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларнинг давлат экспертизаси;

республика комиссияси томонидан - туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, табиий объектлар, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга нисбатан;

Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси томонидан-Қорақалпоғистон Республикаси худудида жойлашган туманлар, шаҳарлар,

шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгаришиш тўғрисидаги таклифларга нисбатан;

вилоят комиссияси томонидан - шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгаришиш тўғрисидаги таклифларга нисбатан тайинланади;

Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қумитаси давлат экспертизаси чоғида топонимик ва бошқа тадқиқотлар ўтказилишини, картографик, архивга доир, тарихий ва бошқа материаллар ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик обьектлар номларининг нормаллаштирилишини амалга оширади ҳамда экспертиза якунларига кўра географик обьектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгаришиш тўғрисидаги таклифларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хulosса беради, ушбу хulosса тегишли комиссиялар мурожаат этган кундан эътиборан бир ой ичида уларга юборилади.

Давлат экспертизасининг хulosаси республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар комиссиялари томонидан хulosалар беришда ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қумитаси давлат экспертизасини ўтказиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар мутахассисларини, етакчи олимларни, фан ва маданият арбобларини, шуниндек тегишли фаолият соҳаларида маҳсус билимларга эга бўлган бошқа шахсларни жалб этишга ҳақли.

15-модда. Географик обьектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгаришиш тўғрисидаги таклифларга илова қилинадиган ҳужжатлар

Географик обьектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгаришишни амалга оширувчи органларга киритиладиган географик обьектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгаришиш тўғрисидаги таклифларга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

географик обьектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгаришиш зарурлигининг мақсадга мувофиқлигининг асоси;

географик обьектнинг таклиф этилаётган номи;

картография материаллари;

географик обьектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгаришиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ҳамда харажатларнинг манбалари;

тегишинча республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссияларининг хulosаси;

ушбу Қонун 14-моддасининг иккинчи қисми талабларига мувофиқ ўтказилган давлат экспертизасининг хulosаси.

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга географик объектларнинг ўзига хос хусусияти ҳамда белгиланган мақсади ҳисобга олинган ҳолда бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

Ш-боб. Географик объектларнинг номларини давлат рўйхатидан ўтказиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш

16-модда. Географик объектлар номларининг давлат реестри

Географик объектлар номларининг давлат реестри - географик объектларнинг номларини давлат рўйхатидан ўтказиш мақсадида юритиладиган, ушбу объектларнинг номларига таалуқли бўлган маълумотларнинг тизимлаштирилган тўпламидир.

Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қумитаси географик объектларнинг номларини давлат рўйхатидан ўтказишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Географик объектлар номларининг давлат реестрига киритган ҳолда амалга оширади.

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришни амалга оширувчи органлар географик объектларга ном берилганлиги ва уларнинг номлари ўзгартирсанлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни Географик объектлар номларининг давлат реестрига киритиш учун ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қумитасига тақдим этиши шарт.

Географик объектлар номларининг давлат реестрига киритилган географик объектларнинг номлари ҳақидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қумитаси томонидан юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда тақдим этилади.

17-модда. Географик объектларнинг номларидан фойдаланиш

Географик объектларнинг рўйхатдан ўтказилган номлари:

ўз фаолиятини амалга ошираётганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан;

ўқув нашрларида, картографик, маълумотнома, энциклопедик нашрларда, эълонлар, реклама, йўл белгилари, почта жўнатмаларида фойдаланиш учун мажбурийдир.

Географик объектларнинг рўйхатдан ўтказилган номларидан бошқа ҳолларда ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган географик объектлар номларининг йўл белгиларидаги, пешлавҳалар ва бошқа кўрсатгичлардаги ёзувлари давлат тилида ифодаланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қумитаси билан келишилган ҳолда географик объектлар номларининг расмий каталоглари ва маълумотномаларини нашр этади.

18-модда. Географик объектларнинг номларини сақлаш

Географик объектларнинг номлари давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Географик объектлар номларининг бирини бошқасига ўзбошимчалик билан алмаштиришга, географик объектларнинг бузиб кўрсатилган номларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

19-модда. Географик объектларнинг номларидан фойдаланилиши ва уларнинг сақланиши устидан назорат

Географик объектларнинг номларидан фойдаланилиши ва уларнинг сақланиши устидан назорат белгиланган ваколатлар доирасида:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари;
республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қумитаси;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

IV-боб. Яқунловчи қоидалар

20-модда. Географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни молиялаштириш

Географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан куйидагилар молиялаштирилади:

географик объектларнинг номларини белгилаш, нормаллаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш;

географик объектлар номларининг расмий каталоглари ва маълумотларини тайёрлаш ҳамда нашр этиш.

Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Географик объектларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг таклифига қўра ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш мазкур органларнинг фаолиятини молиялаштириш назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Географик объектларга хўжалик бошқаруви органларининг таклифига қўра ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шуниндек мазкур органлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

21-модда. Низоларни ҳал этиш

Географик объектларнинг номлари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

22-модда. Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

23-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиурсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив –
хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ҳамда бекор қилишларини
таъминласин.

24-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

И.Каримов

Тошкент шаҳри,
2011 йил 12 октябрь
№ ЎРҚ - 303

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲҚАМАСИННИГ ҚАРОРИ**

16 октябрь 2012 йил

№ 295

Тошкент шаҳри

**«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Конунига мувофиқ географик объектларнинг номлари
соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида**

«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини ижро этиш юзасидан, шуниндек географик объектларни номлаш ва қайта номлаш соҳасидаги давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ҳамда самарали амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича республика комиссияси тўғрисидаги Низом 1- иловага мувофиқ;

Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича республика комиссияси таркиби 2- иловага мувофиқ;

Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича худудий комиссиялар тўғрисидаги Намунавий низом 3- иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Республика комиссияси ва худудий комиссиялар ўз ваколатларига мувофиқ қўйидагиларни таъминласинлар:

географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича таклифларни таклифлар киритган органларга тегишли хулосалар берган ҳолда атрофлича ўрганиш;

географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича таклифларни уларнинг географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан давлат экспертизасидан ўтказишни ташкил қилиш;

географик объектларнинг тарихий-маданий мерос, Ўзбекистон халқининг маънавий-этник қадриятлари билан боғлиқ номларини асраш, уларни асоссиз қайта номлашнинг олдини олиш;

географик объектларни Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар билан қайта номлашга ва уларга ном беришига йўл қўймаслик;

географик объектларни номлаш ва қайта номлашда маҳаллийчилик, ошна-оғайничилик, хизмат мартабасини суиистеъмол қилиш ҳолларини истисно қилиш;

қарор қабул қилишда холислик ва ошкоралик, шуниндек географик объектларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиши тартиб-қоидаси ва муддатларига риоя қилиш;

географик объектларни одамларнинг исмлари билан, шуниндек тарихий воқеалар шарафига номлаш ва қайта номлаш соҳасида белгиланган чекловларга риоя қилиш;

маҳаллий аҳолининг географик, тарихий, миллий, этник, тилга оид ва бошқа хусусиятларини ўрганиш ҳамда ҳисобга олиш;

бир маъмурий-худудий бирлик доирасида географик объектларга бир хил номлар берилишига йўл қўймаслик;

бериладиган номларнинг географик объектлар номларининг географик обьект жойлашган жойдаги мавжуд тизимиға мувофиқлиги;

географик объектлар номларининг янгилашишларга сабаб бўлувчи ўхшашлигини, ушбу номлар мазмунларининг Ўзбекистон халқининг тарихи, анъаналари ва маданиятига тўғри келмаслигини назарда тутган ҳолда, истисно қилиш.

Худудий комиссиялар раҳбарлари зиммасига географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун хужжатлари талаблари сўзсиз бажарилишининг таъминланиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ўн кун муддатда:

тасдиқланган Намунавий низом асосида географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари (кейинги ўринларда худудий комиссиялар деб аталади) тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари бошчилик қиласиган худудий комиссияларнинг шахсий таркибини тасдиқласинлар, комиссиялар таркибига давлат ва хўжалик бошқаруви худудий органларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва ходимларини, фуқаролик жамияти институтларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакилларини, шуниндек фан ва маданият арбобларини, эксперtlарни, мутахассисларни ҳамда тегишли фаолият соҳаларига маҳсус билимларга эга бўлган бошқа шахсларни киритсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларига Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан биргаликда:

2013 йил 25 декабргача «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси талабларига мувофиқ расмий картография ва маълумотнома нашрлари, статистика, архив, тарихий ва бошқа манбалар маълумотлари асосида туманлар, шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктлари ҳамда уларнинг таркибий қисмлари номларини хатловдан ўтказиш ва мақбуллаштириш ишларини амалга оширсинлар;

амалга оширилган ишлар якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига белгиланган тартибда тегишли таклифлар киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси:

мавжуд бўлинмалар негизида «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига идоравий мансуб ташкилотлар бошқарув ходимларинг сони доирасида Республика топонимика хизматини ташкил этсин, унга давлат экспертизасидан ўтказиш, топонимик ва бошқа илмий тадқиқотларни бажариш, географик объектларнинг номларини мақбуллаштириш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш, Географик объектлар номлари давлат реестрини тузиш ва юритиш, норматив-хуқуқий ҳужжатлар, географик объектларнинг номлари каталоглари ҳамда маълумотномаларини ишлаб чиқиш функцияларини юкласин;

расмий картография ва маълумотнома нашрлари, статистика, архив, тарихий ва бошқа манбалар маълумотлари асосида географик объектларнинг номларини қайта кўриб чиқиш бўйича илмий асосланган, тизимли ишларни ташкил этсин;

уч ой муддатда география ва топонимика соҳаси экспертларини, шунингдек тегишли тармоқлар етакчи мутахассисларини жалб этган ҳолда географик объектларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказишнинг самарали тизимини ишлаб чиқсин ҳамда жорий қилсин;

уч ой муддатда Географик объектлар номлари давлат реестрини тузиш ва юритиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсинг, маълумотларнинг электрон базасини шакллантирсинг;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан ҳамда «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан

келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, географик объектларнинг номарини белгилаш, мақбуллаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, шуниндек уларнинг расмий каталоглари ва маълумотларини тайёрлаш ҳамда нашр этиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси учун ҳар йили назарда тутиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

7. Республика комиссияси 2014 йил 1 марта бўлган муддатда «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари географик объектларни номлаш соҳасидаги ишларни тартибга солиш борасида бажарилган ишларнинг якунлари тўғрисида ахборот ва пайдо бўлаётган масалаларни ҳал этиш ҳамда Конун талабларининг ижро этилишини назорат қилишга оид тегишли умумлаштирилган таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига 2014-2015 ўқув йилидан бошлаб, 5440500-«География» таълим йўналишлари асосида «Топонимика» мутахассислиги бўйича магистратура кадрлар тайёрлашни бошлаш тўғрисида таклифлар киритсинлар.

9. Куйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида» 1996 йил 31 майдаги 203-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳукумат комиссияларини ташкил этиш масалалари бўйича айrim қарорларининг ўзгартирилиши, тўлдирилиши ва ўз кучини йўқотган деб топилиши тўғрисида» 2000 йил 19 сентябрдаги 359 –сон қарорига 1-илованинг 4-банди;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида» 2004 йил 11 августдаги 383-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2004 й., 8-сон, 78-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қумитаси тўғрисидаги Низом 8-банди

«б» кичик бандининг ўн иккинчи хат боши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 97-модда) қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«географик объектларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказади, географик объектларнинг номларини мақбуллаштириш ишларини амалга оширади, Географик объектлар номлари давлат реестрини юритади».

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари А.И.Икромов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг

Баш вазири

Ш.Мирзиёев

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 16 октябрдаги
295-сон қарорига
1-илова

**ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРНИ НОМЛАШ ВА ҚАЙТА НОМЛАШ
МАСАЛАЛАРИ БҮЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ
ТҮҒРИСИДА
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари кўриб чиқувчи, шунинdek «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларининг бажарилишини назорат қилувчи маҳсус орган ҳисобланади.

2. Республика комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунинdek ушбу Низомга амал қиласди.

Республика комиссиясининг таркиби манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ҳамда ходимларидан, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларидан, шунинdek фан ва маданият арбобларидан, эксперtlардан, мутахассислардан ҳамда тегишли фаолият соҳаларида маҳсус бўлимларга эга бўлган бошқа шахслардан шакллантирилади.

Республика комиссияси аъзоларининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

II. Республика комиссиясининг вазифалари ва функциялари

3. Куйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

географик объектларнинг Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий қадриятлари ва мероси билан боғлиқ номлари асраришини таъминлаш, уларнинг асоссиз қайта номланишининг олдини олиш;

географик объектларни Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари ҳамда менталитетига ёт бўлган номлар билан қайта номлашга ва уларга ном беришга йўл қўймаслик;

географик объектларни номлаш ва қайта номлашда маҳаллийчилик, ошна - оғайнигарчилик, хизмат мартабасини сущистеъмол қилиш ҳолларини истисно қилиш.

4. Республика комиссияси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни бажаради:

туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, табиий объектлар, транспорт ҳамда муҳандислик-техник инфратузилма объектларини номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни атрофлича ўрганишни ташкил этади ҳамда тегишли хуносалар беради, уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига жўнатади;

туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, табиий объектлар, транспорт ҳамда муҳандислик-техник инфратузилма объектларини номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги таклифларнинг давлат экспертизасидан ўтказишини тайинлади;

топонимик ва бошқа тадқиқотлар ўтказиш, картографик, архивга оид, тарихий ва бошқа материалларни атрофлича ўрганиш, географик объектларнинг номларини мақбуллаштириш ишларини мувофиқлаштиради;

географик объектларни асоссиз қайта номлашнинг, уларга Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар берилишининг олдини олиш, ушбу соҳада маҳаллийчилик, ошна оғайнигарчилик, хизматмартабасини сущистеъмол қилиш ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида географик объектларни номлаш ва қайта номлаш жараёнинг холисона ҳамда ошкора бўлишини таъминлаш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқади ва тасдиқлади;

географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари (кейинги ўринларда ҳудудий комиссилар деб аталади) томонидан географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

географик объектларнинг номларидан фойдаланиш ва уларни асраш юзасидан назоратни амалга оширади;

«Географик объектларнинг номлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини самарали амалга оширишга қаратилган бошқа функцияларни амалга оширади.

III. Республика комиссиясининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

5. Республика комиссияси ўзига юклаган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

зарур бўлганда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлардан географик объектларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни атрофлича ўрганиш учун зарур бўлган маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар мутахассисларни, етакчи олимларни, фан ва маданият арбобларини, шунинdek тегишли фаолият соҳаларида маҳсус билимларга эга бўлган бошқа шахсларни географик объектларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни атрофлича ўрганиш учун жалб этиш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳудудий комиссиялар раҳбарларининг ҳисботларини эшитиш;

худудий комиссиялар қарорларининг қабул қилиниши ва ижро этилиши тизими мониторингини амалга ошириш ҳамда уларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар киритиш.

6. Республика комиссияси ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисбот беради.

IV. Республика комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш

7. Республика комиссиясига унинг раиси ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири бошчилик қиласи.

8. Республика комиссиясининг раиси:

Республика комиссияси фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи ва унга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Республика комиссияси аъзоларининг вазифаларини белгилайди ва уларга юклаган вазифаларни бажариш ишларини мувофиқлаштиради;

Республика комиссиясининг иш режаларини, кўриб чиқиш учун тушган ҳужжатларни кўриб чиқиш жадвалларини тасдиқлади;

Республика комиссияси мажлисларининг кун тартибини ва чақирилишини белгилайди;

Республика комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил этади;

Республика комиссиясининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ишларни амалга оширади.

9. Республика комиссиясининг аъзолари:

Республика комиссияси мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва ҳал этшда иштирок этадилар;

Республика комиссиясига географик объектларни номлаш ва қайта номлашнинг долзарб масалалари бўйича таклифлар киритадилар;

Республика комиссияси муҳокама қиладиган масалалар бўйича хуносалар тақдим этадилар.

10. Республика комиссиясининг котиби:

Республика комиссиясининг навбатдаги мажлисига барча зарур хужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

кун тартибидаги масалалар бўйича Республика комиссиясининг мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

мажлисларнинг ўтказиладиган вақти ва жойини, шунинdek таклиф этиладиганлар контингентини Республика комиссиясининг раиси билан келишади;

Республика комиссиясининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни мажлисининг ўтказиладиган санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қиласди;

Республика комиссияси қарорларининг бажарилишини мониторингини юритади ва унинг натижаларини Республика комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этади;

Республика комиссиясининг протоколларини расмийлаштиради ва тасдиқланган протоколларни Республика комиссиясининг аъзоларига ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотларга жўнатади;

11. Республика комиссияси ўз ишини ўзи тасдиқлаган режалар асосида ташкил қиласди ва ўз мажлисларини заруратга кўра ўтказади. Республика комиссиясининг раиси томонидан Республика комиссияси аъзоларининг навбатдан ташқари мажлисини ўтказиш учун сабаблар ва асослар баён этилиши лозим бўлган ёзма илтимосномалари асосида навбатдан ташқари мажлислар чақирилиши мумкин.

12. Республика комиссиясининг мажлисини унинг раиси олиб боради. Республика комиссиясининг раиси бўлмаган тақдирда мажлисни Республика комиссияси аъзоларидан бири бошқаради.

Республика комиссиясининг мажлиси ўз аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда қонуний ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум йиғилмаган тақдирда, Республика комиссиясининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади. Янги мажлисни ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

13. Республика комиссиясининг мажлисига кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятига қараб давлат ва хўжалик бошқаруви органлари,

бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

V. Республика комиссияси томонидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш

14. Республика комиссиясининг қарори Республика комиссиясининг мажлисида қатнашашётган аъзоларнинг оддий қўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Республика комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Республика комиссиясининг узил-кесил қарорини қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан ўтказилган давлат экспертизасининг хулосаси инобатга олинади.

Республика комиссиясининг ҳар бир аъзоси қабул қилинадиган қарорлар бўйича ўз фикрини ёзма равишда билдиришга ҳақлидир.

15. Республика комиссиясининг раиси қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида Республика комиссиясининг қарорларини унинг аъзолари билан сўров ўтказиш йўли билан келишилган айрим масалалар бўйича тасдиқлаши мумкин.

16. Республика комиссиясининг қарорлари Республика комиссияси мажлисининг протоколи билан расмийлаштирилади. Республика комиссияси мажлисининг протоколига унинг барча аъзолари томонидан виза қўйилади, уни котиб имзолайди, Республика комиссиясининг раиси тасдиқлайди ва у бир ҳафта муддатда Республика комиссиясининг аъзоларига ҳамда манфаатдор ташкилотларга жўнатилади.

17. Республика комиссияси протоколининг асл нусхаси ва унга тегишли материаллар Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида сақланади.

18. Республика комиссияси қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мунтазам равишида ўз мажлисларида кўриб чиқади.

19. Республика комиссиясининг иш тартиби Регламент билан белгиланади. Регламент Республика комиссияси томонидан қабул қилинади.

20. Республика комиссиясига тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиши муддати уч ойдан ошмаслиги керак.

VI. Республика комиссиясининг атрибулари

21. Республика комиссияси белгиланган намунадаги, ўз номи ёзилган бланкаларга эга бўлади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг муҳридан фойдаланади.

ГИДРОНИМЛАР ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ТЕРМИНЛАР

Акватория (лотинча, - «сув») - сув худуди

Акведук (лотинча,-«сув қувури») - ариқ, жар, йўллар устидан ўтказилган осма сув қувури

Анхор (арабча, бирлиги нахр) - катта ариқ

Арашон (санскритча, расаяна – «оби ҳаёт») - иссиқ минерал сувли булоқ

Ариқ - сув йўли

Арна - катта канал (Жиззах вилоятида арна - жар)

Артезиан қудук - пармаланган ва сув отилиб чиқадиган теран қудук

Афдоқ - катта ариқдан чиқарилган тармоқ

Бадоқ, бодоқ - ариқдан бошланган тармоқ

Балчик - суюқроқ лой

Банд - тўғон

Ботқоқ - доимо ёки узоқ вақт зах бўлиб ётадиган жой

Бошот - (башат, тош бошот) - тош орасидан чиқадиган булоқ

Булоқ - эр остидан чиқадиган табиий сув манбай

Булунғур - лойқа сув

Бўгат, бўғот - ариқдаги тўсиқ, кўтарма

Бўғоз - икки сув ҳавзасини бирлаштирадиган сув йўли

Гузар - кечув, дарёдан кечиб ўтиладиган жой

Гулдирама, гулдуров, гурулловуқ, гуркиров - катта шаршара

Гум, гумсой - чуқур, атрофи баланд сойлик

Дайравот - дарё бўйидаги жойлар

Дам - сув равон оқмайдиган, дамланиб қоладиган жой

Дарё - табиий ўзандан оқадиган катта сув

Дарёлик - бир замонлар дарё оқкан сойлик

Дарғат - сув тақсимлагич гидротехник иншоот

Денгиз - Ўзбекистонда кенг майдонни эгаллаган сув (Орол денгизи), сув омбори (Тошкент денгизи)

Дуоб, дуоба - икки сув қўшилган жой

Дўлоб - сувни баландга кўтариб берадиган мослама

Ёб, ёп, яб, яп - ариқ (Хоразм)

Жайхун - жўшқин дарё, азим дарё, Амударёнинг арабча номи

Жилбулоқ, жилибулоқ - илиқ сувли булоқ (қишида)

Жилға - жилдираб оқадиган сой

Жимбулоқ (жинбулоқ) - кам сувли булоқ

Жиннисой (жиннисув, тентаксой) - баъзан қучли тошиб турадиган сой

Жўнабулоқ - қияроқ эрдан чиқсан булоқ

Жорма, ёрма - эрни ёриб очилган ариқ, қудук
Жүйинав - янги ариқ
Жуй, жўй - сой, ариқ
Жўйбор - ариқлари кўп жой
Жўяқ - икки пушта орасидаги ариқча
Зах, зак - сернам жой
Захкаш - сернам зах жой
Зовур - захни қочириш учун қазилган ариқ
Зағоракаш - зовур, оқава тушадиган ариқ
Захбур - зах суви оқадиган ариқ, зовур
Изза - сернам, зах жой
Ирмоқ - дарёга қўшиладиган сой, жилға
Кавсар - тоза, зилол сув
Кечик, кечув - дарёдан, катта сойдан кесиб ўтиладиган жой
Ком - ариқ
Кориз - бир-бири билан эр остида бирлаштирилган қудуқлар, эр ости канали
Кўк сув - зилол сув, тиник сув
Кўл - кичикроқ табиий сув ҳавзаси
Кўлмак - ҳалқоб сув
Кўлоб - сув йиғилиб қолган жой, кўлмак
Кўрбулоқ, сўқирбулоқ - ёғингарчилик кам бўлган йиллари қуриб қоладиган булоқ
Наҳр - катта ариқ (нар, нор ҳам дейилади Нарпай, Улуғнор каби)
Найнова - қамиш, ғаровдан ясалган нов; нов - сув оқадиган ўзан, тарнов
Нова - сув оқадиган ариқ, мол сув ичадиган ёғоч ариқ
Новадон - ёпиқ нов
Об - сув, дарё, сой
Обдон - кўлмак, қоқ
Оби раҳмат, оби найсон - раҳмат суви, наврўздан 2-3 кун олдин ёғадиган баракали ёмғир
Оби сиёҳ - қора сув, қорамтир сув
Обод - (айнан «сувли жой») - ўзлаштирилган серсув жой
Обхона - сув манбаи ёнида қурилган маҳсус бино
Обшор - серсув жой
Одоқ - сувнинг этаги
Олиш, алиш - катта ариқнинг қулоғи, ариқдан сув олинадиган жой
Осма қувур - акведук
Отқудуқ - суви от ёрдамида тортиб олинадиган қудуқ
Оқдарё - эски ўзандан оқиб турган дарё

Оқова – партов, ташландиқ сув
Оқсув - қор ва музликлардан сув олиб кўпириб тез оқадиган оқиш сув
Пойнов - ариқ, гидрообъектларнинг сув чиқиб кетадиган томони
Рўд - сой дарё
Рўдак - кичик сой
Рўдхона - дарё, сой ўзани
Сел - тошқин сув
Селбур - сел уриб кетган жой
Селгоҳ - сел келиши мумкин бўлган жой
Селдара - сел келиб турадиган дара
Селроҳа - сел ўзани
Селхона - тошқин сув тўпланиб қоладиган сойлик
Сой - кичик дарё
Сув, су - табиий суюқлик; дарё, сой
Сув омбори - кўп сув тўпланадиган чуқур жой
Сув худуди - акватория.
Сувот, сувлот - чорва моллари сув ичадиган жой
Тагоб, тагоп - эр ости суви чиқиб турган жой, сув этагидаги майдон
Тезоб - тез оқадиган сой
Телба сув - ўзанини ўзгартириб турадиган сой, жилға
Томчи - суви қоядан томчилабгина тушадиган булоқ
Тош қоқ - тоғларда, қоя ўйиқларида тўпланган сув
Тошқин - дарё, сой сувининг ўзандан чиқиб теварак-атрофни сув босиши
Хотинсув - суви микдори бир оз ўзгариб турадиган камсув сой, жилға
Чалчик - суюқ балчик
Чашма - булоқ
Шарақсой - шариллаб тез оқадиган сой
Шарилдоқ, шалдироқ, шариллоқ, шарилловуқ, шарловуқ - шаршара
Шаршарак - тепадан шариллаб тушадиган сув
Шохоб, шахоб, шахобча - дарё ёки сойнинг ирмоғи
Шаҳррўд - шаҳарни сув билан таъминлайдиган канал, нахр
Шоҳрўд - катта дарё, канал
Эгрисув - оқим йўналиши ёнидаги жилғаларга нисбатан қийшиқ
Эрсув - суви йил бўйи кам бўлмайдиган, узоқча оқиб борадиган сой
Югуруксой - тез оқадиган сой
Ўжар сув - тез-тез тошиб турадиган сув, сой
Ўкуз, ўгиз, ўғиз - катта оқар сув, дарё
Қайирма - сув қайрилиб оқадиган жой, муюлиш
Қайир - сув лабига яқин пастлик эрлар

Қайнама - гирдоб

Қайнар булоқ - суви отилиб қайнаб чиқадиган булоқ

Қорадарё - сунъий ўзандан оқизилган дарё, канал

Қорасув - текис эрларда булоқ ва сизот сувлардан ҳосил бўлган қорамтирик сув

Қоқ - чўлларда баҳорги ёғингарчилик вақтида сув тўладиган саёз ботик

Қувур - сув оқизиладиган мослама

Қудук - эр остидан сув олинадиган чуқурлик

Қудукча - қудук кўп жой

Қулок - ариқдан, анхордан сув чиқариладиган жой

Қўл - сойнинг ирмоғи ёки тармоғи

Қўлат - сойлик

Ҳавза - сувлари бир дарёга қўшиладиган худуд

Ҳанги сув - жала ёққанда сойлик жарликдан тошиб оқадиган сув

Ҳовуз - кичик сув омбори

ОРОНИМЛАР ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ТЕРМИНЛАР

Айдар - тепасида бир уюм тош терилган қир, баландлик

Айлоқ - тоғ яйлови

Айри, айрилиш - иккига ажралган тоғ, қир

Айрит - сувайирғич

Айғир - улкан, катта қоя, тош

Алан - ариқ четига чиқарилган тупроқ уюми

Анна - жар

Атав - орол

Асқа, асқар - баланд, юксак тоғ

Ақба, ағба, овға - довон

Байир, бойир - баланд, дүңг, қир

Балқан, болқон - паст тоғ, қир

Бароз, бараз - қир, тоғнинг ясси тепаси

Бел - тоғ қиррасининг пастроқ қисми, довон

Белас - ясси тоғ тармоғи

Белчагач - бели паст тоғча, қир

Бет, беткай - ёнбагир

Бешиктош - шаклан бешикка ўхшаган қоя

Битов - боши берк дара

Болдир - дүңг, тумшуқ

Бурум - муюлиш

Бурун, мурун - тумшуқ, муюлиш

Бўйнок - тоғ тизмаларининг тор, сиқиқ жойи

Дарвоза - дарадан ўтган тоғ йўлининг камбар жойи

Давтош – катта тош

Дўлан - улкан тоғ

Дўнг - ясси тепалик

Дўнгсов - паст ясси тепалик

Етимтоғ - якка турган пастроқ тоғ

Етимқум - якка қумлик

Ёна, жона - қия ёнбағир

Ёр - жар, ёрма

Ёрма - ерни чуқур ёриб очилган ариқ

Жийға - кичик сойлик

Жиринди - сув ўйган кичик жарлик

Жўна - чўзинчоқ тепалик қирраси

Жўнағар - тоғ қирраси
Камчик, кемтик - тоғ қиррасининг паст жойи
Керага - чўзинчоқ қоя.
Киндик - адир, қирларнинг марказий қисми |
Кунас, кунаш - серофтоб жой
Кунгабоқ - офтобрўй, кунга қараган жой
Кунгай - кунга қараган, офтобрўй ёнбағир
Кунчибоқ, куншувоқ - жанубга, офтобга қараган (беткай)
Кўтал - довон
Кўтарма - тупроқ, тошдан ясалган тепалик
Кўҳ - тоғ
Кўҳак - кичик тоғ, қир
Кўҳистон - тоғлар ўлкаси
Марза - чегара, уват
Мағара - қадимий иморатларнинг дўппайиб турган қолдиқлари
Нарвон - зинапоясимон ёнбағир, шоти ҳам дейилади
Нишаб - қия
Нов, нова - ариқ, тарнов
Новур - нов шаклидаги тошлоқ, тик сойлик
Одамтош - шакли одам гавдасига ўхшаган қоя
Ойнатош - кўзгуга ўхшаш ялтироқ тош
Олатов - ола-була тоғ
Ошув - довон
Оқтепа - оқ тупроқли тепалик
Оқтош - оқ тусли тош, кварц
Оқкум - ўсимликсиз яланг кўчма қум
Парида - одам йиқилиб учиб тушиши мумкин бўлган тик қоя
Паст - қуйи, этак
Питов - боши берк дара, сойлик |
Раш, ираш - ариқ четига уюлган тупроқ
Рег - қум
Регзор - қумлик
Регистон - шаҳарда қум тўшалган майдон
Рош - уват, марза, чел
Сайҳон - очиқ майдон, текислик
Сакиртма - пофона-пофона тош
Санг - тош
Сангзор - тошлоқ майдон
Сангистон - тошлоқ жой

Санглоқ - ғўла тошли сойлик
Сандиқтош - шаклан сандиққа ўхшаш тош, қоя
Сенгир - тик қоя, ўсимлиқ билан қопланган баланд тоғ қирраси
Сина, сийна - кўкрак шаклидаги баландлик, қир, тоғ
Сиғалон - тоғ ёнбағирларидаги тўпланган силлиқланмаган парча тошлар
Сочтепа, чочтепа, чоштепа, шоштепа - сунъий тепалик
Супа - тоғда текис майдон
Суғч - тоғни ўтиш жойидаги сунъий тошлар уюми
Тайпок - ясси, ялпоқ майдон
Тал - тепалик
Таллак - тепача
Танги - тор дара
Тарнов - ариқча
Тева - тепа, тепалик
Темирқовуқ - серқатнов даранинг энг камбар, қояли қисми
Тош - алоҳида турган қоя
Тошзор - тошлоқ ер
Тошлоқ - сертош майдон
Тошқоқ - тоғлардаги тош ўйик ва унда ҳосил бўлган кўлмак
Туз - текислик
Тумшуқ - муёлиш
Тўш, дўш - тоғ бағридаги дўппайган баландлик
Туятош - туядай катта харсангтош
Тўман - пастки, қуи, этак
Уват - экин майдони чегараси, марза
Улок - чопқич - кўпкари чопиш учун кулай текис майдон
Учма - тик қоя, одам йиқилиб тушадиган бузуқ жарлик
Хандак - узун чуқурлик, траншея
Чалқа - адирлардаги текис майдон
Чағат - офтобга қараган чағир тошли тик ёнбағир
Чел - марза
Чем - тўғон, қўрғон
Чеп - ғов, тўсиқ
Чинг, чинқ - жарлик
Чиғаноқ - дарё тирсаги
Чот - тоғ тармоқлари туташган жой
Чотқол - тоғ ёки даранинг қўшилган ёки тармоқларга ажralган жойи
Чоҳ - чуқур, ўра, қудук

Чұнағар - жұна, яньни чүзинчоқ тепаликнинг қирраси
Шақшақ - қалин-қалин тош қатламлари
Ширам - тоғ этагидаги чүзинчоқ қир
Шовқар - қора тоғ
Әгарбел - довон
Әгартош - шакли әгарга үхшаган ўрта қисми әгилган қоя, тош
Энкайма - нишаб қиялик
Үба - баланд жойга, баъзан текисликка териб қўйилган тош уюми
Үгайтош - яланг эрда чўққайган кичикроқ қоя
Ўзак - сой, жарлик, сув тармоғи
Ўй - пастлик, ботқоқлик
Ўйдик - чуқур жой
Ўйпот - пастлик, теварак атрофдан чуқурроқ жой
Ўра - чуқурлик, хандак
Ўр - баландроқ жой
Қазғанақ - чуқурлик
Қайирма - йўл, муюлиш
Қамров - атрофи тоғ-қир билан ўралган берк жой
Қапчиғай - тор дара
Қарим - дўнглик, тепалик
Қатламатош - юпқа қатламлардан иборат тош, гилли сланец
Қашат - жарлик ёқаси
Қаҳлаға, қоҳлуғ - серқатнов даранинг энг тор жойи
Қир - баландлик
Қиранг, қирпанг - қирнинг қирраси
Қисик, қисилиш - даранинг ўтиш қийин камбар қисми
Қия - нишаб ёнбагир
Қовоқ - баланд қирғоқ, яланг жарлик
Қоратов - паст тоғ, ёзда қор ётмайдиган тоғ
Қоратепа - асли қоровултепа, ёвни кузатиб турадиган тепалик
Қохти - тоғлардаги тош ўйиқ ва унда тўпланган қор-ёмғир суви
Қуйт - пастлик, қуйилик
Қўлат - жарлик, чуқурлик
Ғўрум, қўрум - тоғ тепасидан қулаб тушган тошлар уюми
Ҳўр - тепалик

ЎЗБЕКИСТОН ЭТНОНИМЛАРИ

Абиз	Бешота	Чилкас	Эсанхўжа
Ачамайли	Бешқўтон	Чилликли	Эсат
Аччи	Бешқуви	Чимбой	Эшакчи
Алакўйлак	Бешсари	Чингиз	Эшбачча
Алелича	Бўтақора	Чиноз	Эшбўлди
Алипли	Бўгажили	Чириқ	Эттиқашқа
Ақай	Бўја	Чиркас	Эттиуруғ
Арғин	Бўкалай	Чирқировуқ	Эвалак
Арлот	Бўронбой	Чиёнли	Ғаровли
Асака	Бўйин	Чўқман	Ғўрожин
Авжин	Бўзчи	Чўмичли	Ғуралас
Авоқли	Боғлон	Чўмичтамғали	Гала
Авшар	Болғабосган	Чўпок	Гўбалак
Ахтачи	Болғали	Чўтқора	Гудрайбий
Аймат	Боқибачча	Чолдар	Гулсарой
Айрончи	Бойбўри	Чолмўйин	Гурлан
Айтеке	Бойғунди	Чолқишлоқ	Гуртак
Бадир	Бойлар	Чорткесар	Ҳакка
Бадроқли	Боймоқли	Човчи	Ҳаваш
Багиш	Боёвут	Човдур	Ҳофиз
Бағанали	Бугач	Чувалачи	Ҳосилбош
Бағлан	Бурқут	Чубат	Иламжи
Баҳрин	Чағир	Чумчуқли	Иламжисарой
Балхи	Чағрак	Чувама	Илонли
Барак	Чаламангит	Чураш	Имом
Барлос	Чанчувли	Чувман	Ингичка
Батош	Чанғароқчи	Чувуллоқ	Ирғоқли
Бахматчойи	Чапарашли	Чуют	Исадой
Баёт	Чегана	Давлай	Исари
Бегузув	Чекмўлла	Дўрмон	Ишқили
Беклар	Чектамға	Дувлат	Иярли
Бешбеги	Челак	Эчкилар	Ийачи
Бешбола	Чемсарой	Эгарчи	Жадик
Бешжуз	Чибар	Элатон	Жағалтай
Бешжал	Чигатой	Элтамғали	Жағалбайли
Бешжалтак	Чигил	Энака	Жалмат
Бешўғил	Чилжувут	Эрганакли	Жалонғочсарой

Жалойир	Кўктўнли	Муаззамони	Оқбуғра
Жаманша	Кўнчи	Мулкуш	Оқчепкан
Жамонсарой	Кўрпачувиш	Мундуз	Оқдантуққан
Жарат	Кўрпали	Мусобозори	Оқечки
Жарғоқ	Кўса	Нақи	Оқман
Жастабон	Кўзтамғали	Найман	Оқманғит
Жат	Ковон	Наймансарой	Оқмўйин
Жавли	Кучекли	Небўса	Оққанғли
Жавоғи	Кулбурун	Некўз	Оққипчоқ
Жетиқашқа	Кунчибог	Ниёзжов	Оқкўйли
Жеттиурув	Кушкавутқирқ	Нўғайвача	Оқтўнли
Жилонтамғали	Куябош	Норин	Оқтойлоқ
Жобувчисолин	Лапакқиёт	Нудучи	Ордай
Жонсит	Латтабанд	Ўчоқли	Орлат
Жулун	Лоқай	Ўғин	Оролли
Жунни	Макай	Ўғуз	Ос
Жуйрат	Макайқанғли	Ўлмас	Оссарой
Жуйрот	Манғит	Ўрамас	Ойинни
Кадан	Марқа	Ўрай	Ойтамғали
Кал	Машкоп	Ўразтой	Парчаюз
Каламуш	Мавлуш	Ўрис	Пашқурт
Калсари	Майдон	Ўроқли	Пайтавабош
Калтатой	Меркит	Ўтамайли	Пичоқчи
Карчин	Мехаям	Ўтарчи	Пўладчи
Касби	Миаттари	Ўювли	Пўлашерали
Кашмири	Минжирсарой	Обоқли	Потос
Касовли	Миришкор	Очманғит	Пучуқой
Каттаминг	Мирзатўп	Оғар	Қаҳат
Кавраксолин	Мирзаёр	Олақанот	Қалмоқ
Келачи	Мирзойи	Олақоп	Қамайчи
Келасқанғли	Мисит	Олатўн	Қанғли
Кенагас	Михин	Олчин	Қанжиғали
Кенжажуз	Мийтан	Олмачи	Қараман
Керайит	Мўғол	Олмасувон	Қарапчи
Кесамир	Мўлканлик	Олтитамғасарой	Қарға
Кирей	Можорсарой	Олтиўғил	Қарлук
Кийикчи	Молтоп	Оқбароқ	Қармиш
Кўртўғай	Мошлар	Оқбайтал	Қарқарали
Кўкқанғли	Мойна	Оқбой	Қашқари

Қатағон	Қораманғит	Сариғқатағон	Тамагузар
Қайчили	Қорамүйин	Сариўроқли	Тамайрат
Қайрангли	Қорамурча	Сарипичоқ	Тарағай
Қайроқли	Қорамурут	Сариқанғли	Тариқбош
Қилтамғали	Қорапичоқ	Сариқ	Тароқли
Қипчоқсарой	Қорақанғли	Сариширин	Тавғач
Қирғили	Қоракүйли	Саритамғали	Тегана
Қирғизсарой	Қорақулончи	Сариүймовут	Телов
Қирк	Қоракурсоқ	Саркач	Темирчи
Қирқжигит	Қорасадақ	Сармиш	Тентак
Қирқсадақ	Қорасийрөк	Сарой	Тиғириқ
Қирқтамға	Қорасон	Сартулли	Тилав
Қишлиқ	Қоратамғали	Сартюз	Тилавмат
Қиёт	Қоратайлөк	Сахтиён	Тираовул
Қизилбош	Қораунас	Сайёт	Түқман
Қизилоёқ	Қораупа	Севас	Түғали
Қизилқалпок	Қорахони	Шағал	Түғиз
Қўғай	Қораянтоқ	Шағарақ	Тўланғит
Қўлтамғали	Қораймовут	Шербачча	Тўполос
Қўнғирбой	Қовчин	Шердантуққан	Тўпор
Қўнғирот	Қозоёқли	Шерқанғли	Тўпқора
Қўнғироцарой	Қулчан	Шигарак	Тўқбой
Қўштамғали	Қулдов	Ширин	Тўпчоқ
Қонхўжа	Қулжамон	Ших	Тўқман
Қора	Қуллар	Шодмонтўби	Тўқманғит
Қораабдал	Қулончи	Шомон	Тўқчура
Қорабағиш	Қунас	Сиргали	Тўқсари
Қорабағанали	Қуралас	Сиртисулув	Тўрсари
Қорабайир	Қурاما	Сийроқли	Тўрга
Қорабой	Қурман	Сўлоқли	Тобин
Қорабура	Қурқозон	Соболоқ	Тоғайтўпи
Қорабойли	Қурсоқ	Солин	Толибачча
Қорача	Қутчи	Солор	Тоқчи
Қорачапон	Қуёнқулоқ	Соқов	Тортувли
Қорачивар	Рамадон	Суғумбой	Тошканди
Қоракасмак	Рамазон	Сулаймон	Тойбадай
Қоракесак	Салтир	Сулдуз	Тойлоқ
Қоракиса	Сандиқли	Сурун	Тоз
Қоракўса	Сарибош	Тама	Тугал

Тулкичи	Хатоб
Тума	Хидирли
Тумар	Хидирша
Түпқора	Хитаюзи
Туран	Холдорқипчоқ
Турғоқ	Хонтушти
Тури	Хуросони
Түрк	Яғмо
Түркман	Ялангоч
Түшниёз	Ялпоқбош
Тутамғали	Ямбарак
Тувалоқ	Яңгиқүрғай
Тухси	Япағи
Тұябүйин	Ярат
Тұячи	Яшиқ
Түеқли	Ёбу
Учқиз	Ёбусариқ
Учтамғали	Ёмонсарой
Учурув	Ёмонтуркман
Угат	Юмaloқбош
Украб	Юз
Унгут	Зарман
Урганжий	Зармас
Усмони	Захнайман
Уволай	
Увоқ	
Увоқтамғали	
Уяс	
Уйғур	
Уймовут	
Уйрат	
Уйшовут	
Уйшун	
Уз	
Узун	
Воқимли	
Вохтамғали	
Халаж	
Хандакли	

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. “Географик объектлари номлари ҳақида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қачон қабул қилинган?

- А. 2010 й. 16-октябрь
- Б. 2011 й. 12-октябрь
- С. 2012 й. 16-октябрь
- Д. 2013 й. 12-октябрь

6. Ойкогидронимлар бу

- А. Гидронимик объектлар номи
- Б. Аҳоли пунктлари номлари билан аталадиган гидрообъектлар
- С. Аҳоли пунктлари номлари билан боғлиқ бўлмаган гидрообъектлар
- Д. Тўғри жавоб берилмаган

3. Баланд, паст, катта, кичик, юқори, қуи, янги, қўхна, эски, оқ, қизил каби терминлар қандай турдаги топонимларда кўп учрайди?

- А. Аҳолининг касб-хунари билан боғлиқ номлар таркибида
- Б. Объектнинг белги-хусусияти, томон, ўрин-жой, ҳажм ва бошқа хусусиятлар билан боғлиқ номлар таркибида
- С. Жойнинг географик ўрнини билдирувчи топонимлар таркибида
- Д. Фойдали қазилмалар, уларнинг географик ўрни, турлари ва хусусиятларини билдирувчи топонимлар таркибида

4. Тошкент сўзининг энг тўғри таърифи берилган қаторни белгиланг.

- А. Чоч, шош сўзларининг тош сўзига айланишидан ҳосил бўлган
- Б. Тош қалъа, тош шаҳар сўзларидан келиб чиққан
- С. Тошга ҳеч қандай алоқаси йўқ
- Д. Бузилмас, қаттиқ мустаҳкам, шаҳар.

5. Индикаторлар (топонимикада) нима?

- А. Жой номларидан ҳосил бўлган географик терминлар
- Б. Топонимларни ўзгартирувчи терминлар
- С. Географик номлардан пайдо бўлган янги сўзлар
- Д. Топонимлар ҳосил қилувчи географик терминлар

6. Географик объектнинг манзилини белгиловчи номни топинг?

- А. Шимолий денгизи
- Б. Ўлик денгизи
- С. Қизил денгизи

Д. Каспий денгизи

7. Жойнинг релефи билан боғлиқ пайдо бўлган географик номни аниқланг.

- А. Тўрон, Туркистон, Мовароуннахр
- Б. Янгиқўрғон, Каттақўрғон, Чимқўрғон
- С. Супатоғ, Товоқсой, Арнасой
- Д. Куруқсой, Ғовасой, Жиннисой

8. Қандай географик обьектларга қўйилган номлар узоқ давр сақланади?

- А. Антропонимлар
- Б. Гидронимлар
- С. Ойконимлар
- Д. Оронимлар

9. Ўзбекистон топонимиясининг ўзига хос хусусиятларидан бирини аниқланг.

- А. Ижтимоий номлар кўп
- Б. Касб-ҳунар билан боғлиқ номлар кам
- С. Антропонимлар йўқ
- Д. Этнонимлар кўп

10. Одам номи билан боғлиқ топонимни топинг.

- А. Канберра
- Б. Исломобод
- С. Браззавил
- Д. Монтевидео

11. Бир-бирига тескари маъноли географик номлар қандай аталади?

- А. Антропоним номлар
- Б. Ареалли номлар
- С. Антоним номлар
- Д. Синоним номлар

12. Фойдали қазилмалар билан боғлиқ топонимлар қаторини аниқланг.

- А. Қаровулбозор, Ангрен, Бухоро
- Б. Анд, Небитдоғ, Соликамск
- С. Олмалиқ, Учкудуқ, Зарафшон

Д. Полвонтош, Оламушук, Кўкайди

13. Уруғ номи билан боғлиқ қаторни белгиланг.

- А. Ўттиз
- Б. Қирқ
- С. Эллик
- Д. Олтмиш

14. Топонимия нима?

- А. Маълум ҳудуддаги жой номлари йифиндиси
- Б. Жой номларини ўрганадиган фан
- С. Аҳоли турар жойлари
- Д. Номаълум ном

15. Тошкент шаҳрининг қадимги номини белгиланг.

- А. Шош
- Б. Чоч
- С. Барчаси тўғри
- Д. Тошканд

16. Ҳ.Ҳасанов жой номларини бунёдга келишига қараб, шартли равишда неча турга бўлган?

- А. 9 та
- Б. 8 та
- С. 5 та
- Д. 12 та

17. Дарё, сув маъносидаги сўзлар гурухини топинг.

- А. Ўкуз, ривер, рио.
- Б. Нахр, жайҳун, дон.
- С. Миси, идил, река
- Д. Барча жавоблар тўғри

18. Ўзлашма (калка) номлар бу...

- А. Таржима қилинган номлар
- Б. Маъноси бир хил номлар
- С. Маъноси бир аммо, икки тилда икки хил аталадиган номлар
- Д. Маъноси турлича аммо, икки тилда турлича ёзиладиган номлар

19. Топоном қаторини белгиланг.

- А. Вулкан, гейзер, карст.
- Б. Тепа, дашт, чүл
- С. Сой, дарё, булоқ
- Д. Тоғ, қир, танги

20. Гибрид номни күрсатинг.

- А. Янгикент
- Б. Янгиқишлоқ
- С. Каттасой
- Д. Каттақишлоқ

21. Этноним қандай ном ?

- А. Уруғ, қабила, халқ номи
- Б. Кишиларни тахаллуси билан боғлиқ ном
- С. Шаҳар номи
- Д. Ўсимлик билан боғлиқ ном

22. Тошбақа ороллари бу...?

- А. Канар ороллари
- Б. Азор ороллари
- С. Капри ороллари
- Д. Галапагос ороллари

23. Топонимлар биринчи навбатда жамиятда содир бўлаётган қандай ўзгаришларни ўзида акс этади?

- А. Сиёсий ўзгаришларни
- Б. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни
- С. Илмий-техникавий ўзгаришларни
- Д. Фан тараққиётини

24. Астана шаҳри илгари қандай ном билан аталган?

- А. Ақмола
- Б. Селиноград
- С. Акмолинск
- Д. Барчаси тўғри

25. Ойконим бу ...

- А. Аҳоли манзилгоҳлари номи
- Б. Шаҳар ичидаги объектлар номи

С. Аньанавий ном

Д. Ғорлар номи

26. “Географик номлар маъноси” асари муваллифи ким?

А. Ҳ.Ҳасанов

Б. Т.Нафасов

С. С.Қораев

Д. М.Миракмалов

27. А.Хромов ибораси билан айтганда, Ўрта Осиёнинг биринчи топонимисти бу...

А. Муқаддасий

Б. Ибн Рушд

С. Ибн Ҳавқал

Д. Ё.Ҳамавий

28. Ҳозирги Беруний шаҳри илгари қандай ном билан аталган ?

А. Хива

Б. Кат

С. Урганч

Д. Тўрткўл

29. Маълум худуддаги жой номлари йиғиндиси бу....

А. Топонимия

Б. Топонимика

С. Топономика

Д. Топоним

30. Амударёнинг қадимий номини белгиланг.

А. Сайхун

Б. Эдил

С. Ўкуз

Д. Яксарт

31. Киши номи билан боғлиқ бўлмаган топонимни белгиланг.

А. Веллингтон

Б. Монтевидео

С. Дрейк

Д. Браззавил

32. “Сафарнома” асари муаллифи ким?

- А. Махмуд Кошгари
- Б. А.Беруний
- С. Носир Хисрав
- Д. М.Наршахий

33. Географик номни пайдо бўлишига асосий сабаб

- А. Ижтимоий эҳтиёж туфайли
- Б. Зарурият туфайли
- С. Манзилни белгилаш учун
- Д. Барчаси тўғри.

34. Қоратоғ бу ...

- А. Паст тоғ
- Б. Қорсиз тоғ
- С. Қорангү төғ
- Д. Барчаси тўғри

**35. «Ер - инсоният тарихи географик номлар билан ёзилган китобдир»
деган ибора кимга тегишли?**

- А. Э.Мурзаев
- Б. Н.Надеждин
- С. Ҳ.Ҳасанов
- Д. С.Қораев

**36. “Ҳар қандай топонимик тадқиқотлар географик терминларни
ўрганишдан бошланмоғи керак” деган ибора муаллифи ким?**

- А. Э.Мурзаев
- Б. М.Миракмалов
- С. Н.Надеждин
- Д. Ҳ.Ҳасанов

37. Сўғдча “кат” сўзи қандай маънога эга?

- А. Шаҳар, қишлоқ, аҳоли маскани
- Б. Дарё, сой, булок
- С. Тоғ, адир, тепа
- Д. Уруғ, қабила, элат

38. “Худуд ул-олам” асари муаллифи ким?

- А. Ибн Ҳавқал
- Б. М.Кошғарий
- С. Ҳофиз Таниш Бухорий
- Д. Номаълум

39. Топонимик термин бу ...

- А. Жой номлари таркибида қатнашиб, улар ифодаланган объектни билдирувчи сўз
- Б. Топоним асосини ташкил этади ва объектни турини ифодалайди
- С. Топоним асосини ташкил этувчи турдош от
- Д. Барчаси тўғри

40. Гибрид номлар бу ...

- А. Икки ва ундан ортиқ тиллардан ташкил топган мураккаб номлар
- Б. Бир тилли мураккаб номлар
- С. Қадимий туркий топонимлар
- Д. Географик термин асосида пайдо бўлган номлар

41. Аббревиатура нима?

- А. Рельеф шаклини англатувчи номлар
- Б. Уруғ, қабила номлари
- С. Географик номларни қисқартирилган шакли
- Д. Топонимларни ўзгарган шакли

42. «Ўрта Осиё жой номлари тарихидан» асари муаллифи ким?

- А. Э.Мурзаев
- Б. М.Миракмалов
- С. Н.Надеждин
- Д. Ҳ.Ҳасанов

43. Тинч океани деб ном берган денгизчи - сайёхни белгиланг.

- А. Ф.Магеллан
- Б. Х.Колумб
- С. Ж.Кук
- Д. Р.Скотт

44. Топонимик позитивлик қонунияти мазмунин нимадан иборат?

- А. Ном реал воқеаликни акс этади

- Б. Ном реал воқеаликни акс этмайди
- С. Ном тасодифий пайдо бўлган
- Д. Ном берилган вақтда аниқ маъно касб этган

45. Касб-хунар билан боғлиқ бўлмаган географик номни белгиланг.

- А. Оҳангарон
- Б. Шоҳимардон
- С. Сўзангарон
- Д. Саррофон

46. Топонимика интеграл илмий йўналиш, “чегаравий” фан деган тушунча қандай маънога эга?

- А. География, филология ва тарих фанларининг манфаатлари туташган жойда пайдо бўлган.
- Б. Лингвистика, тарих ва этнография фанлари негизида шалланган.
- С. Тарих, фалсафа ва иқтисодиёт назарияси фанларининг қиррасида пайдо бўлган.
- Д. География ва картография фанлари асосида пайдо бўлган.

47. Канада номи қандай маънога эга? Тўғри жавоб қаторини белгиланг.

- А. шаҳар
- Б. қалъа
- С. қишлоқ
- Д. аул

48. Марказий Осиёга маҳфий саёҳат қилиб, “Марказий Осиёнинг географик номлари” китобини ёзган олим ким?

- А. Н.Надеждин
- Б. В.Бартолд
- С. Ҳ.Вамбери
- Д. В.Вяткин

49. “Топонимикага кириш” асарининг муаллифи ким?

- А. Э.Мурзаев
- Б. В.Никонов
- С. В.Жучкевич
- Д. А.Хромов

50. Тилицунос топонимист олимлар қаторини белгиланг.

- А. Э.Бегматов, Т.Нафасов, З.Дўсимов

Б. А.Муҳаммаджонов, О.Бўриев, А.Набиев
С. Ҳасанов, С.Қораев, М.Миракмалов
Д. П.Ғуломов, А.Солиев, Қ.Ҳакимов

51. Қуйидаги таъриф қайси топонимик қонуниятга тегишли? Географик объектнинг табиий ёки ижтимоий-иқтисодий аломатларини, яъни реал воқеа-ҳодисаларни ўзида акс этади.

- А. Нисбий негативлик
- Б. Топонимик позитивлик
- С. Ўзлашма номлар
- Д. Халқона этиология

52. Ф.Магеллан саёҳатидан кейин география оламида қандай янгилик бўлди?

- А. Дунё океанининг бир бутун эканлиги аниқланди
- Б. Ернинг шар шаклида эканлиги аниқланди
- С. Тинч океанининг энг улкан океан эканлиги аниқланди
- Д. Атлантика энг шўр океан эканлиги аниқланди

53. Антартидани қайси мамлакат денгиз сайёҳлари кашф этган?

- А. Франсия
- Б. Италия
- С. Германия
- Д. Россия

54. Детопонимизация нима?

- А. Географик номларни терминларга айланиши
- Б. Топоним ҳосил қилувчи маҳаллий термин
- С. Географик номнинг қисқартма шакли
- Д. Терминларни географик номга айланиши

55. А.Берунийнинг «Сайдана» асарида қанча ном тилга олинган?

- А. 300 та
- Б. 400 та
- С. 350 та
- Д. Тўғри жавоб йўқ

56. Хато номлар қаторини белгиланг.

- А. Африка, Атлантика океани

- Б. Америка, Тинч океани
- С. Австралия, Шимолий Муз океани
- Д. Хуресон, Мовароуннахр

57. “Географик номлар имлоси” асари муаллифи ким?

- А. С.Қораев
- Б. Т.Нафасов
- С. З.Дўсимов
- Д. Ҳ.Ҳасанов

58. Бхарат қайси давлатнинг маҳаллий номи?

- А. Ҳиндистон
- Б. Покистон
- С. Бангладеш
- Д. Непал

59. Спелеоним бу

- А. Ўсимликлар номи
- Б. Қишлоқ ва шаҳарлар номи
- С. Ғор, унгурлар номи
- Д. Шаҳарларнинг маҳсус номлари

60. Топонимик тадқиқотларда тарихий усул тарафдори бўлган олимни белгиланг.

- А. Ҳ.Ҳасанов
- Б. Н.Надеждин
- С. А.Попов
- Д. А.Муҳаммаджонов

61. Муҳаммад Наршахий асарининг номини белгиланг.

- А. Тарихи Бухоро
- Б. Мехмонномаи Бухоро
- С. Тарихи мулки Ажам
- Д. Тарихий Тошкандий

62. Жой номлари таркибидағи “чек” сўзи қандай маънога эга?

- А. Хон ва унинг оила аъзоларига тегишли ерлар
- Б. Руҳонийлар ва машҳур кишиларга тегишли ерлар
- С. Ҳар қандай кишиларни хусусий ерлари

Д. Барча жавоблар тўғри

63. Субстрат топоним бу ...

- А. Қадимги халқлар томонидан қўйилган ном
- Б. Махсус этимологик тадқиқотларни талаб қиласиган ном
- С. Ҳозирги тиллар ёрдамида изоҳлаб бўлмайдиган ном
- Д. Барча жавоблар тўғри

64. Рус олими В.П.Семёнов-Тян-Шанский аҳоли пунктлари номларини нечта категорияга бўлган?

- А. 7 та
- Б. 8 та
- С. 11 та
- Д. 5 та

65. “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари” китоби муаллифини белгиланг.

- А. М.Миракмалов
- Б. Ҳ.Ҳасанов
- С. Қ.Ҳакимов
- Д. С.Кораев

66. Топонимикада индикатор сўзи қандай маънога эга?

- А. Кўчма маънода ишлатадиган сўз
- Б. Ёзилиши ва талафзузи анъанавий бўлган ном
- С. Форлар ва унгурлар номи таркибидаги сўз
- Д. Тўғри жавоб йўқ

67. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Географик обьектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик обьектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида” ги № 295-қарори қачон қабул қилинган?

- А. 2012 йили 16 октябрда
- Б. 2011 йили 16 октябрда
- С. 2013 йили 16 октябрда
- Д. 2010 йили 16 октябрда

68. “Картадаги сўз” асарининг муаллифи ким?

А. В.Никонов
Б. Э.Мурзаев
С. М.Миракмалов
Д. А.Суперанская

69. Қадимий туркий топонимлар таркибидаги “балиқ” сўзи қандай маънони англатган?

А. Шаҳар
Б. Тоғ
С. Текислик
Д. Тўғри жавоб йўқ

70. Қайси олим, “Араб ёзуви туфайли шаҳарлар ва бошқа обьектларнинг номлари таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди” деб ёзган?

А. А.Беруний
Б. П.Фуломов
С. А.Форобий
Д. Ҳ.Ҳасанов

71. Қандай ҳолларда географик номлар ажратиб ёзилади?

А. Географик ном олдида қандайдир сифат келганда
Б. Иккинчи таркибий қисми ўсимлик номидан иборат бўлганда
С. Иккинчи таркибий қисми қандайдир сон келганда
Д. Барча жавоблар тўғри

72. Географик обьект номининг расмий ва умумистеъмолда бир хил ёзилишини қатъийлаштириш, қонунлаштириш, ... дейилади.

А. Транскрипция
Б. Стандартлаштириш
С. Транслитерация
Д. Трансомизация

73. Россияда қайси олимни илмий топонимика асосчиси дейишади?

А. А.Востоков
Б. Э.Мурзаев
С. В.Никонов
Д. В.Семёнов-Тян-Шанский

74. Топонимик терминлар бу....

- А. Барча жой номлари
- Б. Жой номлари ҳосил қилувчи терминлар
- С. Жой рел`ефига мос терминлар
- Д. Жой номлари таркибида қатнашиб объект турини билдирадиган терминлар

75. Ағба, довон, бел, кўтал, дўнг қайси топонимик терминлар турига мансуб?

- А. Геоморфологик
- Б. Литологик
- С. Гидрологик
- Д. Ойкономик

76. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича вилоят комиссиясининг раиси ким?

- А. Топонимист олим
- Б. Вилоят ҳокими
- С. Институт ректори
- Д. Солиқ бошқармаси бошлиғи

77. Шаҳар маъносидаги сўзлар гурухини топинг.

- А. кент, град, вил.
- Б. пол, бург, штад.
- С. пур, таун, кар.
- Д. Барча жавоблар тўғри

78. Метафорик номлар қаторини белгиланг.

- А. Ўлик денгизи, Ажал водийси, Борса-келмас ороли
- Б. Мак-Кинли, Улан-Уде, Улан-Батор
- С. Сахрои Кабир, Гоби чўли, Қорақум чўли
- Д. Чирчиқ, Паркент, Ғазалкент

79. Дарё номлари билан аталган мамлакатларни белгиланг.

- А. Сенегал, Гамбия
- Б. Голландия, Дания
- С. Колумбия, Бразилия
- Д. Индонезия, Ветнам

80. Каспий денгизи қадимда қандай аталган?

- А. Хазар денгизи
- Б. Хоразм денгизи
- С. Хуресон денгизи
- Д. Барча жавоблар тўғри

81. Амударё ирмоқлари номларини белгиланг.

- А. Чирчиқ, Норин
- Б. Сирдарё, Сўх
- С. Қорадарё, Чу
- Д. Вахш, Панж

82. Архипелаг сўзининг маъноси қайси қаторда тўғри кўрсатилган.

- А. Тўда ороллар
- Б. Бир-биридан унча узоқ бўлмаган ороллар
- С. Бир бутун деб ҳисобланган ороллар
- Д. Барча жавоблар тўғри

83. Ўзбекистондаги энг катта чўл номи.

- А. Қарши чўли
- Б. Қизилкум
- С. Мирзачўл
- Д. Қоракум

84. “Номини эшитгандан кўра, юзини кўрмоқ афзал” деган нақл қайси халққа тегишли?

- А. Ҳинд халқига
- Б. Хитой халқига
- С. Рус халқига
- Д. Ўзбек халқига

85. «География топонимикани дебочаси ва дояси» деган хуроса кимга тегишли?

- А. Т.Нафасов
- Б. С.Кораев
- С. М.Миракмалов
- Д. Т.Эназаров

86. Топонимларни илк бор топоформантлар ёрдамида ўрганган олим ким?

А. В.Жучкевич

Б. С.Қораев

С. Н.Охунов

Д. А.Востоков

87. Жой номлари таркибидаги тұқувчилик касбиға алоқадор номни белгиланғ.

А. Парчабоғ

Б. Йүрмадұз

С. Чармгар

Д. Тұғри жавоб берілмаган

88. Топонимик тадқиқотларда статистик усул қандай афзаллиklärарга әга?

А. Ном ҳақидаги тасаввурни конкретлаштиради

Б. Аник хулоса чиқаришга құмаклашади

С. Номларни фоиз нисбатларини чиқаришга ёрдам беради

Д. Барча жавоблар тұғри

89. Номларда айрим элементларни тақрорланиши нимадан дарақ беради?

А. Бир типта хослигидан

Б. Бир хил омыллар асос бўлганлигидан

С. Этник дахлдорлигидан

Д. Тұғри жавоб берілмаган

90. Топонимларни пайдо бўлиши, тургунлашиши ёки қайта номланиши қандай ўзгаришлар билан боғлиқ?

А. Сиёсий

Б. Иқтисодий

С. Ижтимоий

Д. Барча жавоблар тұғри

91. Топонимларни ёнма-ён келиши, уларни бир-бирига нисбатан ном олиши қайси қонуният маҳсулидир?

А. Халқона этимология

Б. Қаторлар қонуни

С. Ўзлашма номлар қонунияты

Д. Нисбий негативлик қонунияты

92. «Аҳоли пунктларининг маҳаллий номларида географик манзара акс этади» номли асар муаллифини аниқланг.

- А. Ҳасанов
- Б. Э.Мурзаев
- С. В.Семенов-Тян-Шанский
- Д. В.Бартолд

93. “Жой номлари табиат ва жамият кўзгусидир”- деган иборани муаллифи ким?

- А. М.Миракмалов
- Б. С.Қораев
- С. Ҳ.Ҳасанов
- Д. Т.Нафасов

94. Африка қитъасининг номи қандай маънога эга?

- А. Африги (“горда яшайдиган одамлар”) қабиласи номи билан боғлик
- Б. Афри (грекча) - сўзи совуқ эмас маъносини англатади
- С. Африка номли сайёҳ кашф этган
- Д. Жанубий Африка Республикаси номидан олинган

95. Антарктидани қайси давлатнинг сайёҳлари кашф этган?

- А. Франсия
- Б. Италия
- С. Германия
- Д. Россия

96. Австралия сўзи қандай маънога эга?

- А. Номаълум ер
- Б. Жанубий ер
- С. Жанубий мамлакат
- Д. Номаълум орол

97. Американи “Янги дунё” деб аташни ким таклиф қилган?

- А. А.Веспуччи
- Б. М.Валдземюллер
- С. С.Кабот
- Д. Х.Колумб

98. Жиззах сўзининг лугавий маъносини аниқлаб белгиланг.

- А. Сўғд тилида “кичик қалъа”
- Б. Туркий тилда “зах жой”
- С. Араб тилида “иссиқ жой”
- Д. Лугавий маъноси аниқ эмас

99. Жой номлари худуд табиатини акс этишидан мақсад нима?

- А. табиатдан оқилона ва унумли фойдаланиш мақсадида
- Б. фойдали ўсимликларни аниқлаш учун
- С. худуд табиатига таъсини кучайтириш мақсадида
- Д. табиатни муҳофаза қилиш мақсадида

100. Топонимик тадқиқотларда картографик методни кенг қўллаган олим ким?

- А. Е.Поспелов
- Б. Н.Надеждин
- С. А.Попов
- Д. С.Кораев

МУНДАРИЖА

Сўз боши

I БОБ. ТОПОНИМИКАНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

- 1.1. Кириш
- 1.2. Топонимика ва географик терминшунослик
- 1.3. Топонимиканинг ривожланиш тарихи
- 1.4. Топонимик тадқиқотлар
- 1.5. Географик терминлар

II БОБ. ГЕОГРАФИК НОМЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

- 2.1. Топонимик синф (класс) лар, уларнинг тавсифи ва турларга ажратиш мезонлари
- 2.2. Табиий-географик омиллар асосида шаклланган топонимлар
- 2.3. Этнотопонимлар ва антропотопонимлар
- 2.4. Касб-хунар, савдо-транспорт, афсонавий ва диний эътиқодлар билан боғлиқ номлар
- 2.5. Топонимика ва ландшафт

III БОБ. АМАЛИЙ ТОПОНИМИКА

- 3.1. Топонимикага оид хуқуқий-меъёрий ҳужжатлар
- 3.2. Географик номларнинг ёзилиши ва талаффузи
- 3.3. География таълими ва топонимика

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ВИЛОЯТЛАРИ ТОПОНИМИЯСИ

- 4.1. Ўзбекистон топонимиясига умумий тавсиф
- 4.2. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри топонимияси
- 4.3. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навои вилоятлари топонимияси
- 4.4. Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари топонимияси
- 4.5. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари топонимияси
- 4.6. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари топонимияси

Тавсия этилган амалий машғулотлар мавзулари

Тавсия этилган мустақил иш мавзулари

Глоссарий

Адабиётлар

Хотима

Илова

Тест топшириклари

ОГЛАВЛЕНИЯ

Предисловие
РАЗДЕЛ I. ТЕОРИЯ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ТОПОНИМИКИ
1.1. Введение
1.2. Топонимика и географические терминология
1.3. История развития топонимики
1.4. Методы топонимических исследований
1.5. Географические термины
РАЗДЕЛ II. ВИДЫ ГЕОГРАФИЧЕСКИХ НАЗВАНИЙ
2.1. Топонимические классы и основные принципы классификации
2.2. Топонимы, отражающие природные условия
2.3. Этнотопонимы и антропотопонимы
2.4. Производственные, торгово-транспортные и религиозно-культовые топонимы номлар
2.5. Топонимика и ландшафт
РАЗДЕЛ III. ПРАКТИЧЕСКАЯ ТОПОНИМИКА
3.1. Правовые и нормативные документы топонимики
3.2. Правописания и произношения географических названий
3.3. Географическая образования и топонимика
РАЗДЕЛ IV. ТОПОНИМИЯ УЗБЕКИСТАНА
4.1. Общий обзор топонимии Узбекистана
4.2. Топонимия Ташкентского вилоята и города Ташкент
4.3. Топонимия Республики Каракалпакстан, Хорезмской, Бухарской и Навоийской вилоятов
4.4. Топонимия Ферганской, Наманганской и Андижанской вилоятов
4.5. Топонимия Кашкадарьинской и Сурхандарьинской вилоятов
4.6. Топонимия Самарканской, Джизакской и Сырдарьинской вилоятов
Рекомендуемые темы практических занятий
Рекомендуемые темы самоподготовки
Заключения
Глоссарий
Литература
Приложение
Тесты

CONTENTS

From the author

SECTION I. THEORETICAL METODOLOGIKAL DASIS OF TOPONYMY

- 1.1.** Introduction
- 1.2.** Toponimic and geographic terminology
- 1.3.** History of toponimic development
- 1.4.** The methods of toponymical researches
- 1.5.** Geographic terminology

SECTION II. TYPES OF GEOGRAPHIC NAMES

- 2.1.** Toponimic classes are their classification and categorization of species
- 2.2.** Toponyms reflecting in natural - geographical conditions
- 2.3.** Etnotoponyms and antroponyms
- 2.4.** Professional, trade-transportal and religion-cultural toponyms
- 2.5.** Toponymy and landscape

SECTION III. PRACTICAL TOPOONYMY

- 3.1.** Legal documents related to toponomy
- 3.2.** The grammatical features and spelling of geographical names. The problems in spelling standardization of toponyms
- 3.3.** Education of geography and toponomy.....

SECTION IV. TOPOONYMY OF UZBEKISTAN REGIONS

- 4.1.** General classification of Uzbekistan toponomy
- 4.2.** Toponymy of Tashkent region and Tashkent siti
- 4.3.** Toponymy of Karakalpakstan Republik, Kharezm, Bukhara and Navai regions
- 4.4.** Toponymy of Fergana, Namangan and Andijan regions
- 4.5.** Toponymy of Kashkhadarya and Surkhandarya regions
- 4.6.** Toponymy of Samarkand, Dhizak and Sirdarya regions

- Recommended topics of practical exercises
- Recommended topics of independent works
- Conclusion
- Glossary
- Bibliography
- Application
- Tests

